

ҚАЙГУДОШ

*Абу Абдулборий
Жалолиддин ибн Иброҳим*

﴿إِنَّمَا أَشْكُواْ بَثِي وَحُزْنِي إِلَىٰ اللَّهِ﴾

﴿Ғам-ғуссан ва қайғумни фақат Аллоҳга шикоят қилурман.﴾

Юсуф сураси 86-оят.

Набий ﷺ күпинча ғам-қайғудан паноҳ тилар әдилар.

Анас ибн Молик.

Қайгу қаритар, ғам ўлдирап.

Мақол.

Темирни занг ейди, эрни ғам.

Мақол.

Дунёнинг аввали-ю охир бир лаҳза ғам чекишига арзимаса, унинг арзимаган матоси учун бир умр ғам чекиши нечун?..

Донишманлар ўғитидан.

Ғам ғамни тугса, ғам кетидан ғам келса, билингки, бир буюк Ғам бор, унинг олдида дунёнинг барча ғам-ғуссалари арзимас ғамчага айланади...

Ғамнинг ҳамма тури инсонни руҳий азоблайди, қалбини тирнайди, илло у Ғам одамга роҳат бағишилайди. Ҳа, дунёда қувонч бағишиловчи қайгу ҳам бор...

"Қайғудои"дан.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَبِهِ أَسْتَعِينُ رَبِّ يَسِرٍ وَلَا تَعْسِرٍ وَقُمْ بِالْخَيْرِ

Биринчи қисм

Дебоча

Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала Росулиллаҳ...

Қайғули дунёда қайғусиз одамнинг топилиши амримаҳол. Мабодо шундай боқибеғам бор дейилса, билинки, у ё руҳий жиҳатдан етилмаган, ё ақлига шикаст етган, ё ўзини гўлликка солаётган муғомбир шахсдир. Зоҳиран ҳар қанча беташвиш, беғам кўринмасин бари бир у ҳам ниманингдир ғамини ейди, ниманидир ташвишида яшайди. Зеро "ёруғ дунё" деб аталмиш ярми ёруғ, ярми қоронғи бу дунёнинг табиати асли шундай: ғам-ғусса, қайғу-ташвиш, машаққат унинг ажралмас сифати. Электрон оламдаги манфий-мусбат заряд сингари тирик жон олами ҳам зиддиятли қоришмалардан ташкил топган. Қувонч билан қайғу – эгизак. Вақти ҷоғлик ер бўлса, дилгирлик гўё фалак. Йиги кулгига йўлдош, шақоват¹ саодатга кундош.

Тинч-омонликни хавф-хатар доим таъқиб қилиб келган. Сафари-ю ҳазарида* ундан ажрамай ҳамиша ҳамроҳ бўлган.

Дармонга дард девор-дармиён қўшни: қовурғаси қайишмайдиган қўшни. Истаган маҳал кириб, қайғу улашиб кетади.

Хурсандчилик билан хафагарчилик кун билан тун каби алманиш турди. Фойда-зарар, мағлубият ва зафар шаъни ҳам айни шундай: ой билан қуёшга ўхшаб айланиб турди.

Омад ва омадсизлик навбатма-навбат намоён бўлади. Бир гал униси кўриниб, хушнуд қилса, бир гал буниси кўриниб, дилни хуфтон қиласи. Пул бамисли қушдек: бир маҳал пир этиб учиб келади, бир маҳал пириллаб учиб кетади.²

Роҳат билан заҳмат оға-инига ўхшайди: роҳатдан олдин ё кейин заҳматнинг рав келиб кетиши шарт. Мотам азалдан тўй-тантанага қадамма-қадам эргашиб юрган. Думи десаям бўлаверади. Тўй бўлган жойга бир кун келиб бош суқади.

¹ Шақоват – Бахтсизлик, *Ҳазар – Бир жойда турғунлик (сафарнинг зидди).

² "Пул бамисоли кабутарга ўхшайди: учиб келади – учиб кетади".

Ф. Достоевский. Ўз.АС. 22.11.1991.

Хаётнинг аччиқ-чучуги ошхонадаги асал ва мурчдай бир-биридан унча узоқ эмас. Лаззат ва алам масофаси ҳам шунчалик яқин. Асли, алам бўлмаганида лаззат қадри билинмасди.

Яхшилик дам юз очса, дам юз ўгиради. Ёмонлик ҳам айни шундай: гоҳ ёпишиб олади, гоҳ юқмай ўтиб кетади. На унда субут бор, на бунда қарор. Иккови ҳам қўнимсиз, бекарор. Бирининг илтифотини иккинчисининг изтироби ювиб ташлайди. Бир томчи кўз ёши қувонч дарёсини булғайди.

Заволга маҳкум фоний дунё билан безавол мангут Жаннат орасидаги катта фарқларидан бири ҳам шу. Оятда келади:

﴿ وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْرُنُونَ ﴾ ﴿ Уларга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ! ﴾

Улар ҳаргиз маҳзун (замгин) бўлмаслар. } Бақара 277-оят.

﴿ لَا يَمْسِهُمْ فِيهَا نَصَبٌ وَمَا هُمْ مِنْهَا بِمُحْرِجٍ بَيْنَ أَنْتَسِنَ ﴾ ﴿ Уларга Жаннатда қийинчилик етмас! Улар Ундан чиқарилмаслар! ﴾ Хижр 48-оят.

Бир аччиқнинг бир чучуги бор дейилгангидек, хаётнинг аччиғини татиган киши кун келиб ширинини ҳам татииди. Билакс, унинг ширинини тотиб юрган кас бир куни аччиғини тотимай қолмайди. Бу борада мусулмону кофир баробар.

﴿ إِنْ يَمْسِكُمْ قَرْحٌ فَقَدْ مَسَ الْقَوْمَ قَرْحٌ مِثْلُهُ وَتَلْكَ أَلْأَيَامُ نُدَاوِلُهَا بَيْنَ أَنْتَسِنَ ﴾

﴿ Агар (бугун) сизларга жароҳат етган бўлса, (кеча бошқа) қавмга худди шундай жароҳат етган. Биз ул кунларни (залаба ва маглубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз. ﴾ Оли Имрон 140-оят.

Ҳеч ким машаққатдан қочиб қутулмас. Олимур омининг, фозилу фосиқнинг, абжиру анқовнинг албатта заҳмат чекиб, кулфат тортмоғи бор. ﴿ لَقَدْ خَلَقْنَا إِلَيْسَنَ فِي كَبِيرٍ ﴾ Балад 4-оят.

﴿ Дарҳақиқат, Биз инсонни машаққат ичра яратдик. ﴾

﴿ يَأَيُّهَا إِلَّا إِنَّكَ كَادِحٌ إِلَى رَبِّكَ كَذَّحًا فَمُلْقِيهِ ﴾ ﴿ Эй инсон, албатта сен Раббинг (томон) заҳмат чекиб саъи қилурсан ва (бир куни)
Унга йўлиқурсан. ﴾ Ал-иншиқоқ 6-оят.

Сатта соддадил, бўшанг, йўқсил кишилар қайғу қурбони бўлади, дейиш дуруст эмас. Бурганинг думини кўрган шотир, юлдузни бенарвон урмоқчи бўлган олғир ва уларга дарс берган пир ҳам қайғуради, ғам чекади. Нуқул нимжон эмас, девдай ғўлабурлар ҳам ғамни кўтаролмай ер чангллаб қолади.

Бутунлай ғамдан фориғ бўлиш Жаннат аҳлига хос хусусият. Шунинг учун улар Жаннатга қадам қўйган заҳоти:

﴿ وَقَالُوا لِلْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزَنَ ﴾ Фотир 34-оят.

﴿ Биздан ғам-қайгуни кетказган Аллоҳга ҳамд бўлсин... ﴾ деб ич-ичларидан севиниб, самимий шукроналар айтишади.

Жаннатда йиғлаган кишини топмайсиз, жаҳаннамда кулганинни. Беҳиштда баҳтсиз бўлмас, тамуғда баҳтли. Бирида заррача ғам-ташвиш, қайғу-алам йўқ, бошқа бирида заррача қувонч, шодлик... Унда ғамнок, бунда қувноқ йўқ. Аслида ҳар иккисининг ўртасида ҳеч қандай ўхшаш жиҳатлар йўқ, илло мангуликда улар муштарак, ҳар иккисида ўлим йўқ бешак.

Дунёнинг шаъни эса ҳаммамиз кўриб билиб турганимиздай ва юқорида қисман эслаб ўтилганидай, бир хил эмас. Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ.

*Ҳар тарафга бўлмагил ўзни уриб бетоблар,
Ойни ўн беши қоронғу, ўн беши моҳтоблар.*

Муқимий.

Бир кун хафа бўлган, бир куни суюнади. Ўзида йўқ севинган кун келиб чунон ранжийди. Чунки қувонч дунё ёқаси бўлса, ғам-қайғу унга ёпиштирилган ёрлиқ. Агар у бир мато бўлса, ўриши – айрилиқ; оғриқ, арқоғи – шодмонлик.

Ажин йиллар йиққан ғамдан нишона, кулгич шодликдан. Зиддиятли бу икки белги зиддиятли дунё нишонаси.

Оlamda тирик жонзот борки уларнинг ҳар бирининг ўзига яраша қайғуси, ғам-ташвиши бор. Ҳаттоқи ҳайвон ҳам ғам ейди. Эл оғзида зарбулмасал бўлган "Эчкига – жон қайғуси, қассобга – мой қайғуси", "Қашқирнинг ўйи ёмонлик, қўйнинг ўйи – омонлик" каби мақоллар ушбу ҳақиқатни таъкидлайди. Тўғри, эчки, бўри, қўй рамзий маънони ифодалайди. Улар ортида одам боласи яширинган. Шунга қарамай, жониворларнинг одам каби қайғуриши, баъзисининг кўзидан дув-дув ёш оқиб йиғлаши инкор қилиб бўлмас ҳаётий ҳақиқат.¹

Қассоб қўлига тушган эчкининг бақириғини эшитганмисиз? Уни қушхонага судраб кетаётганларини қўрганмисиз?..

Эҳ-ҳе, унинг ваҳимали бақир-чақири, дод-фарёди оламни тутади. Бу дунёда энг ширин жон эчкининг жонимикин деб ўйлаб қоласиз. Жағи очиқ мол унчалик шовқин кўтармайди. Шунга бўлса керак "Эчкига – жон қайғуси, қассобга – мой қайғуси" дейилган. Ҳолбуки, қўй, тужа ундан кўра кўпроқ мой беради. Менимча, эчкини мойи учун сўйилмайди, лекин жонивор жон талвасасини жонли ижро этиб, даҳшатли сурон кўтаргани учун эл тилига тушиб, зарбулмасалга айланган.

Хўш, жонзот нега овозини борича бақиради? Нега бошқа ҳайвонлар тутқич бермай қочади? Одамзод билан ҳайвонот ўртасидаги айрим муштарак туйғулар нимага далолат қиласиди?

Хатарни сезган ҳайвоннинг жон қайғусига тушиши, тузоқ-қа тушгач, қутулиш чорасини излаши, инграши, бақириши, ўз боласига ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, яхшиликни билиши, яхшиликка яхшилик билан, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариши ва очқаганда қорин ғамини еб ризқ кўйида кезиши улардаги мазкур туйғуларнинг вужудига ёрқин далилдир.

¹ Абу Довуд Сунанида бир туюнинг йиғлаб, Набийга  ўз эгасидан шикоят қилгани, жанобимиз  унинг кўз ёшларини артганлари ҳақида ривоят келган.

Наботот ва жамодот оламида ҳам шу каби ҳис-туйғуни топиш мүмкин, улар ҳам ўзига хос равища қайғуради, десам, буни онгли, иймонли кишилар тасдиқлайди.¹ Бунга ишончим комил. Бирок ҳар қандай одамни бироз ҳайрат чулғаши табиий. Кимдир тараддуудланади, кимдир ўша заҳоти раддияга шошади. "Америка газетасида ёзибди", "япониялик олимлар айтибди", дейилса-ку, кўплар исбот-далил талаб қилмай қуруқ овозанинг ўзини дарҳол тасдиқлашади. Аммо "Куръон ва ҳадисда ворид бўлган" дейилса, баъзи бирлар тўхтаб қолади, баъзи бирларнинг марксистлиги тутиб кетади...

Саҳих санад билан келган хабар шубҳага ўрин қолдирмайдиган далилдир. Ундан юз ўғирии эвазсиз зиён-зарар.

Тубандаги хабар энг ишончли – мўътамад манба Саҳихи Бухорийдан олинди. Жобир ибн Абдуллоҳ رض Росули Акрам صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ масжидларида ўз кўзи билан кўриб гувоҳи бўлган ғаройиб ҳодисани ҳикоя қиласди:

Ансор аёллардан бири Росулуллоҳ соллаллоҳу алаїҳи васалламга қаратат:

– Ё Росулаллоҳ, сизга масжидда ўтиргани бирор нарса ясаб берайинми? Менинг дурадгор уста ғуломим бор, – деди.

– Хоҳишинг, – дедилар.

Аёл масжидга минбар ясаб олиб келди. Жума куни бўлгач, Набий صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ минбарга ўтирдилар. Шунда, илгари Росулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ унинг ёнида туриб хутба ўқийдиган хурмо дарахти ҳўнграб юборди. У шунчалик қаттиқ ҳўнграганидан ёрилиб кетай деди. Набий صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ ўша заҳоти минбардан тушиб, дарахт ёнига келдилар. Уни ушлаб бағриларига босдилар.

Дарахт юпанчиққа муҳтож ёш боладай инграй бошлиди. Сўнг юпаниб йиғидан тўхтади.

¹Достоевский дейди:"Тасаввур қилинг, ҳатто дарахтлар ҳам ўзи ҳакида ниманидир тушунади, ҳис қиласди ва ҳаётдан баҳра олади".

(Ғаройиб бу ҳодисани масжиддагиларнинг бари кузатаётган эди. Шунинг учун жанобимиз буни изоҳсиз қолдирмай):

— *У эшитиб турган зикрдан айрилгани учун йиғлаб юборди, — дедилар.*

Киссанинг асли "Саҳих"да¹

¹ "Темирни қизифида бос" дейилганидек, ушбу ҳадис баҳонасида асл мавзудан бироз четланиб, аёл кишининг жамиятдаги ўрни ҳақида қисқа сўзлашга эҳтиёж сездик. Набототнинг ғам чекишига далил ўлароқ келтирилган бу ҳадис мадлули кенг бўлгани боис, уни шундай, беизоҳ ташлаб кетгимиз келмади. Чунки аёл ҳуқуқи, жамиятдаги ўрни ҳақида ҳар ким оғзига келганини гапириб ташляяпти. Кундай равshan ҳақиқат баъзиларга хира кўринмоқда. Қўлимиздаги шу қисқа бир ҳадиснинг ўзиёқ кимлар учундир чигал туюлган кўп тугунларни ечиб бериб, масалага ойдинлик киритади.

Кимдир: "Ислом аёлни тутқунликда сақлайди, кўчага чиқармайди, жамиятда аёлнинг ҳеч қандай ўрни йўқ" деб тухмат тошини отса, кимдир: "Уйда ўтириш ҳақидаги оят Пайғамбарнинг завжаларига хос, қолган мўминаларга фарз эмас, аёл хоҳлаганданда кўчага чиқиб, хоҳлагандан уйга киради", деб ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам жаҳолат ботқоғига ботиради. Яна кимдир (булар жуда озчиликни ташкил қиласди) қизғанибми, ё бошқа сабабми рафиқасининг остона ҳатлаб ташқарига чиқишига, ҳатто яқинлар зиёратига боришга мутлоқ рухсат бермайди.

Ҳар учала нотўғри тушунчада тафрит-ифрот* зоҳир. Жабру жафова жаҳолат яққол кўриниб турибди.

Келинглар, ушбу тарихий ҳақиқат орқали диний ҳақиқатга етишишга ҳаракат қиласлил. Ровий дейди:

Ансор аёллардан бири Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратма:

— *Ё Росулаллоҳ, сизга масжида ўтиргани бирор нарса ясаб берайинми? Менинг дурадгор уста гуломим бор, — деди.*

— *Хоҳишинг, — дедилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.*

Ровий: "Ансор эркаклардан бири, машҳур саҳоба, бир нечта ҳунарманделар: дурадгор, темирчи йигитлар ва катта-кичик савдогарлар", демади, балки امرأة من الأنصار *Ансор аёллардан бири* деб сўз бошлади.

Бу ибтидо дикқатга моликдир. Тааммул ва тафаккурга лойикдир.

Ҳадисни ҳаммамиз биргаликда тааммул қилиб кўрайлик.

Набий ﷺ масжидлари намоз ўқиладиган ибодатхона, илм олиандиган илмгоҳ, маънавият манбаи, ҳикмат хазинаси, билим булоғи ҳамда муаммолар ҳал қилинадиган адлия маҳкамаси эди. Аёллар эркаклар каби бу қутлуғ даргоҳга келиб, ибодат қилишар, ваъз, хутба тинглашар, Росулуллоҳга ﷺ турли-туман саволлар билан мурожаат қилишар эди. Мусулмонлар сафи кун сайин эмас, соат сайин ошиб боради. Иймонлиларнинг тобора кўпайиши боис масжидга келадиганлар сони ортади. Башарият муаллими хурмо дараҳтига суюниб ваъз айтишда давом этадилар. Шунда ансор (мадиналиқ) аёллардан бири Аллоҳнинг элчисига фикр билдиради. Аёл асосан қўпчилигини эркаклар ташкил қиласиган масжид учун минбар лойиҳасини ўртага ташлайди. Ва буни ўз ҳисобидан ясаб беришни бўйнига олади. Ожида бу ишдан ожиз эмаслигини исботи ўлароқ: "*Менинг дурадгор уста гуломим бор*", деб қўшиб қўяди. Онҳазрат ﷺ аёл таклифини рад этмай, жуда ажойиб услугуб билан қабул қиласилар. "*Хоҳишинг*", дейдилар, яъни сен бунга мажбур эмассан, истасанг, бирор нарса ясатиб кел, истамасанг, йўқ, деб ихтиёрни аёлнинг ўзига топширадилар.

Дикқат қилинг! "*Масжидда ўтиргани бирор нарса*", Росулуллоҳ ﷺ уйларига эмас, балки жамоат йиғиладиган ва боя айтилганидек ибодат, таълим-тарбия билан бирга жамият мушкулотлари ҳал қилинадиган жамоат жойи учун ясаб бермоқчи.

Нега айнан аёл киши бу таклиф билан чиқди?

Бунинг бир неча сабаби бор: 1-Саф кенгайгач, орқа сафда турадиган аёлларга Росулуллоҳ ﷺ қироъатларини ва дарсларини тинглаш бир оз қийинлашган. Минбар бу муаммо учун энг қулай ечим эди. 2-Аёлларнинг билимга чанқоқлиги бунга асосий сабаблардан деб кўрсатиш мумкин. 3-Саҳобиялар жамият ишида фаол эдилар. Улар ўз фикрларини қўрқмай баён қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

"Менинг дурадгор уста гуломим бор".

Бундан иккита нарсани тушуниш мумкин.

1. Аёл қўл остида ишчилар ишлайди. Замона таъбири билан айтганда: у – тадбиркор аёл.

2. Ваъда берилган нарса кўрпача эмас, дурадгор ясайдиган минбар. Бир ривоятда "Минбар ясаб берайинми?" деган лафз очиқ айтилган.

Бундай ғамхўрликни жамият ғамини ейиш, жамият ишига фаоллик дейилмайдими?!..

Аёл ўз сўзининг устидан чиқади, масжидуннабийга минбар ясаб келтиради.

Шу ҳадисга асосланиб айтиш мумкинки, Исломда биринчи бўлиб минбар фикрини олға сурган, таклиф қилган ва уни ясатган меъмор аёл кишидир.

(Минбар тарихи ҳақида турли маълумотлар келган, лекин уларнинг биронтаси "Саҳиҳ"да келган мазкур ҳадисдек кучга эга эмас). Мадина минбаридан тарқаган нур яшин тезликда оламга таралиб, курраи заминнинг катта қисмини ёрита бошлайди. Бугунги кунда ер юзида масжиди йўқ мамлакатнинг ўзи йўқ. Ҳар бир Жомеъ масжидида албатта минбар бўлиши шарт. Минбар эса бир муслима ташабbusи билан ўрнатилган. Бу – тарихий ҳақиқат.

Агар ҳақиқатда Ислом аёлни тутқунликда сақлаганида, мутлақо кўчага чиқармаганида, аёллар жамият ишига умуман аралашмаганида, чинданам жамиятда аёлнинг ҳеч қандай ўрни, вазни бўлмаганида, бу аёлнинг фикри умуман олинмас эди. Аслида аёл киши жамоат жойига келмаганида минбар ясаб, мусулмонларга қулайлик яратиш фикри унинг хаёлига умуман келмас эди...

Шундан кейин ким, қайси юз, қандай тил билан: "Ислом аёлни тутқунликда сақлайди, кўчага чиқармайди, жамиятда аёлнинг ҳеч қандай ўрни йўқ" дея олади?!

Саҳиҳи Бухорийда *باب الزَّكَاةِ عَلَى الرُّوحِ وَالْأَيَّامِ فِي الْحَجَرِ* Эрга ва ўз қарамоғида-ги етимларга закот бериш (хукми ҳақидаги) боб бор. Унда ёзилишича, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг рафиқаси эрига:

– Росулуллоҳдан сўраб берсангиз, сизга ва қарамоғимдаги етимларга садақадан инфоқ қилмоғим жоизми? – дейди.

– Ўзинг сўраб кела қол, – дейдилар Ибн Масъуд.

– Набий ﷺ хузурларига йўл олдим, – деб сўзини давом эттиради аёл. Эшик олдида мадиналиқ бир аёлни кўриб қолдим. Иккимизнинг муаммолиз бир хил экан. Ёнимиздан Билол ўтиб қолди. Биз унга: Набийдан ﷺ сўраб беринг, биз аёллар эrimизга ва қарамоғимиздаги етимларга молимиздан садақа қилсак бўладими? Бизнинг кимлигимизни айтманг! – дедик.

Билол ичкарига кириб аёллар сўзини етказади.

– Ким у? – дедилар жанобимиз ﷺ.

– Зайнаб, – деб мубҳам тарзда тўғрисини айтишга мажбур бўлади Билол.

– Қайси бир Зайнабларни айтяпсан?

– Абдуллоҳ ибн Масъуднинг рафиқаси.

– Ҳа, жоиз. Унга икки баробар савоб бўлади: қариндошга яхшилик, ёрдам савоби, садақа савоби.

Аёл эрига мурожаат қилиб, Аллоҳнинг Росули: давлат раҳбари, мамлакат муфтиси, масжид имом-хатиби, башарият устози ҳузурига бориб, ижтимоий, иқтисодий муҳим бир масалани ечиб келишини талаб қилди. Тақвадор эр: "ўзинг сўраб кел", деди. Муаммони ўзича ҳал қилмади, ўзича фатво бермади. Балки аёлнинг ўзи бориб бунга аниқлик киритишига рухсат берди.

"Бизнинг исмимизни айтманг!"

Исломнинг маҳфий тутилиш сири эр обрўсини сақлаш учун эди.

Остонадаги икки аёл тўппа-тўғри Росулуллоҳ ҳузурларига кирмай, кўчадан ўтиб кетаётган Билолни ишга солдилар. Бошқа хабарда: "Билол аёлларга изн олиб чиққач, ичкарига кирадилар", дейилган.

Бир зумда икки аёл ўзларини қийнаган муаммони эрнинг рухсатидан сўнг, ўзлари Росулуллоҳ ҳузурларига бориб ҳал қилиб қайтдилар.

У қандай муаммо эди? "Бой хотин ўзининг қўли юпун эрига садақа қилиши жоизми, жоиз эмасми?"

Бу, аёлларнинг актив, илғор эканлигига далил бўлмайдими?!..

Исломда аёлнинг фуқаролик ҳуқуқи, эрки, ихтиёри бўлмаганида давлат раҳбарининг ёнига кира олармиди?! У билан бемалол сўзлаша олармиди?! Закотга қодир бўлармиди?!..

Агар эр зўравон бўлганида, хотинидан пулни тортиб олмасмиди?!..

Жамиятда аёлнинг ҳеч қандай ўрни бўлмаганида иккита аёл бегона эркакни (Билолни) ишга сола олармиди?! "Бизнинг исмимизни айтманг!" деб ўз шартини қўя олармиди?!

Уларга эркаклар каби мулкдорлик ҳуқуқи берилмаганида, улар тўла ҳуқуққа эга бўлмаганида эридан қўра бойроқ бўлармиди?!

Ислом оламида *Эрга ва ўз қарамогидаги етимларга закот бериш ҳукми ҳақида* баҳс юритилармиди?!

Шундан кейин ким, қайси юз, қандай тил билан: "Ислом аёлни тутқунликда сақлайди, кўчага чиқармайди, жамиятда аёлнинг ҳеч қандай ўрни йўқ" дейишга журъат этади.

Ислом Аёлга жамиятнинг teng ярми деб қарайди. Ва қолган ярмини дунёга келтирган хилқат деб билади.

Демак у – бутунбошли жамият.

Жамият онаси, дояси, энагаси.

Умр йўлдоши – Эркак учун хотиржамлик маскани.

Насл-насабни давом эттирувчи қиз, келин.

Маслаҳатгўй опа-сингил.

Уларсиз ҳаёт totли кечмайди, мутлақо давом этмайди.

Улар жамолини ўртада қилишни, гўзаллиги, латофати, аёллиги, орномуси ва ҳаёсига путур етказадиган оғир ишларни улар зиммасига юклашни, заиф кучидан эшак каби фойдаланишни, уларни молдек ишлатишни байни зулм, адолатсизлик, жабру жафо деб билади. Бу – келажак оёғига болта уриш, жамиятни вайрон этиш демакдир.

Агар ҳозир тафрит-ифротдан иборат кейинги иккита нотўғри тушунчага бирма бир жавоб берсак, асл мавзудан анча йироқлашиб кетамиз. Бу масала алоҳида кенг баҳсга муҳтож. У хусусда алоҳида сұхбатлашиш ниятимиз бор, инша Аллоҳ.

***Тафрит** – Камчиликка йўл қўйиш, сустлик. Мўътадилликдан пастки ҳолат.

Ифрот – Ҳаддан ошиш, ошириш.

Мумтоз адабиётимиздаги ҳар бир калима она тилимиздан ҳисобланади. Мир Алишер Навоий ва бошқа шоирлар асарларида ушбу икки калимани топасиз. Авлоднинг аждод тилини сақлаши фазилат. Шунга кўра қўрқмай боболар тилида янграган калималарни ишлата-вердим.

***Шақоват**, **Ҳазар** калималари ҳам шулар жумласидан.

Фан-техниканинг ривожланиши сабабли ва мўр-малаҳдай ёйилаётган глобаллашув боис тилимизга кундан кунга янги калималар қўшилмоқда. Бу – бир томондан яхши... Шунинг муқобилида "эски" деган важ билан боболар тилини истеъмолдан чиқариб юбориляпти. Бу эса ҳар жиҳатдан яхши эмас...

Энди асл мавзуга қайтсак.

Борлиқ Бунёдкори тоғу тош ҳақида хабар бериб деди:

﴿ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَهْبِطُ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ ﴾ *Шундай тошлар борки, улар*

Аллоҳдан құрққанидан пастга қулайди.

Бақара 74-оят.

Муслимда келган ҳадисда жанобимиз ﷺ: "Мен Маккадаги бир тошни биламан. Пайғамбар бўлмасимдан олдин у менга салом берар эди. Ҳозир ҳам уни танийман", деганлар.

Хуллас, ҳайвонот, наботот, ҳатто жамодот ҳам қайғуради. Ушбуларки қайғурса, нечун одамзод қайғурмасин? Ахир унда дил, тил бор. Ортда қолган ўтмиши, мубҳам келажаги бор. Ўтмиши кун-тун каби оқ-қора. Дудмол келажагидан дили садпора. У бугуннинг ғам-ташвиши етмаганидек эртани ўйлади, ўтмишни эслайди. Ёзда қиши ғами, қишда ёз. Олам-олам орзу-истакларни рӯёбга чиқариш учун жонини аямай ўзини ўтга, сувга уради. Гоҳ исён, гоҳ тоат... гоҳ тўғри, гоҳ эгри... гоҳ савоб, гоҳ гуноҳ... Ортга боқиб уф тортса, олдинга боқиб оҳ уради. Шундай бўлгач, у қайғурмай ким қайғурсин?

Бахтсизнинг ғами кўп десак, "бахтлиман" деганинг ғами унидан қолишмас экан. Борнинг ташвиши йўқнидиан кам эмас кўринади.(Агарчи такрор бўлсада, **Бадиъада** келтирганим Шухрат шеърини шоҳид ўлароқ бу ерга нақл қилиб, "бахтиёр одам" нолаларига қулоқ тутайлик).

Таниқли адаб "Бахтлимани мен?" шеърида ўзининг зоҳирий "бахти" сўроқ остида эканига ишора қиласи.

*"Бахтиёр одам!" деб баъзи кишилар
Орқамдан кўрсатиб қолади мени!
Оҳ, улар ғамимни қандай билишар,
Бу ҳаёт не кўйга солади мени!*

*Шу ҳолда, айт, менинг нимам бахтиёр,
Нимамга кишилар қиласи ҳавас?!
Менинг ҳам бир дунё ташвишларим бор,
Шу ташвиши-дардларга дош беролсан бас!*

Шухрат. Шарқ юлдузи. 1988 йил, 4-сон.

Тегирмондан чиққандай сочи оқариб кетган рангпарни ғам шу күйга солган десак, ҳамиша хандон хумпарни ҳам вақт қаритиб, ё қаритмай ғамгин тусига киритиб қўяр экан. Гадога ташриф буюрган қайғу шоҳни четлаб ўтмас экан. Хонумонидан айрилган сўнгги хонлар ва юртни вайрон этиб, охири бир-бирининг гўштини еган агрессорларнинг аянчли қисмати ва ҳасрати бунга ёрқин мисол. "Қор бошига қор, хон бошига хон етар, Подшо келар-кетар, омма қолар", деганларидаи, Романовлар сулоласининг сўнгги шоҳи Николай (1868-1918) 52 ёшида оила аъзоси билан бирга ваҳшиёна тарзда отиб ўлдирилади. Ҳатто йўргакдаги чақалоққа ҳам раҳм-шафқат яқин йўламай четлаб ўтади. Мурдалар мусла қилинади.

"Ҳеч ўлмас, ҳамиша ҳаёт" дейилган бечироқ В. И. Ленин (1870-1924) айни айш сурар ҷоғида оғир дардга чалиниб 54 ёшида жонни Жабборга топширади.

На Николай боқий қолиб даврон сурди, на унинг қотили... Ким ҳам боқий қоларди? Ахир дунё бебақо, тахт бевафо-ку.

1918 йил 30 август куни Халқ Комиссарлари Советининг раиси В. И. Ленинга ўқ узилади. "Дохий"ни нишонга олган мерган Фанни Ефимовна Каплан деган аёл эди.

Ўқ нишонга тегади. Бироқ ўлжа ўлмайди. Битта ўқ эртасига мингта ўқ бўлиб халқ устига ёғилади. Шубҳа остида минглаб бегуноҳларнинг ёстиғи қурийди. Шундан сўнг инсон ҳуқуқи деган олий тушунчага бутунлай барҳам берилади.

Қорли тоғларда эҳтиётсиз узилган ўқ қор кўчишига олиб келади, кўчки аста-секин тезлашиб, бошқариб бўлмайдиган кучга эга бўлади ва ўз ўйлида учраган барча нарсани – уйлару қўргонларни, одамлару ҳайвонларни, дарахтзору боғларни битта қолдирмай домига тортади. Алқисса, Каплан отган ўқ ҳам ҳаётга ваҳшатли "қизил" кўчкисини бошлаб келади. Кўчки тезлигини ошириб, шаҳарлар ва қишлоқларни ямламай ютиб, кексаю ёш, ҳатто гўдакларни, бой ва камбагаллар қисматини поймол этаверади. Каплан қаторасига деворларга тираалаётган, жарликларга иқтилаётган, дарё ва денгизларга чўқтириб ўлдирилаётган ҳалқни кўриб ва унинг қилмиши туфайли улкан мамлакатда авж олган шафқатсиз

жазолашлару ҳуқуқсизликнинг урчиб кетишини кўриб, эҳтимол,¹ бундан кўра бошқачароқ тадбир кўришни маъқул кўрган бўлармиди?..

Чин иймондан мосуво жамият шаъни шундай – беҳикмат тутим халқ бошида калтак бўлиб синади. Ҳақ-хуқуқлар поймол бўлади. Бундай нодонлик ситамкорга тайёр баҳона.

Тарихнинг ҳамма саҳифаси бир хил эмас. Хунрезликка гувоҳ тарих хушнудликка ҳам гувоҳ. Адолатсизликни кўргани кабиadolатни ҳам кўрган.

Саҳиҳайнда келишича, яхудий аёл Набийга ﷺ заҳарланган гўшт тақдим этади. Ҳазрат ва айрим саҳобалар ундан тановул қилиб заҳарланадилар. Бишр ибн Баро ﷺ вафот этади.

- Нега ундей қилдинг? – деб сўрайдилар Набий ﷺ.
- Сени ўлдиришни истадим, – дейди аёл очиқласига.

Саҳобалар "жиноятчини қатл қиласликми?" деб сўраганларида жаноб ﷺ "йўқ" деб, қотил аёлни афв этадилар.

Умар ибн Хаттоб ﷺ билан бирга олти кишини пичоқланган Абу Луълуъ Мажусий ўша ерда ўзини чавақлаб ташлайди. Шу билан жиноят ёпилиб, ҳеч кимнинг тинчи бузилмайди. Қотил яқинларига, миллатдошларига зуғум ўтказилмайди.

Ажал шамширининг ўзи ўткир, кўзи сўқир: яхши-ёмонни ажратмайди, ҳеч кимни аямайди, мўлжалда адашмайди.

1449 йилнинг октябри, Маккага йўл олган Мовароуннахрнинг таҳтдан четлатилган ҳукмдори Мухаммад Тарағай Улуғбек карвонини шом намози вақтида бир чопар қувлаб етади. Аббос исмли навкар янги ҳукмдор номидан Улуғбекка отдан тушиб, бир муддат тўхтаб туришни, унга "ярашгулик асбобу анжом ҳозирланаётгани"ни айтади. Мирзо Улуғбек навкалари билан яқин орадаги кичик қалъага қўнади ва олов ёқиши буюради. Шунда ногаҳон, бир шахс ҳамроҳлигига ичкарига кирган нобакор Аббос Мирзо Улуғбекка чанг солади. Сўнг уни ташқарига олиб чиқиб, машъала ёнига тиз чўқтиради.

¹ Евгений Данилов. "Бир хил суиқасд, икки хил жазо". Шарқ юлдузи. 1990.8.

Муаррих Мирхонд таъбирича, "шамширнинг бир зарби ила шаҳидлик даражасига етказади".

Бу, қулғимизга қуйилиб, зеҳнимизда муҳрланган тарих: Абдуллатиф – падаркуш, шайхлар – реакцион руҳонийлар. Кейинги кунларда биз билган маълумотни лойқалатадиган янги маълумотлар пайдо бўлиб қолди. Айтишларича, Улуғбекни ўлдиришга ўғли Абдуллатиф эмас, Мўғлукхон деган бошқа бир шахс фармон берган экан, кейин Абдуллатифдан тўнкаб, турли миш-мишлар тарқатган. Нима бўлган тақдирда ҳам 55 ёшга чиққан олим ва одил ҳукмдор Улуғбек Тарағай (1394-1449) тахти ташлаб, (ёки тахтдан айрилиб), Байтуллоҳга йўл олган муқаддас сафари чоғида қатл қилинади.

*Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оlamу олам аҳлидин бу илик.
Бобуро, икки подшоҳликдин
Яхишироқ бу замонда бир беклик.*

*Давлатга этиб, меҳнат элин унутма!
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма!
Борғонни, кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,
Бориши-келишингни лутф этиб, ўксутма!*

*Бесабрмену бесару сомондурмен,
Бир гамзададурмену паришондурмен.
Не диннинг ишин қилдиму не дунёning
Ё Раб, нетай, ўз ишимга ҳайрондурмен.*

Кўпга таниш бу маънодор мисралар соҳиби шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) 46-47 ёшида ўзи барпо этган салтанатни ортда қолдириб, охиратга юз тутади.

Булутларга қарата: "Истаган ерингга бориб ёғавер, бари бир сенинг хирожинг хазинамга қайтиб келур" деган халифа Ҳорун ар-Рашид вафоти олдидан: ﴿مَا أَغْفَنَ عَنِي مَالِيَةً هَلَّكَ عَنِي سُلْطَانِيَةً﴾

"Молим менга асқатмади, салтанатим ҳалок бўлди" оятини ўқиб: "Эй мулки безавол Зот, мулки завол топганни раҳм эт", деб нола қилган. Тарихда ўтган буюк салтанат соҳиби, худуд жиҳатидан жуда улкан давлат раҳбари Хорун бор йўғи 44 йил (мелодийга кўра 43 йил) яшаган экан. (149-193x = 766-809м).

Куръон ўқиб ўтирган Абдулмалик ибн Марвонга отаси вафоти ҳақдаги хабар келиб, олим тахтга кўтарилади. Шунда Мусҳафни ёпиб: "Бу охирги марта сенга боқишим" деганди.

Тўсатдан бостириб келувчи лаззат кушандаси "олим" шоҳ ҳукмронлик гаштини суроётган паллада уни йўқлаб қолади. Тахтга муентазир ворислар ҳали ота жони чиқмай туриб, ғас-солнинг оёғини ерга теккизмай саройга олиб келишади. Қаср ичидаги юрган ғассолни кўрган подшоҳ: "Кошки ғассол бўлганимда", деб ювғучиликни орзулади. Ва 59 ёшида ҳаётдан кўз юмади. Тўсатдан келган шоҳлик тўсатдан кетади.

Жаҳонга чангол солган Гитлернинг 55 ёшида ҳаром мағизи янчилган. 1945 йил апрелида туғилган кунини нишонлаган ғоратгар май ойида ўз жонига қасд қилади. 1933 йил ҳокимиятга келиб, 1945 йил ҳокимиятдан ва ҳаётдан кетган. Атиги 12 йил давр сурган. Бепушт. Хотин эмас, ўйнаш тутган.

Ситамгарлардан Сталин (1879-1953) сал узоқ умр кўрган. Иккинчи жаҳон урушидан бурни қонамай соғ чиқишига чиқди-ю, лекин бари бир у ҳам "тахт" устида ўлимга таслим бўлди.

Шоҳлар журму исёни ҳам, хайри эҳсони ҳам одамлар дилида муҳрланиб қолган, тарихда сақланган. Шунингдек икки малак битган номада икир-чикиригача ёзиб қўйилган. Вақти келса у саҳифалар очилади...

Донишманд ҳалқ ғаддор дунёни бекорга "Кўтири дунё", "Бир (мири) кам дунё" демаган. Қанча-қанча одамларнинг боши кўкка етганда оёғини осмондан келтирган. Шу боис манаман деган муштумзўрларнинг думи тугилиб, ҳасратидан чанг чиқкан...

ДЕМИШ ХОН¹

(Худоёрхон ҳасрати)

Чекиб ҳасрат демиш хон: шахри Ҳўқандимдин айрилдим,
Иним султон Муродбек эрди пайвандимдин айрилдим,
Ки Насриддин деган шаҳзода дилбандимдин айрилдим,
Яна Ўрмонбек отлиқ яхши фарзандимдин айрилдим,
Бошимда тож, белим узра-камарбандимдин айрилдим.

Кўриб давлат ғурурин юрту элдин бехабар бўлдим,
Заволини кўриб, дўстлар, хазондек ғам билан сўлдим,
Гуноҳсиз нечалар мўю соқолин тердириб юлдим,
Мукофотин кўриб, дўстлар, ажал келмай тирик ўлдим,
Қолиб бу ерда ғамлар бирла, хурсандимдин айрилдим.

Чиқардим бидъат ишларни хазина бўлса шояд деб,
Ижора бирла таг жойи олурдим тўлса шояд деб,
Хушомадгўйларим ўргатдилар хон кулса шояд деб,
Фақир бечораю бе хонумонлар ўлса шояд деб,
Ёмонлар сўзи бирла яхшилик пандимдин айрилдим.

Кауфманга муроса деб қилурдим ошнолигни,
Кўтарди ул кўнгилнинг хонасидин рўшнолигни,
Шариатга солиб раҳна қилардим беҳаёлиғни,
Бериб султонлигимни мен сотиб олдим гадолигни,
Хазина ичра ях дону саноч ганжимдин айрилдим.

¹ Завқий. АЖАБ ЗАМОНА. Тошкент 2003 йил.

Хароб бўлдим бу ерда билмадим ободлик қадрин,
Кишига қул бўлиб билдим бугун озодлик қадрин,
Кўриб меҳнат, мاشаққатлар билибман шодлик қадрин,
Шикоримдан қолиб, фаҳм айладим сайдлик қадрин,
Қўлимдан кетди давлат оҳуси сайдимдин айрилдим.

Васиқа бузганим, албатта, бошимға бало бўлди,
Тушиб эл ичра ғавғо шўру шарга мубтало бўлди,
Раият тортди тиф шоҳига, найлай, беҳаё бўлди,
Тутиб Офтобачи бирла ҳамма лашкар адо бўлди,
Захар бўлди еган ошим, ширин қандимдин айрилдим.

Менингдек ҳеч мусулмон хонавайрон ўлмасин ҳаргиз,
Қидирмиш-қилмишига ҳеч пушаймон ўлмасин ҳаргиз,
Хижолатдин юрак-бағри тўла қон ўлмасин ҳаргиз,
Худоёрдек яна ҳеч бандаси хон ўлмасин ҳаргиз,
Хусусан Марғинону Завқий жон Андимдин айрилдим.



Худоёрхон – ибрат ва мисол. Сабоқ оламан деганларга намуна яққол. Сабоқ олмас ғофил қисматдошларга ҳазрати хон ҳасрати қилар интиқол. Жиноятнинг бежазо қолиши амри маҳол. Мозийни булғаганларнинг бари топди завол. Калондимоглар бўлди поймол. Бошқалар ҳам эмас боқий, безавол. Ибрат олган топар камол, беибратни этади лол кунда ўзгарувчи тағири ҳол. Уқбо ғамин еган доно ибрат томон шошар дарҳол, чунки Қиёматда ҳисоб-китоб қилинур қийлу қол,¹ афъол,² тарозуга тушар ҳар бир мисқол. У кунда асқотмайди газна тўла мол, ёрдам қилмайди ўғилқиз, аҳли аёл, наф бермайди макру ол.³ Зеро у куннинг шаҳанишоҳи Буюк Мутаол, Ўзи Жамил бўлганидек ҳукмида ҳам мужассам жамол. Одил шоҳлар Унинг Соясида ҳузурланиб тургайлар қўрқмай бемалол. Ўрнак учун битти буни қул Жалол, кушиши берсин Ҳофиз эгам Зулжалол.



¹ Қийлу қол – Гап-сўз.

² Афъол – Феълнинг кўплиги, ишлар.

³ Ол –Хийла, фириб.

Турк шеъриятида ўзига хос овозга эга назмгўй малика Нодира (Моҳларойим) аёл боши билан айрим эркаклар англаб етмаган ҳақиқатни: дунёнинг бевафолиги ва ғам-ғуссаларга тўла эканини англаб етиб ва ҳис этиб, шундай деган эди:

*Қилма ғурур, эй кўнгул, кимга жаҳон вафо қилур,
Кимники сайд айлади, гусса билан фано қилур.¹*

*Меҳру мурувват аҳлига чарх муҳаббат айламас,
Жавр ила икки ёрни бир-биридин жудо қилур.*

.....

*Эмди Худо ризосини Нодира ихтиёр этиб,
Элгаadolat айлабон тавбаи Раббано қилур.*

Боқийлик ҳеч кимга ва ҳеч нимага насиб этмаслиги жўн ва чин ҳақиқат эканини Мир Алишер Навоий 500 йил муқаддам ҳакимона таърифлаб, яхши ном қолдиришга тарғиб этганлар:

*Бу гулшан ичраким йўқтур бақо гулига сабот,
Ажсаб саодат эрур қолса яхшилиқ бирла от.*

Салафига эргашган илғор фикрли шоира ҳазрат фикрини ривожлантиради:

*Хуши оқилки, айлаб яхшилиқ бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри фонийдин ўзни некном* айлаб.*

Эзгуликка энтиккан нозима, умидворликка ундан шундай дейди:

*Умидимиз борки, иқболимиз қуёши чиқажсак,
Зиндон қоронгуликлари ҳам охир ниҳояга етажсак.*



¹ Байт маъноси: *Эй кўнгил*, бу инсоннинг ўз ўзига хитоби. Араб тилида *يَا نَفْسٍ* деб мурожаат қилинади. *Қилма ғурур* мағрурланма, мансабингга, мол-мулкингга, куч-қувватингга алданиб қолма, зеро, *кимга жаҳон вафо* қилган?.. *Сайд* – Ов. Жаҳон (мол-мулк, дунё) кимники овлаб, ўз тўрига илинтиrsa, ғам-ғусса билан йўқ қилиб юборади. * **Некном** – Яхши ном.

Кувончга тўла сафобахш онларни дўст-ёр, оға-ини, узок-яқин қариндошлар билан баҳам кўриш инсоний гўзал хислат. Шодиёна кунларни уларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар билан фараҳ янада зиёда бўлиб, диллар яшнайди. Шунингдек, қайғули қаро кунларда ҳам инсон қайғудош қидириб қолади. Қайғу қамраган маҳзун, у ким бўлишидан қатъий назар: пахлавонми, заиф нимжонми, ёки бой камбағалми, қарими, ёшми бари бир ёш болага айланиб қолади. Онаизор меҳрига, унинг ширин сўзига, беозор мулойим қўлига муҳтож мурғак каби ўзига тасалли берадиган қайғудошга эҳтиёж сезади. Мунгли ғамгин ўзидан ғамни енгиллатадиган, бутунлай қайғуни аритадиган муニс ҳамдард йўлига кўз тикади. Ҳамдард ғамдош топилса, яхши, топилмаса, дард янада кучаяди.

Саҳродағи ташна йўловчи сувга зориққанидек, қайғуга чўмган ғамгин ҳам қайғудошга зориқади. Ҳатто бутун оламга раҳмат этиб юборилган Росулуллоҳ ﷺ оғир дамларда қайғудошга, ҳамдардга эҳтиёж сезардилар. Жибрийл алайҳиссалом Набийга ﷺ дам-бадам тасалли оятларини олиб тушарди.

﴿يَأَيُّهَا أَرْسَوْلُ لَا يَحْزُنْكَ الْذِينَ يُسْكِرُونَ فِي الْكُفْرِ﴾

﴿Эй Rosul, куфрга ошиқаётганлар sizni қайгуга солиб қўй-
масин.﴾

Моида 41-оят.

﴿وَلَا تَخَرَّجْنَ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُنْ فِي ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ﴾

﴿Уларга хафа бўлиб юрманг, ҳийла-найрангларидан сиқил-
манг!﴾

Намл – 69-70-оятлар.

﴿قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُ لَيَحْزُنْكَ الَّذِي يَقُولُونَ﴾

﴿Дарҳақиқат, уларнинг сўзи sizni хафа қилаётганини
билиurmiz.﴾

Анъом 33-оят.

﴿ وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّكَ يَضْبِطُ صَدْرَكَ بِمَا يَقُولُونَ ﴾

﴿ Улар сўзидан юрагингиз сиқилаётганини аниқ билурмиз. ﴾

Хижр 97-оят.

﴿ فَلَعَلَّكَ بَنْخُعُ نَفْسَكَ عَلَىٰ إِثْرِهِمْ إِنْ لَمْ يُؤْمِنُوا بِهَذَا الْحَدِيثِ أَسَفًا ﴾

﴿ Оё,¹ улар бу Сўзга иймон келтирмасалар, гам-андухдан эзилиб, улар ортидан ўзингизни ҳалок қилмоқчимисиз?!.. ﴾

Каҳф 6-оят.

Оиша розияллоҳу анҳо Росулуллоҳ ﷺ дан сўради:

– Сизга Уҳуд кунидан кўра оғирроқ кун келганми?

– Қавмингдан кўрмаган кўргилигим қолмади. Кўргиликнинг энг оғири Ақаба куни рўй берган. Мен Ибн Абдуёлийл ибн Абду Кулолга² арз қилиб, уни кўмакка чақирдим. У талабимга жавоб бермади.³ Гамгин ҳолда бошим оққан томонга юра бошладим. Шу йўсин узоқ йўл босибман. Қорнус саъолибга⁴ етганда ўзимга келдим. Бошимни кўтариб қарасам, бир дона булут менга соя солиб келаётган экан. Булут ёнида Жибрийл. У менга қаратса: "Қавмингизнинг сизга айтган сўзларини ва раддияларини Аллоҳ эшиитди. Тоғларга муаккал Малакни измингизга юборди. Не тилагингиз бўлса, унга амр этишингиз мумкин", деди. Тоғ Малаги мени чақириб салом берди. Сўнгра: "Эй Мұхаммад, амрингизга мунтазирман. Агар истасангиз икки катта тоғни улар устига қоплаб қўяман", деди.

– Балки, умид этаманки, Аллоҳ уларнинг сулбидан ёлгиз Унинг Ўзига ибодат қилиб, ширк келтирмайдиган авлодни чиқаргай, – дедим.

Бухорий ривояти.

¹ Оё – Сўроқ ва таажжубни англутувчи кўмакчи сўз: ёки, балки, эҳтимолки маъноларида. Аё – Эй, ҳой.

² Тоифдаги қабила бошликларидан бири.

³ Ёрдам бериш ўрнига душманлик изҳор этди.

⁴ Маккага яқин тоғ.

Анас ибн Молик хабар беради:

Бир куни Набий ﷺ юзлари қонга белиниб ғамгин ўтирган пайтларида Жибрийл алихиссалом келди. Шу куни Маккадаги нодонлар Пайгамбарга ҳамла қилган эди.

– Сизга нима бўлди? – ҳол сўрайди Жибрийл.

– Ҳў, анавилар менга ташланиб қалтаклашиди.

– Мўъжиза кўрсатайинми?

– Майли.

Жибрийл водий ортидаги дарахатни кўрсатиб:

– Сиз ўша дарахтни ёнингизга чақиринг, – дедилар.

Набий ﷺ дарахтни чорладилар. У юриб кела бошлади. Ҳазрат ёнларига етганда таққа тўхтаб туриб қолди.

– Энди буюрсангиз яна жойига қайтади, – деди Малак. *Росулуллоҳ ﷺ кетишига изн берганларидан сўнг дарахт ўз жойига қайтиб кетди.*

– Кифоя, менга шунинг ўзи етади, – дедилар онҳазрат ﷺ.

Имом Аҳмад ривояти. Ибн Касир "саҳих" деган.

Сайд ибн Зайд ривоят қиласи:

Росулуллоҳ ﷺ Ҳиро тогининг устида эдилар. Шунда тоғ ҳаракатга келиб тебранди. Набий ﷺ оёқлари билан тениб: "Тинчлан! Тепангда Набий, Сиддиқ ва шаҳиддан ўзга ҳеч кимса йўқ", деганларини эшиитдим.

Росулуллоҳ ﷺ билан бирга Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Саъд, Абдурраҳмон ﷺ ва тўққизинчи киши ҳам бор эди. Агар истасам, унинг номини айтардим-у, лекин...

– Ким у? Хабар беринг, – деб туриб олди ҳамсуҳбатлар.

– Мен, – деб очиқ айтишига мажбур бўлди Сайд ﷺ.

Муслим ва Абу Довудда келган.

Бу ҳодиса Маккада – жанобимиз ﷺ ҳаётларининг энг оғир дамлари кечган жойда рўй берган. Мадинага ҳижратдан сўнг сахобалар яна бир ғаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлишиди. Роҳматан лилаламийн сифатининг тасдигини ҳаётда кўришиди.

Маҳзун қайгусини юзидан ўқийдиган зот ﷺ эзгин ҳайвон ҳимоясига турадилар. Ансорий йигит боғида мунгли товуш чиқарган туяни эшишиб қолдилар. У Росулulloҳ ﷺ ни кўриб ииғлаб юборади. Оламга раҳмат бўлиб келган Набий ﷺ туя бошини силаб юпатадилар. У тинчланиб, йигидан тўхтайди.

– Бу туянинг эгаси ким?

– Мен, ё Росулаллоҳ.

– Аллоҳ буни сенинг хизматиннга қўйган экан, жонивор шаънида Аллоҳдан қўрқмайсанми?! Уни оч қўйиб, кўп ишлатор экансан. Туянинг ўзи менга шундай деб шикоят қилди.

Абу Довуд Сунани.

Ушбу воқеаларга ўн тўрт асрдан ошди. Бу орада оламда жуда кўп нарса ўзгарди. Неча асрлардан бери тетапоя қилиб келаётган тараққиёт сўнгги икки асрда тик туриб, чопқиллаб кетди. Занглаб ётган темир оёқ чиқариб улов ўрнини босди, қанот ёзид парвоз этди. Оташ аравалар пайдо бўлиб, улар учун темир йўллар қурилди. Самода сайр этгали ҳаво йўллари очилди. Илгари осмонда бир Сулаймон учган бўлса, ҳозир ҳар бир инсон учяпти. Ҳайвонот оламидаги ўзгаришлар ақл бовар қилмас даражада жуда кўп ва ғаройиб. Иккита кучукча (Белка ва Стрелка) одамзоддан олдин (19.8.1960) фазога кўтарилди. Йиртқич ҳайвонлар қўлга ўргатилиб, одамзод овунчоfiga айланди. Ўрмон шоҳи шер цирк майдонида мушук ролини ўйнаяпти. Тараққиёт шу тарзда шиддат билан одим отса, қаёққа етиб боради, бу – бандасига қоронфи.

Ўзгарган нарсалар қаторида ўзгармай қолгани ҳам талай. Масалан, кўҳна дунё ва унга муҳаббат деярли ўзгарган эмас.

Унинг нози ҳам, кажрафторлиги ҳам ўша-ўша. Ўғил уйлаш, қиз чиқариш ғами, уй-жой, рўзгор ғами сақланиб қолган. Ўша қайғу, ўша ғам, ўша ташвиш, ўша алам... Бу борада айтарли ўзгариш йўқ. Қилни қирққа ёрган донолар ҳам, қаловини топиб қорни ёндирган даҳолар ҳам, ўлимдан бошқа дардга даво топган ҳукамолар ҳам ғам-қайғуга келганда оқсаб, унга барҳам беришдан ожиз қолиши. Таг-томири билан қуритиб, бутунлай йўқ қилолмадилар. Шу пайтгача барҳам топмаган қайғу узоқ умр кўриб, бизнинг даврга бўлиқиб етиб келди.

Ғам чекиши инсон боласига йўргакда теккан дард. Дунёга келиши билан ниманингдир ғамида йиғлайди. Қорни очқаб бир йиғласа, тўйгач, "йўргакни алмаштири!" деб бир йиғлайди. Қорни тўқ, йўргаги тозаси "зериқдим, мени кўтар!" деб яна йиғлайди. Баъзан бесабаб чинқираб қолади. Оёғи чиққандা ўйин ғами, каттайганда пул, шаҳват ғами. Шу йўсин йўргакда теккан дарди билан умргузаронлик қиласи. Дунёда қайғусиз одам бўлмагани каби қайғусиз ҳаёт ҳам бўлмайди.

Модомики қайғу бор экан, демак қайғудош ҳам керак. Ғам бор жойда ғамнок бўлади. Ғамнок бор жойда ғамгузорнинг бўлиши лозим. Лозимгина эмас, шарт ва зарур. Ғамхўри йўқ элат ғариб элат. Қайғудошдан маҳрум миллат мажруҳ миллат.

Кишининг қувончига шерик бўлиб, қайғусида қочиш, тўйтантанасида роса тўйиниб, ташвишли кунида ташлаб қўйиш, табрикда бурро бўлиб, тасаллида дудуқланмоқ олийжаноблар шаъни эмас. Олийжаноблар эса етарли эмас. Қайғу тушганда жипслашиш ўрнига сийраклашилади. Қайғудош анқога шафе бўлиб қолади. Айниқса, "Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортсин", "Кимнинг этагига ўт тушса, ўша куяди" каби тушунчалар битилмаган ҳаётий қонунга айланиб бораётган даврда холис ҳамдардни, етакчи елкадошни, ғамларни аритиб, дилга таскин берувчи ғамдошни топиш анча қийинлашиб қолган.

Одамгарчиликка зид бундай ғайриинсоний мантиқ иймон барқ урган жамиятга бегона. Ҳадиси шарифда келади:

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "تَرَى الْمُؤْمِنِينَ فِي تَرَاحُمِهِمْ وَتَوَادُّهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ كَمِثْلِ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى عَضُوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ جَسَدِهِ بِالسَّهْرِ وَالْحُمَّى" رواه البخاري

Сарваримиз Мұхаммад ﷺ марҳамат қилиб дедилар:

Мұминларни үзаро раҳм-шафқатда, бир-бирларига меҳр-мухаббатда, ҳамдардлик ва хайрихохлиқда бамисоли бир жасад каби күрасиз. Агар жасаднинг бир аъзоси оғриқдан шикоят қылса, қолган аъзолар бедорлик ва безгакни чорлаб, (биргаликда дард чекишиади).

Бухорий ривояти.

Олийжанобликка ундовчи бу ҳадис мұминлар бир-бирларига қайғудош,¹ ғамдош эканликларини таъкидламоқда.

Илоҳим, қайғу бозори касод бўлсин, ҳеч бир банда дард кўрмасин, нола фарёд чекмасин... Кулфат куйиб кул бўлсин, гам-ғуссалар гарқ бўлсин, ҳасратга ҳазон келсин...

Дўст-ёр, ака-ука, қўни-қўшини, қавм-қариндош орасидан қил ўтмасин, сағимизда бир дона дилтанг: гамгин, сиқилган қолмасин. Юрт обод, ҳамма дилишод, маъюслар шод бўлсин.

Илоҳим, юзингиздан табассум аримасин, ҳеч қачон қайғу нималигини билманг. Кулдирман деб ўзини ҳар кўйга соглан масхарабоз ҳангомасидан ҳирингилаб эмас, балки чинакам хуррамлик таъмини татиб, хандон отиб кулинг. (Қовурилган гўштнинг ҳавони тутган иштаҳани қитиқловчи ўткир бўйи очни тўйдирмайди. Ҳазиниятда қитиқлаш туфайли юзага келган ясама ҳиринг-ҳиринг худди шу ўткир бўй кабидир).

Еру осмонингиз тинч-омон, ҳаётингиз фаровон, хонадонингиз хушхандон бўлсин. Йўлингиз ёрқин, дастурхонингиз тўкин бўлиб, файз-барака, қувонч-ишодлик асло аримасин...

Аллоҳумма, амийн...

Бу ва бундан бошқа барча эзгу тилакларни, олий истакларни ўзимга ва сиз азизларга чин дилдан тилайман.

¹ Қайғудош – Кимсанинг қайғусига шерик бўладиган киши, ҳамдард; дардкаш.

Лекин қувончи қайғуси билан қоришиб кетган дунё қайғусидан қочиб қутулиш қийин. Модомики шундай васфга молик мураккаб дунёда нон насибамиз бор экан, албатта биз ҳам ўз улушимизни олмай қолмаймиз. Ҳар бандага келадиган қайғу бизга келганда ҳеч нимани пайқамай жим ўтиб кетмайди. Кемага тушганинг жони бир. Шунинг учун "Ҳа деган – туяга мадад", "Арғамчига қил қувват" деганлариdek, катта китоб жавонингиздан ҳеч қанча жой олмайдиган ушбу мўъжазгина Қайғудошга кўл урилди. Бунда ғам-қайғу сабаблари, турлари, фойда-зарари ҳамда унинг муолажаси борасида сўз кетади. Асарда Аллоҳ оятлари, Росулуллоҳ ﷺ ҳадислари билан бирга донишлар ўгити, ҳикмат, мақол, абёт ва қиссалар ўрин олган. Шояд қалбдаги қайғу ўрнини қувонч эгалласа, маъюс чехраларга табассум югурса, маҳзунлар мамнун бўлса...

Кимдадир ғамдош бор, кимдадир йўқ. Кимдир ҳол сўровчи дўст, ошно топса, кимдир бегона тугул, яқинлар орасида ҳам "ҳолинг нима?" дейдиган ғамхўр муnis тополмас.¹ Кимдир дил ярасига малҳам топади-ю уни қандай истеъмол қилишни билмай, донг қотиб тураверади. Гоҳида шундай: табиб топилади, дори топилмайди. Гоҳида дори хастанинг ёнида туради, қўлини чўзса етади, лекин уни қандай ишлатишни билмайди. Қўлимиздаги Қуръоннинг мисоли ҳам шунга ўхшайди. Қуръон – шифо, дардмандга даво. Унда тасалли, таскин бор, табобат бор, лекин ундан фойдаланиш турлича...

﴿ وَنَزَّلَ مِنَ الْفُرْقَانِ مَا هُوَ شَفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴾ *Биз Қуръонда мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган ояtlарни нозил этурмиз.* ﴿

Ушбу рисола ғамдош тополмаган ғамбодаларга, ғамхўри йўқ ғамзадларга армуғондир. Қайғудош тополмасангиз, шунгаям қайғуриб, руҳан эзилиб, хасдай дардни харсангга айлантирманг. Фурсат топиб ушбу Қайғудошни варақланг. Умуман, китоб ўқинг, китоб билан тиллашиб, ошно бўлинг.

¹ 31-35-саҳифалардаги байтлар ушбуни тасдиқлайди.

Абдурраҳмон Жомий олти яшар ўғилчасини китоб ўқишга тарғиб қилиб, ушбу байтларни ёзган экан.

Бу дунёда китобга юз ўғиргил,
Китоб фикри, китоб зикрида бўлғил.

Билимдон сўзи бордур бу бобда:
"Билимдон гўрдаю илми китобда!"

Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдур,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Юзин юзга қўйиб хомуш ётар жим,
Агар бармоқ била очса лабин ким

Латифлик бирла аста оғзин очгай,
Тумон, лак гавҳари маънони сочгай.

Гаҳи Қуръон сиридин айлар огоҳ,
Паямбар сўзларидин сир очар гоҳ.

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.

У билан қол танҳо ҳеч бермас озор,
Жонигга юз роҳат бергуси такрор.

Абдурраҳмон Жомий.

Кишилар савдоси бошимдан узоқ,
Эрта-кеч бўлмишам китобга ўртоқ.

Камолиддин Биноий.

Китобсиз уй – жонсиз танадай гап.

Цицерон.

ОҲКИМ, ҲОЛИМНИ СЎРМАС ОШНОЛАРДАН БИРИ¹

Эй табиб, айланма, дардим бедаволардин бири,
Ранги зардим қўру кўрма қаҳроболардин бири,²
Рўзғорим тийра,³ мен баҳти қаролардин бири,
Оҳким, ҳолимни сўрмас ошнолардин бири,
Ошнолар, балки хешу-ақраболардин бири.

Нафс шайтон бўйни ма бошлар солиб, ҳар ерга ғул,⁴
Охиратдин йўқ ғамим, фикрим ҳамиша молу пул,
Оқибат бўлдим емак-ичмак билан нафсимға қул,
Орзулар тухмидин яъсу⁵ надомат қилди гул,
Бўлмади афсус ҳосил муддаолардин бири.

Кеттилар ҳасрат билан мардум йиғиб дунё, дариғ,
Хирсу ғафлат пардаси босиб, бўлиб аъмо,⁶ дариғ.
Даҳрдин бир олий ҳиммат бўлмади пайдо, дариғ,
Жоҳу қудрат бирла хок ўлди ғанийлар, во дариғ,
Хайру эҳсонин кўролмай бенаволардин бири.

Ҳеч истаб топмадим ҳамдам қилурга шарҳи роз,
Кимга ёндаштимки қўюб меҳр, қилди эҳтиroz,⁷
Оlam аҳлин бир-бир этдим имтиҳону имтиёз,
Маҳфиле ким йўқ, назарда, мутрибо, ул дилнавоз,
Равшан этмас қўнглуми завқу сафолардин бири.

¹Муқимий II томлик асарлар тўплами, I том. Тошкент – 1960 йил.

² Ранги зардим – Сариқ рангим. Қаҳрабо – Сариқ тош.

³ Тийра – Қора. Тийра рўзғор – Ёмон турмуш, қора кун.

⁴ Гул – Кишан, занжир, ҳалқа.

⁵ Яъс – Умидсизлик.

⁶ Аъмо – Сўқир, кўр.

⁷ Эҳтиroz, ихтиroz – Сақланмоқ, эҳтиёт бўлмоқ. Яъни кимга меҳр қўйиб яқинлашсам, эҳтиёткорлик қилиб, мендан ўзини олиб қочди.

Соч оқорди, тиш тушуб, қувват белимдин кетти ҳайф,
Тоатим йўқтур, матоимдур гуноҳ, юк битти, ҳайф,
Айладим зойи йигитлик, кўси риҳлат етти, ҳайф,
Пур хатар водийда саргардон абас умр ўтти, ҳайф,
Йифламайму: йўлға солмас раҳнамоларидин бири?

Эй муҳаббат шуълае ур дилғаким, тинмай куяй,
Қонлик ашкимдин¹ либосимни қизил гулдек бўяй,
Феълибадларға пушаймонлар қилиб, юзни юлай,
Холати лутф этки, ё Раб, кўз ёшим бирлан ювай,
Қолмағунча номада журму хатолардин бири.

Шамъдек жонлар куюб, жисм ўртанур монанди хас,
Еткудек додимға кўрмай борамен фарёдрас,²
Йўқ асар ноламда манзиллар йироқдур чун жарас,³
Ишқ йўлида Муқимийким, дема, эй булҳавас,
Шавқида бир сарв қад, қумри наволардин бири.



Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,⁴
Ким замон осибидин⁵ бир-бирга айтишсек ғаме.

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йўқ ар⁶ ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.

Навоий.

¹ Ашқ – Кўз ёши.

² Фарёдрас – Фарёдни тингловчи, раҳм қилувчи, қулоқ солувчи.

³ Жарас – Кўнғироқ, карвон түяларига осилган қўнғироқ. Чун – Каби, ўхшаш.

⁴ Ҳамдаме – Самимий, яқин дўст.

⁵ Осиб – Зиён, заар; мусибат, оғнат, кулфат, тинчсизлик.

⁶ Ар ва Гар – "Агар"нинг қисқаргани.

Қилди душман раҳм баским, қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгил, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст.

Ҳар замон душманларим озурдадур,¹ эй дўстлар,
Баски, ҳар дам еткуур мөн зорға озор дўст.

Навоий.



Ким кўрибдур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиғ?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!

Гар замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун кўнглима,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдинг ямонлик асру қўп,
Эмди кўз тутмақ не маъни ҳар ямондин яхшилиғ?

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ –
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!

Бобур.



¹ Озурда – Озор чеккан, ранжиган, маъюс.

Хеч кишига сўзламасдим, дод этдурди фалак,¹
Кўп халойиқ олдида фарёд этдурди фалак.

Арзи ҳолим еткудек бир ёру ҳамдам топмадим,
Шод кўнглимни, нетай, ношод этдурди фалак.

Ман ғарибу хастани ҳар дам фироқ ўти билан
Куйдуриб, кўкка кулим барбод этдурди фалак.

Солди кўнгул сайдиға ҳар лаҳза ғам шаҳбозини,²
Ғамни ман бечораға сайёд этдурди фалак.

Эй Хувайдо, бўлма қул бу чархи кажрафторға,
Лаҳзада юз шевалар бунёд этдурди фалак.

Хувайдо.



Гаҳе топдим фалакдин нотавонлиғ,
Гоҳе кўрдим замондин комронлиғ,³
Басе иссиғ, совуғ кўрдим замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

Навоий.

¹ "Само билан *фалак* ўртасида фарқ бор", дейди олимлар. Қуръонда сайёralар ҳаракат йўли *фалак* деб аталган: "كُلُّ فِي فَلَقٍ يَسْبَحُونَ" "Уларнинг ҳар бири фалакда сузиб юради". Ердан юқори бўлган фазо *само* дейилади: "أَنَّزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَا شَاءَ" "Осмондан сув индирдик". Ўзбек тилида *фалак* осмон гумбази деб изоҳланган.

Маълумки, айрим сўзлар бирдан ортиқ маънони ифодалаш билан биргаликда кўчма, мажозий маъноларда ҳам қўлланилади.

Хўш, қадимда шоирлар *фалак*дан қайси маънода фойдаланишган? Уни "илоҳга исён", "диндан норозилик" деб талқин қилиш тўғрими? Жавоб: Нотўғри, албатта! Асарлари Аллоҳга ҳамду сано билан бошланиб, Ҳақнинг коинотдаги ҳикматларини жўшиб тараннум этган Илоҳ васлига интиқ шоирлардан бу каби маъно кутилмайди... Фалак сўзи ортида золим амалдорлар, ситамгар хон, беклар ва юқори лавозимдаги муштумзўрлар турган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Валлоҳу аълам.

² Шаҳбоз – Лочин.

³ Комронлиғ – Максадга эришганлик, баҳтилилик.

Гардун гаҳ манга жафоу дунлук¹ қилди,
Бахтим киби ҳар ишда забунлук² қилди,
Гаҳ ком сари раҳнамунлук³ қилди,
Алқисса: басе буқаламунлук қилди.

Навоий. "Махбұубул құлуб" дан.



Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

Миртемир.

Бахт ўзи нимада? Кийиниб юрмоқ,
Шоир деб тушмоқми элнинг оғзига?
Ё амал чўққиси узрами турмоқ,
Ё доно кўринмоқ киши кўзига?

Бахт ўзи нисбий гап! Бахтиёр одам,
Муқаммал бахтиёр одам йўқ ўзи!
Бахт билан бахтсизлик эгизак ҳар дам,
Бир-бирин пайини қирқади кўзи!

Шухрат.



Ютуғингга суюнар дўст топиш душвор,
Ғалабангга куюнар дўст қумдек бисёр.
Омад кетса суюнган дўстдан ёв яхши,
Бундайин дўст азангда айтади ёр-ёр.

¹ Дунлук – Пастлик, разиллик.

² Забунлук – Ожизлик, нотавонлик, мағлублик.

³ Ком – Мақсад. Раҳнамунлук – Йўл бошлилик, раҳнамолик.

Кўнгил, ҳазрат сўзин ол, душман топ эмди,
Ёвмас, дўстлар қонингни сут каби эмди.
Чўкканингда ёр эмас, ағёр чўзди қўл,
Айбинг ошкор этиб дўст фазлингни кўмди.

Ж.¹



Ғамгин кўп, камёбдир ғамхўр, ғамгузор,
Яхшилик кутгандан келади озор.
Танқис дилафзолар, сероб дилозор,
Катталар етимдек йифлайди зор-зор.

Ҳамдам деганлари солади қовоқ,
Ўзни яқин тутсанг, тутади узоқ,
Ҳатто баъзилари қўяди тузоқ,
Ёнига бормоқقا тортмайди оёқ.

"Бадиња" дан.



Хувайдо топмаган ғамхўр ҳамдамни,
Муқимий излаган ғамсиз зар дамни,
Кўплар "биз кўрдик" деб, кўрмаган баҳтни,
"Мен қайдан топгум", деб орттирма ғамни.

Тўғри, хаёт жафо ва дунлик қилур,
Гоҳида ҳар ишда забунлик қилур.
Гоҳ ком сари сенга раҳнамо бўлса,
Гоҳида терсланиб, ёмонлик қилур.

Лек умид-ла яша, бўлма ноумид,
Умидлилар учун ҳар қандай кун ийд.
Ҳатто пар тўшакда жон таслим қилса,
Олий ният боис дейилгай шаҳид.

Ж.

¹ Муаллиф шеъри остига унинг исми шу тарзда қисқартиб берилади.

ҒАМ-ҚАЙГУ
ТУРЛАРИ ВА САБАЛЛАРИ

*Ғам-қайғу асбоби – гул тиканидек,
Яңи битта гулда бир нечта тикан.
Арида бол ва нии жамланганидек,
Башар ҳаёти ҳам шундайин экан.*

*Мавзу катта, муҳим, тажриба даркор,
Уддалай олмассан, деб ўйлар кимдир.
Дўст-душман тўқмогин еган дилафгор,
Эплар, деб ўйлайман, олманг хавотир.*

*Паст-баланд, оқ-қора фарқига борган –
Мавзу чавандози, шу шаън чевари.
Яхшилик қилиб, кўп ёмонлик кўрган –
Маъюс замгинларнинг суйган сарвари.*

Ж.

Ғам-қайғу турлари ва сабаблари.

Ғам-қайғу тури ва сабаби кўп. Қайғуришга арзирли ғам-ташвиш бор, қайғуришга арзимайдиган ғам-ташвиш бор.

Юксак ифтихорга эга шарафли ғам бор, ўта тубан, паст, "ғам" бор. Бу нав "ғам"га мубтало бўлган дардмандга далда эмас, дарра дори.

Келажак ўйида ҳосил бўладиган ғам-қайғу бор, мозийни эслаб юзага келадиган ғам-қайғу бор.

Ҳар бир шахснинг мозийси уч қисмдан иборат.

1. Шахснинг ўз ўтмиши.
2. Оиласа тегишли тарих.
3. Миллат мозийси.

Бу уч тур тарихнинг қайсиdir сахифасида кўнгилни ғаш қиладиган сатрларнинг топилиши табиий. Ўз ўтмиши оппоқ чиқса, балки оила: ота-боболар ўтмиши ғира-ширавоқ чиқар. Аждодлар ўтмиши ҳам тиникдир. Номи улуғ, шони баланддир, бироқ бу ёқда миллат мозийси бор. Гўшт суюксиз бўлмас, шоли – курмаксиз. Бўғдой ичида қорамуғи ҳам бўлади... Халқ, қабила, уруғ, дин, мазҳабдан иборат миллат мозийси ўз қаърида нималарни бекитмаган деб ўйлайсиз...

Мозий уч қисмга бўлингани каби келажак ҳам асосан уч қисмга бўлинади.

1. Ўзининг шахсий келажаги.
2. Авлодлар келажаги.
3. Миллат мустақбали

Кимнингдир келажаги порлоқ бўлиши мумкин. Илми, қасб-ҳунари, топган тутгани, йиғиб қўйгани нурафшон келажакни таъминлар, лекин бу ҳаммагаям насиб қиласкермайди. Яратувчи баъзи бир кишилар ниҳояси ҳақида хабар бериб:

﴿ وَمِنْكُمْ مَنْ يُرِدُ إِلَى أَرْذَلِ الْعُمُرِ ﴾

﴿ Сизлардан баъзилар энг разил умрга қайтарилур ﴾ деган.¹

Пайғамбар ﷺ арзалул умрга қайтишдан – ёмон қаришдан, кексаликдаги ночорликдан, қартайиб, ҳеч нимага ярамай қолишдан паноҳ тилардилар. Бу ёшда қариликнинг ўзи қайғуга айланади. "Қарилик – қайғу" деганларича бор. Чайнаш муаммо, ютиш муаммо, таҳорат алмаштириш алоҳида муаммо. Ўғил-қизнинг қовоқ-димоғига қараб яшаш осонмас. Муросаю мадоро йўлига ўтилади. Бу, дастёри бор нони бутуннинг ҳоли, дастёри йўқ қўли юпуннинг ахволи анча ачинарли.

Бунга қўшимча ўлароқ авлод келажаги бор. У ҳам мубҳам. Улар катта бўлганда ким бўлиб етишади? Итоаткор бўладими, исёнкорми? Ота-онага раҳмат олиб берадими, лаънатми? Номини кўтарадими, доғ туширадими? Ёки жиққамуш бўлиб ота меросини шақалдек талашадими? Буларнинг бари ота-она қалбини тирнаб, уларга тинчлик бермайдиган қайғудир.

¹ Нахл сураси 70-оят. Айни маъно Ҳаж сурасининг 5-оятида такрорланади. Аллоҳ таоло бу икки сурада инсон босиб ўтадиган босқичлар, умр марҳалалари ҳақида сўзлайди. Асл модда тупроқ, кейинги босқич нутфа – маний, сўнг лахта қон, сўнг тўлиқ шаклланган ва тўлиқ шаклланмаган гўшт парча, сўнг бачадонда ривожланаётган бу хилқат Аллоҳ истаган куни чақалоқ бўлиб дунёга келади. Маълумки, унинг ички-ташқи аъзолари хали яхши ривожланмаган заиф бўлади. Аста-секин вояга етади. Кучга тўлади. Етилади. Кимдир бу ёшга етмай вафот этади. Кимдир қирчиллама ёшга етади. Роса куч-қувватга тўлгандан сўнг аста ортга қайтиш бошланади. Ушбу икки оятда Аллоҳ инсониятга шу босқичларнинг энг охирги нуқтасини эслатиб: "*Сизлардан баъзилар энг разил умрга қайтарилур*" деди. Ёш улғая бориши билан организмнинг аъзо ва системаларида пайдо бўладиган салбий ўзгаришлар *разил умр* деб аталди. (*Разил* биз билган палид, бузук маъносида эмас. Ўзбеклар куч-қувватсиз, мункиллаб қолган бедар-мон қарияни *шарти кетиб, парти қолган* деб атайди. Разил кўпроқ шу маънони ифодалайди). Бу ёшдаги қария кўп жиҳатдан янги туғилган чақалоққа ўхшаб кетади. *Қайтарилур* дейилишининг сири ҳам шунда. Гўдак кундан кунга ўсади, ривожланади, кучга тўлади. Аммо кекса чол кундан кунга мункиллаб, заифлашиб гўдақдай бўлиб қолади. "Қарилик – болалик", "Ёшлик бир марта келади, Гўдаклик – икки марта" деган мақоллар ушбуларни тасдиқлайди.

Миллат келажаги олийжаноб инсонлар бошини банд этган шарафли ғамдир. Олийжаноблик аршига кўтарилиган улуғлар бу ғамни ўз ғамларидан устун қўядилар. Миллат келажагини ўйлаб эрта-кеч қайғурадилар. Куч-қувват, мол-жонни аямай доим изланадилар. Керак бўлса, шахсий манфаатлардан воз кечадилар. Ёмонликка ёмонлик билан эмас, билъакс яхшилик билан жавоб қайтарадилар. Бунинг мисолини олийжаноблар сардори Муҳаммад Ҳашим ҳаётларидан ҳикоя қилувчи юқоридаги хадисда кўриб ўтдик.

"Қавмингизнинг сизга айтган сўзларини ва раддияларини Аллоҳ эшиитди. Тоғларга муаккал Малакни измингизга юборди. Не тиласигиз бўлса, унга амр этишингиз мумкин", деди. Тоғ Малаги мени чақириб салом берди. Сўнгра: "Эй Муҳаммад, амрингизга мунтазирман. Агар истасангиз икки катта тозни улар устига қоплаб қўяман", деди.

"Умид этаманки, Аллоҳ уларнинг сулбидан ёлгиз Унинг Ўзига ибодат қилиб, ширк келтирмайдиган авлодни чиқаргай", дедим.

Бу – олий ғамга мисол эди. Унинг муқобилида паст ғам-қайғулар бор. Уларга ўз ўрнида тўхталинади.

Йўқчиликнинг йўғон қайғулари бўлгани сингари тўқчиликнинг ҳам тоғдай қайғулари бор. Тўқликтан чиқар шўхлик деган туркона фалсафа узоқ йиллик ҳаётий тажриба маҳсули. Менинча, тўқлик туғдирган қайғулар, йўқлик келтирган қайғулардан анча оғирроқ. Муқояса буни яққол кўрсатиб беради. Жаҳонда бир йилда очликдан 1 000 000 киши ер тишлиласа, тўқликтан 3 000 000 киши ўлар экан.

Айтишларича, Саудия Арабистонида ҳар куни баҳтсиз ҳодиса (автоҳалокат) сабабли 17 киши жон беради.

Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти (WHO)га кўра, ҳар йили 5000 000 кашандан ҳалок бўлади. Бирининг ўпкаси кетган, бирининг жигари... Бири саратон, бошқаси хафақон...

Авария қурбонлари, гиёҳванду кашандалар мурдаси, сони бор саноғи йўқ кафансиз кўмилгандар, дом-дараксиз йўқолгандар, бетайин мурдорлар, орни кўтаролмай жонига қасд қилган ёш-яланлар сони юқоридаги 3 000 000 рўйхатига кир-

маса керак. Булар алоҳида адад, алоҳида мусибат. Улар ғолибо ғамни пулга сотиб олувчилар рўйхатида туради.

Жиноят ва маъсият қайғу пайдо қиласидиган омиллардан. Жиноятчини жиноятдан сўнг қўрқув қамрайди, шунингдек гуноҳкор ҳам маъсиятдан сўнг сиқилмай қолмайди.

Яна Висол ғами... Ҳижрон қайғуси... Айрилиқ... Соғинч... Ғариблик... Буларнинг бари қайғу омиллариданdir.

Азиз дилбандидан айрилган Ёқуб каби беихтиёр ҳижрон туфайли азоб тортаётган қанча?! Унингдек дув-дув ёш тўкиб, кўзи оқарган қанча?! Висол илинжида юрган ҳижронзадалар қанча?! Озурдалар қанча?! Етганда айрилганлар қанча?!..

Мол-мулки талангандан, юкини қароқчи урган, хонумонидан айрилган тоҷирнинг ғами ёлғиз боласидан айрилган отанинг ғамидан кам эмас. Боласи ўлган "тақдир" деб ўзига тасалли берар, гўдакларининг нони тужа қилинган одам ўзига қандай тасалли бериши мумкин? Мол билан жон битта тугундай гап. Бирининг боғичи тортилса, қолгани ечилиб кетаверади. Мол кетгач, жон ҳам унинг ортидан секин танани тарк этади.

"Янги машинаси тунаб кетилган ошнамизга: "сиқилманг, машина – темир, темир топиладиган нарса", деб далда бердим", дейди бир йигит. "Икки-уч кундан кейин телефоним йўқолиб қолди. Кичик бир буюм учун озмунча сиқилмадими? Шунда машина йўқотган ошнам қайғусининг ҳажмини тасаввур қилиб, унга бошқача ачиниб кетдим".

Қайғу омилларидан бири ибтидо ва интиҳодаги ғамдир. Ҳар бир иш бошида ва ниҳоясида киши дилини ғам чулғайди. Масалан, ўқишга киришда бир ғам, битиришда бир ғам. Ишга жойлашиш ғами, пенсияга чиқиши ғами. Аслида одамзод дунёга келаётганда ота-онасини анча қайғуга қўяди, кетаётганда бола-чақасини қайғуга кўмади. Буни дунё остонасидағи ғам дейдилар. Остона ҳатлаб дунёга кирганда ва остона ҳатлаб ундан чиқаётганда ғамга дучор бўлади ва ғамга дучор қиласиди.

Мусибат – бало-офат ғам-қайғу омилларининг энг қўр-қинчлиси. Муроса билмас бу ғам энг хатарли ғам ҳисобланур.

Ҳаётда қуруқ тухмат туғдирган қайғу бор. Кексалар қуруқ тухмат балосини сув ва ўт балоси билан тенглаштириб, дуода шу уч балодан паноҳ тилашади. Зеро, тош бошни ёрса, тухмат тоши юракни ёради. Юраги ёрилган одам узоққа бормайди.

Қайғу сабабларидан яна бири қарз! Қарз берадиган кишини топиш бир қайғу, қарз сўраш алоҳида қайғу, (бети қотганга чўт эмас), қарзни узиш эса энг катта қайғу. Қарзни ундириб олиш ғами замонамиизда авж олаётган ғам-қайғулардан.

Ғам тури ва сабаблари кўп. Ҳаммасини бирма бир санаб чиқаман десақ, қанча-қанча оқ сахифаларни қоралашга тўғри келади. Ҳозирча шу билан кифояланиб, қайғу сабабларининг баёнига ажратилган бу қисмни ғаройиб бир ғам билан якунласак. Ажойиботга тўла бу дунёда ғаройиб ғамлар ҳам бўлар экан. Ғаройиб дейишимиз бесабаб эмас.

Дунёда яна шундай ғам бор эканки, унинг ташидан бирор сабабни топиш қийин. Омил зоҳир эмас, ўта маҳфий. Аслида ғам чекишига, қайғуришга арзирли ҳеч қандай сабаб йўқдек. Лекин эгаси чунон сиқилади, эзилади. Йўқсилдек қийналади. Баъзилари ғамни кўтаролмай ширин жонига суиқасд қиласди. Уни ҳозирча бесабаб ғам деб тура қолайлик.



Ашк чашми шиддати ранжи билан дамланмасун,
Бандае эл таъну дашномин чекиб замланмасун,
Лаҳза созе маҳфили безеру – бебамланмасун,
Ғуссадан ё Раб, муборак хотири ғамланмасун,
Қадди шамшоди малолат боридин хамланмасун.

Муқимийнинг шоир Алмай ғазалига муҳаммасидан.



Қайғу омилларининг қисқа баёнидан сўнг, энди, бафуржа муфассал баёнга ўтсак бўлаверади. Лекин ғам-қайғу турининг кўплигидан сўзни кимдан ва қаердан бошлашга хайронман. Сўзни тирик етимлар ғамидан бошлайми? Қалашиб кетган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини биргалиқда излайликми? Унақа десак, тирик етимдан кўра ота-онасидан айрилган, бокувчиси йўқ ғирт етимлар муаммоси ҳамманикидан кўпроқ, ҳамманикидан муҳимроқ кўринади...

Ёки гапни қарз қайғусидан бошлаган маъқулми? Ҳозир ким кўп, қарз излаган кўп. Шунга кўра, кимдан қарз олсан экан деб, туни билан мижжа қоқмай у ёққа ағанаб, бу ёққа ағанаб уйқусини тополмаётган факирга таскин берайликми?

Ёки катта қарзни олишга олиб, узишга келганда бош қашиб қолганларга йўл-йўриқ кўрсатайликми?

Қарзни узмай юриш, муддатини атайлаб чўзиш ғирт зулм эканини обдон тушунтирайликми? Қиёматга қолган қарзни тўлаш қимматга тушади. Ширқдан бошқа ҳамма гуноҳларни мағфират қилишга ваъда берган Faffor қарздорлар ўртасига тушмаслигини қулоқларига қуяйликми?

Ёки барча эътиборни қарз бериб, пулинни қайтаролмай хуноби ошган кишига қаратайликми? Савоб сабрга муҳтожлигини эслатайликми?

Туширган қанча, тушган қанча?! Алдаган қанча, алданган қанча?! Нафақат савдода, балки бошқа соҳаларда ҳам лафзида турмаган бебурд, иккиюзламачилар қанчадан-қанча?!. . .

Уларнинг ислоҳига интилайликми? Томонларни инсофга чақирайликми? Ахир улар мол-дунё деб сан-манга бориши аниқ-ку.

Ҳарбнинг аввали гап. Даҳанаки жанглар чинакам жангга айланиб, қадрдонлар юз кўрмас бўлиб кетиши турган гап. Миллат шавкатини кетказган парокандаликнинг олдини олиш учун гапни шундан бошлаш яхши эмасмикин?

Саховат сароб, қаноат қаҳат бўлган пайтда мен нимаям дейишим мумкин? Гап таъсир қиладиган иймон бир ахволда...

طبع من عز من ذل قع "Қаноат қилган азизу тама қилган хор"
хикматини халойиқقا қандай тушунтириш керак?..

Бу ҳам бир муаммо.

Ёки қуруқ тухматта қолган киши қалбига йўл топган маъқулроқми? У бечора ўзини бир бурчакка ташлаганча ўйга чўмиб юрак бағри эзилаётгандир. Поклигини исботлашга тили келмай дили тилка-пора бўлиб кетгандир?

Ё айрилиқ аламида қуийб қул бўлаётганни биринчи галда қутқарган афзалми? Тағин у васвос ўзини бир нарса қилиб қўймасин. Ўша нохуш "бир нарса" рўй бергандан кейин, "жаноза ўқиш жоизми, жоиз эмасми?" деган масалани қўтаргандан кўра унинг ҳаётлигига қалбига қўл солиш афзал-ку...

Ё мусибат тушган шахс ҳаммадан ортиқ тасаллига муҳтожми? Ҳеч қаерга қарамай тўғри ғамхонага чопайликми?

Йўқчилик тинкасини қуритган мискин бошқалардан кўра ҳақлироқми? Сўз ёғдуси билан унинг зиёсиз байтулҳазанини ёритайликми? Қуруқ гапга тим қоронғи кулба ёришармикин?

Ошиқ-маъшуқларнинг турган битгани ғам. Муҳаббат мағҳуми ўзгарган маҳалда ушшоқлар ғамиям умуман ўзгарган. Уларнинг ғамини ейдиганлар кўп... Бизнинг тасалли уларга кор қиласмикин?..

Уйланишга қийналган бўйдоқ ғами бир жаҳон, шохида майиз бўлган қизники бир жаҳон. Турмуш мушти тушган аёл ғами бўлак, нон кўйида изғиган эр ғами бўлак. Уларнинг бари ўз муаммоси биринчи галда ҳал қилинишини истайди.

Тунни ёлғиз бедор ўтказган жуфтсизлар дарди юқоридаги дардлардан кам эмас. Ғамлар тарозуга қўйилса, сўққабошнинг ғами бошқаларницидан оғир келиши эҳтимолдан холи эмас.

Ёки мозийсига қараб уф тортган, ҳозирига куйиб ох урган, келажакни ўйлаб ох, уф, деган жонкуярларга жўр бўлайлики? Озурдалар оҳига оламни оташ олмасмикин?..

Шикасталар кўплигидан гапни кимдан ва қаердан бошлашга бош қотиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб, охири, сўзни бесабаб сиқилганлардан бошлишни маъқул кўрдим. *إِذَا عُرِفَ السَّبَبُ بَطَلَ الْعَجَبُ.* Сабаб билинганда, ажаб кетади, дейилганидек, тадбирнинг сабаби билингач, сиз ҳам фикримни маъқуллайсиз деб умид этаман.

Сен ҳаётга баҳтли яшамоқ учун
Келгансан азизим, асло сиқилма.
Сенга ғам тош отса, сен унга гул от,
Баҳтга қарши сўзни қулоққа илма.



Ғам чангал солганда қалқонинг иймон,
Қайгу ҳамла қилса иймондир қўрғон.
Шу бир иймон сенга икки дунёда
Баҳт келтириб юзинг қилар нурафшон.

Ж.



«САБАБСИЗ» СИҚИЛГАНЛАР

*Дунёда бесабаб ҳеч нарса бўлмас,
Самодан сув инмас, ердан ўт унмас.
Ҳаттокази безабон кичкина бола
Беҳуда йиғламас, беҳуда кулмас.*

Ж.

«Бесабаб» безовталиқ, бетоқатлик.

Қаҳрамонимиз¹ ғарблик беармон киши. Орзулари рүёбга чиққан, умидлари ушалган, дунёда армони қолмаган инсон. Севган қизига уйланган. Ширин-шакар фарзандлар кўрган. Ўзи келишган, ўхشاши йўқ кўркам. Замонасига мос, ўқтам. Тенг-тушларининг қўлига ойда бир марта саноқли пул тушса, унинг ҳисобига кунда жарақ-жарақ пул оқиб келади.

Уй-жой донг қолдирап даражада ҳашаматли. Автомобиль, телевизор, компьютер, кийим-кечак, кир ювадиган машина ва уйдаги барча жиҳозлар машҳур фирмалар маҳсулоти. Эски модель бу хонадонга кирмайди. Бундаги ҳар бир нарса бозорнинг энг олди сара матолари. Энг сўнгги моделларни шу ерда топасиз. Уни кўрган киши суқланмай қолмайди. Ҳаётига ҳамманинг ҳаваси келади. Кўйингки, ўзи шоҳ бўлмагани билан, айш-ишрат шоҳона. Ўзбекчасига айтганда, Худо берган одам. Қаёққа қўлини узатса етади. Нони бутун, кўли узун, тўрт мучаси соғ, ҳовли катта, олд-орти боғ. Обрў баланд, гавда ҳам шунга монанд. Қорин ҳамиша тўқ. Қани эди, уни олсам, қани эди буни кийсам, уни есам, буни кўрсам деган армони йўқ.

Лекин шунга қарамай дам-бадам юраги сиқилиб қолади. Ўзидан-ўзи дили ғашланиб, асаблар таранглашади. Муттасил руҳий азоб чекаверганидан кенг дунё кўзига тор кўриниб кетган. Ҳатто нафас олиши қийинлашиб қолган. Замонавий тиббиётдан шифо истаб ўзини катта докторларга кўрсатди, бўлмади. Ичи асаб тинчлантирадиган таблеткага тўлиб кетди. Ҳалқ табобатига мурожаат қилди, натижা аввалгидек. Улар: "сиз соппа-соғсиз", деб жавоб беришди. Аччиқ устида, "агар соғ бўлсам, катта бошимни кичик қилиб ёнингга келармидим?!" демоқчи бўлди-ю, лекин нуфузи бунга йўл қўймади.

Ичкиликка ружу қилди. Сигаретга мукка тушди.

¹ Юраги бесабаб сиқиладиган ғамнокни "касалманд" эмас, "қаҳрамон" деб аташни муносиб кўрилди.

Мехмандорчиликда кетма-кет тост кўтаради. Уйга келиб яна ичади. Дастурхонидан оқ мусаллас, қирмизи май узилмай қолди. Умр йўлдошига ачинган хотин, фарзанд тарбиясидан хавотирланган она ноилож эрига насиҳат қилишга ўтди. Эрни бу йўлдан қайтаришга кўп уринди. Йиллар давомида йиққан обрўси тутдек тўкилиб кетишидан огоҳлантириди.

– Нима қилай ахир, юрагим сиқилиб кетяпти. Шу сабилни ичсам, бироз таскин топаман, – деб жавоб берди эр.

– Соғлигингизни ўйлайман.

– Соғлиқними, обрўними?

– Ҳаммасини ўйлайман, фарзандларингизни ўйлайман...

Бир кунда икки-учта сигарет чекадиган одам бир тутатганда бир нечта сигаретни орқама-орқа улай бошлади. Сал кунда марвариддай тишлари занг босган арадай сарфайиб кетди. У бутунлай кашандага айланиб бўлган эди. Яқин ошналаридан бири:

– Икки грам никотин отни ўлдирап экан, – деб насиҳатга оғиз жуфтлаган эди, – Бу гапингни отга бориб айт, мен от эмасман, – деб оғзини ёпди.

– Жаҳондаги жуда кўп талант эгалари алкоголь ва никотин таъсиридан ҳалок бўлган, – деб сўзга аралашади қўлидан газета-журнал тушмайдиган дўсти.

– Мен талантли эмас, оддий одамман, ўлим мендан ҳазар қиласи, – деб уни ҳам гапирмайдиган қилиб қўйди.

Қолган ошналари "Билганингни қил, сенга гап уқтириб бўлармиди" дегандек, бу борада асло оғиз очишмади.

Бечора умидсизлик тўрига илиниб қолган. Ҳар хил ёмон хаёлларга боради. Ўзига ўхшаган йирик сармоядорлардан бири ўз жонига суиқасд қилганини эшитиб эти жимиirlаб кетди. Ҳаётдан тўйган у миллиардер 2 000 000 000 (икки миллиард) доллар қолдиргани хорижда катта шов-шувга

сабаб бўлди. Шунчалик сарватга эга йирик корхона бошлиғи ўзини ўзи тинчитган бўлса, демак бунинг тагида бир гап бор.

Ҳамёни бўм-бўш йигитнинг қайғуриш сабаби аниқ. Уйида бирор егулик қолмаган ночор отанинг оғир аҳволи ҳам маълум. Бечоранинг кўзига уйқу келмайди. Икки хаёли болачақага егулик топиш бўлиб қолади. Бундайларнинг қайғуси янгилик эмас. Аввалда ҳам шундай ҳоллар бўлган. Лекин Худо ҳеч нимадан қисмаган бу одам нега сиқилади? Нега ғам чекади, нега қайғурари, деб мен ҳам қизиқиб қолдим. Ҳақиқатда "Худо берган" одам экан. Ҳаммаёқ бекаму кўст. На пулга ва на фарзандга зор. Зориқиш деган нарсани билмайди. Кўпчилик қозонини сувга ташлаб қўйган кунларда, уницида эртаю кеч қозон қайнайди. Хулласи калом, ҳамма нарсадан берилибди-ю, бир нарса берилмабди. Ҳамма ўткинчи неъматлар етарли экану, мангу саодатга сабаб бўлмиш катта Неъмат етишмас экан.

Қаҳрамонимиз одам фарзандини инсон номига лойик қилиб турувчи бебаҳо Неъмат – Иймондан маҳрум эди. Дили, тили иймондан фориғ. Аслида ҳамма балонинг боши ҳам шу.

Сиқилиш, дил танглиқ, қаср ичида ғамгинлик, рўзгори тўқис бўла туриб дилгирлик ва шу каби руҳий аламларни татиш, буларнинг барига ягона сабаб – Иймонсизлик.

Ўйлаб кўринг, инсонга ҳамма нарса берилса-ю, фақат бир нарсадан – ҳаводан қисиб қўйилса, кислород етишмаса, унинг ҳоли нима кечади? Иймон – ҳаводек гап.

﴿فَمَنْ يُرِدُ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ، يَسْرَحُ صَدَرَهُ لِلِّاسْلَمِ وَمَنْ يُرِدُ أَنْ يُضْلَلَ، يَجْعَلُ صَدَرَهُ، ضَيْقًا حَرَجًا كَأَنَّمَا يَصْعَدُ فِي السَّمَاءِ﴾

﴿Аллоҳ кимни ҳидоят қилишини истаса, унинг кўксини Ислом учун кенг очиб қўяди. Кимни адаштиришини истаса, унинг кўксини худди самога кўтарилаётгандек, қисиб тору танг қилиб ташлайди.﴾

Анъом 125-оят.

Биз иймондан холи қалбни қафасдаги қүшга ёки панжара ортидаги маҳбусга, ё бўлмаса, бўйнига сиртмоқ тортилган оху ё бошқа бирор бир ҳайвонга ўхшатсак ташбиҳимиз минг таъсири чиққан тақдирдаям, бари бир уни жонли ўхшатиш деб бўлмайди. Мақомга муносиб ҳақиқий ташbihҳ дейишга ярамайди. Зеро қафасда ҳам, қамоқда ҳам ҳаёт бор. Келажакка умид бор. Бўйнига сиртмоқ солинган оху манзараси чинданам ачинарли, меҳр томирларини таранг тортиб, раҳм-шафқатни қўзғайди. Лекин у ҳам ҳақиқий ташbihҳ эмас. Чунки бўйнида арқони бор жонивор нафас олади, ем ейди, сув ичади. Оламга боқиб лаззатланади. Қутулиб кетиш илинжида яшайди. Аммо юраги сиқилган киши салкам телба бўлиб қолади. Телба эмас, тирик мурдага айланади.

Шунинг учун оят биз билган барча ташbihҳлардан кўра ўткирроқ ва муносиброқ ташbihҳ билан: *"унинг кўксини худди самога кўтарилаётгандек, қисиб тору танг қилиб ташлаймиз"*, деди.

Ҳаво етишмаган одамнинг юрагига ҳеч нима сиғмайди. Тотли таомни тама қилмайди, қасрга қайрилиб қараб қўймайди, машинаси билан мақтанмайди, атрофидаги гўзалликдан баҳра ололмайди, қулоғига ҳар қандай ширин гап ёқмайди. Унинг учун тилло нимаю темир нима. Мақтов, ҳақорат унинг учун бир тийин. "Сиз шоҳ бўлдингиз, қутлуғ бўлсин, шоҳим", деган сўз билан, "сен банкротга учрадинг, хонимонингдан айрилдинг, гадо бўлдинг", деган сўзларнинг фарқи йўқ. Ҳатто "уйинг куйди, хотининг сени ташлаб кетди, боланг ўлди", деган қалбни қийма қилиб юборадиган хабарлар қархисида серрайиб ётаверади. Унга ҳаво бўлса, бас. Бошқа нарса керак эмас. Кўзга кўринмайдиган ҳаво бўлса кифоя. Забони ҳоли: "Дунёни ол, ҳавони бер. Пахта каби тиллони тер, лекин менга ҳавони бер. Нафас олиб чиқармоқ мен учун катта бойлик, дунё эмас, обрўй, мансаб эмас, нафас йўлимни оч, шу мен учун энг катта яхшилик", дерди.

Бахт-саодат тақсимловчи Зот Ўзининг ўзгармас китобида:

﴿ وَمَنْ أَعْرَضَ عَنْ ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكاً وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴾

﴿ Ким Менинг Зикримдан¹ юз ўгирса, албатта унинг учун танг турмуши – бахтсиз ҳаёт бўлур, Биз уни Қиёмат куни кўр ҳолинда тирилтиурмиз... ﴾ деди.

Тоҳо 124-сурә.

Гарчи бу оятнинг инганига 1400 йилдан ошган бўлсада, аммо ушбу ҳақиқатнинг башариятга йўналтирилганига ундан кўп йиллар бўлиб ўтган. У инсоният тарихига уйғун. Фароғатли ҳаётнинг зидди бўлмиш танг турмуш ҳақидаги ўзгармас Сўз: барқарор ҳаётий дастур Одам ва Ҳаво Ер куррасига тушаётганда уларга ва уларнинг барча зурриётига қаратилган эди. Шунга асосланиб уни Исломга хос таълимот деб айтилмайди. Жумла Анбиёлар айни шу таълимот билан юборилгандар, айни шу дастур асосида яшашган.

Мазкур илоҳий оламшумул қоида Ерга одамзод қадам қўйиб, ҳаёт насими эсган соатдан бошланиб, сайёрада ҳаёт тугагунга қадар жорий бўлади. Ўзгартиришнинг ёки бутунлай йўқ қилиб ташлашнинг сира иложи йўқ.

Ҳақ таоло иймондан юз ўгирган, илоҳий кўрсатмалар асосида яшамаган банданинг нонини яримта қиласман, ризқини кесаман, умрбод касалванд, ногирон қилиб қўяман, деб эмас, ^{ضنك} – *Танг турмуши* бераман деб таҳдид қилди. Ҳамкалимаси *торлик*, *танглик* (юрак сикилиш) маъноларини ифодалайди.

Демак бундай кишининг қорни тўқ бўлгани билан кўнгли тўқ бўлмайди. Усти бут, лекин бахтсиз. Уй-жойи бор, бироқ кенг оламга сиғмайди. Фаровонлик бору фароғат йўқ. Ҳам-

¹ Аллоҳ Қуръонни Ўз китобида бир неча исм билан номлаган. Жумладан, Фурқон, Зикр, Китоб деб атаган.

маёқда тўкинлик, лекин ҳаётдан кўнгли тўлмайди. Тана озод, дил эса маҳбус. Ҳа, тўғри тушундингиз, қалб қамоқда. Шу сабабдан сиқилади. Шунинг учун беҳуда ғам чекади.

Бу – дунёдаги жазо.

Нонкўрлик боис охиратдаги жазоси: *Қиёматда кўр бўлиб тирилур*. Дунёда дил сўқир, ухрова кўз.

Куръону иймондан юз ўғирган саркашларнинг дунёвий жазосини бир қанча оятда билдирган. Юз ўгиришни зулм деб атаган. Шулардан бири Каҳф сураси 57-оятда келади:

﴿ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ ذِكْرَ بِيَاتِ رَبِّهِ فَأَعْرَضَ عَنْهَا وَنَسِيَ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ إِنَّا جَعَلْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ أَكْيَنَةً أَنْ يَفْقَهُوهُ وَفِي أَذَانِهِمْ وَقَرَاءَةٌ ﴾

﴿ Раббининг ояtlари эслатилганда ундан юз ўғирган ва ўз қилмишини унуган кишидан кўра золимроқ ким бор?!

Биз уларнинг қалбига Куръонни тушунишдан тўсадиган қоплама қоплаб, қулоқларини оғир қилиб қўйдик. ﴿

Жаббор ғазаб қилмасин... Ўз ғазабидан Ўзи асрасин...

Қаранг, инод банда жиноятга яраша жазо олди. Илоҳий ояtlарга тескари қараган эди, қилмишига лойик жазоланди. Аллоҳ унинг устига осмондан тош ёғдирмади, тўлқинларга амр этиб, денгизга ғарқ қилмади, ерга ем қилмади, балки қалбини қопқоқлаб қўйди. Каломуллоҳни ўқиб тушунмайди, роҳатланмайди. Қалб қотган, қулоқ том битган.

﴿ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ فَزَادَهُمُ اللَّهُ مَرَضًا ﴾

﴿ Қалбларида касаллик бор, Аллоҳ касалликларини янада зиёда қилди. ﴿

Бақара 10-оят.



Инсон дунёга баҳтли яшаши учун келган.

Бунинг учун барча шароит мавжуд, ҳамма қулайликлар мухайё. Ер усти ва остидаги жамийки нарсалар Инсон учун, унинг баҳт-саодати учундир.

﴿ هُوَ الَّذِي خَلَقَ كُلَّمَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ﴾

﴿ У Ердаги барча нарсанни сизлар учун яратди. ﴾

Бақара 29-оят.

Улкан Қуёш нурининг ҳар бир толаси сиз азиз инсонлар учун, сизнинг саодатингиз учундир. У ўз вақтида чиқиб, ўз вақтида ботади. Иситади, ёритади, ерга ва ерликларга жамол бағишлийди, безайди, ясатади, озуқангизга озуқа қўшади, қувват бағишловчи турли моддалар билан бойитади.

Дам тўлиб, дам сўлиб турувчи ой, саноқсиз юлдузлар сиз учун, кўзингизни қувонтириш ва йўлингизни ёритиш учун самога осиб қўйилган. Гўё ой тунги, қуёш кундузги чироқ.

Тўлқинлар сиз учун мавж уради. Раққоса балиқлар сиз учун жилва қиласи. Денгиздаги хилма-хил жонли, жонсиз мавжудот, ранго-ранг бўёқлар билан безалган маҳлуқот сизни хурсанд қилиш, қорнингизни тўйдирish учун яратилган.

Осмондан ёғаётган паға-паға қор, беозор ёмғир сиз учун бўлганидек, остингиздаги кўмир, газ, нефтлар ҳам сиз учун – ҳаётингиз тўкин ва мароқли ўтмоғи учундир.

Пилла қурти ўз жонини қурбон қилиб сиз учун ипак тў-қийди, асалари бол йиғади, паррандалар тухум қўяди, даррандалар бола туғади, буғу, қундуз мўйини сизга тухфа қиласи.

Ердан унган барча покиза ўсимликлар: дала тортиқ қилган турли-туман сабзавотлар, боғ инъом этган хилма-хил мевалар, тоғдаги шифобахш гиёҳлар ҳаммаси аввало сиз учун. Баҳор, ёз, куз фасллари солган тўкин дастурхонлар сиз учун, сиздан ортгани ҳайвонлар учун. Ҳайвонот эса сиз учун яратилган.

﴿ وَالْأَنْعَمَ خَلَقَهَا لَكُمْ فِيهَا دِفْءٌ وَمَنَّعُ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴾ ۵
 ﴿ تُرِيْخُونَ وَحِينَ سَرَّحُونَ ﴾

﴿ У Зот сизлар учун иссиқ кийим ва (турли) манфаатлар бўлсин деб чорва молларни яратди, сиз уларнинг (гўшт-ёғ, сутларидан) тановул қилурсиз. (Шунингдек) ўтлоққа кетаётган, қўтонга қайтаётган жониворларда сизлар учун кўрк-жамол бор. ﴾

Нахл 5-боятлар.

Уларнинг азamat жуссаси сизнинг оғирингизни енгил қилиш учун мосланган. Юкингизни кўтарадиган, узогингизни яқин қиласидиган ҳам ўша маҳлуқотлардир.

﴿ وَتَحْمِلُ أثْقَالَكُمْ إِنَّ بَلَدَ لَهُ تَكُونُوا بِنَلِيْغِهِ إِلَّا يُشِّقَ الْأَنْفُسُ ﴾

﴿ У жониворлар сиз жонингизни қийнаб не машакқат билан етадиган юртларга юкларингизни элтиб берур. ﴾

Нахл 7-оят.

﴿ وَالْخَيْلَ وَالْإِغَالَ وَالْحَمِيرَ لِتَرْكَبُوهَا وَزِينَةٌ وَيَخْلُقُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴾ ۶
 ﴿ Оту хачир ва эшакларни минишингиз учун яратди ҳамда зийнат қилиб қўйди. Ва яна сиз билмайдиган нарсаларни яратур. ﴾

Нахл 8-оят.

Гулнинг жамоли, бўйи ва таровати сиз учун. У сиз учун ширин хид таратади, сиз учун ғунча бўлиб, сўнг очилади, сўнг қўлингизда хазон бўлади. Кушлар таронаси аслида сизга аталган. Сиз деб Холик уларни сайратди, сиз деб уларни куйлатиб машшоқ қилди. Ҳатто уларнинг момик пати сизга бағишлиланган. Ундан пар ёстиқ, пар тўшаклар ясайсиз.

Ер устидаги барча бойликлар сиз учун бўлгани каби ер остидаги тилла, кумуш, нефть, уран ва бундан бошқа барча бойликлар ҳам сиз учун, сизнинг яхши ҳаёт кечиришингиз учундир. Фаровон ва фароғатли турмуш учундир.

Таскин топишингиз учун малоҳатли маҳлиқоларни яратди. Уларни майинлик, латофат билан ажратиб қўйди. Денгиз тубидан дурни, ер тубидан олтинни ва турли қимматбаҳо тошларни чикартириб, кўз қувончингизни безатди. Бу безак ва тақинчоқлар шиша янглиғ нозик табиат хилқат чиройига чирой, жамолига жамол қўшади. Буларнинг бари сиз учун, сизнинг қувончингиз учун эди.

Ха, Аллоҳ ҳамма нарсани сиз учун яратди, сизни эса Ўзининг ибодати учун яратди.

﴿ وَمَا حَفَّتُ الْجِنَّةَ وَالْإِنْسَانَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ ﴾

﴿ Жин ва инсонларни фақат Менга ибодат қилишилари учун яратдим. ﴾

Зориёт 56-оят.

Сиз дунёга баҳтли яшаши учун келгансиз.

Баҳт-саодат эса ейиш-ичишининг ўзи билан ҳосил бўлмайди. Сизни йўқдан бор этган Бунёдкорингиз дейди:

﴿ مَنْ عَمِلَ صَنْلِحًا مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنْ يُحِينَهُ حَيَوَةً طَيِّبَةً ﴾

﴿ Эркак ё аёлдан (иборат ҳар бир) кимса мўмин ҳолида эзгу амал қиласа, Биз унга фарогатли ҳаёт баҳши этурмиз. ﴾

Нахл 97-оят.

Ғам-қайғу сизга ҳамла қилиб, юрагингизни сиққан пайтда бу дарди бедаводан бутунлай қутулмоқчи бўлсангиз,

Чинакам баҳт ва фароғат таъмини тотишини истасангиз,

Дунё ва охират саодатига эришишни суйсангиз, чин дилдан «*Ла илаҳа иллаллоҳ Мұхаммадур Ресуллаллоҳ*» «Аллоҳдан боиқа сиғинишига лойиқ чин маъбуд йўқ, Мұхаммад Аллоҳнинг росули – элчисидир» деб айтиб, Раббингизга юз туting. Шунча йил Ундан юз ўгириб яшадингиз, энди Унга юз тутиб яшаб кўринг. Иккисининг фарқини ўзингиз билиб оласиз.

Аллоҳдан қочманг, Аллоҳга қочинг. Тобакай сизни яратиб неъматга кўмиб ташлаган меҳрибон Холиқингиздан қочиб юрасиз?! Исломга кираётган атрофингиздаги кишилар билан сұхбатлашинг. Уларнинг Исломга кириш сабабини ўрганинг. Исломдан олдинги ва кейинги ҳаётларини солиштириб кўринг. Ўзингиз адолат билан оқилона хулоса чиқаринг.

Нега зиёлилар, 60-70 йил насроний ё даҳрий бўлиб ҳаёт кечирган кексалар умрларининг охирида Ислом динини қабул қилаётгани билан ҳеч қизиққанмисиз?

Исломга юзланаётган европалик ёш-ялангларнинг ота-она-ларнинг қаршилигига қарамай, шаҳват ва шубҳаларни енгиб, иймон келтириш омиллари билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз?

Ҳақиқатда нега ёш-ёш йигит-қизлар ҳеч кимнинг зўрисиз ўз хоҳишлиари билан Европа шаҳарларида жойлашган Ислом марказларига, масжидларга келиб мўмин бўлиш истакларини билдиришяпти? Ахир ёшлик даврда ҳаёт "гаشتини" суришса бўлмайдими?! Ўзларига берилган "эркинлик"дан тўлиқ фойдаланиб, маза қилиб яшашмайдими?!

Йўқ, улар ўша "маза"дан маза-матра тополмадилар.

Фоҳишибозлик, лўттибозлик, гиёҳвандлик, ароқхўрлик каби "лаззат" бағишловчи "лаззат" манбалари уларга лаззат беролмади. Шунинг учун бўлса керак, лаззат-ҳаловат истаб иймонга мурожаат қилишди. Ва йўқотган нарсаларини иймон бўстонида топишиди.

Исломга кирган ғарблик зиёлилар, раҳбарлар, руҳонийлар, ҳарбийлар ва ҳатто космонавтлар ҳақида битилган иккита китоб қўлимда турибди. Уларнинг залолатдан нурга ўтиш қиссалари жуда қизиқарли. Бундай китобларни, агар таъки-ланмаган бўлса, сиз кутубхоналардан топишингиз мумкин. Агар кутубхонада ёки китоб расталарида шу каби китобларни тополмасангиз, умумжаҳон компьютер тармоғи интернетдан фойдаланинг. Айрим сайтларда (хусусан *قصة الاسلام* сайтида)

Исломга кираётган некбахтлар учун алоҳида қисм очилган. Унда уларнинг ҳидоятга келиш қиссалари, қизиқарли ҳаёт йўллари ҳикоя қилинади. Мен эса кўпларнинг ҳайратини оширган иккита баҳтли инсоннинг Исломга кириш қиссасига дикқатингизни жалб этмоқчиман.

Улардан бири: Эмбриология олимий¹ Роберт Файлҳмдир. Кекса яхудий профессорни Исломга қизиқишига "Идда" масаласи туртки бўлган.

Идда – эридан ажраган ёки эри ўлган хотинга шариат бўйича эрга тегиш ман қилинган муддат. Идда бир неча турга бўлинади.² Талоқ қилинган хотин уч ҳайз кўриб, поклангунга қадар идда ўтиради.

"Нега айнан уч ҳайз?" Олимни бу муддат қизиқтиради. Олим муттасил изланиб топган натижа баёнидан олдин идда ҳикматини қисқача тушунтириб ўтсак. Аёлнинг эр уйида идда ўтиришидан биринчи ҳикмат: бачадон поклигини аниқлаш.

¹ Эмбриология – Биологиянинг одам, ҳайвон ва ўсимлик эмбрионлари ўсишини ва ривожланишини ўрганадиган бўлими.

² 1-Талоқ тушган аёл иддаси. У – уч марта ҳайз кўриш ва баъзи қовлларда уч марта покланишгача дейилган. Бу муддат ичи ажрашган хотин эрининг уйида яшайди, бошқа эрга тегмайди. ﴿ وَالْمُطَلَّقُتُ يَرَبِّصُ إِنْفَسِهِنَ شَكَّةً فَرَوْعَ ﴾

Бақара сураси 228-оят.

2-Ҳайз кўришдан умиди узилган кекса аёллар ва ҳали ҳайз кўрмаган аёллар иддаси – уч ой. ﴿ وَالَّتَّى بَيْسَنَ مِنَ الْمَحِضِ مِنْ لَسَائِكُمْ إِنْ أَرَبَّتُمْ فَعَدَهُنَ شَكَّةً أَشَهُرٍ وَالَّتَّى لَمْ يَحْضُنَ ﴾

Талоқ сураси 4-оят.

3-Хомиладор хотин. Унинг иддаси – бола туғулгунчадир. Кўзи ёриши билан идда муддати тугайди. ﴿ وَأَوْلَتُ الْأَمْمَالَ أَجْلُهُنَّ أَنْ يَضْعَنَ حَمَلَهُنَّ ﴾ Талоқ сураси 4-оят.

4- Эри вафот этган аёл иддаси – тўрт ойу ўн кун. Бундан эр ҳурмати инобатга олинган.

﴿ وَالَّذِينَ يُتَوَفَّونَ مِنْكُمْ وَيَذْرُونَ أَرْوَاجًا يَرَبِّصُنَ إِنْفَسِهِنَ أَرْبَعَةً أَشَهُرٍ وَعَشْرًا ﴾ Бақара сураси 234-оят.

Бундан ташқари эри дом-дараксиз йўқолган, ном-нишони бўлмаган хотин иддаси ҳақида фуқаҳолар сўзлашган. Асир ва маҳбус хотинининг иддасини баён қилишган. Мавзуга алоқаси бўлмагани учун уларга тўхтамадик. Оятлар маъносига ўзингиз мурожаат қиласиз деган ўйда оятлар таржима қилинмади.

Иккинчиси: уч ойга чўзилган муддат ичида эр-хотин кўнгли бир-бирига яна илиб қолиш эҳтимоли бор. Идда ичи ярашиб, яна ҳаётни давом эттиришлари мумкин.

Олим илмий изланишдан сўнг шундай хуносага келади.

Эркак кишининг манийси (сперма) аёлда сақланиб қолади. Агар бир ой давомида аёли билан жинсий алоқада бўлмаса, манийдан 25-30 % камаяди. Икки ойда яна шунча камайиб, учинчи ойда бачадон 100 % покланади. Аёл бошқа эрга турмушига чиқар экан, унда аввалги эр уруғидан ҳеч вақо қолмайди. Америкада яшовчи мусулмон ва мусулмон бўлмаган аёллар билан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, муслима аёлларда бегона эркак спермаси топилмади. Аммо бошқа аёлларда бегона эркак спермаси топилди. Бу уларнинг бошқа эркак билан гайриқонуний равишда жинсий алоқа қилишиган ёки бачадон покланмай турмушига чиқшишган деган хуносага келишишимизга асос бўла олади.

Ҳатто қўрқмай айтишим мумкинки, менинг учта фарзандидан фақат биттасигина ўзимнинг пуштимдан бўлиб, қолган иккитаси бегонадир.

Шунга асосланиб, ер юзида мусулмонлар фарзандигина ўз пушти камаридан бўлган дейшига журъат қиласман. Қолгандарга кафолат беролмайман.

Эр-хотинни тарк этган муҳаббат уч ой ичида қайтиши мумкин. Уч ой ичида илимаган кўнгил ундан кейин илимайди. Уч ойда қайтмаган муҳаббат, ундан кейин қайтиши қийин.

Бу нозик илмий ҳақиқатни VI-VII аср кишиси эмас, XX-XXI аср зиёлиси ҳам билмайди. Буни фақат инсониятни яратган ягона Илоҳ билиши мумкин, холос.

Шулар сабаб бўлиб, умрим нухоясида ҳақ йўлни топдим. Биҳамдиллоҳ, мусулмон бўлдим.



Иккинчи некбахт инсон Голландиялик кекса аёл.

Голландияда яшовчи имом ҳар жума намозидан кейин ўн бир ёшли ўғли билан бирга шаҳар айланиб, "Жаннатга йўл" номли ва шу каби кичик рисолаларни тарқатиб келишар эди. Навбатдаги жумада ҳаво совиб кетади. Ёмгир аямасдан құярди. Болача одатига биноан:

- Дадажон, кетдикми? – деди.
- Қаёққа?
- Китоб тарқатгани.
- Ўғлим, бугун ҳаво жуда совуқ. Унинг устига бу ёмгир ҳали-бери тинадиганга ўхшамайди. Бугун чиқмай қўяверамиз.
- Ахир одамлар вафот этишиса, жаҳаннамга тушишиади-ку?..
- Шу сафар чиқмай қўя қолайлик.
- Агар рухсат берсангиз, мен ўзим айланиб келсам.
- Майли, рухсат, лекин йўлларда эҳтиёт бўлиб юринг, - ота ўғлининг шаштини қайтаришини истамади.
- Хўп бўлади.

Бола одатий йўналиши бўйлаб юра бошлайди. Аксига олиб йўлда ҳеч кимни учратмайди. Совуқ ҳаммани уйга ҳайдаган. Буни унча англаб етмаган софдил бола шу алфозда икки соат кўча кезади. Уйларига олиб бориб бераман, деган фикр келди болага. Йўлда дуч келган биринчи уй қўнгирогини босди. Жавоб бўлмади. Икки-уч бор занг урди. Ҳеч ким эшикни очмади. Шунда ортга қайтмоқчи бўлди-ю, қандайдир куч уни яна шу эшикка қайтарди. Энди бола бор кучи билан эшикни тақиллата бошлади. Ва ниҳоят эшик очилиб, остоңада гам-қайғу юзига уриб кетган кампир пайдо бўлди.

- Хўш, хизмат.
- Салом! – бола салом берди ўз тилларида.
- Салом!

– Аллоҳ сизни яхши кўрар экан. Сабаби бугун биринчи бўлиб сиз эшигингизни очдингиз. Сизга совгам бор. Илтимос, бу рисолани охиригача ўқиб чиқсангиз.

– Ташаккур, ҳаракат қиласман.

Бола қўлидаги озгина китобларни шу тариқа тарқатиб, уйига қайтди.

Кейинги жумада аёллар томонда бир онахон ўрнидан туриб:

– Ижозат берсаларинг мен ўз најсоткоримга кўпчилик олдида миннатдорчилик билдирам, – деб қолди.

– Бемалол, – деб унга сўз берди имом.

– Мен бу жойга биринчи бор келишим. Бундан бир неча кун олдин умр йўлдошим вафот этган. Мен бутунлай ёлгиз қолдим. Бирор бир ҳамдард, ҳамдам тополмадим. Дунё кўзимга қоронги кўриниб кетди. Кундан кунга руҳан эзилиб борардим. Охири жонимга суикасд қилишга қарор қилдим. Арқонни шифтга боғлаб, курси устига чиқдим. Шунда эшик қўнгироги чалиниб қолди. Парво қилмай бўйнимга сиртмоқ тортдим. Кўнгироқ яна чалинди. Мен эса эшикка бормай шум ният ижроси билан банд эдим. Учинчи қўнгироқдан кейин кимдир эшикни бор кучи билан ура бошлади. Ҳаёт билан видолашиб учун оёғим остидаги курсини тениб юбориш қолганди. Эшик эса ҳамон тақилларди. Шу ёмғирда ким келиши мумкин, деб ўйлаб, арқонни бўйнимдан олиб, пастга тушибдим. Эшикни очсам, бир малакнамо болача остонаяда турарди. У менга: "Аллоҳ сизни яхши кўради", деб манави рисолани тортиқ қилди. Мен китобни олиб варақлай бошладим. Китоб мени ўзига ром этди. Қандай қилиб унинг ичига кириб кетганимни билмай қолдим. Бир ўтиришида китобни ўқиб чиқдим. Мен қайта түгилгандек эдим. Михланган жойимдан туриб, арқонни ечиб, ахлатга ташладим. Чунки у энди менга керак эмасди. Курсини жойига олиб бориб қўйдим. Китоб гилофида бу ернинг унвони бор экан. Шунинг учун тўғри ёнларингга келдим.

Аёл сўзини тугатар экан имом ўрнидан туриб ҳамманинг кўз ўнгида ўғлини бағрига босиб, манглайидан ўпди. Масжидда тақбир садолари янгради. Аёллар томондан ииғи товушлари эшитилди.



Мен ҳам сизга шу бола каби: Аллоҳ сизни яхши кўради. Сиз ҳам Аллоҳни яхши кўринг. Агар У сизни яхши кўрмаганида, юқорида ёдланган саноқсиз неъматларни сизга тортиқ қилмас эди. Ер юзидағи барча ноз-неъматлар ва жамийки нарсалар сиз учун яратилган. Бу ноз-неъматларни мусулмонларга хос деб айтотмаймиз. Зеро Иброҳим алайҳиссалом:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيْ أَجْعَلْ هَذَا بَلَدًا إِمَانًا وَأَرْزُقْ أَهْلَهُ مِنَ الْثَّمَرَاتِ مَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

Роббим, бу шаҳарни тинч қилгин ва унинг аҳлидан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганларни турли мевалар билан ризқлантири ﴿деганда, Аллоҳ унга жавобан:

﴿قَالَ وَمَنْ كَفَرَ﴾ ﴿"Кофирига ҳам беравераман", деди.﴾

Демак, дунё тортиқларида кофиру мўмин баробар. Бу дунёда оч қолмайсиз. Охиратда эса тақсим бундай бўлмайди. Охиратдаги барча яхшилик фақат мўминларга хосдир.

Фурсатни қўлдан бой берманг! Ўлимдан олдин тирикликни ғанимат билинг. Фоний дунёдаги кичик қайғу мангу охиратдаги катта қайғуга уланиб кетмасин.

Сиз баҳтли яшаш учун дунёга келгансиз.

Бардавом баҳт фақат иймон сифатига эга бўлган кишиигина насиб этади.

﴿فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّيْ هُدَى فَمَنْ تَبِعَ هُدَى فَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾ ﴿٢٨﴾

﴿يَعَانَتَنَا أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِدُونَ﴾

﴿Сизларга Мендан ҳидоят келганида, кимки Менинг йўлимга эргашса, уларга хавф-хатар йўқ ва улар гамгин бўлмаслар. Кофирлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолажаклар.﴾

Дунё ва охират баҳтига эришишни истасангиз, Парвардигорингиздан қочиб юрмай, Унинг Ўзига қочиб келинг. Ҳамманинг қайтар жойи Унинг ҳузури эканини ёдда туting.

﴿إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيَنْبَغِي لَكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ﴾

﴿Ҳаммангизнинг қайтиб борар жойингиз Аллоҳ ҳузуридир. Ана шунда У сизлар қилиб ўтган амалларингиздан хабар берур.﴾

Моида 105-оят.

Мисли кўрилмаган даҳшатли Кун қўрқинчидан омон қолишни истасангиз, дил ва тил жўрлигида *Ла илаҳа иллаллоҳ* деб, шу муборак калима асосида ҳаёт кечиринг ва шу нажоткор калима асосида ҳаётдан кўз юминг.

Мусо алайҳиссалом Тавротда, Исо алайҳиссалом Инжилда хабар бериб кетган энг охирги Пайғамбар Мухаммад ﷺ марҳамат қилиб дедилар: إِنَّ اللَّهَ قَدْ حَرَمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يُتَعَبِّغُ بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ

"*Аллоҳ важҳини истаб холис La ilaha illalлоҳ деган кишини Аллоҳ жаҳаннамга ҳаром этди*".

Бухорий ривояти.



Иккинчи қаҳрамонимиз мусулмон.

Гоҳ-гоҳ намозда кўриниб қолади. Баъзи тутимидан ибодат одатга ўхшаб қолгандай туюлади. Айтишларича, моддиятда биринчи қаҳрамондан кам жойи йўқ. Бу жиҳатдан кўнгли тўқ.

Иймони бор, лекин ҳар замонда юраги сиқилиб қолади. Нимага сиқилганини ўзи ҳам билмайди. Нон гадойи нон топмагани учун сиқилади, нон топгач, ғами кетади. Бошпана сиз дарбадар уй қидириб сиқилади, уй топилгач, қайғудан қутулади. У нимага сиқилади, номаълум. Нони бутун, уйжойи бор. Врачгаям борди, табибгаям кўрсатди, натижа бир хил – дардга даво йўқ. Ароқ ичмайди, сигарет чекмайди, ёмонга юрмайди. Лекин юраги сиқилади. Ўзидан-ўзи дили ғаш бўлиб қолади.

Бу дард зоҳирان бесабабга ўхшасада, аслида унинг тагида бир эмас, бир нечта сабаблар бекинган. "Бесабаб оёққа тикан кирмайди", "Худони амрисиз бандани ари чақмайди", дейилган сўзлар беҳуда айтилмаган.

Туркий забон кўҳна элнинг фалсафий дунёқарашини акс эттирувчи бу ҳикматли мақоллар шаръий далиллар асосида юзага келган бўлиб, табиат ва жамиятда рўй берадиган ҳар бир воқеа-ходиса у ёки бу сабабга бевосита ёхуд билвосита боғлиқ эканини таъкидлайди.

Демак, бу қаҳрамонимизнинг қайғуси бесабаб эмас. Сиқилишининг қандайдир сири бўлиши керак.

Аллоҳ таоло Қуръонда хабар бериб деди:

﴿ وَمَا أَصْبَحَ كُمْ مِّنْ مُّصِيبَةٍ فِيمَا كَسَبْتُ أَيْدِيكُمْ وَيَعْفُوا عَنِ كَثِيرٍ ﴾

Шуро 30-оят.

﴿ Сизларга етган мусибат қўлларингиз касб этмиш маъсият сабаблидир. Боз устига У кўп гуноҳларни афв этур. ﴾

Сиқилиш – бир нав мусибат.

Диллар ҳакими ﷺ огоҳ этиб дегандилар:

"Мұхаммаднинг жони Унинг Қўлида бўлган Зотга онтким, чўпнинг тирнаши ҳам, томир тортиши ҳам, қадамнинг тойиши ҳам гуноҳ сабаблидир. Аллоҳ жазоламай кечириб юборган гуноҳлар эса жуда кўп".¹

Олимлар дейди:

Маъсият – неъмат кушандаси.

Хотиржамлик – неъмат. Гуноҳ эса неъматларга қирон келтиради. Шу боис хотиржамликни хафагарчилек сиқиб чиқаради. Кенглик ўрнига танглик келади.

Ким маҳфий гуноҳ қиласа, жазоси жиноятига яраша маҳфий бўлади – юраги сиқилади, дили гашланади. Ҳар ким экканини ўради.

Гуноҳ ҳаловатни ҳасратга айлантиради. Ризқ-рўз камайишига сабаб бўлади. Рўзгордаги етишимовчилик ғам-қайгу уясини кавлайди, дилни тирнайди.

Тоат муҳаббатга, маъсият газабга дучор этади.

Ҳар бир маъсиятнинг ўзига яраша уқубати бор.² Ғам бир нав уқубат. Уҳуд кунидаги ҳодисалар – мусулмонлар бошига тушган мусибат ва қалбга пайдар-пай келган ғамлар бунга ёрқин далил. ﴿فَأَثْبَكُمْ عَمَّا يَغْمِي﴾ (Ғам устига ғам берди.)

Оли Имрон 153-оят.

Ушбу байтларни битган шоирни Аллоҳ ярлақасин:

*Бошингга ҳар бало келса, хато босган изингдан кўр,
Агар ўғлинг ёмон бўлса, ҳаром берган тузингдан кўр.*

¹ Ҳадисни Ибн Касир ўз тафсирларининг 4 жилд, 150 саҳифада келтирсанлар.

² Гуноҳлар гоҳ бутунлай кечирилади, гоҳ жазоси кечиктирилади. Гоҳида на кечирилади, на кечиктирилади. Гуноҳкор шу дунёнинг ўзида жазоланади.

Аллоҳни кўп зикр қилган инсоннинг юраги сиқилмайди. Мавлосини ҳар қанча кўп ёдласа, дили шунча ёришиб ором олади.

﴿أَلَا يَذِكُرُ اللَّهُ تَطْمِئْنُ الْقُلُوبُ﴾

﴿Огоҳ бўлингизким, Аллоҳ зикри ила диллар ором олур!﴾

Раъд 28-оят.

Аллоҳни кам зикр қилиш, онда сонда бир эслаб қўйиш, ибодатга эринчоқлик, намозга танбаллик мунофиқлар аломати. Бу амал ўз ўрнида юрак сиқилишига олиб боради.

﴿إِنَّ الْمُتَفَقِّينَ يُخَدِّعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَدِيرُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ قَامُوا كُسَالَىٰ يُرَاءُونَ النَّاسَ وَلَا يَذَكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

﴿Дарҳақиқат, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар, ҳолбуки, Аллоҳ уларни алдаб қўйгувчиидир. Қачон намозга турсалар дангасалик билан базўр туриб, хўжакўрсинга намоз ўқийдилар. Ва Аллоҳни жуда оз зикр қиласидилар.﴾

Нисо 142-оят.

Тобеинлардан Иброҳим ибн Язид деган эди:

"Агар бир кишининг биринчи такбирга бепарволигини кўрсанг, ундан қўлингни ювиб, қўлтиқقا ур".

Зикрнинг энг афзали Аллоҳ оятларини тиловат қилмакдир.

Абдуллоҳ ибн Идрис ўлим тўшагида ётганда қизлари ота бошида туриб кўз ёш тўқади. Шунда олим:

"Қизим, йиғламанг. Биҳамдиллаҳким, дадангиз шу уйда Куръонни тўрт минг марта хатм қилган".



Ҳаётда шунақасиям бўлар экан.

АҚШ олийгоҳларининг бирида таълим олаётган араб йигити америкалик инглиз қиз билан танишиб қолади. Оддий танишиш мустаҳкам алоқаларга сабаб бўлади. Йигит шу қизга уйланаман деб отасига кўнглини ёради. Табиийки ота бунга кўнмайди. Қайсар йигит икки оёғини бир этикка тиқиб олади. Ота ҳам тутган ерини кесадиган ўта ўжар киши экан, ошиқ ўғлининг ҳолига раҳми келмай:

- Мурдамнинг устидан ҳатлаб ўтиб, кейин уйланасан. Мен тирик эканман бундай орга йўл қўймайман, – дейди.
- Жон дада, хўп денг, – юмшаб, ялинишга ўтади.
- Йўқ дедимми, йўқ! Гап тамом, вассалом!
- Агар қиз Исломга кирсачи?..
- Мусулмон бўлса, унда бошқа гап. Ўша қизда кўнглинг бор экан, начора, мен розиман, оқ сут берган онанг рози. Чолкампир оқ фотиҳа бериб, тўйингда ўзимиз бош бўламиз.
- Қиз инша Аллоҳ, Исломни қабул этади. У ўқимишли.

Йигит оёғини қўлга олиб, тўғри китоб дўконига чопади. Ислом дини билан таништирувчи инглизча китобларни харид қилади. Шошилганиданми, ё иштиёқу эҳтироснинг зўриданми, ҳар нечук китобларнинг баҳосига қарамай дуч келган китобни олаверади. Қулочини тўлдириб касса ёнига келади. Сотувчи билан нарх талашмай, айтган суммасини санаб унинг олдига қўяди. Қайтимига қарамай дўкондан отилиб чиқади.

Ошиқ оёғи олти, қўли етти бўлган ҳолда маъшуқа ёнига учарди. Қиз бунча кўп китобни ўқиб чиқиш учун қирқ кун мухлат сўрайди. "Қирқ кун"ни эшитиб йигитнинг капалаги учиб кетди. Бу кунлар кимлар учундир елдек ўтган бўлса, ким учундир йилдек ўтади. Йигит китобни озроқ олсан бўлар экан, деб роса афсусланади.

Орзиқиб кутилган қирқинчи куннинг тонги тун каби қўрқинчли. Ҳавонинг авзойи бузук. Осмонни қоп-қора булутлар қоплаган. Қуёш куйган лапмочкадек нурсиз. Нури бутунлай сўнган демоқчи эмасман, нур ўша-ўша, лекин у ўткир нурлар самони забт этган зич қора булутларни ёриб ўтишдан ожиз. Тунд табиат кўплар қатори йигит дилини ғаш қилган. Бунинг устига "қиз Исломни қабул қиласдими, йўқми" деган хавф эски ғашлик билан биргаликда унинг дилини аёвсиз тирнайди. Кундан кунга хавотири ошди. Бир вақтнинг ўзида олам ва одам ичи қоронғилашса жуда қўрқинчли бўлар экан.

Кўкдаги нур тўсилган шу ваҳимали соатларда ердан нур таралиб, йигитнинг қоп-қоронғи ботинини ёритиб юборди. Қиз белгиланган кундан кечикмай учрашувга етиб келди. Йигит кўзига ишонмасди. Унинг рўбарусида рўмолга бурканган инглиз сулуви осмондан тушган ойдек чараклаб туради.

– Омонатларни олиб келдим. Китоблар учун чексиз ташаккур. Ҳидоятимга сабаб бўлганингиз учун алоҳида раҳмат, – дейди қиз салом-аликдан сўнг.¹

– А-а-р-рзимайди... – дейди тутилиброқ. Дунёга teng ҳусн, ўхшиши йўқ гўзаллик қархисида унинг тили айланмай қолди.

Қизнинг талъати ўзгарганидек, овозида ҳам қандайдир ўзгариш бор эди. Уятчанлик, нимадандир чўчиш, тортиниш яққол сезилиб туради. Шўх кўзлари билан йигитга тик боқадиган насроний қиз бу гал кўзини ундан олиб қочган. Ўйноқи кўзлар гуноҳ қилиб қўйган бола сингари ерга қадалган.

Йигит эса ўзида йўқ хурсанд. Бир лаҳза ичиде унинг хаёлидан нималар ўтмади дейсиз. Ҳали икки қўлини фотиҳага очиб келин-куёвни дуо қилаётган ота-онаси, уни қутлаётган дўстлари кўз ўнгига намоён бўлса, ҳали ясатиқлик машиналарнинг шовқин-сурон кўтариб шаҳар кўчаларида кезиши намоён бўларди. Бир зумда хаёл лентасида ўранган кўккўз

¹ Чет эл ахборот агентлиги тарқатган расмий хабарга кўра, Британияда 2010 йили 2000га яқин аёл Исломни қабул қилган. "Исломга кираётган аёллар сони эркаклар сонига нисбатан икки баробар кўп", деб хабар берилади манбада.

қайноаси пайдо бўлиб қолди, қаранг, унгаям рўмол ярашар экан, деган ўй ҳам виз этиб учиб ўтди. Тўй дастурхони, ҳавасманд ёшлар, хурсанд қариндошлар, бола-бакра қий-чуви... Ва ниҳоят, ҳуввуллаб қолган тўйхона... гўшанга томон юраги шошиб, оёғи аста одимлаётган икки баҳтиёр ёш қисқа сукунат ичидан унинг хаёлидан кечиб ўтди. Хуллас, йигитнинг оғзи қўлоғида. Гўё дунёдаги ягона баҳтиёр инсон бугун факат у. Забони ҳоли оламга таҳдид қилиб дерди:

*Бугун мендан баҳтли ким бор дунёда,
Фарҳодми, Мажсунми, ё бошқа инсон?!
Қувончим баридан ортиқ зиёда,
Фараҳда тенг келмас жумлаи жаҳон.*

Очиғини айтганда, икки ўт орасида қолган бечора хушторнинг қайғулари ариб, шубҳа, хавотирлари кетиб, заҳмат, машаққат чекиб етиб келган ҳозирги қувончга тўла ҳолини таърифлашдан менинг қаламим ожиз. Уни фақат қўриб завқланасиз, қаламга олиш учун катта маҳорат керак. У маҳорат менда топилмади. Қўлимдан келгани шу тўрт қатор шеър бўлди, холос.

- Истасангиз... – "яна олиб келиб бераман" демоқчи эди, лекин тезда гапни буриб: – Бундай китоблар бизникида жуда кўп, борганда ўқийверасиз, – деди. У ҳамон тиржаярди.
- Ташаккур.
- Совчиларни жўннатаверайми?
- Киз жавоб бермайди.
- Нега жимсиз? Уяляпсизми? – қиз сукутини уялишга йўйди.
- Мен шу китобларни ўқиб мусулмон бўлдим, лекин сизга тегмайман. Овора бўлиб совчи жўнатманг.
- Нега?! Тинчликми? – шўрликнинг кўзи қинидан чиқаёзди. Киз эса жим. Йигитнинг ўпкаси тўлиб кетди. Йиғлаб юборишига бир баҳя қолди. Ва ниҳоя қиз тилга киради:

– Ушбу китоблар мутолаасидан менга маълум бўлдики, сиз бу китобда ёзилган чин мусулмон эмас экансиз. Узр, мен ҳаётимни чин мўмин йигит билан боғламоқчиман.

Бир оғиз сўз билан йигитга иккита қаттиқ зарба берилган эди. 1-Зарба: Маҳбуба раддияси. 2-Зарба: Чин мусулмон эмаслиги.

Демак у номига мусулмон. Яъни қаллоб, ҳақиқий эмас...

Агар бу сўз бошқа бир бегона кишининг оғзидан чиққанда-ку, нима қилишни ўзи биларди. Лекин дилини ларзага келтирган аччиқ сўз ўша дилни ишғол этган энг суюкли инсон оғзидан чиқса-чи, унга қандай жавоб қайтаради?..

Энди дардини кимга бориб айтсин? Кимга ичини ёрсин?

Кимга ва қаерга борган тақдирдаям "Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама" деган бир хил жавобни эшитиши аник. Йигит шундай тушкун ҳолга тушгандики, бу гал нафакат мендек нўноқ толиб, балки қалами ўткир сўз усталари ҳам мурдадек бесас қотиб қолган мажнуннинг сўниқ ҳолини таърифлашдан, чилпарчин қалбига ёпирилган қандайдир ғамлик ҳис-туйғуларини чизиб беришдан, изоҳлашдан ожиз эдилар.

Қиссадан ҳисса чиқариш ўзингизга ҳавола. Мен ўқтин-ўқтин юраги сиқиладиган намозхон акани "сиз ҳам шу йигитга ўхшаб номигагина мусулмон бўлсангиз керакда" демокчи эмасман. Лекин риёкорлик, сохтакорлик каби юқумли ёмон мараз юқишидан огоҳ этаман. Шоир Миртемир шўролар даврида бир муносабат билан баҳши байтини ўқиб деган эди:¹

Не учундирким, бу элда саодат соҳтадин соҳта,
Хиёнат авжида, ё Раб, диёнат соҳтадин соҳта.
Илтижолар ижобатсиз, ибодат соҳтадин соҳта,
Онанг пулдир, Отанг пулдир, тижорат соҳтадин соҳта.

¹ Ўз. АС. 1990 йил 23 ноябрь сонида шоир Миртемир ҳаёти ҳақида берилган мақоладан. Байтлар Эргаш Жуманбулбул ўғлига мансуб.

Ҳар хил мuloҳазалардан чўчимай, хушомад, мулозамат каби сохталикни йифиштириб, бир дамга бетараф бўлиб ўзимизга савол бериб, ўзимиз жавоб излайлик. Майли, буни бирор билмай қўя қолсин. Ботинда туғилган саволларга ботинда жавоб бериб, ўша ерга дағн қилиб, кўмиб ташлайлик.

- Яширмай ростини айтинг, қалбаки пул борми?!
- Бор.
- Ёлғондакам табассум, ясама кулги борми?
- Бор!
- Юзаки муомала, сунъий садоқат, сохта дўстлик-чи?!
- Бор.
- Шундай экан, айтинг биллоҳ, нечун сохта дин бўлмасин?..
- Сохта имзо борлигидан хабарингиз борми?
- Бор.
- Аллоҳ ҳаққи айтинг, нечун сохта тақво бўлмасин?!...

Ахир бандаларни тавбага буюрган кечиримли Ғаффор:

﴿ تُوبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَصُوحًا ﴾ ﴿ Аллоҳга ҳақиқий тавба қилинглар ﴾ дедику. Демак, ноҳақиқий тавба ҳам бор эканда. Бошқа оятда: ﴿ مُذَبَّذِينَ بَيْنَ ذَلِكَ لَا إِلَى هَوْلَاءِ وَلَا إِلَى هَوْلَاءِ ﴾ ﴿ Улар на у ёқлиқ, на бу ёқлиқ бўлмай икки орада сарсон ҳолда қолганлар ﴾ деганку.

"Чин мусулмон эмассиз!" Бу сўз дунёда айтилса, буни ўнглаш мумкин, ўзини тузатишга имконият етарли. Лекин Маҳшарга қадам қўйилганда: "Сен чин мусулмон эмассан!!!" дейилса, буни қандай ўнгланади?! Ё Раб! Ўзинг сақла...

Йигитнинг юзаки мусулмонлигини оддий бир қиз пайқаб қолибди, сўнг истиҳола билан юзига айтибди. Ошиқ амаллаб маъшуқасини алдаши мумкин, қизнинг қулоғига ёлғонларни исирғадек илиб, турли ваъдалар билан ниятига етар... Орзу этилган тўй бўлиб ўтгандир, ували-жували бўлгандир...

Аммо Аллоҳни қандай алдайди?!.. Масjidда мусулмону бозорда номусулмон бўлганнинг ҳоли нима кечади?!..

Бунақаси ҳам бўлиб туради.

Бу воқеа Арабистонда рўй берган.

Ҳикоя қилмоқчи бўлган йигитимиз, аникроғи мархум ёш йигит Америкага бормаган. Инглиз қизи тугул, араб қизи билан ҳам сухбатлашмаган. Яъни уйланмаган. Шоир таъбири билан айтганда: "бир марта ёр-ёр эшитмай, чимилдиқ кўрмай оламдан эрта кўз юмган". Ана шу йигит худди куёв боладек...

Келинглар, гапни сал узокроқдан бошлайлик.

Ер қатламининг туб-тубида яшириниб ётган қора олтин заҳираси юзага чиққач, мамлакатда ободончилик ишлари авж олиб кетади. Эски ҳовлилар бузилиб, замонавий янги виллалар қурилади. "Байтуш шаъбий" деб аталмиш пастқам уйлар ўрнида кўкка туташ кўп қаватли бинолар қад кўтаради. Саҳролар хушманзара боғга айланади. Ёзда чанг-чунг, қишида лой бўлиб кетадиган йўлларга асфальт ётқизилади. Айниқса, шаҳарларни боғловчи транспорт йўлларига эътибор кучайтирилади. Лойиҳа остига кирган ҳар қандай уй уваланган кесакдай бульдозерлар остида майда-майда бўлиб кетади. Тор йўллар кенгайтирилади. Умр бўйи ўтов тикиб ўтирган кўчманчи бадавийлар осмонўпар иморатларга кўчиб ўтади.

Жадал суръатда илдамлаётган қурилиш ташландиқ қабристонга яқинлашганда таққа тўхтайди. Лойиҳада қабристон ўрнига шоҳ йўл тушиши керак экан. Ҳамманинг боши қотиб қолади. Маҳаллий аҳолининг билдиришича, бу қабристонга 20 йилдан бери ҳеч ким дафн қилинмас экан. Майитлар ҳозирда янги қабристонга қўйилади. Шунга асосланиб, диний жиҳатлардан фатво, давлат идораларидан рухсат олингач, қабристон бошқа ерга қўчириладиган бўлди. Гўрларга қайта кетмон солиниб, мархумлар суюги эҳтиёткорлик билан оҳиста нақл қилина бошланди. Шунда ҳаммани бирдан даҳшатга солган ҳодиса рўй беради. Кутилмаган бу ғаройиб ҳолатдан

ишлилар қўли ишга бормай қолади. Офтоб зарбидан сарғайиб кетган эски бир қабрни очишаётганда, янги қўйилган мурдага дуч келишади. Гўрков ва қурувчилардан иборат ишчи гуруҳ бошлиғи ғазаб аралаш ҳайрат билан гўрковдан сўрайди:

– Йигирма йилдан бери бу ерга ҳеч ким дафн қилинмаган,
– деган эдингиз-ку.

– Шундай, саййид.

– Унда бу нима?!

– Валлоҳи, билмадим, саййид.

– Сиз билмасангиз, унда ким билади?

– Ўлимдан хабарим бор, бу нарсадан хабарим йўқ...

– Майиттинг юзини очиб кўрилса, кўп нарса ойдинлашади, – деб гапга аралашади тепада турган маҳалла оқсоқоли.

– Тўғри айтасиз, – оқсоқол сўзини тасдиқлайди бошлиқ.

Мурда юзидан тупроқни олиб ташлашга гўрковдан бошқа ҳеч кимса ботинмайди. Кунда қанча-қанча майитни қўлдан ўтказавериб дийдаси қотиб кетган гўрков номаълум мурда жасадига қўл узатаётганда аллақандай нохушликни сездими, ёки уни ҳам бошқалар қатори қўрқув чулғадими, нимагадир безовталанди. Ўликларнинг ҳайбати бўлади деганларича бор экан. Суяги гўристонда қотган одам шунчалик титраса, қолгандарга нима дейиш мумкин?

Фавқулоддаги бу манзарадан кимдир юзини олиб қочди, кимдир кўзини узмай қараб турди. Мурданинг юзини очишиганда, бояги қўрқинчдан асар қолмайди. Ҳамма мурдага термилиб қолганди. Кўзини олиб қочган юраги йўқ кўнгли бўшлар нима бўлаётганини тушунмай, аста юзларини мурдага қаратишади. Ўликка қараб улар бирдан донг қотади.

Қабр тепасида турганларнинг ҳаммасини ҳайрат ўз домига тортганди. Бу бир хил ҳайраттинг омили икки хил эди: ишчи гурухни худди янги куёвга ўхлаётган йигиттинг нурли

талъати ҳайратлантирса, маҳалла мўйсафидларини ўзларига таниш йигитчанинг чиримаган жуссаси ҳайратга солганди.

"Мошо Аллоҳ! Астағфируллоҳ, Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ" калимасини тинмай такрорлаётган бояги оқсоқол кўзини йигитдан узмай, ўйчан ҳолда:

– Бу, фалончининг ўғли. Отаси тирик. Ҳозир анча кексайиб қолган, – деди.

– Дафн қилинганига қанча бўлди? – сўрайди бошлиқ.

– Чамамда 20 йилдан ошди. Йигит ҳаёт бўлганида ҳозир 40 ёшга кирган бўлармиди...

– 20 йил?!.. – гапиришга юраги дов бермай турганлар тилга кириб, оқсоқолга бақрайиб қарашади.

– Ҳа, 20 йил, балким ундан кўпроқ бўлса, ажаб эмас, – деб, ёшлардан бирига вазифа топширади: – Ҳой жиян, сиз тез бориб, машинада марҳумнинг отасини бу ерга олиб келинг. Кўрган-билгандарингиз ҳақида лом-мим деманг. Ўзим ётиғи билан тушунтираман. Оқсоқол йўқлаяпти, десангиз кифоя.

Иш тақатак тўхтаган. Ишчилар ўз кўзлари билан кўриб турган илоҳий каромат олдида бошларини ерга қаратиб, сўзсиз жим ўтиришарди. Йигирма йил олдин кўмилган жасад чиримай, қандай қўйилган бўлса, шундай ётибди. Бунинг солиҳ бандага нисбатан илоҳий каромат эканини ҳодиса гувоҳларининг бари англаб етди. Бу ёш йигитча Худога манзур бўладиган қандай иш қилиб кетган эканки, бу неъматга эришди, деган савол уларни ўйлатиб қўйганди.

Оғзидан ҳеч сигарет тушмайдиган, доим лабига битта, қулоғига битта сигарет қистириб юрувчи қурувчилардан бири шу пайтда сигарет тутатгани ҳижолат чекди. Қулоқ орасидаги тамаки ўралган қофозни сездирмай қўлига олиб, мажағлаб-мажағлаб киссасига солиб қўйди.

Дарвоқе, чимилидиққа кирмай қабрда куёвга ўхшаб ухлаётган тупроқ тубидаги нурли талъат ҳикоя бошидаги йигитдир.

Бир зумда унинг отаси қабристонга етиб келади. Ҳодиса билан танишгач, кўзида ёш қалқийди.

– Бу дунёда ўғлим билан қайта дийдор кўрсатган Аллоҳга ҳамду сано айтгум. Ўғлим, бизнинг сафаримизам яқинлашиб қолди. Илоҳо, ҳаётимизни сизнинг каби ҳуснулхотима билан якунлантирсин...

Тупроқ остидан чиққан нефт мамлакат аҳлини қанчалик қувонтирган бўлса, 20 йил тупроқ остида қолиб, чириб кетмаган йигит жасади мункиллаб қолган отани шунчалиқ, балким ундан кўпроқ қувонтирган эди.

– Биродар, айбга буюрмайсиз, мен кўпчиликни ўйлатиб қўйган савол билан мурожаат қилмоқчиман.

– Бемалол.

– Албатта бу – Аллоҳнинг суйган бандаларига кўрсатган каромати. Сўрамоқчи бўлганим шуки, ўғлингиз шу кароматга ноил бўлибди. Айтингчи, тириклигига у қандай бола эди?

– Биҳамдиллоҳ, ўғлимиз яхши йигит эди. Ота-онасига тик боққанини, сўзимизни қайтарганини эслолмайман, – деб сўздан тўхтайди.

– Яна бундан бошқа қандай хусусиятлари бўлган?

– Ўғлим сахархез¹ эди. Ҳар қачон уни бомдод намозига ўйғотиш учун хонасининг эшигини очганимда, ўғлим аллақачон таҳорат олиб, масjidга чиқиб кетаётган бўларди. Бирор маротаба бомдод намозига ухлаб қолганини билмайман. Бомдод азонидан кейин уни ўйғотмоқчи бўлсан, ўғлим мени табассум билан қаршилаб: "Дадажон, яхши ётиб турдингизми?" дерди.

Гоҳида мен таҳорат олмоқчи бўлганимда, у масжидга чиқиб кетарди. Эртасига яна шу ҳол такрорланади. Шундай бўлишига қарамай фарзанди аржумандим бирор маротаба

¹ Сахархез – Эрта билан билан барвақт, сахарлаб туришга одатланган.

"Дада, бўлди, ҳадеб, эшикни қоқаверманг. Ўзим уйғонаяпманку!" демаган. Бизга ҳечам аччик-тирсиқ, зарда қилмаган.

Ота кўзидан марвариддай ёшлар қуилади.

– Бундан бошқа яна қандай солиҳ амалларини биласиз?

– Мен билганим шу. Болам беш вақт намозга маҳкам эди.

– Ҳамма гап шунда. Жанобимиз Мұхаммад Мустафо 

"Бомдод намозининг икки ракаат суннати дунё ва ундағи барча нарслардан яхшироқдир", деб марҳамат қилғанлар.¹ Агар суннати шунчалар фазилатга эга бўлса, фарзига нима дейсизлар? – деган саволомуз хитоб билан сўзга якун ясади оқсоқол. Унинг кўзаридан марвариддай ёш тўкиларди...



Менинг ҳам кўзимда беихтиёр ёш қалқиди. Билмадим, бу қандай ёш. Йигит қиссасининг таъсирими, ўзимнинг мажхул қисматимми? Дунёнинг энг сўнгги, охиратнинг энг биринчи манзили бўлмиш, бошқача ибора билан айтганда дунёдан охиратга олиб борувчи бекат бўлмиш Қабр – Барзах ҳаётидаги ажойиботларми?.. Намозга бўлган муносабатимми?

Бир нарса дейиш қийин. Балким бари жамланиб айсбергдек музлаб қолган кўз ёшларни эритгандир?..

Энди ўз танамизга ўйлаб кўрайлик. Юраги сиқилаётган сиз намозхон ака ҳам, ўзини мусулмон деб билган бенамоз кишилар ҳам, дўппини ерга қўйиб, ўйлаб кўришсин.

Намозга эътибор қандай?

Намозларни энг охирги маҳалига тақаб ўқиладими? Ё қазо қилиш даражасига етиб бориладими?

¹ Ҳадис Саҳиҳи Бухорийда келган. Бомдод намозининг фазилати ва хусусиятлари хақида сўзловчи "Намоз уйқудан яхши" номли рисоламизда бу мавзуу кенгроқ ёритилган.

Ё бомдоднинг бир ракаатини қуёш чиқмасдан олдин, қолган бир ракаатини қуёш чиқаётганда ўқиладими?

Намоз ичидаги ҳолат қандай? Аллоҳдан қўрқиб туриладими, ё жаҳон кезиладими?

Бу каби саволларни кўпайтириб, ҳар биримиз ўзимиз жавоб излайлик.

Сиқилиш – сигнал. Худди зирапча кирган жойдаги оғриқ баданга кирган бегона моддадан хабар берганидек, юракнинг сиқилиши кишидаги иймонга ёд амалларга қўл урилганидан дарак бериб қўяди. Гўё у: *Тезроқ тавба қил. Тўгри йўлга қайт. Қизил чизиқни босиб, таъқиқланган зонага ўтиб кетдинг. Сенда ёмон ўзгаришлар рўй берди. Иймонингга, намозингга асло ярашмайдиган, ҳожиедек улуғ номингни булгайдиган ножуя иш қилиб қўйдинг, тез ўзингни ўнгла!!!* деб огоҳлантиради.

Дарвоқе, ёшларга айтадиган гап бор. Улар бошқалардан кўра қизиқувчанрок, орзу-ҳавасга кўпроқ берилган бўлади. Шунинг учун уларга айтаманки, намоз ўқимай бойиб кетаётган одамга ҳавас қилманг. Намоз ўқимасаям омади куляяпти, савдоси юряпти, егани олдида, емагани ортида, деб алданиб қолманг. Буни "истидрож" дейилади – аста-секин жаҳаннамга қулаш демакдир. Бошқача ибора билан айтганда: жаҳаннамийга қўйилган тузоқ, қопқон. Қармоқдаги чувалчангни кўрган балиқ "омадим келди" деб шошиб-пишиб ўзини текин ўлжага уради. Оқибатда қармоққа илиниб ўзи ўлжага айланади. Бу сўзимни бугун тушунмасангиз эртага тушунарсиз. Эртага ҳам тушуниш насиб қилмаса, қайта тирилган куннинг биринчи соатида албатта тушунасиз. Бенамоз бойларнинг оҳ-фарёдини эшитиб, аянчли ахволини кўриб, намоз ўқиганингиз учун беҳад суюниб кетасиз. Намоз муҳаббатини дилингизга солган Аллоҳга ҳамд айтасиз.



Ҳазийний мухаммаси

Кимки Ҳақга бандадур фармонидин айрилмасун,
Кеча-кундуз тоати субхонидин айрилмасун,
Барча мүмин раҳмати Раҳмонидин айрилмасун,
Пиру Аҳмад – шафоат конидин айрилмасун,
Жон берарда гавҳари иймонидин айрилмасун.

Ҳақ таоло дейди дўстум тун-сахар бедорини,
Ваъда қилди онлара жаннат ила дийдорини,
Ҳақ суяр қилса саховат банда ҳарна борини,
Раҳматидин бенасиб этгай чу дилозорини,
Тонгла роҳат истаган эҳсонидин айрилмасун.

Бу жаҳонга ким келубдур бўлмасин баҳти қаро,
Ушбу иллатга кишини қилмасун Ҳақ мубтало,
Бу касал ҳаргиз тузалмас, доруси йўқ – бедаво,
Суд йўқ кўқдин тушуб Исо қилса анга дуо,
Раҳмати Ҳақ доимо инсонидин айрилмасун.

Одам ўғлига ажал келгунча юргай бехабар,
Охиратни ўйламас кўнглида йўқ хавфу хатар,
Молу дунёни йиғиштурган билан ташлаб кетар,
То қиёмат тонгги отқунча ҳама гўрда ётар,
"Ҳасрато" бирла ўтиб хандонидин айрилмасун.

Ёру дўсту акраболардин жудо қилғай фироқ,
Ҳасрату андуҳ илан қаддин дуто қилғай фироқ,
Барчани хоки мазаллат ичра жо қилғай фироқ,
Бир-биридин ажратиб соҳиб азо қилғай фироқ,
Бу Ҳазиний¹ доимо суйгонидин айрилмасун.



¹ Зиёвуддин Каттаҳожи Ҳазиний Кўқон яқинидаги Кенагас қишлоғида дунёга келган. Шоир ўзи ҳақида шундай деган эди:

Маконидир Кенагасда, ўзи аҳли Фарғона, Ҳазиний қоряда жойи, Кўқон эрур шаҳари. (Қоря – Қишлоқ).

Шоир эл орасида "Фарғона тонг отгунча" ғазали билан машхур.

Ҳижрон ўтиға бағрим сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, жисмим бирёна тонг отқучча.

Найлайки иложим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отқунча.

Ҳазиний 1923 йили 56 ёшида вафот этган.

АЙРИЛИҚ, ЖУДОЛИК, ЙҮҚОТИШ

*Кимга айтиб, кимга йиғлай мубталолиқ дардини,
Олами қаҳатчиликда бенаволиқ дардини,
Оҳ, саргардон кезиб, беражнамолиқ дардини,
Дўстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолиғ дардини,
Душманинг ҳам бўлса, ўз ғамхоридин айрилмасун.*

*Етмади додим, фалакни(нг) дастидин фарёду дод,
Рўзгорим шоми равишан қилмади субҳи мурод,
Ошно, ёру биродарларда йўқ меҳру вадод,
Бандae, ё Rab, Муқимийдек бўлиб хору касод,
Суду¹ савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.*

Муқимий мухаммасидан.

¹ Суд – Фойда.

Ғам-қайғу сабабларидан бири: Айрилик, Жудолик, Йўқотиш

Бу уч калима заҳарланган учли найзага ўхшайди. Зеро у одам қўли етмайдиган жасад қалъасида қўриқланаётган дилни қақшатади. Дилни асосан иккита қурол яксон этиши мумкин: 1-Тиф. 2-Тил. Тиф танани ёриб дилга зарба берса, тил қулок пардасини тешиб ўтиб зарба етказади. Бир тур заҳар инсонни ўлдирса, бошқа бир тури асаб фалажини келтириб чиқаради.

Юракдаги оғриқ йўқотилган кимса ё нарсанинг дилда тутган манзилати ва қадр-қийматига қараб кучаяди. Баъзан йўқотиш соппа-соғ одамни соғлар орасидан бутунлай ажратиб, ногиронлар сафига қўшади. Баъзида юракни фалаж қиласади. Жудолик боис кимдир ақлдан, кимдир йўлдан озади.

"Айрилиб қолдим", "жудо бўлдим", "йўқотиб қўйдим" – буларнинг бари бир-биридан оғир сўзлар. Кимдир яқинидан айрилади, кимдир соғлигидан...

Кимдир тирикчиликка дастак бўлиб турган ишидан, кимдир мансабу лавозимидан маҳрум бўлади. Радиода эшитган эдим: Японияда ишсиз қолган киши ўз жонига қасд қиласади. Жони ортиқчаларнинг аксари кераксиз жондан қутулиш учун энг осон йўл деб ўзини поезднинг тагига ташлар экан.

Мансабидан четлатилган амалдорнинг сирли равища жон бериши шўролар даврида тез-тез учраб турадиган одатий ҳол. Курсидан кетган чиновниклар қисмати кўпинча фожеали якун топган. Мансабига маҳкам ёпишганни гум қилинган.

Кимдир шинам манзилидан айрилса, кимдир ватанидан айрилади. Бири бошқа маҳалладан ҳовли қиласа, бошқаси ўзга заминдан бошпана топади.

Ким кўз нуридан, ким нури дийдасидан жудо бўлади. Яна кимлардир тилдан қолмасаям, сўздан мосуво бўлади.

Бири ёрдан, бири молдан, бири дўстдан жудо бўлади.

Бирор хешни, бирор хушни, бирор ҳаққини, бошқаси ҳуқуқини йўқотади. Бирорнинг чеки, бирорнинг эрки қўлдан кетади. Кимдир сирни бой берса, кимдир бошни бой беради. Баъзилар ҳамёндан, баъзилар иймондан айрилади.

Ҳар қандай жудолик инсонга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Энг кичик жудолик дилга зиравадек санчилиб, қалбни тешади. Шунинг учун ҳеч ким ҳеч нимадан айримасин. Ҳеч банда ҳеч нарсасини йўқотмасин. Ҳеч кимса ҳеч кимидан жудо бўлмасин, айрилиқ нималигини билмасин...

*Бу чаманда гунчае афкоридин айримасун,
Сози ҳар маҳфил, дуо қил, торидин айримасун,
Бўлса тарсо ҳамки ул зунноридин айримасун,
Ҳеч ким мендек, илоҳи, ёридин айримасун,
Мехрибон, мунис ўшал дилдоридин айримасун.*

Муқимий.

Қаранг, аввалгилар нақадар ғамхўр бўлишган-а:

"Душманинг ҳам бўлса, ўз ғамхоридин айримасун".

"Сози ҳар маҳфил, дуо қил, торидин айримасун".

"Бўлса тарсо ҳамки ул зунноридин айримасун".

Гоҳида кўнгилчанлик панд бераб, ғамхўрлик анча қимматга тушар экан. Ахир биз яхши тилак тилаган *тарсолар* юртимизни талаб, бошимизга турли кулфатлар солмадими?!..

Тарсадан кейин бостириб келган *ғамхоридин айримасун* деб яхши истак билдирганимиз дахрий *душман* ўша *тарсо* қилмаган ваҳшийликка қўл урмадими?!.. Ўғилни отадан, хотинни эрдан айрмадими? Кўйлагимизни кафан қилмадими? Динга чангол солмадими, мол-мулкни талаб, бисотда ҳеч нима қолдирмай бор-будни ташиб кетмадими? Чопқи билан чопилган қийма гўштидек ёшу қарининг жигар бағрини қиймаламадими? Яхлит давлатни парчалаб, бурда-бурда қилгани етмаганидек, эл тухумини қуритишга уринмадими? Тийра тарих тоза тупроқни топтаб, тухумини қўйиб кетмадими?

Ҳамма эркаклар машшоққа айланиб, *торидан айрилиш*-дан қўркиб, дутор дастасига маҳкам ёпишиб олганиданми, ё бошқа сабабми, билмадим, ҳар нечук рус генерали Черняев Тошкентдай шахри азимни 1950 та аскар билан ишғол этади. Г.А.Хидоятовнинг МЕНИНГ ЖОНАЖОН ТАРИХИМ китобида қуидаги аччиқ ва аламли маълумотни ўқиган эдим:

Шоҳ Александр II генерал Черняевга "Тошкентга кира қўрма" деган қатъий буйруқни беради. Чунки 100 минг аҳолиси ва 30 минг қўшини бор шаҳарни 2000 га яқин аскар ололмас эди. Шунга қарамай таваккалчи Черняев 1950 аскар ва 12 тўп билан Тошкентни қўлга киритади. Ҳолбуки, ўша пайтда Тошкентда 30 минг қуролланган навкар, 48 та мис ва 15 та чўян тўп бўлган. Лекин улар русларга жиоддий қаршилик кўрсатмай қочиб кетган...

Шундай қилиб, тор тутган қўлларни қўндок тутган қўллар енгади, озод одамлар ўз ютидан айрилиб, тирик етим каби ватанда беватан бўлади.

Ровийларнинг ривоят қилишича, қадим замонда бир мамлакат қироли бошқа бир мамлакатга юришни режалаштиради. Жангга астойдил ҳозирлик кўра бошланади. Сипоҳларнинг сони бору саноғи йўқ. Пиёда аскарлар, отлиқлар, қиличбозлар, туфангбозлар, камонкашлар, филbonлар ҳамма ҳаммаси зўр иштиёқ билан жангга тайёргарликни бошлаб юборган.

Соя салқинда ҳарбий машқларни кузатиб ўтирган шоҳга вазирларидан бири қуллик қилиб сўз очади:

- Олампаноҳ, ижозат берсангиз, фикри ожизимни изҳор этсам.
- Сўйланг.
- Юришдан олдин ғанимнинг ички ҳолатини ўрганмоқ ғалабани таъминловчи омиллардан. Шунга кўра қўшиндан илгари хуфя жўнатиб, ғанимнинг куч-кувватини ва заиф томонларини ўрганиб чиқсак, дегандим.
- Фикрингиз таҳсинга сазовор, лекин бу муҳим, қолаверса хатарли ишни ким удалайди?

- Уни менга қўйиб беринг.
- Сиз ҳамиша ишончимизни оқлаб келгансиз...
- Муруват этдингиз, олампаноҳ.

Вазирнинг ўзи тожир сифатида қўшни мамлакатга кириб боради. У сарҳаддан ўтибоқ адир тепасида йиғлаб ўтирган ёш ғуломга дуч келади. Йиги сабабини сурайди.

- Ўғлим, нега йиғляйсан? Кимдир урдими?
- Ҳеч ким ургани йўқ.
- Қорнинг очми?
- Йўқ.
- Унда нега уввос солиб йиғлайсан?
- Мен ҳар куни шу ерга келиб камон отишни машқ қиласман. Катта камонкашлар каби битта ўқ билан иккита қарғани уролмаяпман. Мендан мерган чиқмайди.
- Нега бир ўқ билан икки қарғани урмоқчисан?
- Юртимга кўз олайтирган ёвнинг иккита сипоҳини бир ўқ билан тинчитмоқчиман.

"Тожир" ўша заҳоти отининг бошини орқага қайириб, ўз юртига равона бўлади. Кўрган-билганини оқизмай-томизмай қиролга етказади. Хурсанд шоҳ хомушланиб, хаёлга чўмади. Айёр вазир унга яқинлашиб аста пи chirлайди:

- Тайёргарликнинг бошқа йўлини қўллаш даркор.
- Қандай? – мурдасифат қиролга қайта жон киради.
- Улар қўлидаги камон ўрнига бошқа нарса тутамиз. Ёв ҳақида эмас, ёр ҳақида қайғурадиган қилиб қўямиз.
- Қандай?
- Шароб, май, ишқ, ишратпарастлик бу ишни удалайди.

Жанг қолдирилади. Лашкар ҳарбий тайёргарликка зўр бериб, бир ўқ билан икки қарға уриш машқини олади. Вазир ишга киришади: қўшни мамлакатга май, шароб сувдек оқиб киради. Муғанийлар ишқ савдосини авж олдиради. Қўшни мамлакат куч-қудрати ҳақида миш-мишлар тарқатилади...

Орадан бир мунча вақт ўтгач, "тожир" яна йўлга тушади. Таниш адир этагида йифлаб ўтирган бир йигитга дуч келади. Йигитнинг қўлида камон эмас, дўмбира бор эди.

- Ўғлим, нега йиғлаляпсан, бирор урдими, қорнинг очми?
 - деб аввалги саволларни такрорлайди.
- Қорним тўқ, ҳеч ким ургани йўқ.
- Унда нега йиғлаляпсан?
- Мен севган қизни бошқа йигитга узатишди. Севгилимдан айрилиб қолдим, – деб хўнграб йиғлади.

"Тожир" дарҳол изига қайтади. Хомуш шоҳни хурсанд қилиб, "ана энди қўшин тортсангиз бўлаверади", дейди. Шоҳ қўшини ҳеч қандай қаршиликсиз шаҳарни забт этади.

Илоҳо, эркак эркаклигидан, аёл аёллигидан айрилмасин. Униси шиҷоатни, буниси ифратни йўқотмасин. Сарҳадга ағёр, минбарга айёр, ҳимоятга афгор, хазинага ғаддор, тахтга жаббор келмасин. Боғ боғбонидан, карвон сарбонидан, от чавандозидан, ватан жонбозидан айрилмасин. От чавандоздан айрилса, қазига айланниб, ем бўлур, ватан жонбоздан айрилса, қарзга ботиб, қарам бўлур. Эр мададкордан айрилса, жондан айрилур, эл фидокордан айрилса, хонумондан айрилур.

Дехқон сувдан, чўпон сурувдан, ишхона ишчидан, мактаб моҳир муаллимдан, талантли талаба таълимдан айрилмасин...

Замондан меҳр-оқибат, забондан ҳақиқат, заминданadolat мосуво бўлмасин. Инсонлар юзидан табассум аримасин, ҳеч кимса қозонини сувга ташлаб қўймасин.

Асалари гулдан, балиқ сувдан, күш қанотдан, тун тонгдан, инсон онгдан жудо бўлмасин. Ҳар нарсанинг чораси топиладиган дунёда ҳеч бир бандада бечора бўлмасин. Ҳеч кимнинг дили, уйи, пули, ҳаққи, меҳнати ва охирати куймасин.

Ота-она қариган чоғида фарзанду дилбандини, охират олдидан дину диёнатини йўқотмасин. Кексайганда юмшоқ нондан, кетарда қайноқ иймондан айрилмасин...

Айрилиқнинг даражалари бор. Энг юқори даражадан икки поғона пастда ўлим туради. Ўлим кунда содир бўлишига қарамай инсоният ҳали ҳануз унга кўниккани йўқ. Бундан кейин ҳам кўниколмаса керак. Шунинг учун сабрга чақирилган, сабр қилган азадорга ажри азиймлар битилган.

Ўлим – ҳақ.

У ҳаммани бир-биридан айиради. Маҳшар эса бир жойда жамлайди. Сирот кўприги яна ҳаммани бутунлай ажратиб ташлайди. Мана шу – ҳақиқий ажралиш, энг юқори даражали айрилиқдир. Бундан бошқа ҳар қандай айрилиқнинг давоси бор, эвази бор. Аммо тиғдан ўткир, қилдан ингичка Сирот кўприги устидаги айрилиқнинг давоси ҳам, эвази ҳам йўқ. У ерда бир-биридан ажрашганларнинг қайта учрашуви душвор.

Сиротдан кофир, мунофиқ ва умри давомида бирор марта амали солиҳ – эзгу амал қилмай ўтган худбин ўтолмайди. Ўлар пайтида иймондан айрилган, ҳамиша яхшилик қилиб, яхшилигини риё билан ювиб ташлаган риёкорлар нурдан айрилиб, Сирот устида тойғанади.

Ўлим – ҳақ.

Бу нав қайғуга ер юзидағи ҳар бир инсонни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Зеро яқинидан айрилмаган, жудолик жабрини тортмаган, бошига мусибат тушмаган киши орамизда эмас, оламда йўқ. Пайғамбарлар, саҳобалар, тобеинлар ва барча инсонлар айрилиқ аламларини тотиган. Шоху гадо, фозилу фосиқ бу ғамдан озми-кўпми улуш олган. Анбиёлар насибаси бошқаларникига нисбатан бир неча бор зиёда бўлиб келган.

Жанобимиз  дунё юзини кўрмасларидан олдин падари бузрикдан жудо бўлдилар. Балоғатга етмай онадан ва бободан айрилдилар. Бирваракайига суюкли завжа ва ғамхўр амакини дафн этдилар. Бунга қўшимча ўлароқ Ватани тарк этишга мажбур бўлдилар. Не-не қадрдон асҳоблари у зот кўз ўнгларида қийноққа солинди, ҳаётдан кўз юмди. Қанча-қанчалари

хонумондан айрилди. Ҳаётлик чоғларидаёқ Фотимадан бошқа барча фарзанди анжумандларини тупроққа бердилар.

Курраи заминда биринчи бўлиб айрилиқ таъмини татиган инсон башарият бобоси Одам Атодир. Маълумки, Ер юзидағи биринчи инсон; биринчи ота биринчи бўлиб ўз фарзандидан жудо бўлади. Дилбанд оддий ўлим билан эмас, қотиллик сабабидан жон беради. Қотил ҳам, мақтул ҳам ўз жигарбанди. Шунга кўра Ер юзида биринчи бўлиб дилбанд доғида куйган жигархун деб, Одамни кўрсатиш мумкин.

Ўлим – ҳақ.

Кўй-мол ва товуқ каби дарранда ва паррандалар ўлимини кўравериб кўпнинг кўзи пишиб кетган. Лекин йиртқич ҳайвон ўлимини кўпчилик кўрмаган бўлса керак. Яқинда мен қари шернинг жон бериши тасвирланган лавҳани кўриб қолдим.

Нафакат ўрмон ахли, балки ўрмондан ташқарида жон сақлаётган жонзотлар қалбига қўрқув солиб, катта-кичикни бирдай титратган қари шер тупроққа беланиб ётибди. Бақувват оёғи жасадни кўтаришдан ожиз. Жундор бошини қимиirlатишига мадори йўқ. Бағрини ерга бериб, чалажон молдай чўзилиб олган. Бироздан сўнг қаттиқ йўтал билан овоз чиқара бошлади. Бу аввалгидек шерларча наъраш эмас, ўкирикка ўхшаш ғалати товуш эди. Кейин билсам у бутун танасини тирнаб чиқаётган жон оғригининг аламли ҳайқириғи экан.

Мусаввир ўз ишининг устаси экан, ҳар қандай бағритошнинг кўнглини юмшатадиган бу манзарани шартта буриб, шернинг кучга тўлган онларини кўрсата бошлади. Қақшатгич ов, қорни ёрилган ўлжа, ғажилган она кийик, бошсиз жасад... Бу тасвирни кўриб, бояги раҳмдилликдан асар қолмади. Жон талвасасидаги шер оёққа турмоқчи бўлиб қаддини кўтарди. Оёқлар итоатдан бош тортиб, йиртқич шу заҳоти ерга қулайди. У қанотсиз илвасиндек питирчилаб, охири қийналиб жон беради. Қани энди бу машҳадни боласидан айрилган охулар, сути оғзида қолган етимлар кўрса-ю ҳовурини босса, дейсиз.

ҮЛІМ – ХАҚ.

﴿ أَيَّنَمَا تَكُونُوا يُدْرِكُكُمُ الْمَوْتُ وَلَا كُنُ౦ مِّنْ بُرُوجٍ مُّسَيَّدَةٍ ﴾

﴿ Каерда бўлсангиз-да, ҳатто қўкка туташ мустаҳкам қўргонлар ичида турсангиз-да ўлим сизларга етиб борур. ﴾ Нисо 78-оят.

﴿ كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَلِ وَالْإِكْرَامِ ﴾

﴿ Ердаги барча жонзотлар фонийдир, магар карамли буюк Раббингни Юзи (Ўзи) боқий қолур. ﴾ Раҳмон 26-27-оят.

﴿ كُلُّ نَفْسٍ ذَآئِقَةُ الْمَوْتِ ﴾ ﴿ Ҳар бир жон ўлим таъмини тотгусидир. ﴾

Оли Имрон 185-оят. Анбиё 35-оят. Анкабут 57-оят.

﴿ إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ ﴾

﴿ Албатта сиз ҳам ўлаҗаксиз ва улар ҳам албатта ўлаҗаклар! ﴾ Зумар 30-оят.

﴿ الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَلْوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلاً ﴾

﴿ У сизларнинг қайси бирингиз яхшироқ амал бажаришингизнинг имтиҳони учун ўлим ва ҳаётни яратди. ﴾ Мулк 2-оят.

﴿ وَجَاءَتْ سَكَرَةُ الْمَوْتِ بِالْحَقِّ ذَلِكَ مَا كُنْتَ مِنْهُ تَحِيدُ ﴾

﴿ Ўлим талвасаси ҳаққи-рост етиб келди. Ушбу (ўлим лаҳзаси) – сен қочиб юрган нарсадир. ﴾ Қоф 19-оят.

﴿ قُلْ إِنَّ الْمَوْتَ الَّذِي تَفْرُونَ مِنْهُ إِنَّهُ مُلَاقِيهِكُمْ ﴾

﴿ "Сизлар ундан қочаётган ўлим албатти сизларга етиб олади", деб айтинг. ﴾ Жума 8-оят.

﴿ وَنُفَخَ فِي الصُّورِ فَصَعَقَ مَنِ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنِ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ أَشَاءَ ﴾

﴿ Сур чалинур, шунда осмонлар ва ердаги жонзотни чақмоқ уриб, даҳшатдан ҳалок бўлур, илло Аллоҳ истаган зотлар ўлмас. ﴾

Зумар 68-оят.

Ўлим – ҳақ.

Ўлим нафақат ерликларни қиради, балки у осмон аҳлини ва ҳатто ёшу қарининг жонини аямай оладиган Малакулмавт – жон олувчи малакни (фаришта) ҳам ўз домига тортади.

Башарият дунё юзини кўрмасдан олдин вужудга келган барча нурли мавжудот – Малоикалар ҳамма маҳлуқотга битилган бу кўргиликдан омон қолмайдилар. Ваҳийга муаккал Жаброил, сурга муаккал Исрофил, жаҳаннам яралгандан бери кулмаган Микоил ҳам бир куни жон таслим қиласди.

Ўлим – ҳақ.

У исбот талаб қилмайдиган улкан ҳақиқатлардан бири. Шундай бўлишига қарамай у энг кўп далилга эган. Қуидада ўша далилларнинг айримига кўз югуртириб чиқайлик.

- 1- Далил: юқорида ўтган Қуръон оятлари.
- 2- Кунда такрорланадиган уйқу – ўлим даракчисидир.
- 3- Фасллар алмашуви: қишида набототнинг бир сидра ўлиб, баҳорда қайта тирилиши онгли касга ўлимни эслатади.
- 4- Тарих. Бизга тарихдан уруғликкайм бир кимса етиб келмаган. Ҳозир XXI аср бошида турган бўлсак, IX аср охирида дунёга келган авлоддан ҳеч ким қолмаган.
- 5- Қабристоннинг кундалик фаолияти ўлимга ёрқин далил. Ҳамма хунар касодга учраши мумкин, аммо гўрковлик касодга учрамайди. Шаҳар, қишлоқ гўристонларида ҳамиша иш қизғин. Гўрковларнинг қўли қўлига тегмайди.
- 6- Ёш ўтган сари соч-соқолга оқ тушиши ҳамда соғликдан айрилиш. Бу айрилиқ қисқа умр муддати тугаётганидан дарак беради. Ташқи кўринишни сунъий ёшартириш мумкин, бироқ ички оламни ёшлиқ ҳолатига келтириб бўлмайди. Безанган билан киши ёшариб қолмайди.
- 7- Кучли далиллардан бири – ақл-идрок. Ақлинни ишлатган инсон атрофга боқиб, табиатдан андоза олиб дунёнинг ва ундаги жонзорларнинг фонийлигини англаб етади.

ҚОЛМАС

Ёронлар, бу фони дунёдан ҳеч ким ўтмайин қолмас,
Борурмиз барчамиз бир-бир, умр оз, битмайин қолмас,

Шу қатра умр ичида не талошурмиз ажаб, қардош,
Ажални шарбатидин ҳеч тирик жон тотмайин қолмас.

Шошинг дўстлар ибодатга, гуноҳ ширин кўрингандек,
Хақиқатга етишганлар бу дунни отмайин қолмас.

Агар ким ақли кўтоҳдур бўлур мағрур шу дунёга,
Молу дунёни деганлар имонин сотмайин қолмас.

Паямбар айди чўғдур бил, охир уммат учун иймон,
Ким ушлар гар ўшал чўғни куюб, қўл қотмайин қолмас.

Сабр Абдулбоситга берки, чўғ куйдирмасин дастин,
Қилиб садқа жонин, дийдор тилаб у кутмайин қолмас.

Абдулбосит Офтобхон ўғли

Ўлим – ҳак.

Унинг ҳақлигини ҳамма беш қўлдек билади. Бироқ ҳамма бирдай рози бўладими? Ҳамма бирдай ҳозирлик кўрадими?

Бу – сўроқ остида қолиб келаётган эски муаммо.

Мусибат – ўз номи билан мусибат. У тасаллига мухтож. Азадор таъзияга, кўнгилни қўтариб, мусибат юклаган ғамни енгиллатадиган ҳамдардга интиқ. Шунинг учун ушбу қисмда мусибатни енгиллатадиган етмишдан ортиқ йўлнинг еттиласига иршод этмоқчиман. Шоядки, ғамга чўмган азадор бироз тасалли топса, чеҳраси ёришса. Шулардан биринчиси:

I- Маърифат.

Одам ва Оламни ҳалокатдан чуқур маърифат; соф иймон, соғлом эътиқод қутқаради.

Таниқли рус ёзувчisi Достоевский (1821-1881) "Дунёни гўзаллик қутқаради" деган эди. Жуда чиройли гап...

Инглиз котиби Мэтью Арнольд (1822-1888) "Бизни поэзия қутқаради" деган фикрни олға сурган. Ажойиб фикр...

Яна кимдир "дунёни фақат дунё қутқарур", яъни мол-дунё дейди. Озроқ тоифа шахслар бу фикрни яширмай очиқ айтса, кўплар ғояга айланган ичидаги яширин фикрни забони ҳоли билан: юриш-туриши, ахлоқ-одоби билан изҳор этади.

Бу борада ҳар ким ўз фикрини билдиришга ҳақли. Ҳар ким ўзича ҳақ. Фикр билдириш учун бадииятнинг барча турларида имкон етарли. Сўзни безаб ҳар ким хоҳлаганини гапириб ётибди... Лекин шуни унумаслик керакки, донишлар қошида илмий исботланган фикргина мўътабардир. Қолгани эътиборга лойиқ эмас. Шунга кўра, фикр билдирувчи шахс мустаҳкам асосга таяниб сўзлаши мантиқан тўғри. Агар фикр ҳаёт тажриба майдонида ўз исботини топмаса, у ҳар қандай гўзал, жимжимадор сўз бўлишига қарамай, қуруқ сафсатадан ўзгаси эмас, деган хулосага келишга ҳақли бўламиз.

Маърифат деганда қуруқ илм ёки инсон тарбиясига, унинг маънавий ўсиб улғайишига заррача ҳисса қўшмайдиган бир талай маълумотлар мажмуасини назарда тутаётганим йўқ.

Маърифат – аввало Холиқни таниш, ўзини ва ўзлигини англашдир. Қаердан келиб, қаерга кетишини, ўлимдан кейин инсон тақдири нима бўлишини билиш. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз назорат қилинаётганини англаб етиш. Ҳалол-ҳаромни ажратиш. Дунё ва охиратни обод қилувчи билимларни ва яна кишини маънан юксалтирадиган илмларни эгаллашдир.

Маърифат – Ҳақни излаш, ҳақиқатни қабул қилишдир.

Мен юқоридаги икки адіб ва бошқалар сўзини таҳлил қилиш ниятидан йироқман. Лекин тааммул учун мисол келтирмоқчиман. Ажаб эмас, мисол билан мақол ойдинлашиб, одам ва олам халоскорини аниқлашда кўмаклашса.

Боя Японияда ишсиз қолган киши ўз жонига қасд қилади, деган расмий хабарни эслаган эдик. Орни кўтаролмаган самурайлар ҳам қиличга бағрини қадаб ўзини ўлдирап экан. Энди, қайсиdir сабабга кўра ўз жонига қасд қилган шу шахс олдига келиб гўзал табиат манзарасини кўрсатайлик, кўлидан етаклаб энг гўзал суратлар намойиш этиладиган галереяга олиб борайлик, Эрмитажни эринмай айлантирайлик, хушрўй, кўркам инсонларни кўрсатайлик, умуман гўзаллик ва жамол калимаси ўз ичига олган ҳар бир чиройли нарсани унга кўндаланг қилайлик, ранго-ранг капалаклар қўниб турган олам-олам гулдастани унинг қўлига тутқазайлик...

Аллоҳ ҳаққи айтинг, шу тадбиrimиз уни ва ундейларни ҳалокатдан қутқарадими? Бузук ниятдан қайтарадими?

Ёки жонидан тўйган кишига Шарқ ва Farb шоирларининг шеъларидан тинмай ўқиб берайлик. Бу тутумимиз унга фойда берадими, жонини сақлаб қоладими? Кенг дунё кўзига тор кўринган кишини ўлимдан тўхтатиб қоладими? Гўзаллик, поэзия, "атомдан кучли адабиёт" қотилликка, пичоқвозликка барҳам бера оладими? Қалашиб ётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни ечиб беришга қодирми?

Адабиёт вазифаси, унинг кучи ва манзилатини инкор этмаймиз. Адабиёт ўз номи билан "адаб"дир. Гўзаллик, жамол эса матлуб ва марғуб. Саҳихи Муслимда шундай ҳадис бор:

— إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ — *Албатта Аллоҳ гўзал, гўзалликни суяр.*

Лекин, айтинг, булар диний маърифат ўрнини боса оладими?!

"Тарихда ўтган энг ёмон аёллар" сарлавҳаси остида ўтган оғзаки сухбатда америкалик ёшгина жувоннинг икки боласини сувга чўқтириб ўлдиргани ҳақда сўзлаган эдим. Мен маъ-

лумот олган манбада она қўли билан ўлдирилган малакнамо икки ўғилнинг сурати бор. Болалар бир-биридан ширин, бири биридан ёқимтой эди. Мурғаклар ҳар қандай инсонни маҳлиё қиласидиган даражада бағоят гўзал яратилган. Уларни ўлдириш тугул уришга, балки чертишга кишининг қўли бормайди. Энг ваҳший, бераҳм жаллод ҳам уларни ўлдиришга ботинмайди.

Лекин бу гўзаллик онани ярамас қабоҳатдан, кечирилмас жиноятдан тўхтатмади. Болаларни ўлимдан қутқармади.

Мубҳам қолмаслиги учун онани қотилликка унданаган омил ҳақида қисқа маълумот бериб кетсак.

"Тарихда ўтган энг ёмон аёллар" номли китоб муаллифи Салмо Маждийнинг тергов ишларига таянган ҳолда ёзишича, америкалиқ Сьюзан Смит деган аёл ўзи ишлаётган фирма бошлигининг ўғли билан ишқий алоқада бўлган. Яширин алоқаларни расмийлаштириб, никоҳдан ўтмоқчи бўлишганда, йигитнинг отаси: "аёлнинг боласи бор, сенга тўғри келмайди", деб никоҳга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Отани кўндиришнинг турли йўлларини ўйлаб кўришади. Лекин ҳамма уриниш бефойда кетади. Фирма бошлифи хийлага алданадиган анойилардан эмас экан. Бари бир кўнмади. Охирги ечимни онанинг ўзи топиб, ҳеч кимга билдирамай, уни ўзи ижро этади. Икки боласини машинага ўтказиб, денгизга ғарқ қиласиди. Ўйнаш деб оиласдан, ишдан, озодликдан маҳрум бўлади. Афсус чекишга ҳам, ажаб бўпти дейишга ҳам хайронсан.

Шундай маълумотларга дуч келдимки, уни нақл қилишга иккиланасан киши. "Сехрли диёр"да ўтказилган оммавий сўровда 8,3 миллион шахс ўз жонига суиқасд ҳақида фикр юритар экан. Тавба демай иложи йўқ. Америкалиқ афсонавий актриса Marilyn Monroe 36 ёшида ўзини ўлдирган. Ҳусни жамоли билан Ғарбу Шарқдаги гўзаллик шайдоларини ўзига мафтун этган кино юлдузлари Mary Kay Bergman 1999 йил, Madeline Manole 2010 йил, Margaux Hemingway 1996 йил

ўзини ўзи саранжомлаган. "Google"га ينتحرون المشاهير المنشئون ينتظرون "Google" ga деб ёзсангиз, ёки هل الفنانات سعيدات؟ деб ёзсангиз, қаршингизда ишониш қийин даҳшатли рўйхат намоён бўлади.

Агар инсон жиноят бежазо қолмаслигини, Қиёматда ҳар бир сўз ва иш учун жавобгарликни ҳис этса, полициядан эмас, Парвардигордан қўрқса, асло бундай жиноятга қўл урмайди.

Дунё ташвишидан қутулиш учун ўзини поезд тагига ташлаётган японга: "Бу билан муаммо ҳал бўлмайди, охиратда сени бошқа ҳаёт кутаяпти. У ердаги азоб бу ердаги азобдан ёмонроқ", деб ёшлигидан қулоғига қуйиб борилса, у ҳеч қачон бир бурда нон учун қимматбаҳо жонни қурбон қилмайди. "Жонига қасд қилган киши жаҳаннамда азобланади" деган таълимотдан боҳабар инсон ўзини ўзи ўлдирмайди. Бебаҳо жон нархини бу қадар арzon баҳоламайди.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласилар, Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар:

Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, ўша қўлидаги темири билан ўз қорнига доим саншиб жаҳаннам ўтида абадул абад қолиб кетади. Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, ўша заҳарни жаҳаннам олови ичидан абадул абад ҳўплаб юради. Ким ўзини тоздан ташлаб жонига қасд қилса, у нори жаҳаннамда абадул абад ўзини тепаликдан ташлаб ўтади.

Муслим ривояти.

Ҳадис – ҳақиқат демакдир. У фақат ва фақат ҳақдан хабар беради, ҳақни сўзлайди, ҳаққа чорлайди, ҳақни ҳимоя қиласи.

Ҳадис – улкан маърифат. Агар шу маърифат болаларга ёшлиқдан аста сингдириб борилса, Ўқиши китоби билан бирга Ҳадис китобидан ҳам озгина-озгина ўргатиб борилса, бола тўғри тарбия топади. Муаммоларни оқилона ҳал қилишни ўрганади. Нонни ақл тарозисининг бир палласига, жонни иккинчи бир палласига қўйиб, фикр юритади. Нонни топса бўлади, жонни асло топиб бўлмайди, деган холосага келади.

Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти (WHO) халқаро текширув ўтказиб, 1986-96 йиллар орасида ўзига қасд қилувчиларни кўрсатувчи график тузган. График устунлари (чилик) нолдан «0» бошланиб, «40» га кўтарилиган. Ҳеч қандай динга мансуб бўлмаган кишилар устуни «40» га бўй чўзиб, энг юкори даражани кўрсатган. Буддапарастлар «24». Насоролар «17». Ҳиндийлар «11». Мусулмонлар «0» дан ўтган, «1» га етмаган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий оғир йилларни бир отахон шундай эслайди: *Мен артельда қоровул эдим. Қорним пиёзнинг пўстидай бўлиб кетди. Егуликка ҳеч вақо йўқ. Ўзим ўрам-ўрам ипакни қўриқлаб ётибман. Ноn ва пул топишнинг ҳар хил йўлини ўйладим. Лекин ипакдан озгина ўғирлаб сотии калламга келмабди.*

Ўғирликни ўйламаган киши қотилликни умуман ўйламайди. Қайғуга тушган мўмин қайғудан қутилишнинг ҳамма йўлларини ўйлаб қўради. Турли чора-тадбирларни қўллайди. Лекин ўзини ўлдиришга, бирорни бўғизлашга ботинмайди.

Одам ва оламни маърифат қутқаради дегани шунчаки сўз эмас, илоҳий калом ва илоҳий тадбирга таяниб айтилган ҳақиқат. Бетараф билимдон буни тан олади. Инсонпарвар фан олимлари ҳам шундай фикрларни илгари суро бошлишди.

Бундан 14 аср муқаддам инсоният ҳалокат ёқасига келиб қолганди. Росулуллоҳ ﷺ айтганлариdek, "*Аллоҳ ер юзига боқиб, айрим аҳли китоблардан бошқа барча инсониятга, арабу ажамига газаб қилган*", деган эдилар.¹ Шу оғир паллада инсониятга нажот ўлароқ ﴿ أَفْرَأَتُكُمْ أَلَا كُنُمْ – Ўқи! Раббинг саховатли зотдир ﴾ ояти инди. Ҳаял ўтмай яна ﴿ أَفْرَأَتُكُمْ أَلَا كُنُمْ – Ўқи! Раббинг саховатли зотдир ﴾ деган маъно такрорланди. Ўқишига ундов билан одам ва олам ўзгарди. Ер юзига азоб эмас, раҳмат тушди. Бу – маърифат билан муаммолар ўз ечимини топишига ёрқин далилдир.

¹ مسلم بن حبيب رضي الله عنه عن أبي هريرة رضي الله عنه قال إنما نظر إلى أهل الأرض فمقتهم عربهم وعجمهم إلا بقایا من أهل الكتاب

II- Мусибатни енгиллатадиган омиллардан иккинчиси **- Қуръон оятларида тааммул қилиш; фикр юритиш.**

﴿ وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْحَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشَرُ الصَّابِرِينَ ﴾
﴿ الَّذِينَ إِذَا أَصَبْتَهُمْ مُّصِيبَةً قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَجِعُونَ ﴾
﴿ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّنْ رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ ﴾

﴿ Албатта сизларни бир нав хавф-хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни бироз камайтириши билан имтиҳон қилурмиз. Мусибат етганда "Инна лиллахи ва инна илайхи рожиун – Албатта биз Аллоҳнинг бандасимиз ва албатта биз Унга қайта жасакмиз" деган бандаларимга хушхабар беринг. Ана ўшаларга Роббилари томонидан салавот ва раҳмат бордир. ﴾

Бақара 155-157-оятлар.

Ушбу оядда Аллоҳ мўминларни имтиҳон қилишини олдиндан эслатиб, гўё уларни имтиҳонга тайёр туришга унダメоқда. Имтиҳон нималарда бўлишини бирма-бир санаб, уларга енгиллик яратиб бермоқда. Имтиҳоннинг бўлиши эса зарур. Имтиҳон бўлмаса, аълочи билан иккичи ажрамайди.

Имтиҳон қилинадиган соҳалар жадвали қуйидагича:

- 1- Хавф-хатар. Қалбга қўрқув соловчи таҳликали ҳолат. Бу ғолибан ёв қўли баланд келганда рўй беради.
- 2- Очлик – озиқ-овқатда етишмовчилик.
- 3- Молга нуқсон етиши. Фойда эмас, зарар, талаф кўриш.
- 4- Инсоннинг ўзига, бола-чақасига етадиган касаллик ёки ўлим каби мусибатлар.
- 5- Мева-чевадаги етишмовчилик, нуқсон, кам ҳосиллик.

Ушбулар мўмин учун синов, жазо эмас. Синов иймонга яраша келади. Иймони мустаҳкамнинг имтиҳони оғирроқ, заифники ўзига яраша. Аълочига берилган савол, иккичига берилмайди. Художўйга келган синов, худосизга келмайди.

Айтишларича, чумоли ўзидан 50 марта оғир юкларни кўтарар экан. Инсон бунча оғир юкни кўтаролмайди-ю, лекин ўзидан 50, балки 500 баробар катта синовларни кўтара олади.

Бунга Пайғамбарлар, сахобалар ҳаётида мисоллар талай.

Уҳудда уч минг аскар мусулмонларга ҳужум қилади. Бу уларни чўчиши ўрнига хотиржамлик бағишлайди.

﴿أَلَّذِينَ قَالَ لَهُمُ الْنَّاسُ إِنَّ أَنَّاسًا قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَأَخْشَوْهُمْ فَرَادَهُمْ إِيمَنًا وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ وَلَا يَنْعَمُ﴾

Оли Имрон 173 –оят. ﴿الْوَكِيل﴾

﴿Уларга айrim кимсалар: "Курайши одамлари сизларга қарши (лашкар) тўплаган, улардан қўрқинглар!" – деганида, бу сўз уларнинг иймонини зиёда қилди ва улар: "Бизга ёлгиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У нақадар яхши таянчдир", – дедилар.﴾

Аҳзоб жангига Макка мушриклари араб қабилалари билан биргаликда ўн минг қўшин тузиб Мадинага юриш қилади. Бир қабила эмас, бир неча қабила муҳожиратдаги мусулмонларни бутунлай қириб ташлаш учун ўша даврга нисбатан жуда катта лашкар тўплайди. Ташқарида ўн минг аскар, ичкарида саноғи номаълум мунофиқлар, Исломга кирмаган айrim қабилалар ва яхудийлар. Мусулмонларга ҳар томондан хавф-хатар таҳдид солади. Ана шу таҳликали ҳолатда улар қўрқиш ўрнига хотиржамланиб, иймонлари зиёда бўлади.

Хавф-хатар уларда қўрқув тугул, ғам-қайғуни ҳам пайдо қилолмади. Жиддият камарини бўшатолмади.

Мўминга келадиган иккинчи синов очарчилик тарихга сахоба деб кириб келган зотлар иродасини эголмади. Бир неча кунлаб туз тотмаган сахобаларнинг биронтаси ортга қайтиб кетмади. Аллоҳга бўлган иймонига зарра путур етмади. Иши юришмай қолган иймони заиф замондош каби шак-шубҳага таслим бўлмади. Ҳаял ўтмай очарчилик барҳам топиб, деярли

ҳамма мўминлар катта сарватга эга бўлишди, илло охиратга руҳан парвоз этган саҳобаларгина мол-дунёни истамай саодат асридаги камтарона ҳаётда давом этдилар.

Ўтмишда очарчилик ҳоллари кўп бўлиб ўтган. Очликдан силласи қуриган одамлар мушук овлаган, ит сўйиб еган ва ҳатто қабрдаги янги мурдани қозонга ташлаган. 1933 йиллар очарчилигига Россияда ёш болаларни ўғирлаб кетиб ейилгани ҳақида матбуотда ОЧАРЧИЛИК деган катта мақола чиқкан.

Аллоҳнинг синовига тайёр турган инсон бу каби разолатга қўл урмайди. Бир дона майиз топса, қирқقا бўлиб кўпчилик билан баҳам кўради. Оч ўлса ўладики, аммо одам емайди.

Учинчи синов молга талофат етишидир. Молга талофат етиши бир неча хил шаклда рўй беради. 1-Табиий офат етади. 2- Қароқчи уради. 3-Харидор ёки бошқа бири алдаб кетади. 4-Нарх-наво ўйнаб, пулдор катта зиён кўради, ва ҳоказо.

Моддий зарап "Бу – Аллоҳнинг синови" деган эътиқоддаги мусулмон иймонига зарап етказолмайди.

Молдан айрилишнинг яна бир тури бор экан. Унга тарих шоҳид. Ҳозирнинг кўзи бундайларни кўришдан сўқир. Кўнгилли равишда "Абу Бакр ҳамма молини садақа қилибди", "Умар ибн Хаттоб яrim молини садақа қилибди", деган ҳақиқатлар сиз ўқувчига янгилик эмас. Абу Даҳдоҳ қиссаси ҳам кўпга маълум. Шундай бўлсада, уни яна эслаб ўтмоқчиман.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар, бир кишии Росулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи васалламга келиб:

- Ё Росулаллоҳ, фалончи (қўшиним)нинг бир хурмо дарахти бор. Мен шу дарахтга деворимни тикламоқчиман. Шу кишига айтсангиз, менга дарахтини берса (сотса), (боз) деворини тиклаб олардим, – деди.
- Жаннатдаги бир хурмо муқобилига дарахтингни қўшиннингга бергин, – дедилар Росулуллоҳ ﷺ дарахт эгасига. У кўнмади.

Бу ҳодисани эшиштган Абу Даҳдоҳ розияллоҳу анҳу дарахтини жсаннат дарахти муқобилага сотмаган киши олдига келиб: "Битта дарахтингни бутун бошли боғимга сотиб оламан", дейди. Киши рози бўлади. Савдо пишгач, Абу Даҳдоҳ Набий ﷺ ёнларига келади.

- Ё *Росулаллоҳ*, мен у дарахтни боғим эвазига сотиб олдим. Уни бояги кишига бера қолинг. Мен уни сизга бердим, – дейди.
- Абу Даҳдоҳ учун жсаннатда қанча-қанча хурмо дарахтлар бор-а, – деб бир неча бор тақрорладилар.

Абу Даҳдоҳ хотинининг ёнига келиб:

- *Онаси, уйни бўшатиб қўйинглар. Дарров уйдан чиқинглар. Мен ҳовлини жсаннатдаги бир дарахтга сотиб юбордим, – дейди. Эрнинг сўзини эшиштган хотин:*
- *Бай барор топибди, омад кулибди, – деб шу заҳоти уйдан чиқиб кетади.*

Ином Аҳмад Муснади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, Али розияллоҳу анҳу Мадинага ҳижрат қилиб келган илк кунида бироннинг боғида ишлар эдилар. Кунлик даромад бир ҳовуч хурмо бўлган. Шунга таққослаб бир дона дарахт баҳосининг қанчалигини билиб олишингиз мумкин. Бир дарахт баҳосини билгандан кейин бутун бошли боғ баҳосини билишингиз осон кечади. Шуларнинг ҳаммасидан сўнг сахобалар учун мол-дунё охират олдида қанчалик қадр-қийматга эга эканини англа布 етасиз.

Ана шуларни билиб бўлганингиздан кейин яна ўз замонангизга қайтиб, 50 грамм, 100 грамм гўшт ё ун, ё дон-дун, мева-чева учун тарозуни ўйнатиб, охиратини куйдираётган кишилар иймонининг қай даражадалигини bemalol билиб олиш мумкин.

Метридан, литридан уриб ким барака топган?! Бўйидан, энидан тортиб ким бойиб кетган?!.. Мол синови оғир синов!

Жадвалдаги тўртинчи синов – инсоннинг ўзи, унинг болачақаси, аҳл-аёли, яқинлари, дўст-ёрларига етадиган балолар. Бу, касаллик ё ўлим ё тириклийин жудолик каби синовларни ўз ичига олади.

Ҳар соҳада биринчилик чўққисини эгаллаган саҳобалар бу борада ҳам ғалабани ўзгага бермай, бизларга ажойиб-гаройиб воқеий қиссаларни мерос қолдиришган.

Яна Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар. Бунинг ажабланадиган ери йўқ. Зоро илмга чанқоқ бу машҳур саҳоба Росулуллоҳ ﷺ ёнларида 10 йил юриб хизмат қилиши баҳтига ноил бўлган. Унинг илмий мероси 1400 йилдан бери авлод-аждодларни тарбиялаб келмоқда.

Анас розияллоҳу анҳу дейди:

Абу Талҳанинг Умм Сулаймдан бўлган бир ўғли ҳаётдан кўз юмади. Умм Сулайм уйдагиларга қаратса: "Бу ҳақда Абу Талҳага ҳеч ким ҳеч нарса демасин. Ўзим ётиғи билан тушунтираман", дейди.

Кечаси Абу Талҳа уйга кириб келганда, аёл унга кечки таомни тақдим этади.¹ Эр еб, ичиб бўлгандан сўнг хотин ўзига оро бериб, аввалгидан кўра яхшироқ пардоз-андоз қилиб унинг ёнига келади. Эр хотинга яқинлик қиласиди. Қулай фурсат пайдо бўлганини пайқаган хотин аста сўз бошлиайди:

- *Дадаси, агар биронта одам бирор кишидан омонатга нарса олган бўлса, нарса эгаси уни қайтаришини талаб қилса, уни қайтариб бермасаям бўлаверадими?*
- *Йўқ, омонатни эгасига қайтириши керак.*
- *Сабр қилинг, ўғлингиз оламдан ўтди.*

¹ Бошқа ривоятда шундай қўшимча бор: Абу Талҳа шу ўғлини ҳаддан ортиқ суръ эди. Доим ўйнатар, эркалатарди. Бир куни бола қаттиқ оғриб қолади. Кечга бориб жон беради. Умм Сулайм болани ювиб, кафанлаб, ичкари уйга олиб кириб қўяди. Абу Талҳа келибоқ: "боланинг ахволи қандай?" деб сўрайди. "Аввалгидан анча яхши" деб жавоб беради аёл.

Хабарни эшиштган Абу Талҳа газабдан тутақиб:

– Энди айтасанми, булганиб бўлганимдан кейин "ўғлиз ўлди" дейсанми?! – деди.

Эртаси Абу Талҳа Росууллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб бўлган воқеани бир бошдан айтиб берди. Набий ﷺ улар ҳаққига: "Аллоҳ ўтган кечаларингга барака берсин", деб дуо қилдилар.

Шу кеча Умм Сулаймнинг бўйида бўлади.

Росууллоҳ ﷺ сафарда эдилар. Умм Сулайм улар билан бирга. Росууллоҳнинг ﷺ одатларидан бири, agar Мадинага тунда етиб келишиса, уйга кирмас эдилар. (Шу боис Мадинага кундузи киришига саъи қилишиди). Мадинага яқинлашганларида Умм Сулаймни тўлгоқ тута бошлади. Абу Талҳа аёли ёнида ушланиб қолади. Росууллоҳ ﷺ йўлда давом этадилар. (Набиидан ортда қолган) Абу Талҳа Роббисига муножжот қилиб дейди: "Ё Раб, мен росулинг билан бирга бўлишини, шаҳардан чиқса, у билан чиқшишини, кириб келса, у билан бирга киришини суюман. Бироқ, Ўзинг кўрдинг, бу сафар ушланиб қолдим".

Эрининг муножжотини эшиштган хотин: "аввалги оғриқ йўқ, ҳозир яхшиман, йўлга чиқаверинг", дейди. Улар йўлга тушибади. Мадинага етиб келганларида уни тўлгоқ тутади. У ўғил туғади.

Онам менга қаратма:¹ "Анас, болани бирорта эмизмасдан олдин Росууллоҳнинг ﷺ даргоҳларига олиб бор", дедилар.

Тонг отгач, болани кўтариб Росууллоҳга ﷺ келдим. Кўлларида чорва тамғалагич² билан турганларида йўлиқдим. Мени кўриб: "Шояд Умм Сулаймнинг кўзи ёргандир", дедилар. "Ҳа", дедим. Кўлларидаги тамғалагични бир жойга қўйдилар. Мен болани олиб келиб, этакларига қўйдим. Шунда Мадина ажвасидан³ олиб келишларини талаб қилдилар. Хурмони майинлашгунча чайнадилар. Сўнг боланинг оғзига солдилар. Бола хурмони тили билан ялаб сўра бошлади. Росууллоҳ ﷺ

¹ Умм Сулайм Анас ибн Моликнинг оналари. Абу Талҳа ўгай ота.

² الميسن – Чорваларни тамғалайдиган олат.

³ Ажва (العجوة) – Хурмонинг бир тури.

боланинг хурмо сўришини кўриб: "Ансорларни хурмони яхши кўришини қаранглар", дедилар. Боланинг юзини суртаб қўйдилар ва уни Абдуллоҳ деб номладилар.

Муслим Саҳиҳи.

Онанинг сабр матонатидан ажабланган Росулуллоҳ ﷺ эр хотин ҳаққига барака тилаб дуо қилдилар. Сабр ва дуо самара беради. Мотам кечаси аёл бир ўғилга ҳомиладор бўлади. Уни Абдуллоҳ деб номлашади. Абдуллоҳ ўнта ўғил кўради. Унинг ҳар бир ўғли олим, ҳофиз бўлиб етишади.

Бешинчи синов – мева-чевадаги камчилик, кам ҳосиллик.

Савдогар турли сабабга кўра зиён кўрса, косибнинг касби касодга учраса, дехқонга ҳам ўзига яраша синов келади. У – кам ҳосилликдир. Аслида бу дехқонга хос эмас, оммани қамраган умумий бало бўлиши мумкин.

Янги тарихнинг "Биринчи жаҳон уруши" деб тамғаланган мудҳиш йилларида жабҳадан анча йирокдаги тинч аҳоли ҳам кўп жабр-жафо тортган. Шулардан бири Мадина аҳлидир. Тахминан 1914-1915 йилларда Мадинада ҳеч қандай егулик қолмайди. Кўй қўзиламайди, туя туғмайди, дараҳт мева тугмайди. Хурмозори билан танилган заминда хурмо етишмайди. Такчиллик халқ тинкасини қуритади. Шунда Мадина амири аҳолини Сурияга эвакуация қила бошлайди. Мадинада фақат саноқли кишиларгина қолади.

Эй ғамгин! Ўлим ҳақ бўлгани каби синов ҳам ҳақ.

Шу синовларнинг бири ёки ҳаммаси ҳамла қилган пайтда "Инна лиллаҳи ва инна илайҳи роziун" деб сабр-бардош қила олганлар ютади. Аллоҳ уларга хушхабар бериб: "**Уларга Роббилиари томонидан салавот ва раҳмат бор**" деди.

Жазавага тушиб ким нима ютган?! Сабр қилиб ким нима йўқотган?! Иродасиз бесабр битта дардни қўпайтириб иккита-учтага айлантиради, ўзига ортиқча дард ортиради. Иродали собир эса қайғудан қувонч ясайди, азадан ажр олади.

Аё маҳзун, "Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун" – барча мусибатлар учун Илоҳий илож. Дардга даво, шикаста дилга малҳам, синикқа мўмиё, касалга шифобахш балзамдир.

Бошингга қандай мусибат тушса, каттами-кичикми, моддийми-маънавийми дархол шу иложга қайт! Тил дил жўрлигида *"Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун"* деб бот-бот такрорласин. Калима маъносини бил, мағзини чақ, фазлидан умидвор бўл, ихтисоб қил.

Инна – *Албатта биз* деган маънони ифодалайди. *Албатта* таъкид учун, фикр ва сўзнинг қатъий, муқаррар, ҳеч қандай шубҳасиз эканини ифодалаш учун ишлатилади.

Лиллаҳи – Бу сўз бир ҳарф ва бир исмдан ташкил топган.

1-Лом, жар ҳарфи. Буни тилшунослар "ломи тамлик" деб аташади. Қуръоннинг бир неча ўрнида келган, жумладан Оятал курсийда ўқийдиганимиз ﴿لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ﴾ оядидаги лом ҳам ломи тамлиқдир. Аммо Фотиха сурасидаги ва биз доим ҳамду санода такрорлайдиган ﷺ – *Алҳамду лиллаҳ* калимасидаги лом "ломи тахсис"дир.

2-Иsm. ﷺ – Аллоҳ лафзул жалола исми.

Шунга кўра, *Инна лиллаҳининг* сўзма сўз маъноси "Биз Аллоҳнинг мулкимиз", деган мазмунни ифодалайди.

Алҳамду лиллаҳ эса "Ҳамд Аллоҳга хосдир" деган мазмунни ифодалайди. Бир хил лом икки хил маънони англатади.

Ҳа, бешак биз Аллоҳнинг мулкимиз. Бирор бир аъзомизни ўзимиз ясаганимиз йўқ, биронтасини сотиб олганимиз йўқ. Тўғри, баъзилар протез қўл, протез оёқ, ясама тиш ясатиб олган, лекин хақиқийсини ўрнини босолмайдиган ўша жонсиз аъзолар ҳам асли Аллоҳнинг мулкидан. Шунинг учун Қуръон

﴿لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ﴾ ﴿لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ﴾

"Осмонлару Ердаги барча нарса Аллоҳницидир – Аллоҳнинг мулкидир" деган маънодаги оятни тез-тез уқтириб келган. Тождор бошидаги тождан то гадо қўлидаги ҳассагача Унинг мулки. Мажозий маънодаги мулкдорларнинг барча-барчасини ер ютиб, бойу камбағални, чиройлигу хунукни тупроқ жинсига айлантириб бўлганда чинакам Мулкдор, енгилмас Қаҳҳор нидо қилиб дейди: ﴿لِمَنِ الْمُلْكُ الْيَوْمَ لِلَّهِ الْوَحِيدِ الْقَهَّارِ﴾

﴿Бу кун мулк кимницидир?!﴾

Фофир 16-оят.

Хеч ким жавоб беролмайди. Саволга нима деб жавоб беришни билмаганидан эмас, тилга эга бўлмаганидан сукут сақлайди. Зеро, тил аллақачон жасад билан бирга тупроққа қоришиб кетиб, ундан асар ҳам қолмаган. Шунда жавобни Ҳақнинг ўзи беради:

﴿Якка-ю ягона ғолиб Аллоҳницидир!﴾

Ғамхўрсиз ғамгин! Мусибатнинг умри сенинг қўлингда. Чўзсанг, чўзилади, узсанг, узилади. Бардош билан енгсанг, енгилади. Жазавага тушсанг, зўрайди. Ғам ғалаён қилса, етти иқлим аҳлининг ғамхўрлиги сенга наф бермайди. Мусибат тушган пайтда ўзингни қўлга олиб, ғамноклар ғамхўри ﷺ кўрсатмаси асосида иш юритсанг, ғаминг ариб, қайғу қувончга айланади. Йўқотганинг ўрнига ундан яхши эваз берилади.

Умм Салама ривоят қилади:

Бир куни (эрим) Абу Салама Росулуллоҳ ҳузурларидан келиб шундай деб қолди: Росулуллоҳдан бир сўз эшитиб хурсанд бўлдим, айтдиларки, "Бирор бир мусулмонга мусибат етган пайтда, инна лиллаҳи ва инна илаихи рожиун деб, ортидан Аллоҳуммаъ-журни фий мусибатий, вахлуф лий хойран минҳа¹ деса, ўша сўрагани унга берилур".

¹ М: Аллоҳумм, мусибатимга мукофот бер, менга ундан яхшироғини эваз қил.

Мен бу дуони дарҳол ёдлаб олдим. (Ҳеч қанча ўтмай Абу Салама вафот этди). Унинг вафотида айни шу дуоларни ўқидим. Кейин ўзимча: "мен учун бу дунёда Абу Саламадан кўра яхшироқ киши борми?!" дедим.

Иддам тугагач, Росулуллоҳ эшик қоқиб қолдилар. Остонада туриб кишига изн сўрадилар. Мен тери ошлаётган эдим, дарров қўлимни ювиб, кишига изн бердим. Ичига хурмо дарахтининг толаси солинган тери кўрпачани остиларига солдим. Росулуллоҳ кўрпачага ўтиридилар. Сўнг мени ўзларига сўрадилар. Сўзни якунлаганларидан сўнг мен сўз бошладим.

- Ё Росулаллоҳ, менинг сизга нисбатан разбатим йўқ эмас. Бироқ, рашиким кучлироқ, рашик боис Аллоҳ газабига дучор бўлишдан қўрқаман. Унинг устига ёшим ҳам анчага бориб қолди ва яна серфарзанд аёлман.
- Рашингга келсак, яқинда Аллоҳ уни сендан кетказгай. Ёшингга келсак, мен ҳам сендай бир ёшга бориб қолдим. Бола-чақангга келсак, сенинг болаларинг – менинг болаларим, – дедилар.

Мен розичилик бердим. Росулуллоҳга турмушга чиқдим. Ҳақиқатда Аллоҳ менга Абу Саламадан кўра яхшироқ зотни эваз қилиб берганди.

Имом Аҳмад Муснади.

Аламдийда азадор! Сенга осон тутмайман. Ким табиб – бошидан ўтган табиб. Бу борада ҳамма – табиб. Сени тушунибгина қолмай, вулқондек отилаётган ёшларингни қўзғатган дард-аламни ва тил таърифидан ожиз оғриқларингни ҳис қиламан. Лекин бу қадар қаттиқ куйинишишингни, кўзингдаги шашқатор ёшларни кўриб, сенга ачиниб кетяпман. Ҳолингдан хавотирдаман. Агар шу тарзда тинмай йиғласанг, узлуксиз ўзни ўртасанг, ўзингни олдириб қўясан. Ичингни еб, адо бўласан. Кичик мусибатинг хамирдек кўпчиб кетади. Сен беш хил азадорнинг энг яххиси бўл, ёмони бўлма.

Азадорлар асосан беш қисмга бўлинади.

- 1-** Дийдаси қотган кўнгли тошлар. Онаси ўлса ҳам, боласи ўлса ҳам кўзидан қатра ёш чиқмайдиган тоифа. "Зачем мунчалик кўп йиғлаш. Ўлган ўлиб кетди, иш тамом – вассалом. Йиғлаган билан ўлик қайтиб келармиди", деб кўз ёшини қизғанади. Бир томчи ёшга баҳиллик қиласди.
- 2-** Кўнгли бўшлар. Булар биринчи қисмнинг тамоман акси. Салга бурнидан сув оқиб, кўзидан сел қуайлади. Бақириб, қақшаб йиғлайди. Бўкираверганидан мусибатнинг илк куниёқ овози бўғилади. Эртасига умуман овоздан айрилиб, йиғи тугул гапиришга ҳам мажоли қолмайди. Майитни эслаган сари юраги эзилиб ўкираверади. Кўнгил сўраб "мархум яхши инсон эди", деб ўлганинг бир-икки фазилатини эслаб қўйсангиз, ўтга керосин сепгандай, бечоранинг алами аланга олиб, яна йиғига тушади. "У кишига ўхшаган одам оламда йўқ", десангиз борми, бошини нақ елкангизга қўйиб кийимингизни шилта-шалаббо қилиб ташлайди. Охири захирадаги кўз ёш ҳам тугайди. Сўнг сассиз, ёшсиз пингиллашга ўтади.
- 3-** Мотами сўнмас мотамсаролар, тамоман умидсиз бўлиб қолган дилтанг бағри хунлар.

Хижрий 429 санада вафот этган тилшунос олим имом Абу Мансур ас-Саолибий ўзининг *فقه اللغة* китобида ғам-ғусса тури, мартабаси ва ҳар бир мартабанинг атамасига қисқа тўхтаган.¹ Олимга кўра, ғам ва ҳузн 9 турли экан.

¹ Ac-Саолибий ўқувчиларга ўзининг машҳур *يئيمة الدهر* – **Давр дурдонаси** асари билан таниш. Асарнинг 4-боби ўзбек тилига таржима қилиниб, 1976 йили Тошкент, "Фан" нашрётида нашрдан чиқсан. Таржимон арабшунос олим Исматулла Абдуллаев. Айнан 4-бобнинг таржима қилиниш сири шундаки, 4-бобда ас-Саолибий X–XI асрда Мовароуннаҳр ва Хурросонда яшаб ижод этган ва кўпчилигининг номи кенг жамоатчиликкагина эмас, адабиёт аҳлига ҳам унчалик маълум бўлмаган шоир ва адиллар ҳақида маълумотлар, уларнинг

- الْكَمَد – **Камад** – Инсоннинг ранг-рўйини ўзгаритиб юборадиган, кетиши қийин, бардоши оғир қайғу.
- الْبَث – **Басс** – Қайғудан қаттиқроқ ғам-ғусса.

﴿ قَالَ إِنَّمَا أَشْكُواْ بَثِي وَحُزْنِي إِلَى اللَّهِ ﴾ "Гам-ғуссан ва қайғумни фақат Аллоҳга шикоят қилурман", деди. ﴿ ﴾ Юсуф сураси 86-оят.

- الْكَرْب – **Карб** – Жонни суғуриб олувчи ғам-алам.

﴿ وَبَحِينَتُهُ وَأَهْلَهُ مِنْ الْكَرْبِ الْعَظِيمِ ﴾ "Уни ва аҳлини улкан ғам-аламдан қутқардик. ﴿ ﴾ Ас-Соффот 76-оят.

- السَّدَم – **Садам** – Ҳасрат-надомат.
- الْأَسْيِ وَاللَّهُبْ – **Аса ва лаҳаб** – Ўкинч; ўтган ишга афсус чекиш, хафа бўлиш, куйиб-ёниш.
- الْوَجُومْ – **Вужум** – Маҳзунни ўйлатиб, жим қилиб қўядиган андух.
- الْأَسْفْ – **Асаф** – Ғазаб аралаш ғам; тутакишимоқ.

﴿ فَرَجَعَ مُوسَى إِلَى قَوْمِهِ غَضِبَنَ أَسْفًا ﴾ "Мусо қавмининг ёнига ғазабкор ғамнок ҳолда қайтди. ﴿ ﴾

Тоҳо 86-оят.

- الْكَابَة – **Каабатун** – Сиқилиш, диққати ошиш.
- التَّرْجَمَة – **Тараҳ** – Фараҳнинг зидди, ғамгинлик.

шеърий ва насрый асарларидан намуналар берган. Жами 124 шоир ва адаб ҳаёти ва ижоди ёритилган. Уларнинг ҳаммаси араб тилида ижод қилган. Насиб қилса, инша Аллоҳ "Кўз – дил дарвозаси", "Рақамлар тилга кирганда" номли рисоламиизда ас-Саолибий асаридан намуна келтирамиз.

Бу каби қайғу, ғам-ғусса ва унга маънодош барча руҳий азоб ҳис-туйғуларнинг баъзиси кишининг юзида акс этади. Баъзи бири юз билан бирга кўзда ва сўзда намоён бўлади. Шундай ғамлар борки, уни юздан ўқиши қийин. Ғамгин ғамини яшириб тилга чиқармайди. Ҳеч ким билан дардлашмайди. Ёш тўкмайди. Ўз ёғига ўзи қовурилиб ётаверади. Бир ишга қўл ургиси келмайди, фаолияти сусаяди.

Яна бир ғам, мусибат борки, у кишини сусайтириш ўрнига аксинча куч-қувват бағишлаб, иш-фаолиятини оширади. Аслида унинг бошқа мусибатлардан фарқи йўқ. Бошқа ғам-андуҳдан кўра ажраб турадиган жойи йўқ. Лекин гўзал иймоний тарбия топган шахслар кўпни енгиб қўйган у ғамни енгиб, сусайиш ўрнига кучаядилар. Ҳимматлари ошади. Мусибат чақмоғи улар юрагига ўт ёқади. Масалан, отасидан айрилган тарбияли бола "Отамнинг ишини мен давом эттираман", "отам орзу қилиб, ҳаётида ушалмаган умидини мен охирига етказаман", "Масжид, мадраса қуриб, савобини отамга бағишлайман", "Отам номидан вақф қиласман", деб дилига тугади, ва оёққа туриб шу йўлда жонбозлик кўрсатади.

Ёки энг яхши кўрган фарзандидан эрта айрилиб қолган ота "дилбандимда ушалмаган орзуларим отасиз етимларда ушалади. Ўғлимни ўқитолмадим, уйлолмадим, энди битта ёки иккита етимни ўқитаман, уйли-жойли қиласман, шояд бу эзгу амалларимнинг ажри ўғлимга етиб борса, у қабрида қувониб ётса", деб эзгуликка енг шимаради.

Энди асл мавзу – мотами сўлмас мотамдорларга, тамоман умидсизликка тушган дилтанг бағри хунларга қайтсак. Мен шундай одамларни биламанки, улар юқоридаги 9 та маҳзун мотамсаро ва биз қўшган битта билан ўнтага айланган 10 та мотамсаронинг ҳеч бирига ўхшашмайди. Санаб ўтилган 9 та ном уларга тўғри келмайди. Маъюсликни ҳатлаб мажнунликка ўтишган, айримлари мажнунлик ҳаддида турмай тирик мурдага айланиб қолган. Мисол мақолни ойдинлаштиради.

Ёш келин эрининг вафотига оид хабарни эшигтач, чаён чаққандай чириллаб қолади. Шўрликнинг обидийдаси оламни тутади. Ҳасратидан ўт чиқади. Ҳамма йиғилган хотинларнинг дийдиёси бир бўлди-ю уники бир бўлди. Тўғрироғи, ҳаммани-кидан ўтиб тушди. Юзини юлиб, ёқасини йиртиб, сочини тўзитгани етмагандай гоҳ осмонга сакраб, гоҳ ўзини ерга отиб йиғларди. "Вой менинг эрим нимага ўлади, вой биз кимга ёмонлик қилувдик", деб айюҳаннос солади. "Қизим, ўзингизни қўлга олинг, ҳали ёшсиз, келажагингиз олдинда" деб баъзи катта хотинлар юпатмоқчи бўлишганди, "танаси бошқа дард билмас, вой дод, вой дод", дея бақира кетди. Айрим жувонлар уни ичкарига олишмоқчи эди, қўлларини тишлаб олай деди. Ёшу қари унинг ёнига яқинлашгани қўрқиб қолди.

Бу, бесабр аёлга мисол. Бу ерда бетоқат ўғиллар ҳам бор. Улар дарди келинчак дардидан кам эмас.

Бир давлатманд киши тўсатдан вафот этади. Даданинг даврида шоҳона ҳаёт кечирган икки ўғил саросимага тушиб қолади. Ҳеч кимнинг гапини қулокқа олмайди. "Дадажон, бизни кимга ташлаб кетдингиз", "дадажон, энди биз нима қиламиш, қандай яшаймиз", деб йиғлайвериб, томоғи қирилиб кетади. Йиғининг орасида ўзидан-ўзи кулиб юборади. Ўғиллар аста ақлдан озаётган эди. Кейин нима бўлди, билмайман.

Айтишларича, бир ота суюкли фарзандидан айрилиб қолади. Фарзанд доғи отани тамом қилади. Кундузги йифи етмай, кечалари билан дод-войлаб чиқади. Бечора она, ака-укалар, қавм-қариндошлар, қўйингки ҳамма азадорлар йигит ўлимига йиғлаб, йиғлаб охири чарчашади. Аммо ота умуман чарчамас, тамадди қилмай, дам олмай фақат уввос соларди. У рельсдан чиққан поезддек мувозантни йўқотган эди. Тунлари уйқуси қочиб, фақат "ўғилжоним", "ягона умидим", деб йиғлайди. Аста йиғласа ҳам гўрга, овозини борича бақириб, қўни-қўшнининг тинчини бузарди. Ҳеч кимнинг сўзи кор қилмагач, тез ёрдам чақириб, укол билан ухлатишга мажбур бўлишди.

4- Риёкорлар. Ҳамма соҳада соҳтакорлик ва риёкорлик бўлгани каби бу соҳада ҳам айни шу иллат мавжуд. У кўпга маълум. Айниқса, бераҳм иқтисод қутурган пайтда содик кўз ёшлар анча дефицит бўлиб қолган. Тақчил ёқилғи каби кўз ёш ҳам тақчил. Риёкорлар кўз ёш тўқмай товушнинг ўзи билан йиглайди. Дийдиё ўқийди, шеър тўқийди, бироқ бир дона ёш тўкиб қўймайди.

Дод ўлимнинг дастидан,
Фарёд ўлимнинг дастидан,
Ёш деб раҳм қилмайди,
Кари деб раҳм қилмайди,
Қайларга бориб дод этайнин,
Кимларга бориб дод этайнин,
Вой энам-ам,вой энам!..



Маҳаллада бир дона,
Эл ичида дурдона,
Менинг учун ягона,
Вой отам-ам,вой отам!..

Куёшим ҳам ўзингиз,
Хилолим ҳам ўзингиз,
Ош-ноним ҳам ўзингиз,
Вой отам-ам,вой отам!..

Энди кимни ота дей,
Нон емасдан дард-ғам ей,
Фойдасиздир ҳай-ю ҳай,
Вой отам-ам,вой отам!..



Риёкор бўкириб йиглашни, "отамнинг худойисида тўрт қозон ош дамлатдим", деб мақтанишни билади, холос. Оққора мармардан баҳайбат қабртош қўйиб, фахрланади. Аммо холислик, самимийлик деган етук маънолардан анча йирокда.

5- Мўътадиллар. Меъёрда турувчи тақводор мўминлар. Мусибат тушса, Аллоҳни ёдлаб, юқорида эсланган дуоларни ўқишади. Балони бардош билан енгишади. Кўзлари нам, диллари маҳзун, тиллари Ҳаққа зид сўздан сокин. Набий ﷺ ўғиллари Иброҳим вафот этганда:

ان العين تدمع والقلب يحزن ولا تقول الا ما يرضي ربنا وإنما بفارقك يا إبراهيم لحزونون

"Бешак, кўз ёшлинурур, дил қайгуур, бироқ Роббимиз рози бўладиган сўздан ўзгасини сўзламаймиз. Иброҳим, фироқинг бизни ўртар" дедилар. Бухорий Саҳихи.

Азизим азадор, сен шу тоифаларнинг биринчиси бўлма. Иккинчи, учинчи, тўртинчисидан четлан. Фақат бешинчиси бўлгин, ишларинг беш бўлгай. Икки дунёда нола чекмайсан, надоматнинг нордон сувидан ичмайсан, ғамга чўкмайсан.

Эй ўксик, ўртана! Ажал ҳаммани таъқиб қилиб келган, бундан кейин ҳам таъқиб қиласверади. Белгиланган муддатдан илгари келмайди, кечикиб қолмайди. Кимнингдир муддатини чўзиб, кимникинидир қисқартирмайди. Унда бундай ваколат йўқ. Иши қалашиб, қўли қўлига тегмай қолган тақдирда ҳам паришонхотирлик билан кимларнидир унутиб қолдирмайди. Бирорга зулм қилмагани каби муруват ҳам қилмайди.

Ажални алдашнинг сира иложи йўқ. Ўртага таниш қўйиш имконсиз хулё. Унга даво исташ саробга интилишдек гап. Мангулик – хомхаёл. Куч ишлатиш бефойда. Ҳийла – ҳабата. Қочиб қутуламан дейиш хамоқат. Мол-мулкимнинг ярмини бериб, ёки ҳаммасини фидо қилиб ажалдан қутуламан деб умид қилиш ғирт хомтамалик. Шусиз ҳам ажал кишини мол-мулкининг ҳаммасидан маҳрум этади.

Ҳаммани алдаб, товламачилик билан кун кўрадиган ўткир фирибгарга ажал ўз элчиларини жўнатади. Киши элчиларни яхши қаршиламайди. Уларни назарга илмайди. Кумдай сероб одамларни алдаганману бир дона ажални эплолмайманми, деб

күнгли хотиржам бўлади. Охирги элчи охирги огоҳлантириш нотасини олиб келади. Бу ҳам наф бермайди: фирибгарнинг кўзи очилмайди. Кўзга кўринмас ажал кўзга кўринмас йўл ва йўлаклар орқали унинг хос хонасига ҳеч қандай қаршиликсиз бостириб киради. Ажалнинг совуқ нафасини ҳис этган фирибгар ўрнидан туриб унга қуллук қилмоқчи эди, лекин жойидан кўзғалишга мадори етмади. Ётган ўрнида:

- Келсинлар, ташрифингиздан мамнунман. Бироқ огоҳ этмасдан тўсатдан келибсиз. Агар бирор элчи жўнатганингизда, ҳозирлик кўриб турардим, – дейди фирибгар забони ҳоли билан шифтдан кўзини узмай.
- Бир эмас, бир неча элчилар жўнатилган. Сен уларнинг ҳеч бирига эътибор қаратмадинг! – дейди ажал индамас оҳангги билан.
- Йўқ, йўқ. Менга ҳеч қандай элчи келгани йўқ!
- Сочингдаги оқ нима?! Юздаги ажинчи?! Дам-бадам зиёрат этувчи касалликларчи?! Қарилик, қувватсизлик-чи?! Булар сенга менинг ташрифимдан дарак бермадими?!
- Узр, минг бор узр. Хато биздан ўтибди. Бу хато иккичи такрорланмайди.
- Омонатни топшир!
- Қандай омонат? – ўзини гўлликка солади фирибгар.
- Жонни таслим эт!
- Илтимос, менга озгина муҳлат беринг. Мен қилмоқчи бўлган эзгу ишлар жуда кўп. Уларни охирига етказай.
- Сенга керагидан ортиқ муҳлат берилган эди, аммо сен...
- Яна озроқ муҳлат берсангиз, мен одамларга яхшилик қилмоқчиман. Охиратга қуруқ қўл билан боришдан ор қиласман, – одатига биноан ялиниб, аврашга ўтди.
- Сен ҳали орни ҳам биласанми?! Умрни яхшилик қилиш учун эмас, яна бир оз яшаш учун сўрайapsan. Нияting бизга аён. Яхшиликча омонатни топшир, йўқса...
- Барака топкур, онт ичаман, сўзим чин.

- Ҳаётинг давомида неча маротаба онт ичгансан? Эслайсанми? Ҳаммасини унугансан. Аммо икки мирзо малак оғзингдан чиққан ҳар биз сўзни ёзиб қўйган.
- Илтимос, ҳеч бўлмаса хатоларни тўғрилаш учун, гунохларни ювиш учун озроқ фурсат беринг.
- Уяting борми?! Ҳадеб мухлат бер деяверасанми?! Ахир Пайғамбар ёшидан ўтиб кетдинг-ку. Бу Нуҳ замони эмас, Росул огоҳ этган охир замон. Гуноҳингта келсак, уни қатрон қилиш зарур. Бунга дунё олови ярамайди. Ухронинг сўнмас оловида боплаб қатрон қилишади.
- Мени тинч қўйинг, устингиздан тегишли жойларга ёзиб бераман, – деб унинг қўли шилт этиб пастга тушди.

Нафас олиши тинди. Оғзи очилиб, ияги чўзила бошлади. Кўзи шифтга қадалганча қотиб қолди. Ундан чиққан бадбўй ҳид уйни тутиб кетди. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай деразани очиб қўйилди. Тунд осмон тиниклашиб, ичкарига тоза ҳаво оралади. Авзойи бузук табиат очилиб кетиб, кўзни очтирмас чанг-губор босилди. Теварак-атроф тобора мусаффолашди...

Жон талвасасида унсиз қийналиб, қора терга пишиб ётган даданинг тинчиганини кўрган фарзандлар бир оз тинишди. Улар ғайб оламидаги сухбатдан бехабар эдилар. Қалин жун жемпер, унинг устидан пахтали тўн кийган азадорлар отани юпқа оқ сурпга ўраб, гўристон томон жадаллаб кетишиди.

﴿ أَيْنَمَا تَكُونُوا يُدِرِكُكُمُ الْمَوْتُ وَلَا كُنُمْ فِي بُرُوجٍ مُّشَيَّدَةٍ ﴾

﴿ Каерда бўлсангиз-да, ҳамто мустаҳкам қўргонлар ичida турсангиз-да ўлим сизларга етиб борур. ﴾

На тождор, на бождор ажалдан қочиб қутулади. На пулдор, на қарздор, на бир бурда нонга зор ажалнинг аччиқ тамини татишдан бош тортади. Қўмондон ҳам, зўравон ҳам бир куни ажал кундасига бошини қўяди. Моҳир табиб, суюкли ҳабиб, узокдаги ғариб, энг яқин қарийб, айёр соҳиби фириб, буларнинг барча-барчаси ажал остонасида жамланади.

Эй ғамнок! Ҳаёт ҳақ бўлгани каби синов ҳам ҳақ. Илм даргоҳига қадам қўйган талаба имтиҳон топшириши шарт бўлгани каби ҳаёт майдонига қадам қўйган банда ҳам имтиҳон топшириши шарт. Бир кунмас бир кун албатта синаласан. Синов сен кутмаган ердан келиши мумкин. Ҳатто сен унинг синовлигини сезмай қолишинг эҳтимолдан холи эмас.

Жаноби рисолат маоб соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Исроилда синалган уч кишининг қиссасини асҳобларга ҳикоя қилиб, ибратга чақирганлар.

Бани Исроилдан уч нафар кишини: пес, кал, кўрни Аллоҳ синашни ирода этиб, уларга бир малакни одам суратида юборади. Малак даставвал пес кишининг ёнига келиб:

- Сен учун энг маҳбуб нарса нима? – деди.
- Гўзал ранг, гўзал тери истайман. Одамлар мендан жирканадиган бўлиб қолган.

Малак унинг юзини силаган эди, ундаги бор иллат кетиб, ўрнига гўзал ранг, гўзал тери пайдо бўлди.

- Мол-дунёдан нималарни истайсан? – малак яна саволга тутди.
- Туя (ёки сигир)¹ истайман, – деган эди, истаги ўша заҳоти рӯёбга чиқиб, қорнида ўн ойлик боласи бор туя берилди.
- Молингга барака берсин, – деб малак кал ёнига равона бўлди. Унга ҳам юқоридаги саволни йўналтириди.
- Энг суйган нарсанг нима?
- Чиройли сочни суюман. Калликдан қутулишини истайман. Одамлар мендан жирканиб юришибди.

Малак унинг бошини силаган эди, кал бошидан чиройли соч ўсиб чиқади.

- Қандай молни суюсан?

¹ Ҳадис ровийларидан бири Исҳоқ ибн Абдуллоҳ иккиланган. Буни "шаккур ровий" дейилади.

- Сигирни яхши кўраман.

Унга ҳам қорнида боласи бор бир сигир берилди. Малак унинг молига барака тилаб, кўрнинг ёнига келди.

- Сен учун энг маҳбуб нарса нима?
- Аллоҳ қўзимни қайтариб берсайди, одамларга боқар эдим.

Малак унинг кўзини қўли билан суркаган эди, кўзи очилиб кетди.

- Қандай молни суюсан?
- Қўйни.

Унга қўзилайдиган бир қўй берилди.

Туя сўраганнинг туяси, сигир сўрганнинг сигири тугиб, мол-мулклари кўпайиб кетади. Ҳар иккиси водий тўла чорвасини ўтлатиб юради. Қўйчувоннинг қўйлари қўзилаб, у ҳам бойиб кетади. Водий тўла қўйга эга бўлади.

Орадан бир мунча муддат ўтгач, малак аввалги суратида пес кишининг ёнига келиб тиланчилик қиласди:

- Мусоғир, мискин кишишман. Сафаримда тирикчилик сабаблари узилган. Аввало Аллоҳдан, сўнгра сендан бошқа ҳеч ким менга ёрдам бермайди. Сенга гўзал ранг, чиройли тери бериб, бой-бадавлат қилиб қўйган Аллоҳ ҳаққи менга ёрдам бергин.
- Зиммамда ҳақ-ҳуқуларим кўп.¹ (Ёрдам беролмайман).
- Сени танигандаи бўляяпман. Сен аввал пес эмасмидинг? Одамлар сендан жирканиб юрмасмиди? Фақир эдинг, Аллоҳ мол-дунё бериб бойиб кетибсан.
- Бу мол-дунёни ота-боболаримдан мерос олганман.
- Агар гапинг ёлгон бўлса, Аллоҳ аввалги ҳолатингга қайтарсин, – деган эди, киши аввалги аянчли ҳолига қайтиб қолади.

¹ Яъни "бола-чақали одамман".

Кал ёнига келиб, юқоридаги кишига айтган сўзларини айтади. Кал ҳам биринчи кишидек рад жавоби қайтаради. "Агар сўзинг ёлғон бўлса, Аллоҳ аввалги ҳолингга қайтарсан", деб кўрнинг олдига келади. Кал пес каби бор-буудидан айрилиб, кал боши билан қолади.

Кўр ёнига келиб:

- *Мусоғир мискин кишииман. Сафаримда тирикчилик сабаблари узилган. Аввало Аллоҳдан, сўнгра сендан бошқа ҳеч ким менга ёрдам бермайди. Сенга кўзингни қайтарган ва қўй берган Аллоҳ ҳаққи менга ёрдам бергин.*
- *Кўр эдим, Аллоҳ кўзимни қайтарди. Фақир эдим, бойбадавлат қилди. Истаган нарсангни ол, Аллоҳга онтким, бугун Аллоҳ учун олган бирон нарсангга тўскىнлик қилмайман.*
- *Молинг ўзингга буюрсин. Бу синов эди. Аллоҳ сендан рози бўлди. Икки шеригингга газаб қилди.*

Қиссанинг асли Саҳихи Бухорийда.

Эй дилгир! Донишмандларнинг "*бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил*" деган ҳикматли сўзини ҳаётингга сарнома қилиб ол, зарар кўрмайсан.

Урва ибн Зубайрнинг бир оёғи оғир дардга чалинади. Олим табибга мурожаат қилмайди. Шунда яқинлар:

- Табиб чақирайликми? – деб сўрашади.
- Хоҳишлиринг, – дейди дарди кучайган тобеин.

Беморни обдон текширган табиб "бир оёқни кесиш зарур", дейди. Кесишга розилик олгандан кейин Урвага қаратади:

- Ақлни кетказадиган шароб бераман. Ичсангиз, оғриқни сезмайсиз, – деди.
- Одамлар шаробни ақлни кетказиши учун ичадилар деб ҳеч ўйламаган эканман. Қўрқмай кесавер, шаробингга ҳожат йўқ.

"Табиб дадамнинг оёғини кесар экан бирон марта оҳ деб қўймади. Кесилган оёқни тоғарага солингандада дадам оёққа ишора қилиб: "Шу оёқларим билан ҳаётим давомида бирон маротаба маъсиятга борганим йўқ", деб Аллоҳга роз айтди: "Илоҳо, бир аъзони олган бўлсанг, қанчасини қолдирдинг, бир марта дард берган бўлсанг, неча марта оғият бергансан", деб хабар беради ҳодиса тепасида турган ўғил.

Ҳатто шу оғир кечада ҳам Қуръон ўқишини канда қилмай, кунлик вирдларини¹ ўқиб ётдилар.

Эртасига Муҳаммад номли ўғиллари отдан йиқилиб вафот этади. Буни отага билдиришмайди. Одамлар таъзияга кела бошлади.

- Агар оёғимдан айрилганим учун кўнгил сўраётган бўлсангиз, раҳмат, лекин бунга ҳожат йўқ. Зеро оёқ учун ихтисоб² қилдим.
- Оёғингиз эмас, ўғлингиз таъзиясига келдик.
- Ўғлимга нима қилибди.
- Ахир кеча поданинг тагида қолиб, узилди-ку.
- Илоҳо, бир аъзони олиб кўпини менга қолдирдинг, бир фарзандни олиб, кўпини олдимда қолдирдинг, – деб Аллоҳга юзландилар.

Бу кўргиликларнинг барчаси сафар чоғида рўй берганди. Сафардан қайтишгач, тобеинлардан Муҳаммад ибн Мунқадир улар истиқболига чиқиб ҳол сўрайди. Урва ибн Зубайр саволга жавоб ўлароқ ушбу оятни ўқийдилар:

﴿لَقَدْ لَقِينَا مِنْ سَفَرِنَا هَذَا نَصَباً﴾

﴿Ҳақиқатда бу сафаримизда машаққатга дучор бўлдик.﴾

Кахф 62-оят.

¹ Вирд – Тарк этмай кунда бажариладиган вазифа; Қуръон тиловати, зикр, дуо. Соғлигига эътиборли киши кундалик озуқани тарк қилимаган каби охиратига эътиборли киши ҳам кундалик маънавий озуқани – вирдни тарк этмайди.

² Ихтисоб – Аллоҳ учун сабр қилиб, савоб умид этиш.

Эй дарднок! Айюб алайҳиссаломга келган мусибатни кўп ўқигансан, кўп эшигансан. Лекин у қиссадан сабоқ олганмисан? Ибрат дурларини терганмисан? Ҳаётинг учун андоза олганмисан?

Айюб алайҳиссаломга рафиқалари деди:

- Аллоҳдан шифо тилаб дуо қилсангиз бўлмайдими?
- Етмиш йил неъматда яшадик, яна шунча йил қийинчиликка сабр қилолмаймизми?!

Эй ҳазин! Ахнаф сўзларига қулок тут.

"Қирқ йил олдин кўзимдан айрилдим. Биҳамдиллоҳким, қирқ йилдан бери бирон маротаба, бирон бир кишига шикоят қилганим йўқ".

Дарғазаб дилтанг! Бошингга мусибат тушса, бошқаларга заҳрингни сочма. Исанинг аламини Мусадан олма.

Шўролар даврида горисполком раиси, шаҳар компартия-сининг биринчи секретари деган юқори лавозимли мансаблар бўларди. Шундай катта мансабдорлардан бирининг ўғли ошнасининг тўйида ўлгудай ичади. Ёнидаги улфатларининг "нормадан ошиб кетди, бўлди, тўхтат", деган сўзига қулок осмайди. "Сани пулингга ичяпманми, яхшиям сани тўйингмас", деб кетма-кет кўтараверади. Ярим тунда тўйдан қайтаётганда машинани тез ҳайдаётган (шаҳзода) рулни бошқаролмай ўзини бетонга бориб уради. Бу тўй унинг охирги кўрган тўйи, тўйда кўтарган охирги қадаҳи дунёдаги охирги насибаси экан.

Дарғазаб дада тўйда у билан бирга бўлган ҳар бир улфатдан ўч олишга тушади. Бир эмас, бир нечта йигитнинг ёстиғини қуритиб аламидан чиқади. Уларнинг янги туғилган ўғлини етим қиласи. Ёш келинчаклар бева қолади. Баъзи гўдаклар она қорнидаёқ отадан айрилади. Агар мақсад ўғил қотилидан ўч олиш бўлса, биринчи қотил бузук тарбия берган отанинг ўзи-ку. Демак, ўчни ўзидан бошлиши лозим эмасми, лекин...

Ғамга таслим бўлиб, қалбига шубҳа тушиған гамзада!

Ушбуни ўқи, ибрат ол, огоҳ бўл!

– تسلیة أهل المصائب – **Мусибат ахлига тасалли** китобининг

муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Манбажий (... – 785х) мутақаддимлардан нақл қилиб дейди:

"80 ёшли қўшнимиз бор. Беш маҳал намозни масжидда ўқийди. Унинг ажойиб набираси бўларди. Нима бўлди-ю шу болача тўсатдан ўлиб қолди. Боланинг ўлимини қария кўтариомади. Ёшига ярашмайдиган, иймонга путур етказадиган сўзларни айта бошлади. У тамоман ўзгарган эди. "Шунча йил ибодат қилсак ҳам, шундай оғир мусибат тушадими?!" деган маънода сўзларни айтиб юрди. Масжидга умуман чиқмай қўйди. Билдимки, унинг намози ибодат эмас, одат экан".

*Қилмади элликда тараққий киши,
Олтмишида борча таназзул иши.*

"Ҳайратул аброр"дан.

"Энг катта йўқотиш нима?" – деб сўрасалар, хеч тараддуудланмай, "Манзилга етганда адашиш, маррага бир баҳя қолганда тойиш, ҳосилни йиғишириар пайтда талофат кўриш", деб жавоб бераверинг.

Шайтон одамзодни адаштиришда икки йўлни қўллайди: бири, шаҳват, иккинчиси, шубҳа. Шунинг учун сарваримиз : "**Ким икки жаги ораси ва икки пуми ораси учун кафолат берса, мен унинг учун жаннатга кафилман**", дедилар.

Бухорий Саҳиҳи.

Термизий Сунанларида: "**Кимки икки жаги (яъни тили) ва икки пуми (аврати) ёмонлигидан сакланса, жаннатга киради**", дейилган.

Ёшлиқда тил билан авратни саклаган эркак кексайганда йигитдай яшайди. Ўша қувват, ўша ақл билан қийналмасдан, тойимасдан маррага етиб боради.

"Коғир намоз ўқимасаям омади чопаяпти, мен намоз ўқисамам омад қочаяпти", деб алданган аламзада аразчи!

"Мен намоз ўқисам, рўза тутсам, ҳаж, умра зиёратига борсам, садақа, хайри-эҳсонни канда қилмасам, эрта-кеч Аллоҳни зикр қилсам, шунча савобдан кейин яна бошимга шунча мусибат тушадими?! Болам ўлди, молим таланди, бозорим касод, уйим куйган, бадарғаман", деб баъзи бирлар ортга чекинади. Иймон имтиҳонидан икки баҳо олиб йиқилади. Шуларни ўйлаб, хаёлга чўмаман. Исломни қабул қилиб қашшоқ, камбағал бўлиб кетган, номи Қуръонда ва тарихда мангу қолган событқадам соҳиб фазилатларни эслайман.

Қуръон "Асхобул Каҳф" ғорга бекинган йигитлар ҳақида ҳикоя қилган. Уларнинг ҳар бири неъматга ғарқ бўлган ўқтам йигитлар эди. Ширқдан воз кечиб, тавҳидга иқбол этган саноқли муваҳҳидлар. Ўз давридаги ҳақ дин Исо алайҳиссалом олиб келган дин эканини билишгач, ҳеч тараддулланмай иймон келтирадилар. Уларнинг аксари сарой аҳлининг фарзанди бўлган. Иймонларини махфий тутишларига қарамай, сир очилиб қолади. Йигитларни диндан қайтариш учун турли ваҳшиёна йўлларни қўллашади. Қалб қаърига жойлашган бебаҳо иймон дўқ-пўписаларга жойидан жилмайди. Улар забони ҳол ва мақол билан: жонга синган иймон жон билан бирга чиқади, уни у ердан олишнинг бошқа иложи йўқ, дерди. Сарой аҳли шу қадар дарғазаб бўлдики, азбаройи тутакқанидан ўз жигарбандларини ўлимга ҳукм қиласди. Лекин иқтидорли, чаққон, кучли, ўқтам ва кўркам йигитларни ўлдиришга кўзлари қиймай, қатл қилишга қўллари бормайди. Ноилож уларга яна бир кеча муҳлат бериб: "Эртагача ўйлаб кўринглар. Тонг сизлар учун охирги муҳлат, кейин раҳм-шафқат кутманглар", дейишади.

Йигитлар олдида иккита йўл бор: 1-Диндан қайтиб, саройда аввалгидай дабдабали ҳаёт кечириш. 2-Динда событ қолиб, дарбадарликда, камбағаллик-қашшоқликда яшаш.

Йигитлар ўйланиб ўтирмай иккинчи йўлни танлашди ва шу кеча шоҳона ҳаёт билан видолашиб, саройдан чиқиб кетдилар. Улар учун ғордан бошқа бошпана йўқ эди. Мелодий сана тонгида рўй берган бу ҳодисани Аллоҳ таоло Қуръони каримда мадҳ этиб, йигитлар ихтиёрини: улар танлаган йўлни олқишилади, номларини мангушлаштириди.

﴿إِنَّهُمْ فِتْيَةٌ أَمَّنُوا بِرَبِّهِمْ وَزَدْنَاهُمْ هُدًى﴾

﴿Дарҳақиқат улар Роббилирага иймон келтирган йигитлардир, биз уларнинг иймонларини янада зиёда қилдик.﴾

Каҳф 13-оят.

Аллоҳ даргоҳидаги энг қимматбаҳо бойлик тилло, кумуш эмас, Ҳидоят, Иймондир. Шунинг учун Аллоҳни ихтиёр этган йигитларга Аллоҳ ўз даргоҳидаги энг қимматбаҳо бойликни тортиқ қилди.

Дарвоқе, йигитлар ғорга бекингандан кейин Аллоҳга илтижо қилиб дуо ўқишиган, дуолари мустажоб бўлган. Каҳф сурасининг 10-оятидаги дуо тарихий воқеадан боҳабар этиш учунгина эмас, балки Муҳаммад алайҳиссалом умматига сабоқ ўлароқ келган. Яъни сизлар ҳам оғир аҳволда қолган пайтингизда, бошингизга мушкул савдо тушганда шу дуони ўқинг, деган маънода нозил бўлган. Йигитлар ғорда ушбу дуони ўқиган эдилар:

﴿رَبَّنَا إِنَّا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةٌ وَهِيَّنَّ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا﴾

﴿Роббана, атина мин ладунка роҳма, ва ҳайийиъ лана мин амина рошада – Роббано, бизларга Ўз даргоҳингдан раҳмат ато эт ва ишларимизни Ўзинг ўнгла.﴾

Каҳф 10-оят.

Собитқадамликка бошқа бир мисол.

Мусъаб ибн Умайр розияллоху анхуни танимайдиган мүмин топилмаса керак. Зеро ер юзининг ҳар бир минтақасида: шаҳар, қишлоқларда ўтказиладиган Саҳобалар ҳаёти ҳақидаги сұхбатда унинг номи албатта тилга олинади. Унинг ибратли ҳаёти ҳаммани ўйлатади ва йифлатади.

Мусъаб Қурайшнинг бадавлат хонадонидан. Бой барно йигит. Хулқи хилқати каби гўзал. Ҳамманинг ҳаваси келади. Ёнидан ўтган киши гўё гулзор ёнидан ўтгандек унинг ширин бўйига маст бўлади. Шу йигит Маккадаги некбаҳт кишилар қатори Исломга эрта кириш баҳтига эришади. Бундан хабар топган она тўнини тескари кийиб, ўғлини диндан қайтаришга зўр беради. Онанинг ҳамма уриниши бехуда кетади. Иймон йигит қонига аллақачон сингиб бўлганди. Бой она ўғилдан барча яхшиликларни узади. Ҳатто бир бурда нон, бир коса овқат ҳам бермай қўяди. Охири Мусъаб уйдан ҳайдалади.

Баро ибн Озиб розияллоху анху дейди:

Биринчи бўлиб Мадинага ҳижрат қилиб келган саҳоба Мусъаб ибн Умайрдир. Биз уни кутиб олдик.

- Росулуллоҳ ﷺ нима қилдилар? – деб сўрадик.
- Росулуллоҳ ҳануз ўз ўринларидалар, аммо асҳоблари изимдан йўлга тушишган, – деди.

Хаббоб ибн Арат розияллоху анху дейди:

Биз Росулуллоҳ ﷺ билан бирга Аллоҳ ризолигини истаб ҳижрат қилдик. Аллоҳдан ажр-мукофотга эришдик. Биздан баъзи бирлар шу йўлда давом этиб, ажр-мукофотидан бир нарса емади. Шулардан бири: Мусъаб ибн Умайрдир. У Ухуд куни ҳалок бўлди. Бир дона жунли тўндан бўлак ҳеч нима қолдирмади. Кафан билан юзини ёпсак, оёғи очилиб қолар, оёғини ёпсак, юзи очилиб қоларди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ: "Юзини ёпиб, оёғини изхир билан ёпинглар", дедилар.

Баъзи бирларнинг эса меваси пишиб, ҳосил йифими билан машғул бўлиб қолди. (Мол-дунё қўпайганига киноя қилмоқдалар).

Саъд ибн Иброҳим отасидан эшитиб ривоят қилади:

Абдурраҳмон ибн Авфга таом тақдим этилди. Абдурраҳмон овқатга қараб туриб йиғлаб юборди. "Ҳамза жанггоҳда ўлдирилди, кафанликка бир кўйлакдан бошқа ҳеч нима топилмади. Мусъаб ибн Умайр шу куни ўлдирилди, унга ҳам кафанлик топилмай, бир кўйлакка кафанланди. Кўрқаманки, бизнинг неъматлар охиратда эмас, шу дунёда барчаси бериб бўлиндимикин", деб йиғлар эдилар.

Яна бир олий мисол, гўзал намуна. Буни бизга амирул мўминийн Умар ибн Хаттоб ҳикоя қиладилар. Қисса узунлиги боис унинг мавзуга оид охирги қисмини келтирамиз.

...Мен Росулуллоҳ ﷺ ўтирган қазноққа киришга изн сўрадим. Гулом изн олиб чиққач, ичкарига кирдим. Тўқима бўйрага суюниб ўтирган эканлар. Бўйранинг изи баданларида кўриниб турарди...

Мен ўтиредим. Бошимни кўтариб, хонага разм солдим. Кўзга ташланадиган бирор нарса йўқ. Илло ошланмаган учта тери бор эди, холос.

- Ё Росулаллоҳ, умматингизга мўлчилик тилаб Аллоҳга дуо қилмайсизми? Форс ва румлар Аллоҳга ибодат қилмасада мўл-кўлчиликда яшайди, – дедим. Росулуллоҳ ﷺ қўзгалиб, тўғри ўтириб олдилар ва менга қараб:
- Динда шубҳанг борми, Хаттоб ўғли?!¹ У қавмларнинг барча неъматлари бу дунёда эрта бериб бўлинган, – дедилар.
- Аллоҳдан гуноҳимни мағфират этишини сўранг, – дедим.

Ўшанда Росулуллоҳ ﷺ аёлларига бир ой яқин бўлмасликка қасам ичган эдилар.

Муслим ва Термизий ривоятлари.

¹ "Умар" демай, "Хаттоб ўғли" деб отага нисбат беришларида "сен ҳануз отангни динидамисан?!" деган киноя яширинган, дейди шориҳлар.

Қадимда баъзи аъробийлар Исломдан яхшилик кўрса: дуоси ижобат бўлиб ёғса, қўйлари қўзиласа, туяси бола туғса, закотлардан, садақотлардан насиба олса, Исломни мадҳ этиб, жа қаттиқ мусулмон бўлиб қоларди. Агар озроқ синов келса, ёмғир ёғмаса, қўй, мол, туя аввалгидек болаламаса, хайри эҳсонлар келмай қолса, дарҳол Исломдан қайтиб кетар эди. Шунинг учун Аллоҳ улар ҳақида ушбу оятни индирди:

﴿الْأَعْرَابُ أَشَدُ كُفْرًا وَنِفَاقًا وَأَجَدَرُ الَّا يَعْلَمُوا حُدُودَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ، وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

﴿Аъробийлар куфр ва нифоқда ўзгалардан кўра қаттикроқ ва Аллоҳ Ўз Росулига индирган аҳкомларни билмасликка лойикроқ кишилардир.﴾

Тавба 97-оят.

Эй маъюс!

Сен тортган кулфатлар аввалгилар тортган кулфат олдида ҳеч нима эмас.

Хаббоб розияллоҳу анҳу дейди:

Росулulloҳ ﷺ Каъба соясида тўнларига бош қўйиб ётган пайтларида ёнларига келдим. Мушиклардан кўп озор кўрган давримиз эди.

- Ё *Росулаллоҳ*, (енгиллик сўраб) Аллоҳга дуо қилмайсизми?! – дедим. *Росулulloҳ* ﷺ ўтириб олдилар.
- Сизлардан олдин ўтган мўминлар танасини темир тароқ билан тирнаб, суюккача қадаб тарап эдилар. Бироқ бу қийноқ уларни динидан қайтармаган. Бошига *арра* қўйиб уни иккига бўлиб ташлашар эди, бу ҳам уларни динидан қайтаролмаган. Аллоҳга онтким, Аллоҳ бу ишини нуҳоясига етказгай, тоинки Санъодан Ҳазратга чиққан отлиқ ўз сайрида Аллоҳдангина қўрқиб, боишқа хавфни сезмай хотиржам юради, – дедилар.

Бухорий Саҳиҳи.

III- Мусибатни енгиллатадиган сабаблардан учинчиси – Истиона.

Нафақат мусибатни, балки ҳаётнинг ҳамма оғирликларини енгиллатадиган асбоблардан бири истионадир.

Истиона нима?

Истиона – Ёрдам, мадад, қўмак талаб қилиш демакдир.

Мусулмон ҳар бир ишида Аллоҳдан мадад сўрайди. Кунда ўқийдиган беш маҳал намозида: ﴿إِنَّا كُنَّا نَفْدُ وَإِنَّا كُنَّا نَسْتَعِنُ﴾

﴿Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз.﴾
деб бот-бот такрорлайди.

Банданинг қўлидан келадиган дунёвий ишларда унинг ёрдамидан фойдаланиш ҳам истиона дейилади. Уйга тандир қурмоқчи бўлсангиз, тандирчини қўмакка чақирасиз. Кўза керак бўлса, кулолга, илм керак бўлса, олимга борасиз.

Ерни қўл билан кавлашдан кўра кетмон, бел, курак каби маҳсус асбоб ёрдамида кавламоқ ишни анча енгиллаштиради. Бульдозер, скрепер, экскаваторлар машаққатни камайтириб, муродга тез етказади. Дурадгорни теша, ранда, исказа каби асбобларсиз иши юришмайди. Темирчини босқонсиз¹ тасаввур қилиш қийин. "Болғачининг минг ургани – босқончининг бир ургани" деган гап бекорга айтилмаган. Хашакни қулочлаб аравага ортаётган киши қўлига панشاҳа олса, иши анча унумли кечади. "Оғриган тишнинг давоси – омбур" десалар, кесатиб: "Бир одам омоч билан, еттовлон чўмич билан" дейдилар. Халқнинг "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" мақоли асбоб-анжом ёрдамида иш битириш қулайлашади, оғир енгил, узоқ яқин бўлади, касб-хунардаги мушкуллар осонлашади, деган маънони англатади.

¹ **1-Босқон** – Темирчиларнинг катта, оғир болғаси. **2-Босқон** – Чилангарлар кўрасидаги кўрага ҳаво ҳайдовчи ва кўмирнинг ёнишини кучайтирувчи қурилма.

Бу ҳаммага маълум.

Хўш, ҳаёт ташвишлари, кулфат-офтатлари, унинг номи-ю шакли ҳар хил, муддати нотайин мاشақатлари қандай енгилади? Мусибатни аритадиган асбоб, ғам-қайгуни кетказадиган анжом борми? Бу саволга Куръон жавоб бериб дейди:

﴿ وَأَسْتَعِينُوۤ بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْحَسْبَانِ ﴾

﴿ Сабр ва Салот бирла ёрдам олинг. Ҳақиқатда Салот жуда оғир, илло Аллоҳдан қўрққанлар учун осондир. ﴾

Бақара 45-оят.

﴿ يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَسْتَعِينُوۤ بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴾

﴿ Эй мўминлар, Сабр ва Салот бирла ёрдам олинг. Албатта Аллоҳ сабр-бардошлилар билан биргадир. ﴾

Бақара 153-оят.

Аллоҳ таоло мўминларни диний ва дунёвий ишларида сабр ва намоздан кўмак олишга буюряпти.

Сабрнинг луғавий маъноси кўпга қисман маълум. Салот – Намоз, бу ҳам ҳеч кимга махфий эмас. Лекин ҳар иккисининг ҳақиқати ва моҳияти ҳаммага бирдай маълумми?

Сабрни кимдир тушкунлик ва таслим бўлиш деб тушуди. Намозни оддий ибодат ё мусулмонлар одати деб билади. Нусусларга қаралса, ҳаётда сабр ва намознинг кучини синаб кўрган зотлар ҳаётига назар солинса, бу икки амал инсонга энг катта ёрдамчи, диний-дунёвий ишларида куч-куват бағишловчи асбоб эканини билади. Набий ﷺ оғир ҳолатларда, бошларига ташвиш тушганда, қайғу ҳар жиҳатдан ҳамла қилганда дарҳол Намоз ўқирдилар, Аллоҳга боғланиб, арзи додларини айтардилар. Аёлларини намозга ундардилар. Зеро Намоз – маънавий истеҳком, қалин қўргон, ризқ мана би, ахлоқсизликдан тиядиган ва тўсадиган энг катта кучдир...

Хақиқий намоз билан дин ва дунё обод бўлади. Юз ёруғ, дил равшан, мартаба улуғ, ризқ қутлуғ бўлади.

Имом Бухорий Саҳиҳни ёзаётганда ҳар бир ҳадис олдидан икки ракаат намоз ўқирдилар. Натижада Саҳиҳ Қуръондан кейинги китоб мақомига кўтарилди. Иброҳим Шаммос дейди: "Мен Аҳмад ибн Ҳанбални ёшлиқдан биламан. У болаликдан таҳажжудни тарқ этмаган". Бошқа бири дейди: "Аҳмад 70 йил факирликка сабр қилиб шу даражага етишди".

Бошингизга бир ёки минг мусибат тушса, саросимага тушманг. Жойнамозни солиб, обдон таҳорат олиб, муқаддас қиблага юзланиб, Парвардигорингиз даргоҳида намоз ўқинг. Юракка айтинг, қон эмас, ёш айлантирсин. Томирга буюринг, қизил суюқлик эмас, оппоқ ёшларни дарёдек оқизсин. Бундай пайтда салга ловуллаб ёнадиган қизиққонлар эмас, самимий ёш тўккан бардошлилар муродига етади.

Намоз ўқимаса ҳам "омади чопаётган" "бахтли"лар сизни мағрурлантириб қўймасин. Росули Акрам ﷺ айтганларидек, уларнинг барча неъматлари бу дунёда вақтли бериб қўйилган мато, халос. Тақдирда битилган охирги ошамни ошаб, сўнгги сувни ичиб бўлганидан кейин уларга ҳеч нима берилмайди. Ҳатто бир қултум сувга зориқиб ўтадилар. Сизнинг оёғингиз остидан зилол сувлар, сут, асал, май, шароб оқиб турган бир пайтда улар сувни тушда ҳам кўрмайдилар. Шундай экан, уларнинг вақтинчалик ўткинчи ҳаёти сизни алдаб қўймасин.

Қуръонда салотга оид 65 та оят, сабрга оид 70 та оят бор. Бу сонлар нимадан дарак беради? Бу рақамлар Намоз ва Сабр-бардош инсон ислоҳи, саодати ва нажоти учун зарур омил эканидан дарак беради. Буни Қуръонда, Тавротда ва Иброҳим ﷺ сахифасида келган ушбу оят тасдиқлайди.

﴿ قَدْ أَفْلَحَ مَنْ تَزَكَّى وَذَكَرَ أَسْمَ رَبِّهِ فَصَلَّى ﴾ **(Дарҳақиқат ким покланса, Роббисининг исмини ёдласа ва намоз ўқиса, нажот топибди.)**

Аъло 14-15-оят.

Намозингизни кўз қорачиғидай асранг, намоз сизни асрайди. Сабр-бардош отига миниб, Сулаймондек кўкка парвоз қилинг. Сабр отини аямай қамчиланг, мақсадингизга тез етасиз. Мақсад йўлида секинлашган ё тўхтаб қолган муродга етмайди. Амалдан тўхташ – бесабрлик. Чекиниш – мағлубият.

Мадад сўраб ўқиладиган дуолардан бирини эътиборингизга ҳавола этаман. Дуони иккинчи бетга ўтмасдан олдин ёд олишга уриниб кўринг. Эртанги кунга қолдирманг. Донишлар бекорга "Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор", демаган.

عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُو يَقُولُ: رَبِّ أَعْنِي وَلَا تَعْنِيَّ عَلَيَّ، وَأَنْصُرْنِي وَلَا تَنْصُرْنِي عَلَيَّ، وَأَمْكُرْنِي وَلَا تَمْكُرْنِي عَلَيَّ، وَاهْدِنِي وَيَسِّرْ الْهُدَى لِي، وَأَنْصُرْنِي عَلَى مَنْ بَغَى عَلَيَّ، رَبِّ اجْعَلْنِي لَكَ شَكَارًا، لَكَ ذَكَارًا، لَكَ رَهَابًا، لَكَ مُطْوَاعًا، إِلَيْكَ أَوَّاهَا مُنْبِيًّا، رَبِّ تَقْبِيلْ تَقْبِيلِي، وَأَغْسِلْ حَوْتِي، وَأَجْبِ دَعْوَتِي، وَبَتِ حُجَّتِي، وَسَدِّدْ لِسَانِي، وَاهْدِ قَلْبِي، وَاسْلُ سَخِيمَةَ قَلْبِي.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу дейди: Росулуллоҳ соллалоҳу алаиху вассаллам ушибуни ўқиб дуо қилар эдилар:

Роббим, менга ёрдам бергин, зиддимга ёрдам бермагин. Менга нусрат, ғалаба бер, зиддимга нусрат бермагин. Мен учун хийла; чора-тадбир кўр, зиддимга макр қилмагин. Мени ҳидоят эт, ҳидоятни мен учун осон айла. Менга жабр қилган тажсовузкор кимса устидан нусрат бер.

Роббим, мени сершуқр, серзиқр (бандалардан) қилгин.

Ўзингдан чунон қўрқадиган, бағоят итоаткор, тавозули, бўйсунувчан, хавфингда ва кўйингда оҳ-нолалар тортиб, (ҳар ишида) Ўзингга қайтувчи қил.

Роббим, тавбамни қабул эт, хато-гуноҳларимни маҳв айла, дуойимни мустажоб эт, ҳужжатимни собит, барқарор қил. Тилимни ўнгла, дилимни ҳидоятга йўлла, қалбимдан кеку адватни чиқариб ташла.

Хадисни Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Насойи ва Ибн Можалар ривоят қилишган.

- 1- ربِّ أَعْتَنِي – *Робби, аинний*
- 2- وَلَا تُعِنْ عَلَيَّ – *вала түн алайыа.*
- 3- وَانْصُرْنِي – *Вансурний*
- 4- وَلَا تَشْرُعْ عَلَيَّ – *вала тансур алайыа.*
- 5- وَامْكُرْلِي – *Вамкур лий*
- 6- وَلَا تَمْكُرْ عَلَيَّ – *вала тамкур алайыа.*
- 7- وَاهْدِنِي وَسِرِّ الْهَدَى لِي، – *Вахдиний ва яссирилхуда лий,*
- 8- وَانْصُرْنِي عَلَى مَنْ بَغَى عَلَيَّ، – *Вансурни ала ман баго алайыа.*
- 9- ربِّ اجْعَلْنِي لَكَ شَكَارًا، – *Роббижсалний лака шаккаро,*
- 10- لَكَ ذَكَارًا، – *лака заккаро,*
- 11- لَكَ رَهَابًا، – *лака роххабо,*
- 12- لَكَ مَطْوَاعًا، – *лака митваан,*
- 13- لَكَ مُخْبَتاً، – *лака мухбитан,*
- 14- إِلَيْكَ أَوَّاهَا مُنِيَّا، – *илайка авваҳан мунийба,*
- 15- ربِّ تَقْبِلْ تَوْبَةٍ، – *Робби, тақаббал тавбатий,*
- 16- وَاغْسِلْ حَوْتَيْ، – *васил ҳавбатий,*
- 17- وَاجْبْ دَعْوَةٍ، – *ва ажисб даъватий,*
- 18- وَبَتْ حُجَّتِي، – *ва саббит ҳужжатий,*
- 19- وَسَدَدْ لِسَانِي، – *ва саддиң лисоний,*
- 20- وَاهْدِ قَلْبِي، – *ваҳди қолбий,*
- 21- وَاسْلُلْ سَخِيمَةَ صَدْرِي. – *васлул сохимата қолбий.*

IV- Мусибатни енгиллатадиган омиллардан бири – Қазойи қадарга рози бўлиш.

Хадисда келади: "ذَاقَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَّ بِاللَّهِ رَبِّا وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا"

"Аллоҳни Раб деб рози бўлган, Исломни дин ва Муҳаммадни росул деб рози бўлган кимса иймон таъмини татибди".

Муслим ривояти.

Абу Сайд ал-Худрийга Росулуллоҳ шундай дедилар:

"Эй Абу Сайд, кимки Аллоҳни Раб деб рози бўлса, Исломни дин, Муҳаммадни Пайғамбар деб рози бўлиб қаноат ҳосил қиласа, унинг жсаннат (га қирмоғи) вожибдур".

Насоий Сунани.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб дедилар: "Кимки тонг отган пайтда ва кеч кирган маҳалда¹ уч марта "Розийту биллаҳи Роббан, ва бил-Ислами дийнан, ва би-Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама набиййан" деса, у кишини Қиёмат куни рози қилиши Аллоҳ зиммасига ҳақ бўлгай".

Имоми Аҳмад Муснади.

Саъд ибн Аби Ваққос Росулуллоҳдан² ривоят қиласи:

"Муazzин азонини эшиитган кишии "Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шариқа лаҳ, ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулух. Розийту биллаҳи Робба, ва бил-Ислами дийна ва би-Муҳаммадин солаллоҳу алайҳи васаллама росула² – Аллоҳни Раб деб рози бўлдим, Исломни дин деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар деб рози бўлдим", деса, унинг гуноҳи магфират қилинур".

Муслим ривояти.

¹ Бомдод намозидан кейин қуёш чиққунча ва аср билан шом оралиғи назарда тутилмоқда, дейди олимлар.

² Бу дуо муazzин икки шаҳодатни айтиб бўлгандан кейин айтилур.

Саодат манбай шу учта мўъжаз калимага жо бўлган. Ер юзидағи барча инсонлар Саодат маъно-мазмунидаги, моҳиятида бир нарсага келишишлари душвор. Кимдир "Саодат – ундаи" деб изоҳласа, кимдир "Саодат – бундай" деб тамоман унинг аксини айтиши мумкин. Хилофнинг туғилиши турган гап. Лекин, аминманки, уларнинг ҳар бири, ҳатто энг ашаддий муҳолиф ҳам "**хотиржамлик ва дил уйининг осойишталиги**" ни саодат асоси деб билади. Дили қон, диля хуфтон, диля сиёҳ киши ҳеч қачон саодатманд деб аталмайди. Кимнингки давлати обод бўлиб, дил кишвари вайрон бўлса, гарчанд у таҳт соҳиби эрсада саодатлилар сафига киритилмай, пойгаҳда қолади.

Аллоҳни Раб деб рози бўлиш, Исломни дин, Муҳаммадни ﷺ Пайғамбар деб рози бўлиш; қаноат ҳосил қилиш кишига хотиржамлик бағишлайди.

"Раб – Аллоҳнинг гўзал исмларидан. Молик – эгалик қи́лувчи, Сайид, хожа, ишларни тадбир этувчи, мураббий, назоратчи, неъмат берувчи деган маъноларни англатади", деб шарҳлайди қомусчи олим Ибн ал-Асир.

Машхур адаб ва ҳаким ар-Роғиб Асфаҳоний: "Раб аслида тарбиядан олинган бўлиб, у бир нарсани вужудга келтириб аста-аста камолига етказиш деган маънони англатади", дейди.

Куёш юзини кўрсатмасдан илгари субҳидамда уч марта "Alloҳni Rab deb rozi buldum" деган киши, оқшомдан олдин яна уч бор "Alloҳni Rab deb rozi buldum" деган мўмин аниқ биладики, Аллоҳ олам хожасидир. Бундаги ҳар бир воқеа, ҳодиса Унинг изму изни билан рўй беради. Кимнинг ризқини кенг, кимникинидир танг қилувчи факат Унинг Ўзи. Аллоҳ мўминни ёлғиз, беёрдам ташлаб қўймайди. Ҳаётдаги ҳар бир нарса қазои қадар асосида кечади. Аллоҳ берса ҳам, олса ҳам ҳикмат асосида бериб, ҳикмат асосида олади. Такдирнинг яхши ёмонига иймон келтиради. Иқбол этган баҳтни, бошга тушган мусибатни Аллоҳдан деб билади ва рози бўлади.

Аслини олиб қаралса, мусулмон ҳеч қачон ютқизмайди. Мўминликнинг ўзи ютуқ гаровидир. Шунинг учун Рисолат маоб соллаллоҳу алайҳи васаллам ажабланиб дедилар:

"عَجِبْتُ مِنْ قَضَاءِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ لِلْمُؤْمِنِ، إِنَّ أَصَابَهُ خَيْرٌ حَمْدَ رَبِّهِ وَشَكْرٌ، وَإِنَّ أَصَابَتْهُ مُصِيبَةٌ حَمْدَ رَبِّهِ وَصَبَرَ،
الْمُؤْمِنُ يُؤْجَرُ فِي كُلِّ شَيْءٍ حَتَّىٰ فِي الْلَّقْمَةِ يُرْفَعُهَا إِلَىٰ فِي اِمْرَأَتِهِ"

"Аллоҳ азза ва жалланинг мўминга битган қазосидан ҳайратдаман. Агар унга яшилик етса, Раббисига ҳамд айтиб шукр қиласди, агар мусибат етса, яна Раббисига ҳамд айтиб сабр қиласди. Мўмин ҳар бир нарсада ажр-мукофотга эришади, ҳатто ўз аёлига тутган бир луқмасига ҳам ажр-мукофот олур".

Ином Аҳмад Муснади.

Бошқа бир ўринда шундай марҳамат қилдилар:

"Аллоҳнинг мўминга битган қазосидан таажжубдаман. Мўминнинг ҳар бир иши хайрлидир. Бу (фазилат) факат мўминга хос. Агар унга хурсандлик етса, шукр қиласди. Бу – унинг учун хайрлидир. Бахтсизлик, ғам етса, сабр қиласди, бу ҳам унинг учун хайрлидир".

Банда бошига тушган мусибат қилмишига яраша жазо бўлиши мумкин, ёки мартабасини кўтариш учун келган синов бўлиши мумкин. Ҳар иккиси ҳам мўмин учун хайриятдан иборат. Гап бало-қазога сабр қилишда қолган. Агар бироз бардош қилса, марра уники.

Анас ибн Молик Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам-дан ривоят қиласди:

"Агар Аллоҳ бандасига яшиликни иродга этса, унинг уқубатини бу дунёда тезлаштиради. Агар бандасига ёмонликни иродга этса, уни жазоламай, гуноҳи боис жазони олиб қолиб, Қиёмат куни жазосини тўла-тўкис қилиб беради".

Айни шу санад билан келган ҳадисда Набий ﷺ дедилар:

"Савобнинг буюклиги синовнинг буюклигига боғлиқ. Агар Аллоҳ бир қавмни суйса, уларни албатта синайди. Кимки (тақдирдаги синовга) рози бўлса, Аллоҳ ундан рози бўлур, кимки ғазаб қиласа, унга ҳам ғазаб қилинур".

Термизий Сунани.

Мулла Али қори Ҳаравий¹ Тибрийзийнинг *مشکاة المصایح* исмли китобига битган *مرقاۃ المفاتیح* шарҳида дейди:

"Ажр-мукофотнинг катталиги ва савобнинг кўплиги балонинг ҳажман ва шаклан катталигига боғлиқ бўлиб, савоб синовга мувофиқ ва мутобиқ келгай. (Яъни бир-бирига уйғун). Зоро бало валийлик аломати, ибтило эса авлиёлар одати. Кимки балога рози бўлса, билсинки, унга ўз Хожасидан розилик бўлгай ёхуд охиратда унга розилик ҳосил бўлгай. Кимки Аллоҳ балосига (синовига) аччиқланса, тутакса, қазои қадарга рози бўлмаса, унга ҳам Аллоҳнинг ғазаби бўлгай".

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо дейдилар:

"Росууллоҳ соллаллоҳу алаихи вассаллам тортган оғир дарддек оғир дардни ҳеч кимда кўрмадим".

Термизий Сунани.

Шариат уламолари дейди:

"Мусибатга тутакмоқ – Аллоҳнинг Раб эканига норозилик аломати. Шунингдек, қазо-қадарга қаршилик белгисидир".

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, Аллоҳнинг тақдирига дилдан рози бўлмаган киши субҳидамда эмас, балки тонг сахарлаб тил учида "Розийту биллаҳи Робба, ва бил-Ислами дийна, ва би-Муҳаммадин ﷺ набиййа" деса, унга бу зикрга бериладиган мукофот тўла-тўкис бериладими?!..

¹ Али ибн Султон Муҳаммад Нуриддин ал-Ҳиравий. (... – 1606м). Ҳиравий Ҳиротга нисбат. Ҳирот шаҳрида таваллуд топганлар. Сўнг Маккада яшаб, шу муқаддас заминда вафот этганлар. Ҳанафий мазҳабдаги забардаст олимлардан.

Ўлим бутунлай ёмон ҳодиса эмас

Ўлим буткул ёмонликдан иборат эмас. Яхши томонлари кўп. Шоир айтганидек, "ўлимда ҳам мингта фойда бор". Ўша фойдалардан биттасини билиш учун ўлимни бу дунёда йўқ деб фараз қилинг. Туғилган зот борки биронтаси ўлмайди. Ҳамма мангу. Сиз 40 ёшда, дадангиз 75 да, бобонгиз 90 да, катта бобонгиз 110 да, унинг дадаси 130 да, унинг отаси 150 да, хуллас ҳамма ота-боболарингиз ҳаёт. Момолар ҳам улар билан бирга. Уларнинг бари касалванд. Касалванд бўлиши табиий. 70 дан кейин соппа-соғ юришнинг иложи йўқ. 100 да касаллик тананинг бир қисмига айланади. Касалларнинг ҳар бирига дори керак. Энг ёши сизнинг дадангиз, бобокалонлар дардини дадангизга тўкади, дадангиз эса сизга айтади. Бу ёқда олти жон, хотин билан етти жон қўлингизга қараб ўтирибди. Дадам нима кўтариб келаркин деб кўчага кўз тиккан. Болаларнинг каттаси ўнинчи синф, кичиги биринчи синф. Оталарнинг энг ёши 75 да, энг каттасини билишнинг иложи йўқ. Чунки улар метрика, паспорт деган нарса пайдо бўлмасдан олдин дунёга келган. Ҳижрий, мелодий саналарга асос солинмасдан илгари туғилган. Бечора боболарнинг бири бошдан шикоят қиласа, бири оёғидан "дод" дейди. Бири "юрагим" деса, бири "жигарим" дейди. Бири "ичкетар", бошқаси "қабзият". Дадангиздан бўлак ҳамма боболарингиз кўзойнак тақади, ҳасса суюнади. Бирининг ҳассаси йўқолиб қолган, бирининг кўзойнаги синган. Ҳаммаси дардини сизга тўкади. Уларга хизмат қилишингиз шарт, қарамоғингиздаги етти жонга хизмат вожиб. Бош қашигани вакт йўқ. Аптекада навбатда тик туриб мизғиб оласиз. Йўл-йўлакай овқатланасиз. Ишхонада дам оласиз. Фақат ўша ердагина тенг-тушингизни кўрасиз. Кўчани қари-қартанг ишғол қилган. Нафақахўрлар тор уйда диққинафас бўлиб, зерикиб, кўчанинг икки томонига турнақатор бўлиб ўтириб олишган. Статистика билан шуғулланувчилар одам кўплигидан аҳоли ҳисобини олмай қўйган.

Шунда дунёниг ноқис яралганини бироз англагандек бўласиз. Ўзингизча ўлим деган ечимни орзу қиласиз.

Қишида ўсимлик олами йўқликка юз тутиб, баҳорда янги барра ўтлар униб чиқади. Шунга ўхшаш инсониятнинг бир қисми ўлиб турса, ҳаёт янада мароқли ва фаровон кечади деган фикрни олға сурасиз. "Ўлимда ҳаёт бор!!!" деган фалсафани уларга тушунтирасиз. Таклифингиз тенгқурларингиз томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бир дона қарши овоз олмайсиз.

Лекин ким ўзининг отасига қўл кўтаради?! Ким тик боқа олади?!

Ҳеч ким! Ҳеч қачон!

Муаммога ечим топилганда, янги муаммо пайдо бўлади. Юрак яна ғашланади. Яна ҳамма қайғуга чўмади. Ўрта ёшли кишиларнинг боши қотиб қолган. Аждодлар каби авлодларга юк бўлишни истамайдилар.

Булар бир фараз – хомхаёл.

Сиз сиқилманг, ғам еманг! Отага қўл кўтариш шарт эмас. Ажал араваси азалдан айланиб, одамларни тор дунёдан кенг ухрга ташимоқда. Ердаги охирги йўловчини ўз манзилига етказмагунча унинг маршрути тўхтамайди.

Ҳаётни яратган Зот ўлимни ҳам яратган. Агар ўлим бўлмаганида Ер сайёрасидаги ҳаёт узоқ давом этмас эди.

Шунинг учун ўлимни ёмонлайвермай, ўлимни яратганга шаккок бўлмай, қазойи қадарга рози бўлиб, мусибатни сабр билан енгиб қўя қолинг. Агар ўлимда фойда бўлмаганида Ҳаким Холиқ уни яратмаган бўлар эди.

Шуларни уйлаб дунё мукаммал яралганини аниқ англаб етасиз.



Ўлим – тұхфа

Набий ﷺ "تحفة المؤمن الموت" – "Ўлим мүминга тұхфа" деганлар.

Хоким Мустадраки.

Бундан бир нечта маънени англаш мумкин.

1- Ўлим боис мүмин дунё қийинчиликларидан қутулади.

Қуруқ тұхматдан, турли азиятлардан, нодон сұхбатидан, ҳаёт ташвишларидан халос бўлади.

2- Ўлим Аллоҳ учрашувига олиб борувчи ягона йўл. Олий учрашув – мўмининг олий ғояси.

3- Курраи замин ёш авлодга бўшатиб берилади.

4- Ўлим – роҳатижон. У гоҳ тирикка, гоҳ ўликка роҳат, ҳузур-ҳаловат бағишиласа, гоҳ ҳаёт бағишлияди.

Росулуллоҳ ﷺ ёnlаридан жаноза олиб ўтилди. Шунда:

– *Roҳat топган ва ундан roҳat топилган, – дедилар.*

– *Roҳat топган киму, ундан roҳat топилган ким? – деб изоҳ талаб қилди сахобалар.*

– *Roҳat топган – мўмин банда. У дунёниг машаққатидан ва азиятидан қутулиб roҳat топади. Ундан roҳat топилган киши – фожирдир. Ундан қутулган инсонлар, шаҳарлар, дараҳт ва ҳайвонлар roҳat топурлар.*

Насойи Сунани.

"Эрта ўлдилар, бола-чақанинг орзу-ҳавасини кўрмай кетдилар", деб майитга ачинганнамо йиғлаш, ёшроқ йигит ё қиз ўлса, "дунёга келиб ҳеч нима кўрмай кетди", деб нолиш – ноўрин ачиниш, беҳуда куйинишидир. Агар майит яхши одам бўлса, охиратда роҳат олади. Дунёдаги уйидан кўра яхшироқ уйни, аҳлидан кўра яхшироқ аҳлни топади. Дунёда кўрмаган роҳатини кўради. Зеро Ўлим мүминга тұхфа.

Агар майит ёмон одам бўлса, Росулуллоҳ ﷺ айтганлари-дек, ундан ҳамма қутулиб, инсонлар, шаҳарлар, дараҳтлар ва ҳатто ҳайвонлар ҳам роҳат олади, яйрайди, эркин яшайди.

"Ёш кетди" деб эмас, " Нима олиб кетди?" деб йиғланг!

Бесамар узок умрдан самарали қисқа умр афзал.

Узок умр бошқа, баракотли умр бошқа.

Кимдир узок умр кўради, лекин унда барака йўқ. Кимдир озроқ умр кечирган, лекин шу қисқа умрдан унумли фойдаланган.

Саккиз ёшли кўзи кўр қизча бу борада кўпларни лол қолдирди. У илмий, тарбиявий кассета эшишиб, одамларга етказар экан. Қизнинг сўзидан таъсирланган икки ажнабий аёл Исломни қабул қилади.

Қаранг! Кўзи ожиз қизалоқ саккиз ёшида икки инсон ҳидоятига сабаб бўлади. Ҳаётда шундай кишилар борки, уларнинг ёши саксондан ошган, бироқ қўлида ҳануз бир дона инсон ҳидоят топмаган. Баъзиларнинг эса ўзи ҳали ҳидоят нималигини билмай ўтмоқда. Сафари яқин, лекин ҳануз боши саждага тегмаган.

*Кўп қувонма кўрмишам деб неча ойу йил ҳаёт,
Суд йўқтур юз мингдек, бўлса беҳосил ҳаёт.*

*Кўрганинг бари абас, фармони Раҳмон тутмасанг,
Чунки шайтон ҳам кўрап, то сури Исрофил ҳаёт.*

*Умри айём баҳорин боғидан бир тоза гул,
Узмайин кечти бари ҳасрат билан ғофил ҳаёт.*

*Келмагу кетмак гузаргоҳида равшан бил муни,
Қанчаким умринг кечар, бир лаҳзалик манзил ҳаёт.*

*Хизр ҳиммат бир Масиҳо дам керак, эй мурда дил,
Аҳли дилга сұхбати донои дарё дил ҳаёт.*

Юсуф Сарёмий.

Зарбулмасал.

Бир куни бургут қарғадан сўрабди:

- Нега сен уч юз йил умр кўрасан-у, мен атиги ўттиз уч йилгина яшайман?
- Чунки сен тирик жониворларнинг қонини ичасан, мен ўлакса ейман.
- Майли, мен ҳам ўлакса гўшти билан тирикчилик қилай,
 - дебди бургут ўйлаб кўргандан кейин.

Бургут билан қарға учибди. Ўлиб ётган отни кўриб, иккови кўнибди. Қарға чўқиб, гўштни мақтабди. Бургут бир чўқибди, яна бир тумшук урибди, сўнгра қанотини қоқиб, шундай дебди:

- Йўқ, қарға биродар, ўлакса еб уч юз йил умр кўргандан, бир марта тирик жониворнинг қонига тўйиш тузук...

Пушкин.

Ўзбек ҳикматларида келади:

Олтмиши кун атон бўлгунча, олти кун бугра бўл.

Яъни, "Кўлидан бир иш келмайдиган ожиз, заиф, (хеч кимга манфаати тегмайдиган) одам бўлиб узоқ умр кўргандан кўра, кучли, серғайрат, серҳаракат, шиддатли, жўшқин, жасур, (одамларга фойдаси тегадиган)¹ одам бўлиб қисқарок умр кўрган афзал", дейилмоқчи.

Атон – Ахта туя. Буғра – Беш ёшдан ошган, кучли, бақувват, икки ўркачли айғир туя.

"Ҳикматнома"дан.



¹ Қавс ичидағилар "Қайғудош"дан.

Кимни севсанг, нимани севсанг сев...

Инсон дунёда кимни севса севсин, кимга кўнгил қўйса қўйсин, нимани яхши қўрса қўрсин, қанча жамласа жамласин, хоҳласин мансабни сўйсин, хоҳласин шухратни сўйсин, агар қўлидан келса, истаганча яшасин, агар эплолса, истаганча уй, қаср қурсин, эпласа ойга чиқиб айвон солсин, атрофига ялпиз, раҳон сочсин. Эпласа юлдузни уриб туширсин, удаласа, Сурайёга аршини ўрнатиб, қандини урсин. Истаса тайёralар, кема ёки сайёralар минсин, лекин шуни ҳам унутмасинки, буларнинг бари вақтинчалик мато бўлиб, вақти соати етиши билан барини қўш қўллаб топширади, ҳаммасидан айрилади. Ва ҳаммасига бирма-бир жавоб беради. Аллоҳ ипдан игнагача сўрайди. Қаердан олдинг? Қаерга сарфладинг?..

عن علي رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : "أَتَانِي جَبْرِيلُ ، فَقَالَ : يَا مُحَمَّدُ ، عَشْ مَا شِئْتَ
فَإِنَّكَ مَيْتُ ، وَأَحَبُّ بَلْ مِنْ شِئْتَ فَإِنَّكَ مَفَارِقَهُ ، وَاعْمَلْ مَا شِئْتَ فَإِنَّكَ مَجْزِيْ بِهِ ، وَاعْلَمُ أَنْ شَرْفَ الْمُؤْمِنِ قِيَامَهُ بِاللَّلِيْلِ
وَعَزْهُ اسْتَغْنَأْهُ عَنِ النَّاسِ " ^١

Али розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

Жибрийл менга келиб, шундай деди: "Эй Муҳаммад, истаганингча яша, бари бир ўлурсан.

Истаганингни сев, бари бир ундан айрилурсан.

Истаган ишингни қил, албатта унга жавоб берурсан.

Билгинки, мўминнинг шарафи тунда туриб намоз ўқишида. Иззати одамлардан беҳожатлигидадир".



^١ أَخْرَجَهُ الطَّبَرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ (٤٢٧٨) ، وَأَبُو نُعَيْمٍ فِي الْحَلِيلَةِ ، وَالْحَاكِمُ فِي مُسْتَدْرَكِهِ وَقَالَ الْمَذْرُونِيُّ فِي التَّرْغِيبِ وَالتَّهْبِيبِ (٤٣١/١) : إِسْنَادُهُ حَسْنٌ

*Истасанг инсон бўлишини аввало инсонни сев,
Севги баҳтин ҳадя этган шул лазиз имконни сев.*

*Севмагил сен ўз-ўзингни эл аро танҳо бўлиб,
Ҳар тирик жонда ўзингни кўргил-у ҳар жонни сев.*

*Балки боқий олам¹ ичра умримиз бир лаҳзадир,
Бу ҳаётга ҳамма меҳмон, танти бўл, меҳмонни сев.*

*Ҳирс қўйиб зўр ёки зарга туттма нопоклик йўлин,
Қисқа умринг зийнати деб, эътиқод, иймонни сев.*

*Молу дунё бевафодир, бу боболар ҳикмати,
Барчага бирдай баробар ерни сев, осмонни сев.*

*Эсда тут, ҳар қилмишингга ер гувоҳ, осмон гувоҳ,
Хоҳи виждонингни ютгил, хоҳлагил шайтонни сев.*

*Бу умрда нени севсанг, шу билан қолғай отинг,
Элни сев, ё пулни сев, ё бир гўзал жононни сев.*

*Севгидан бебаҳраларга сўзни ҳайф этма, Ҳабиб,
Айшпараст оқилни қўйгил, ишқпараст нодонни сев.²*

Ҳабиб Саъдуллоҳ.



¹ **Боқий** (باقی) калимаси ўзбек тилида давомли, ўзоққа, кўпга чидаш деган маъноларни англатади. *Мангу, абадий* деган маънони ҳам ифодалайди. Байтда биринчи маъно назарда тутилган бўлса, унга қўшиламиз, иккинчи маъно мақсад бўлса, бу фикрга қўшилмаймиз, зеро олам ҳам одам каби меҳмондир, мангу эмас.

² Ўз. АС. 1989 йил, 28 июль.

V- Ғамни аритадиган сабаблардан бешинчиси – Дунё ҳақиқатига назар ва ўлимни мудом ёдда тутиш.

﴿وَمَا هَذِهِ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا لَهُوَ وَلَعِبٌ وَإِنَّ الدَّارَ الْآخِرَةَ لَهُمْ أَنْجَانٌ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾

﴿Бу ҳаёти дунё ўйин-кулгу, холос. Агар билғанларида эди, охират диёридаги ҳаётгина ҳақиқий ҳаётдир.﴾

Анкабут 64-оят.

Жажжи фарзандингизнинг ўйинчоги синса, ёки йўқолса, астойдил йиғига тушади. Сиз уни юпатиб: "Болам, йифламанг, бу – ўйинчоқ. Ўйинчоқ учун бунчалик куйиниш яхши эмас. Истасангиз яна олиб бераман", дейсиз. Худди шунга ўхшаш улуғ Яратувчи айрилиқ аламидан оғриётган азадорга тасалли ва умуминсонларга дунё ҳақиқатини баёни ўлароқ: "*Бу дунё ўйин-кулгудан иборат, холос. Ҳақиқий ҳаёт охират ҳаётидир*" демоқда. Ўйлаб кўрилса, ҳатто шу ўйин-кулгу ҳам узоқ давом этмас экан. Ёшлик маст-аластликда виз этиб ўтиб кетади, қариликда ўйин-кулгуни юрак кўтармайди.

Дунё ҳақиқати хусусида айтилган доналарнинг ҳикматли сўзини, файласуфлар фалсафасини бирма-бир ўқиши дунёнинг баҳосини билишда ва қисқа ҳаётдан оқилона фойдаланишда кўмак берувчи омил. Лекин минг эшитгандан бир кўрган афзал дейилганидек, қабристонни зиёрат этиш ва узоқ-яқин мозийга саёҳат уюштириш мақсадга тез етказадиган ундан кучли омилдир. Қабристонга бориб "қани?" деган саволни ўртага ташланг. Зеро "қани" мусибатни анча енгиллаштириб, кишига куч-қувват бағишилайди, нашотини оширади.

Қабристон аҳли! Хотинингиз эрга теккан. Эрингиз уйланган. Машинангиз минилган. Тақинчогингиз талаш. Ўйингиз, мол-мулкингиз меросхўрлар орасида тақсимланган. Фарзандларингиз ўз фарзанди билан овора. Дўст-ёр бошқа дўст топган. Қўшилар ўша-ўша, баъзилари сизга қўшини бўлибди...

Бу – биздаги хабарлар. Сизларда нима гап? – деб мурдаларни саволга тутинг.

Қани сизлардаги хонлар, хоқонлар?

Қани енгилмас музaffer қўмондоңлар?

Қани ҳамманинг ақл-хушини олган соҳиб жамоллар?

Қани тилла, кумуши, дийнор, дирҳам – беҳисоб моллар?

Оғзи қийшик бўлса ҳам ҳеч кимга гап бермаган бойлар,

Бахиллар, зиқналар, шунингдек қўли очиқ ҳотамтойлар,

Қани, айтинг, агар бўлса сизда тириклиқдаги забонлар,

Тил бўлмаса, ҳеч йўқти ишора қилинг, эй азиз инсонлар!

Қани золим, қани мазлум? Қани қотил, қани мақтул?

Қани заиф, қани кучли? Қани хожса, қани қул?

Қани ўғри, қани тўғри? Қани ямоқчи, қани қароқчи?

Қани хоин, қани ғаддор, қани ватанфуруши айғоқчи?

Кўча хандон, уй зинданлар қани?

Зинданбанду зинданбонлар қани?

Олим қани, оми қани?! Ақлли доно қани-ю ақли кўтоҳ нодон қани?

Ўзининг тупроқдан яралганини инкор этиб, тупроққа қоришган саркаш нотик ҳайвон қани?

Салму Манучеҳр ила Навзар қани?

Баҳману Дорову Скандар қани?

Қани жаҳон довари Чингизхон?

Қани жаҳон хони Темур Кўрагон?

*Бирга вафо айламади чархи дун,
Кимники чекти, яна қилди нигун.*

*Давлату иқболи била бўлма шод,
Меҳрига ҳам айламагил эътимод.*

Ҳеч дурур ҳосилу боқиси ҳеч.

Кеч боридин бот, вале қўйма кеч.

"Хайратул аброр" дан.

Саволга ҳеч ким жавоб бермайди, беролмайди ҳам. Чунки ҳамма тупроққа қоришиб, тупроққа айланиб бўлган. Лекин тил сўзламагани билан, забони ҳол "Ахволимизни кўрмаяпсанми? Ҳаммамиз қаро ер бўлиб ётибмизку", дейди.

*Лойни муштлаб турган анави кулол
Қилсайди ақл ила чуқурроқ хаёл,
Ҳеч қачон бунчалик тепкиламасди
Ота тупрогидан ясаркан сопол...*

Умар Хайём.

Зарбулмасал: Кичкина қурт мутакаббирга дебди: Намунча димоғинг баланд, эрта-индин дастурхонимизга тортиладиган лаққа гўштсану, нимангга кериласан?! Осмондан пастга туш. Яқинда фарзандларингни ўзи сени менинг болаларимга қўш қўллаб топширади. Жасадингни еб қишдан чиқиб оламиз.

Жаноби Росулуллоҳ ﷺ ёш саҳоба Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумога қаратиб айтган қисқа сермазмун насиҳатларидан дунё ҳақиқатини билиб олиш мумкин.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: أَخْذَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنْكِبِي فَقَالَ: كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ، أَوْ عَابِرٌ سَبِيلٌ". وَكَانَ أَبْنُ عُمَرَ يَقُولُ إِذَا أَمْسَيْتَ فَلَا تَنْتَظِرِ الصَّبَاحَ، وَإِذَا أَصْبَحْتَ فَلَا تَنْتَظِرِ الْمَسَاءَ وَخُذْ مِنْ صِحَّتِكَ لِمَرَضِكَ وَمِنْ حَيَاةِكَ لِمَوْتِكَ.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ҳикоя қиласи:

Росулуллоҳ ﷺ елкамдан ушлаб, шундай дедилар: "Дунёда гўё гарибдек бўл, ё йўловчи каби бўл".¹

Ибн Умар дердилар: "Агар кун кечкирса, тонгни кутма. Агар тонг отса, тунни кутма. Саломатлигинги ғанимат билиб, бетоб бўлар кунларинг учун амал қилиб ол, ҳаётингдан вафотинг учун фойда ол".

Бухорий Саҳихи.

¹ Термизий Сунанларида "Ўзингни қабр ахлидан ҳисобла" деган зиёда бор.

Ўлимни ёдда тутиш мусибатни енгиллаштиради.

Набий ﷺ: "أَكْثُرُوا ذِكْرَهَاذِ الْذَّاتِ يَعْنِي الْمَوْتَ"

"Лаззатлар күшандасини, яъни ўлимни кўп эслаб туринглар" деб кўрсатма берганлар.

Термизий Сунани.

Бир кунмас бир кун барча лаззатларга барҳам берилади. Ҳар қандай лаззат: хузур-ҳаловат, ширин ҳаёт, тотли онлар, нашъу намога тўла завқли кунлар барҳам топади, йўқ бўлади. Шу кун келмасдан олдин лаззат күшандасини эслаган одам бир нечта фойдани қўлга киритади.

- 1- Ўзига ёки яқинига ўлим тўсатдан келганда саросимага тушмайди. Чунки чақирилмаган "мехмон"ни улар азалдан эслаб, кутиб юришган.
- 2- Дард уруғлаб кетмайди
- 3- Вақтдан унумли фойдаланиб, амали солиҳни кўпайтиради.
- 4- Ўлимдан эмас, ўлимдан кейинги ҳаётдан қўрқади.
- 5- Ёмонликка қўл урмайди. Маъсиятдан четланади.
- 6- Лаззати барҳам топмас Ҳаёт учун ҳозирликни кучайтиради.
- 7- Майшатпарастлик дардига мубтало бўлмайди.
- 8- Қайтиб борадиган жойига замин тайёрлайди.

Бу рўйхатни ўзингиз давом эттиришингиз мумкин. Мен шу билан кифояланаман.

"Қайтиб очар қопқангни қаттиқ ёпма", "Кирап қопқангни қаттиқ қоқма", "Борадиган ерингга тош отма", "Қайтар эшигингни қаттиқ ёпма" деган маънода мақоллар бор.

Бу билан дониш халқ мактабдаги ўқувчига, ишхонадаги ишчига, уйдаги ўғил-қизга, келинларга ва барча катта-кичикка оқибат билан ҳисоблашишни ўргатмоқда. Гўё бу мақол билан аждодлар авлодларга: "Эй ўқувчи, ўқитувчингга аччиқ

қилиб, синф эшигини қаттиқ ёпма. Эртага бари бир шу синфга қайтасан", "Мудирингга зарда қилиб, хона қопқасини тарсиллатиб ёпма, эртага яна шу корхонага келасан, кўз-кўзга тушади", "Ота-онангга, қайнота-қайнонагга ғазаб қилиб, дарвозани жаҳл билан ёпма, эрта-индин яна шу хонадонга қайтишинг бор, бузоқнинг юргани сомонхонагача" деб насиҳат қилмоқда.

Шунингдек бу мақолда: "Эй банда, қайтар жойинг Аллоҳнинг даргоҳи. Ундан қочиб қутулолмайсан. Шундай экан Аллоҳга исён қилма, тоатидан бўйин товлама", дейилмоқда.

Куръоннинг бир неча оятлари бу ҳақиқатни таъкидлайди.

﴿إِلَيْ مَرْجِعُكُمْ فَأُنِيشُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ﴾

﴿Қайтишларинг Менинг ҳузуримгадир. Мен сизларга қилган ишларингдан хабар берурман.﴾

Анкабут 8-оят.

﴿أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَّادًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ﴾

﴿Биз сизларни бехудага яратдик деб ўйлайсизми?! Сизлар Бизга қайтмаймиз деб гумон қиласизми?!﴾

Мўминун 115-оят.



Дунё таомили

Одамлардан қочиб яшар баҳт,
Кувиб яшар одамни қайғу.
Хаммасини янчиб яшар вақт,
Эмиш дунё таомили шу.

Мұхаббатни букиб яшар раشك,
Оқибатни манфаат әзар.
Күз ёғдусин үчиради ашқ,
Чаманзорни қарғалар безар.

Хақиқатни күзин үйгани
Фисқу фитна яшар иттифоқ.
Әътиқодни ҳар он сўйгани
Пичоқ қайраб яшайди нифоқ.

Хаёт барча қувончу ғамни
Жойлаб олиб гурзи муштига,
Нақ бошидан урап одамни –
Зарби етгай етти пуштига

Ким дунёни билмай ўтар ҳеч,
Кимнинг басдир ўтса ризқ-рўзи.
Кимнинг эса вақти ўтиб, кеч
Ўлгандан сўнг очилар кўзи...¹

Жонибек Сувонқулов.²

¹ Ўлганда сўнг ҳамманинг кўзи очилади, лекин кеч бўлади.

² Шарқ юлдози. 1990 йил. 11 сони.

VI- Бошқа мусибат аҳлидан ва ўзга азадорлардан ибрат олиш ғамни енгиллатадиган омиллардан.

Яқинидан айрилган азадор, ғам ема, ўкинма. Ўлим фақат сенинг хонадонингни нишонга олган эмас. Атрофингга бок. Азадор бўлмаган ким бор. Қабристонда фақат сенинг яқининг ёлғиз ётибдими ё бошқалар ҳам борми? Отанг қабри ёнида қанча-қанчаларнинг отаси ётибди, боланг қабри ёнида қанча-қанчаларнинг боласи бор. Демак дунёда сенинг ўзинггина азадор эмас экансан. Модомики, яқининг қўлидаги тифи билан эмас, ажал тифи билан ўлган экан, қайғуришга ҳожат йўқ. Модомики, марҳум иймон билан кетган экан, намозхон экан, рухан эзилишинг, изтироб чекишинг умуман ўринсиз.

Дунёning ҳамма мусибати менинг бошимга тушди деб ўйлама. Балким бошқаларнинг мусибати олдида сеники ҳолва бўлиб қолар. Ҳадеб ичингни емасдан атрофингдаги кишилар мусибатидан ўrnак ол. Уларга разм сол. Шояд, юрагингни ёндираётган олов ўчар, шояд, сени ўртаётган аламлар сўнар...

Саҳобалар даврида Шом диёрида тоун (вабо) тарқайди. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳунинг икки қизлари вабодан ҳалок бўлади. Сўнг энг суюкли ўғиллари Абдурраҳмонга вабо юқади. Дилбанд бир неча кун қаттиқ оғриб ётгандан кейин ота қўлида жон беради. Яқинда икки қизини кўмган ота бугун энг суюкли дилбанд юзига тупроқ тортади. Навбат отанинг ўзига етиб келади. Шунда Муоз: "Шу дард мен учун қизил тяялардан кўра афзалроқдир", деб Аллоҳга роз айтадилар: "Ё Раб, майли, ҳар қанча ғамни бошимдан қуй, майли, нафасимни қис, бўғ, лекин иззатингга онт ичиб айтаманки, мен бари бир Сени яхши кўраман".

Абу Али Розий дейди: Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳга ўттиз йил ҳампо бўлдим. Бирон маротаба кулганларини, жил-

майғанларини күрмадим, илло ўғиллари Али вафот этган куни табассум қилиб юрдилар.

- Бу нимаси? – дедим ҳайратимни яшиrolмай.
- Аллоҳ шу ишни яхши кўрган экан, мен ҳам Аллоҳ яхши кўрган ишни яхши кўрдим. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи роziун.

Дарвоқе, Фузайлнинг ўғиллари зуҳду тақвода отасидан қолишмайдиган художўй бола эди. Намозда жон берган.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг ўғиллари касалликка чалиниб ётиб қолади. Ота ўғил бошида оғир ғамга чўмиб жим ўтирибди. Касал зиёратига келган зиёратчилар ота аҳволини кўриб, ўзаро: "ишқилиб бола ўлиб қолмасинда, агар ўлса, кекса отаси буни кўтаролмайди", дейишди. Бахтга қарши бола ота кўз ўнгига вафот этади. Жанозага тумонат одам йиғилади. Ва ҳамма ҳайратда қолади. Абдуллоҳ ибн Умар масрур эди.

- Бу не ҳол? Биз сиздан хавотирда эдик. Кеча ўта маҳзун бугун масурсиз.
- Кечаги ҳолим оталик раҳмати эди. Боламнинг оғриқлари мени оғритарди. Бугун Аллоҳ шуни қазо қилган экан, нечун Унинг қазосига рози бўлмайин. Суурим ризо аломати.

Абдуллоҳ сўзларидан ҳайратланманг, сахобалар боласи ўлса суюнадими деб даҳшатга тушманг. Абдуллоҳ ким, биласизми? Абдуллоҳ Умар ибн Хаттобнинг розияллоҳу анҳумо энг ақлли, энг тақводор, зоҳид, олим ўғли бўлади. Дада бу ўғил хусусида шундай деган эдилар: "Аҳли аёлимга, молиму жонимга, ўғилларимга мусибат етса, инна лиллаҳи ва инна илайҳи роziун деб сабр қиласан. Илло шу ўғлим Абдуллоҳга узок умр тилайман. Биласанки, унинг одамларга кўп фойдаси тегади".

Асмоий дейди: Мен дўстим билан сахрода адашиб қолдик. Йўлни тамоман йўқотган эдик. Қаерга боришни билмаймиз. Устига устак очмиз. Ўзимизча тахминлаб йўлда давом этдик. Йўл бўйида чодирга дуч келдик. Ташқаридан салом бердик. Ичкаридан кампир алик олди.

- Кимсизлар? – сўради кампир.
- Йўловчимиз, адашиб қолдик. Узокдан чодирингизни кўриб, тўғри шу ерга келавердик. Толиқсанмиз, очмиз, – деб тўғрисини айтдик.
- Чодир ташидаги сояда ўтира туинглар. Мен сизларга бирор егулик тайёрлайман, – деб ичкаридан кўрпача чиқариб берди. Биз кўрпачани салқин жойга солиб ўтирдик.

Шу пайт узокдан туж минган киши кўринди. "Туж боламники, устидаги эса болам эмас", деди кампир. Уловли етиб келиб:

- Умм Ақийл, ассалом алайкум. Аллоҳ ажрингизни буюк қилсин, – деди.
- Вой шўрим, тинчликми? Ақийл ўлдими?
- Ҳа, тирбанд туж подаси ичида қолган ўғлингиз уларни суғораман деб қудуқقا тушиб кетди. Биз ҳам буни кеч билдик. Етиб келгунимизча, ўғлингиз узилган экан.
- Туждан туш. Қўтондан бир қўчқор олиб, тез сўйиб кел, – деди кампир ва овқатга уннаб кетди. Биз бу ҳодисадан даҳшатга тушган эдик. Ҳеч нима бўлмагандек бизга дастурхон ёзиб овқатни сузиб келди. Таомдан фориғ бўлганимиздан кейин она бизга юзланиб:
- Ораларингизда Қуръон ўқишини билувчи қори борми, – деди.
- Бор.
- Ўқинглар, Аллоҳ оятлари дилимга тасалли бериб кўнглим таскин топса, шояд айрилиқ аламига малҳам бўлса.

Мен Бақара сурасининг 155-156-157-оятларини ўқидим.

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَنِ الرَّجِيمِ
بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ ﴾١٥٥ ﴿ الَّذِينَ إِذَا أَصَبْتَهُمْ مُّصِيبَةً قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَجِعونَ ﴾١٥٦ ﴾ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ ﴾١٥٧ ﴾

﴿ Мусибат етганда "Инна лиллахи ва инна илайхи рожиун – Албатта биз Аллоҳнинг бандасимиз ва албатта биз Унга қайтажакмиз" деган бандаларимга хушхабар беринг. Ана ўшаларга Роббилари томонидан салавот ва раҳмат бордир. ﴾

- Ушбу ўқиганларинг Аллоҳ оядиданми? Қуръонда борми? – деди онахон.
- Ҳа, албатта, бу Аллоҳ Китобида келган.
- Инна лиллахи ва инна илайхи рожиун, сабрун жамийл. Ўғлим Ақийл ўлимига ихтисоб этгум. Илоҳо, амрингни амалга оширдим, Сен ҳам ваъдангни амалга ошир. Агар бирор киши тирик қолиши керак бўлганида Муҳаммад ﷺ уммати учун тирик қолиши керак экан. Аллоҳнинг қазосига розиман, – деб ичкарига кириб кетди.

Биз унинг сабри, меҳмондўстлиги олдида ҳайратдан донг қотган эдик.

Мағрибу Машриқни забт этиб қайтаётган Искандар Зулқарнайн Бобилга етганда касалликка учрайди. Баданини совук тер босади. Моҳир табибларнинг елкаларини қисганча қўл қовуштириб туришларидан "қўлимиздан келгани шу, катта табиб бошқа нарсани истаётганга ўхшайди" деган маъноларни англаб, омонатни топширар маҳали яқинлашганига кўзи етади. Зудлик билан онасига мактуб йўллади.

"Онажон! Ушибу рисолам етиб борган заҳоти халққа дастурхон ёзинглар. Тотли таомлар ҳозирлаб ҳалоиқни зиёфатга таклиф қилинглар. Жарчига айтингки "Ушибу дастурхонга фақат мусибат кўрмаган хонадон аҳли келсин" дейишни унумасин".

Искандар айтгандек бўлди. Кенг майдонга дастурхонлар ёзилди. Сурув-сурув қўйлар сўйилди. Дошқозонлар вақира-вуқир қайнади. Таандир тўла нон ёпилди. Лекин шоҳ зиёфатига ҳеч ким келмади. Ҳатто сарой аъёнлари ва дастурхон безаганларнинг ўзи ҳам тайёр дастурхонга яқин йўламадилар. Иси атрофни тутуб кетган тотли таомдан бир чўқим олишга бирон бир киши ботинмади. Бу не ҳол? Ҳайрати ошган шоҳ онаси тўрт теваракка чопар жўнатди. Чопарларнинг барчаси бир хил жавоб билан қайтишди: "Улуғ шоҳимиз, дастурхонга фақатгина мусибат кўрмаганлар келсин, деб амр этмишлар. Шунга кўра, одамлар биз зиёфат аҳлидан эмасмиз дейишур".

Искандарнинг онаси ўғлининг бу тадбиридан бўлган муродини англаб ўғлига аза очибди. Доим ўғлини ғалаба қозонган ҳолда, учқур отда музaffer кириб келаётганини кўрган она, бу гал тобутда кириб келишини кўриб ўзидан кетиб қолмасин, деган мақсадда, Искандар шу йўлни тутган экан.

- Нечта ўғлингиз бор? – деб сўрашди бир кишидан.
- Тўққизта.
- Бир ўғлингизни кўрганмиз қолгани қаерда?
- Асли ўнта эди. Тўққизтаси мендан олдин охиратга йўл олган. Биттаси ёнимда қолди. Билмам, унинг вужуди мен учун фойдами ё менга зарар-зиёнми?¹

¹ "رسالة أهل المصائب" لأبي عبد الله محمد بن مازkur қиссалар ва қуидаги икки қисса манбалари: "رسالة أهل المصائب" لأبي عبد الله محمد بن مازkur қиссалар ва қуидаги икки қисса манбалари: "كتف الكربلة عند فقد الأحبة" لعلي القرني - "برد الأكباد عند فقد الأولاد" لابن ناصر الدين الدمشقي - محمد المنجبي

Умми Ғассон деган аёл ҳамма фарзандидан жудо бўлади. Устига-устак кўзидан ҳам айрилиб, кўр бўлиб қолади. Ип йигириб кун кўтарди. У: "Аллоҳ қазо қилган нарсага шукур қиласман, Аллоҳ менга нимани рози бўлиб раво кўрган бўлса, шунга розиман", дерди. Умми Ғассоннинг киришимли бир қўшниси ёлғиз қолган капмирдан тез-тез хабар олиб турар, унинг ёнида узоқ вақт ўтириб дардлашар, хасратлашар эди. Шу аёл кейинги пайтларда кўринмай қолади.

- Фалончи кўринмай қолди, тинчликми? – сўрайди кампир одамлардан.
- Эшитмадингизми, ахир у оламдан ўтди-ку, – дейишди.

Ёлғиз дардкашидан айрилган кампир ўғиллари ўлганда айтган сўзларини такрорлаб: "Ҳаммамизнинг қайтар жойимиз Унинг даргоҳи", деди.

Ушбулар тарих ғазнасидаги дурдоналар эди. Замонамиз ҳам бу каби намунали инсонларга бой. Келинглар, биргаликда шундай намунали ажойиб инсон ҳаётига разм солайлик. Ажаб эмас, бу қисса азадорларга тасалли ва ўрнак бўлиб хизмат қилса. Ишончли танишлардан бири ҳикоя қилади деб сўз бошлайди машхур воиз Али ал-Қорний:

Бир йигитнинг учта ўғли бор эди. Эр-хотин уч ўғил билан фароғатли ҳаёт кечиришарди. Кунлардан бир кун янги чақалоқни йўқлаб меҳмонлар келадиган бўлиб қолди. Йигит дарҳол уйда бир қўйни сўйди. Иккита ўғилчаси ота ишини томоша қилиб туради. У гўштни олиб ошпазга топширгани кетди. Она чақалоқни чўмилтириб, янги кийимлар кийгизиб, қўғирчоқдек ясантириб қўйиш мақсадида болани чўмилтира бошлади. Балоғатга етмаган 6-7 ёшли катта ўғил отаси ташлаб кетган пичоқни олиб "мен ҳам қассобман" деб кўкрак керди. Ҳовлида ўйнаб юрган укасини чақириб, қўл-оёғини боғлади. Кейин отасига тақлид қилиб укасини қўйдек сўйди. Қонни кўрган бола юраги ёрилиб онасининг ёнига чопди.

- Тинчликми, нега кийиминг қон?
- Укамни сўйиб қўйдим.
- Вой шўрим, нима деяпсан?! – деб тоғарадаги болани шундай ташлаб, ҳовлига отилиб чиқди. Қонга беланиб ётган ўртанчи ўғлини кўриб ўзидан кетай деди.

Онанинг важоҳатидан қўрққан бола кўчага қараб чопади. Шу пайт машинанинг чийиллаган тормози эшитилди. Она-нинг юраги бир нарсани сезгандай ўртанчи ўғилни ташлаб, каттасининг ёнига шошади. Бола кўчага чопганда яшин тезликда келаётган машина уни уриб қочиб кетади. Бола жойида жон беради. Ҳолсиз аёл катта ўғлининг мурдасини кўтариб ўртанчисининг ёнига ётқизади. Шунда тоғарадаги чақалоқ эсига тушади. "Дод!" деганча ҳаммомга чопади. Сув ичида қолган бола нафас ололмай ўлиб бўлган экан. Тирик мурдага айланган аёлнинг қўл-оёғида куч қолмайди. Болани базур кўтариб акаларининг ёнига ётқизади.

Шу пайт эшиқдан йигит кириб келади. "Бегим, мени кечи-ринг, болаларингизни сақлаб қололмади", деб бўлган воқеани айтиб беради. Унинг нафаслари шу мудҳиш ҳодисани айтиб беришга аранг етган эди. Сўзини тамомлаши биланоқ аламизтиробдаги жон аёл танасини тарк этади.

Тўртта мурда ёнида донг қотган йигит кўзида ёш қалқиди. Ёш селга айланиб, тоғдек йигитлик ғурурини ағдариб, ташқарига отилди. Йигит ўзини қўлга олиб Аллоҳга ҳамд айтди, дуо қилди. У бутунлай ёлғиз қолганди. Шу пайт меҳмонлар кириб келишди. Йигит кўз ёшларини киприк орасида қуритиб, бўлган воқеани айтиб берди. Бир вақтнинг ўзида бир хонадондан тўртта товут олиб чиқилди. Йигит сабрига ҳамма ҳайрон. Йигит забони ҳоли сас чиқармай унсиз йифлаб дерди:

*Бошимга тушган мусибат тушса гар кун бошига,
Чарогон кун бир лаҳзада зим-зиё тун бўлгуси.
Тушса гар тоғлар устина манга тушганнинг бири,
Тоғ дон каби толқон бўлиб, ер бағри хун бўлгуси.*

*Күз очиб юмгунча шодлик ғам-ғуссага айланди,
Тупроқдек қаро сочимни пахтадек қор қоплади.
Бардош деган малҳам манга қайтарди қувончларим,
Қонга тилла қоплагандек ажр азиймлар қоплади.*

Ж.

Мехмонлардан баъзилар сабр-бардошли йигитга ўз қизларини таклиф этишди. Йигит улардан бирини никохига олди. Сабр самара бериб, йигит ўн учта фарзанд кўради. Уларнинг ҳар бири ўғил эди.

Бундай сабр-бардош ҳар кимда ҳам топилавермайди.

Айтишларича, мадиналик бир киши оиласини Маккага – умрага жўнатади. Ўн кишидан иборат катта оила бир GMC машинасига жо бўлади. Ота иш туфайли сафардан қолади. У рулга ўтирган ўғлига қайта-қайта: "машинани тез ҳайдама, аста юр, ҳовлиқма, камарни тақиб ол, эҳтиёт бўл!" деб тайинлайди. Олдинги ўриндиқдаги рафиқасига алоҳида тайинлаб: "Онаси, ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб кетинг, тез юрмасин. Мудроқ босса, машинани шарт тўхтатиб, дам олинглар..." деб бир мунча насиҳатларни ташлаб ташлайди. Машина йўлга тушади. Ота машина кўздан ғойиб бўлгунча ундан кўз узмай туради.

Ярим соат ўтар ўтмас ўғлига телефон қилиб ҳол-аҳвол сўрайди. Тинчликларини билиб кўнгли хотиржам бўлади. Бир мунча вақт ўтгач, яна телефон қоқади. Ўғил телефонга жавоб қайтармайди. Кўли қалтирай бошлаган ота хотин рақамини теради. Биринчи қўнфироқдаёқ: "Лаббай, дадаси" деб тез жавоб қайтарадиган лаббайгўй хотин бу гал сокит. Киши саросимага туша бошлайди. Ўзини қўйгани жой тополмайди.

Бир оздан сўнг телефони жиринглайди. Йўқотган матосини топган йўловчикдек суюнган ота рақамга қарамасдан "яхши кетяпсизларми?" деб ҳол сўрашга тушади. Телефон бегона одамдан эди. Мунгли нотаниш овоз сўроқقا тутади:

- Фалончимисиз?
- Ҳа, шундай.
- Фалон рақамли машина сизнинг номингиздами?
- Ҳа, менинг машинам, тинчликми? Нима гап?
- Тезроқ фалон шаҳардаги касалхонага етиб келинг.
- Тушунтириб гапирсангизчи?
- Кўнгилсиз ҳодиса: автоҳалокат, оғир бўлинг.
- Ким, қаерда? – даҳшатли хабарни эшитган отанинг кўзи қинидан чиқаёзди. – Сайийд, балки сиз янгишаётгандирсиз. Мен ўғлимга тайинлаганман, ёнида онаси бор, у ...

Туут, туут... Ўчирилган телефон овози эшитилади. Нотаниш киши қизил тугмани аллақачон босиб қўйганди.

Касалхонага етиб келгач, уни bemorlar ётадиган корпусга эмас, морг томон олиб кетишиди. Моргдаги ўнта мурдани таниган ота таърифсиз ҳолатга тушади. Зоҳиран босик кўрингани билан ботини остун-устун бўлиб кетганди. Бари бир бўлмади: у ёш болалардек чинқириб йиғлашга тушди. Кейин телбаланиб хотини ва фарзандлари бошида айланба бошлади.

Дафндан сўнг у бутунлай телбага айланган эди. Хотининг хонасига кириб: "Аяси, яхшимилар? Камчилик йўқми?" деса, марҳум тўнғичининг хонасига кириб: "Ўқишлилар қалай? Қийинчилик йўқми?" деб қўяди. Худди ўйнаётган ёш болалар ёнидан ўтиб кетаётгандек: "Эҳтиёт бўлиб ўйнанглар, ўйинчоқ талашманглар", дейди. Бирини "асалим", бирини "полвоним", деб эркалатади. У ҳар бир фарзандининг номини айтиб, улар билан алоҳида гаплашар, ўзича кулар, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилас, нимарларни дир ваъда берарди. Охири бошини чангллаганча уввос солиб йиғлаб, ташқарига чиқиб кетади...



СОГИНДИМ

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам, не айб, ул шохи давронимни соғиндим.

Мусо фирманс, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,
Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.

Тилимнинг зикрию кўнглимни фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғузим, давлатли султонимни соғиндим.

Кеча-кундуз йўлиға мунтазирдурман, тикарман кўз,
Келиб ҳолим сўрубон кетса, меҳмонимни соғиндим.

Насибин узмади Тангрим, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлғуси бағри қизил, қонимни соғиндим.

Коронғу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси, моҳи тобонимни соғиндим.

Менки бекас Увайсий йиғлағайман рўзи шаб тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.¹



¹ Бу ва бундан кейинги ғазал атоқли шоира, ўзбек шоираларининг мураббияси Жаҳонотин Увайсий қаламига мансубдир.

КҮНГУЛ ДОҒ ЎЛДИ...

Бу замона кулфатидин күнгул доғ ўлди, доғ ўлди,¹
Бу чархи бемуруватдин күнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Жароҳат бўлди бағрим тифи бедоди рақиблардин,
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин күнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу гулзори фано ичра маҳали бехалал йўқтур,
Ҳамеша захми хородин күнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ огаҳ,
Қабиҳгуфтор мардумдин күнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Кўнгул қони фароги дийдадин бир лаҳза банд ўлмас,
Вужудим изтироб айлаб кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Турубдур бағрим ичра қон мисоли ғунча, найларман,
Очилмай гулсифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Сўзимдин хотириңг узра гумоне ўзга еткурма
Ки, изҳор айламай найлай, кўнгул доғ ўлду, доғ ўлди.

Мен расвойи оламдин мабодо эътиroz этма,
Такаллум бирла шод айла, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Кўнгулни оташин бежо қилибдур нутқи гуфтори,
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу сўни айлади барпо ажаб густоҳлик бирла,
Малоли хотир ўлғайму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,
Умархон зуфунунеким, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

¹ **Доғ** – Қайғу-алам, ҳасрат, хафалик. Оғир мусибатдан, қайғу-кулфатдан кўнгилда қолган алам.



Бенавомен қайдасен, эй шахриёри муҳтарам,
Шарбати васлингни топмай, қон ютарман дамба-дам.
Сарв янглиғ қоматимни бори меҳнат қилди хам,
Менга сенсиз дард уза дарду алам узра алам.
Сендин айрилғоч ғазоли хуш мендин қилди рам,
Дард – ёру, ғусса – ҳамдам, ғам – фаровон, айш кам,
Билмаган бўлсам висолинг давлатини муғтанам,
Ҳажр этак ушлаб гирибонимни маҳкам тутди ғам,
Ҳеч ким ё Раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортиқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Сен қилиб азми сафар мен дард ила ранжурман,
Ёд айлаб лабларинг сахбосини махмурман,
Васлинг истаб оғият сарманзилидин дурман,
Эл гумон айларки бу давлат билан масурман,
Айламасман салтанатни ёрсиз манзур ман,
Муғтанам билмай висолингни агар мағурман,
Эмди кўзгу аксидек ҳайратда номақдурман,
Қилмангиз манъи фифоним ёрдин маҳжурман,
Ҳеч ким ё Раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортиқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Нодира "Фироқнома"дан.



Фотима розияллоху анҳо Росулуллоҳ ﷺ дағиљаридан сўнг қабр тупроғидан олиб ушбу байтларни айтган эканлар.

ماذا على من شم تربة أَحْمَدٍ... أَنْ لَا يُشْمِمْ مَدِي الزَّمَانِ غَوَالِيَا

صبت على مصابئ لوانها... صبت على الأيام عذن لياليها

Маъноси: Аҳмад ﷺ хокини ҳидласам, умр бўйи қиммат-баҳо атирларни ҳидламай ўтсам ҳам менга ҳеч қандай зарар бўлмайди.

Бошимга шундай мусибатлар қуийилдики, агар улар кун устига қуийилса тунга айланиб кетар эди.¹

Шунга кўра, бошига мусибат тушган аёлларга тасалли ўлароқ ўзбек шоираларининг шеъридан намуна келтирдим. Ёқа йиртиш, овозни кўтариб йиғлаш, маййитнинг яхши хислатларини бақириб эслаш, жазавага тушиш, Холиққа хуш келмас сўзларни айтиш, буларнинг бари жоҳилият амалларидан.



¹ Росулуллоҳ ﷺ вафотларидан олти ой ўтгач, Фотима розияллоху анҳо вафот этадилар. Ота ўрнидаги амакиси, қадрдон дўсти, ғамхўр қайнотаси, энг асосий-сий жондан азиз пайғамбари вафотидан кейиндоқ ўттиз ёшга тўлмаган севикли рафиқаси, пайғамбар каримаси Фотимадан айрилиб, бир этак ёш болалар билан ёлғиз қолган ҳазрати Али розияллоху анҳу ушбуларни ўқиган эканлар:

أَرَى عَلَى الدِّينِ عَلَيِّ كَثِيرٌ وَصَاحِبَهَا حَتَّى الْمَمَاتِ عَلَيْهِ

وَإِنْ افْتَادَ فَاطِمَةُ بْنُ عَلِيٍّ دَلِيلٌ عَلَيِّ الْأَيْدِيْمَ خَلِيلٌ

Маъноси: Кўрдимки, дунё дардлари устимда кўпайиб кетди. Дунёнинг йўлдоши эса ўлгунча дардмандидир.

Аҳмаддан ﷺ сўнг Фотимани йўқотмоғим дўсту ёр мудом давом этмаслигига далилдидир.

Топганда айрилии Ёки бирини топиб, бирини йўқотиши

Ҳаётнинг ғаройибхонасида нималар бўлиб ўтмаган дейсиз. Бирини ўқиб кўз ғўласидан чиқади, бирини кўриб ашкавж олади. Биридан донг қотасиз, биридан лол қоласиз...

Хижрий 303 санада таваллуд топиб, 390 сана вафот этган Абул Фараж ал-Маъофий ибн Закариё ан-Наҳравонийнинг *الجليس الصالح الكافي والأنيس الناصح الشافعي* номли тўрт жилдли китобида мавзуга оид ғаройиб ҳодисани ўқиб қолдим.

Қисса Аббосийлар давлатининг иккинчи халифаси Абу Жаъфар Мансур (95-158ҳ – 714-775м) ҳақида эди.

Маълумки, Умавийлар ўз ҳукмронлигининг охирги пайтида ўзига байъат олаётган аҳли байтни, хусусан Аббос ибн Абдул Мутталиб رضي الله عنه зурриётини ва уларга тобе шахсларни таъқиб остига олади. Аббосийлар деб танилган катта суола дарбадарликда кун кечира бошлайди. Давлат асосчиларидан Абу Жаъфар Мансур шулардан бири эди. У шундай оғир кунларнинг бирида муҳтоҷликдан денгизчиларга ёлланади. Исмини ва ташқи қиёфасини ўзгартиради. Куч-қуввати ошибтошиб кетган ёш йигит уйланиш пайига тушади. Нотаниш ғарибга ким ҳам қиз беради дейсиз. Йигит Мавсил шаҳрида яшовчи Азд қабиласидан бир қизга ўзи совчи бўлади. У ўзининг аслзодалардан эканини, қадри баланд машҳур кишилигини аста тушунтира бошлайди. Бу исм унинг ҳақиқий исми эмаслигини айтиб, "биз давлат томонидан қидирлаётган шахслармиз" дейди. "Агар менга турмушга чиқсанг, баҳтли бўласан", деб уни қизиқтира бошлади. Баландпарвоз сўзларни эшитган қиз розилик беради.

Эр-хотин бир мунча вақт ҳаёт кечиришади. Аёл ҳомиласи сезилганда йигит бу ерни тарқ этишга мажбур бўлади. "Мана

бу муҳрланган мактуб. Кўзинг ёриганда очиб ўқи. Ҳозир очма. Ўғил кўрсанг, Жаъфар деб номла, қиз кўрсанг, фалончи деб ата. Мен Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдул Мутталибман. Исмимни сир тут. Изимга одам тушган ", деб аёли билан хайрлашиб чиқиб кетади.

Йигит сиёсий ишларга ғаввосдек шўнғиган бир пайтда аёл кўзи ёриб ўғил кўради. Эри тайинлаганидек Жаъфар деб номлайди. Боланинг уйида тоғалари орасида улғая бошлиди. Боланинг иқтидори, заковати аста-секин юзага чиқади. Ҳақиқатда у хушёр, зийрак, ўта қобилиятли эди. Муштипар она эса эшикка кўз тиккан. "Ўғли катта бўлиб қоляпти, келиб қолар", деган умидда мудом эрини кутарди.

Умавийлар давлати қулаб, Аббосийлар давлати қад қўтари. Қизнинг қавм-қариндошлар бу янгиликни эшитиб, сабр билан яшаётган тирик бева ёнига келишади.

- Агар айтган сўзинг чин бўлса, эринг алдаб кетмаган бўлса, яқинда янги халифа тахтга келибди. Балким ўша сенинг эрингдир, – дейдилар.
- Исми нима? Ташқи қиёфаси; тузилиши қандай?
- Исми Абул Аббос Сафроҳ экан.
- Йўқ, эrimнинг номи ўзгача.

Абул Аббос Мансурнинг туғушгани. Аббосийлар давлатининг илк раҳбари. У вафот этгач, Абу Жаъфар Мансур тахтга келади. Аёл эса булардан бехабар.

У эрни ортиқча кутиш наф бермаслигини билиб, ўзи бола тарбиясига астойдил киришади. Боланинг илми билан бирга одоби ўсиб борарди. У ақлли, серғайрат, гапга уста, ҳозиржавоб, зарофатли йигит бўлиб етилади. Хаттотликни ўрганиб, бу соҳани ҳам пухта эгаллайди. Йигитда илм, одоб, зарофат, заковат жамланган эди. Нодир хислатларга эга йигитча кичик шаҳарда ўзини ҳибс этмай, пойтахтга интилади. Онасидан изн олиб Бағдодга йўл олади.

Бағдодда оддий мирзойи бўлиб иш бошлайди. Тез кунда донғи чиқиб, подшоҳ девонига кўтарилади. Подшоҳ мирзобошиси Абу Айюб қўлида мирзалик қиласди. Йигит иш билан бирга ўқишини давом эттиради. Кунлардан бир кун сарой мулозимларидан бири девонга келиб, мирзабошига қаратади: "зудлик билан бир котиб керак", деб қолди.

- Жаъфар! – йигитни чақирди Абу Айюб.
- Лаббай, тақсир.
- Довот-қаламни олиб, амирул мўминийн ҳузурига кир.

Йигит амирул мўминийн оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзни ҳусни хат билан равон ёза бошлайди. Янги мирзо шоҳ дикқатини ўзига жалб этади. Табиатан ўта жиддий, камгап, сермулоҳазали подшоҳ болага қайта-қайта қараб қўяди.

- Хатинг чиройли экан, – дейди подшоҳ мирзога.
- Қуллуқ, ҳазрати олийлари.

Бола амирул мўминийнга ёқиб қолганди. У болага нисбатан қалбида қандайдир муҳаббат ҳис этади. Боланинг фахм-фаросатини мақтайди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай бояги сарой мулозими келиб, мирзабошига эмас, йигитнинг ўзига қаратади: "Эй ғулом, довот-қаламингни олиб, амирул мўминийн ҳузурига кир", дейди. Чунки подшоҳнинг ўзи "кечаги мирзо болани олиб кел", деб тайинлаган экан. Мирзобоши Абу Айюб бу ҳолдан қувонади. Биринчидан, йигит унинг устидаги оғир юкни кўтарган эди. Иккинчидан, у шоҳ ҳузурига мирзо танлашда адашмаганди. Шунинг учун вазифаси анча енгиллаган ва иши шоҳга манзур тушган мирзобоши истироҳат қиласди. Бола саройдан қайтгач, уни олқишлиб, янги кийим-кечак олиб беради. "Бу подшоҳ саройига муносиб кийим. Сенинг кийимларнинг анча эскириб қолибди", дейди.

Эртаси куни ишга саройбоп янги кийим билан келади. Кийим болани очганди. Девонга келгач, қасрга чорланади.

- Испинг нима? – деди бу гал шоҳ.
- Жаъфар.
- Кимнинг ўғлисан?

Бола жавоб бермай жим турди.

- Оғзингга талқон солғанмисан? Отангни исми нима?
- Абдуллоҳнинг ўғлимани.
- Отанг қаерда?
- Отамни кўрмаганман. Қаердалигини билмайман. Лекин онамнинг айтишича, отам аслзодалардан экан. Онамда унинг муҳрланган мактуби бор. Унда отамнинг насаби ёзилган.

"Муҳрланган мактуб" сўзини эшитган Абу Жаъфар ўзгариб қолади.

- Ҳозир онанг қаерда?
- Мавсилда.
- Мавсилнинг қайси маҳалласида яшайсизлар?
- Фалон маҳаллада, – бола маҳалла номини айтади.
- Фалончини танийсанми? – қандайдир эркакни сўрайди.
- Ҳа, у киши маҳалла имоми.
- Фалончиларничи?
- Танийман. Бири тоғам, бири холам.

Йигит унинг ҳамма саволларига тўғри жавоб бергандан кейин шоҳ ўзини тутолмади. Улуғ мартабаси, эгаллаб турган олий мавқеини унутиб бола ёнига келди. Шоҳ кўзларидан ёш сизиб чиқа бошлади.

- Фалончи бинт фалончи сенга ким бўлади.
- Онам.

Подшоҳ болани бағрига босиб, ҳўнграб юборди. Унинг ичидан нима ўтганини ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Ёш мирзо эса ҳайрон. Шунча ақлли бўлгани билан қаршисидаги шоҳ ўз отаси эканини билгани йўқ. Балким билгандир, лекин бола ботинини билиш қийин. Мансур тезда ўзини ўнглаб:

- Эй ғулом, ўртамизда ўтган сухбатни ҳеч ким билмасин. Ҳатто Абу Айюбга ҳам бу ҳақда оғиз оча кўрма. Огоҳ бўл, эҳтиёт бўл!

Боланинг шоҳ ҳузурида анча ушланиб қолганидан ҳайрати ошган Абу Айюб уни саволга тутди.

- Тинчликми, бу сафар жуда кўп вақт қолиб кетдинг.
- Амирул мўминийн кўп нарса имло қилдилар. Ёзадиган нарса кўпайиб кетиб, ушланиб қолдим.
- Қоғозлар қани?
- Амирул мўминийн ҳузурларида қолди.

Бир куни Абу Жаъфар мирзобошини чорлатиб: "Янги мирзога яхши қаранг. Ақлли, зийрак бола экан", деб қаттиқ тайинлайди. Доим у ҳақида сўраб турди.

Мирзобоши "йигит девон хабарларни шоҳга етказиб, ўзи унга яқин бўляпти, мен ҳақимда турли сўзларни сўзлаяпти", деган ўйга боради. Болага нисбатан унда нафрат уйғонади. "Балким, ўрнимга мирзобоши бўлмоқчимикин,вой ярамасей".

Сарой мулозими котиб талаб қилиб келганда Жаъфарни эмас, бошқа бир мирзони жўнатади. Болани шоҳ даргоҳига киришдан ман қилади. Шоҳга жўнатилган мирзо тезда изига қайтади.

- Жаъфар номли мирзо қани? – сўрайди мулозим.
- Бу мирзомиз ундан кам эмас, – дейди Абу Айюб.
- Амирул мўминийн фақат Жаъфарни олиб кел, деб менга амр этдилар. "Бундан буён Жаъфардан ўзга мирзо даргоҳимга кирмасин", дедилар.

Абу Айюб гумонлари унинг қоронғи қалбида ҳақиқатга айланганди. "Яқинда уни мирзобоши қилиб тайинлайди. Мен ё ишдан кетаман, ё оддий мирзоликка тушаман".

- Амирул мўминийн, жоним сизга фидо бўлсин. Мирзобошимизнинг менга нисбатан муомаласи анча ўзгарган.

Буғзу адоватини яққол сезмоқдаман. Унинг ёмонликларидан хавфдаман, – деди Жаъфар шоҳга.

- Баракаллоҳ, кўнглимдан кечгани хато эмас экан. Эй ўғлим, буларнинг бари кўнглимдан ўтган. Эртага Абу Айюб яна сенга қўпол муомала қилса, шарт ўрнингда туриб, чиқиб кет. Девонга асло қайтиб келма. Мана бу ҳамён, тугун ва мактубни олиб, онангга етказ. Онангни ва барча қариндошларингни олиб, ҳузуримга келинглар. Мен сенга бир ходим қўшиб бераман. Бирон бир инсон қўлингдаги нарсаларни очиб қарамасин. Фақат онангни ўзи очсин. Мана бу пул сенга, сафарингда асқатади. Ўзингга эҳтиёт бўл, нарсаларни авайлаб етказ.

Йигит қувончининг чеки йўқ эди. Бу қувонч сабаблари бизга қоронғи. У амирул мўминийннинг "Эй ўғлим" деган сўзини отанинг ўз ўғлига хитоби деб билдими, ёки бу катта ёшли кишининг ёш йигитга нисбатан одатий хитобими? Бир нарса дейиш қийин.

Зийрак йигит шунча сухбатдан, шоҳнинг оддий мирзога нисбатан ғайритабиий илиқ муомаласидан унинг ота эканини сездимикин? Бу қувонч отасини топган етим қувончими?

Балким, бир оз пул орттириб, онасини хурсанд қилмоқчи бўлган ёлғиз ўғилнинг қўлига тўсатдан кутилмаган миқдорда катта пул тушмоғи уни хурсанд қилгандир? Қанча-қанча одам иш тополмай юрган бир пайтда у нақ саройнинг ўзидан – девондан иш топди. Халифани кўриш, у билан сухбатлашиш баҳтига эришди. Булар бола қувончига етарли эмасми?

Балким, онажонисини соғинган болакай "онангга бор" деган сўздан суюниб кетгандир? Ахир онасини кўрмаганига қанча бўлди. Уйга бориши учун икки-уч йил тинмай ишлаб, маошини тежаб йиғиши керак. Ҳозир эса уйга пул, совғасалом билан қайтяпти. Сафар учун пайдо бўлган олтин имконият уни бу қадар қувонтиргандир?

Кувонч сабаблари сир эди, сирлигча қоладиганга ўхшайди. Чунки йигит кувонч сир-асрорларини ўзи билан бирга олиб кетади. Қисмат битикларидан бехабар банда бу қувонч узокқа чўзилмаслигини билмас эди.

Йигитнинг саройдан хурсанд чиқишини кўрган мирзабошининг ғазаби қайнади. Унинг икки кўзида ҳасад алангаси ловуллаб ёнарди. У шу пайтгача болани бу қадар масрур ҳолда кўрмаган. Ғазаби қайнаб турган мирзабошининг бирдан қайғуси ортди. Мансабнинг қўлдан кетишидан қўрқди. Тутақиб турган бошлиқ Жаъфарни яхши қаршиlamай, аввалгидан баттар дағаллик ва кўрслик билан қаршилади. Ўсмоқчилаб гапга солди. Бу сафар Жаъфар чидолмай:

– Мен ризқ талабида келган ғариб мусо фирмани. Сизга юк бўлганим йўқ. Нонингизни яримта қилганим йўқ. Нега бу қадар мени пастга урасиз, хўрлайсиз?! Агар сизга оғирлигим тушаётган бўлса, ҳайдамасингиздан олдин ўзим бу даргоҳни тарк этаман, – деб чиқиб кетди.

Ғазаб билан бола орқасидан қараб қолган бошлиқнинг забони ҳоли "Кетиб қаёққа борардинг. Бузоқнинг юргани сомонхонагача, эртага ялиниб ёнимга келасан" дерди. Уч-тўрт кун ўтишига қарамай боладан дарак йўқ. Ҳар куни йўқлайдиган шоҳ шу маҳалгача уни бир бор сўраб қўймади. Абу Айюбнинг шубҳаси ортди. Ғаройиб ҳодисанинг тагига етмоқ пайига тушди. Бола орқасидан одам қўйиб, "нима билан машғуллигини билиб кел", деди. "Сафарга тайёр гарлик кўр-япти", деган хабарни олиб келишди. Бирдан унинг хаёлида "сафарга пулни қаердан олди?" деган савол пайдо бўлди. Абу Айюбнинг нияти бузилди. У боладан бутунлай қутулиш керак деган фикрга келди. Шум ниятини амалга ошириш учун ҳар замонда топиладига ёлланма қотилни топди. "Болани бир овлоқ ерда саранжом қилиб, юкини менга олиб кел", деди.

Қотил болани топиб, буйруқни бажаради.

Абу Айюб мактубни очиб ўқийди. Ва бирдан даҳшатга тушади. Мактубда Жаъфарнинг амирул мўминийн ўғли экани очик ёзилган эди. "Чакки қилдим", деди мирзабоши ва юрагига ғулғула тушди. Жиноят изларини бекитиш йўлларини излай бошлади.

Халифа Мансур боланинг кечикканидан хавотирда эди. Хос навкаридан бир нечтасини уни топиб келишга жўнатади. Навкар қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб, Мавсилга етиб келади. Боланинг онасини топиб, у ҳақда сўрайди. Дилбанди йўлига кўзи тўрт бўлиб ўтирган она бир неча йилдан бери ёлғиз ўғлидан бирор бир хабар эшитмай ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб юрган экан. "Эrim дом-дараксиз йўқолди. Ўғлимдан хат-хабар йўқ. У ҳам ном-нишонсиз гум бўлди. Энди менга бу ҳаётнинг қизифи қолмади", деган ўйлар аёл бошини қамраб олганди. Кутулмаган элчилар хабари унга умид бағишилади. Бу умид билан бирга аёл дилида қўркув, хавотирлик ва ҳадик ортди.

Боланинг бўғиб ўлдирилгани, қудуқقا ташлангани, моли талангани ва бу жиноятнинг тепасида сарой девонининг мирзабоиси Абу Айюб тургани таҳқиқдан сўнг маълум бўлди. Мансур Абу Айюбни ва унинг барча гумашталарини қиличдан ўтказади. Мол-мулкини мусодара этади. Жисмини вужуддан маҳв қилгани каби исмини ҳам бутунлай маҳв этиб ташлайди. Ҳар қачон Абу Айюбни эсласа, унга лаънат ўқиб: "у менинг хабибимни ўлдирган", деб ғазабланар эди.

Онани Бағдодга олиб келишади. Эр хотин учрашади.

Лекин хотин эрни топганда ёлғиз боласини йўқотган эди, эр хотинни топганда билимдон дилбандидан айрилган эди. Қувончи қайғу билан қоришиб кетган учрашувда икки дил бир бирига яқинлашиб, тинмай сассиз йиғларди...



Мен бу қиссага ном танлаётганимда кўп тараддудландим. **Ҳасад қурбони** дейинми, **Ёмон гумоннинг ёмон оқибати**, дейинми... Ўйлаб-ўйлаб юқоридаги сарлавҳани муносиб кўрдим. Ғамни аритувчи VI омил баёнини фожеавий қисса билан тушкин ҳолда тугатишни истамай, шунга ўхшашроқ, аммо қувонч бахш этувчи қисса билан якунлашни маъқул кўрдим.

Ходиса Абу Жаъфар даврида эмас, унинг набираси Ҳорун ар-Рашид даврида рўй берган. Дарвоқе, Ҳоруннинг куняси ҳам Абу Жаъфардир.

Мадинадан анча олисда яшовчи бир толиби илмга имом Моликни ғанимат билиб, ундан дарс олгин дейшишади. Янги уйланган қуёв рафиқасига ихтиёрни топшириб: "Истасангиз бошқага турмушга чиқинг. Истасангиз мени кутинг. Ихтиёр ўзингизда. Мен илм талабида Мадинага бормоқчиман. Қачон қайтишим аниқ эмас", дейди. У шу чиқиб кетганича салкам 20 йил Молик ибн Анас ёнидан жилмай таълим олади.

Келинчак эридан кейин ўгил кўради. Бошқа турмуш қурмайди. Ўғлини отадек илмга муҳаббат руҳида тарбиялайди. Ота эса бундан бехабар.

Орадан анча муддат ўтгандан кейин она ўғлига дейди: "Ўғлим, дадангиз Мадинага имом Молик ҳузурига кетган. Отангиз изидан бориб, сиз ҳам илм изланг".

Мўйлаби сабза урган ёши йигитча Мадинаи Мунавварага етиб келиб, одамлардан "фalonчи бин фалончини танийсизми?" деб отасини суришитиради. "У киши Пайғамбаримиз масжидида", дейилади. Масjidга кириб яна шу савол билан одамларга мурожсаат қиласди. Ўзини ошкор қилмайди.

Ва ниҳоят қидирган кишисини топади.

- *Ҳўш, хизмат, йигитча. Сиз мени қидириб юрибсиз деб эшиштдим, – дейди киши.*
- *Ассалом алайкум, дадажсон. Мен ўғлингизман.*

Үтирган киши бирдан ўрнидан сапчиб туриб болага узоқ термилади. Сүнг бир томчи сувдек ўзига ўхшаш ўглини бағрига босиб узоқ муддат қолиб кетади. Қирқни қоралаган ота 17-18 ёшлар чамасидаги ўглини сира құчогидан қўймасди. "Шунда оталик меҳри қонимда жўши урган, оталигимни ҳис этганман", дейди олим кейинроқ.



VII- Ғамни аритадиган омиллардан бири – таъзия.

Ширин сўзниң таъсири катта. Ғамгин дилига чирмашган ғам-андух гоҳо бир оғиз сўз билан тарқаб кетиши мумкин. Қийноққа солаётган қайғу сўз сехрига мафтун бўлиб, қувончга айланиши тажрибадан ўтган. Сўз ҳаётдан умидини узган мажруҳ азадорга қайта умид бахш этишида шубҳа йўқ. Факат сўзни ўз ўрнида ишлатиб, нишонга тўғри олинса бўлди.

Шунинг учун шариат таъзияни жорий қилди. Азадорни ёлғиз ташлаб қўймай, унга ҳамдард бўлишга ундали. Жаноза ўқиганга алоҳида ажр, дағн маросимиға қатнашганга алоҳида ажр, ҳамдардлик билдирганга алоҳида ажрлар белгилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ اتَّبَعَ جَنَازَةَ مُسْلِمٍ إِيمَانًا وَاحْسَابًا وَكَانَ مَعَهُ حَتَّى يُصْلِيَ عَلَيْهَا وَيَرْجُعَ مِنْ دَفْنِهَا فَإِنَّهُ يَرْجُعُ مِنَ الْأَجْرِ بِقِيرَاطٍ كُلُّ قِيرَاطٍ مِثْلُ أَحَدٍ وَمَنْ صَلَّى عَلَيْهَا ثُمَّ رَجَعَ قَبْلَ أَنْ تُدْفَنَ فَإِنَّهُ يَرْجُعُ بِقِيرَاطٍ

Абу Ҳурайра ривоят қиласи: Ресуллороҳ соллаллоҳу алаихи васаллам дедилар: "Кимки иймон амри билан савоб умидида бир мусулмон жанозасига эргашса, ва жаноза ўқилиб, дағн қилингунга қадар бирга бўлса, албатта у киши икки қийрот ажр билан қайтади. Ҳар бир қийрот Уҳуд тогичадир.

Кимки жанозани ўқиб, дағнга иштирок этмай кетса, бир қийрот ажр билан қайтади".

Бухорий Саҳиҳи.

— "مَنْ عَرَى مُصَابًا فَلَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ" Термизий Сунанида келган ҳадисда: "Мусибатдорга таъзия билдирган кимса учун азадорга берилган ажр берилади".
Иbn Ҳажар "التخیص" да заиф деган.

Жаноби Росулуллоҳнинг ﷺ порлоқ ҳаётларида таъзия ва ҳамдардликнинг энг гўзал намуналарини топамиз.

Муовия ибн Курра ал-Музаний отасидан ривоят қиласи:

Набий ﷺ мажлислинига (дарсларига) бир нечта саҳоба келар эди. Улар орасида бир киши бўлиб, унинг кичкина ўғли бор эди. У ўғлини орқалаб келар ва олдига ўтириғизиб дарс тингларди.

— Яхши кўрасанми? — дедилар Росулуллоҳ ﷺ.
— Ҳа, — деди киши.
— Болангни суйганингдек, Аллоҳ ҳам сени суйсин, — деб дуо қилиб қўйдилар.

Иттифоқо бола вафот этади. Ўғлидан айрилган киши анча чўкиб қолади. Фарзанд доги ўртаб дарсга келолмайди.

— Фалончи кўринмай қолди? — дейдилар Набий ﷺ.
— Ё Росулаллоҳ, сиз кўрган ўғилчаси яқинда оламдан ўтди.

Росулуллоҳ ﷺ у билан учрашиб, боласини сўрадилар. Киши бола вафотидан хабар берди. Таъзия билдирганларидан сўнг:

— Қайси бири сенга маҳбуброқ: умр бўйи боланг дийдорига тўйиб, ундан фойдаланиб яшамогингми, ё эртага жаннат эшигига келганингда боланг сендан олдин жаннатга кириб, сенга эшикни очиб турмогими?

— Жаннат эшигига мендан олдин бориб, менга эшик очмоғи маҳбубдур.

— Уибу тилагинг сенга берилгай.
— Ё Росулаллоҳ, жоним сизга фидо бўлсин, бу имтиёз у кишига хосми ёки фарзанди ўлган ҳар бир мусулмонни ўз ичига оладими? — деди ансорлардан бири ўрнидан туриб.

— Балки фарзанди ўлган ҳар бир мўминни қамраб олган.

Насоий.

Таъзиядан мурод мусибат тушган кишига ҳамдардлик билдириб, унинг ғамини енгиллатиш, тасалли бериш, овтиш, ичидаги алангани ўчиришда кўмаклашишdir. Сабр-тоқатга чақириш, Илоҳ қазосига розиликка ундашdir. Бу, мақомга муносиб сўзлар билан амалга ошади. Агар қўлидан келса, маъсур дуо ва маҳсус алфозлар билан таъзия билдирсин. Агар буни билмаса, қандай калималар билан бўлса ҳам уни юпассин, дардига малҳам берсин. Баъзилар арабча дуони шошиб-пишиб айтиш билан чекланади. Азадор эса уни тушунмайди. Бу билан таъзиядан бўлган мурод ҳосил бўлмайди.

Суфён ибн Уйайна даврида бир кишининг ёш ўғли вафот этади. Суфён келиб таъзия билдириди. Бошқа катта олимлар қалбни эритадиган гўзал жумлалар билан навбатма-навбат таъзия билдириб, тасалли беришга ҳаракат қилишди. Кишига сўз мутлоқ таъсир қилмасди. У қаттиқ жазавага тушганди, (замона таъбири билан айтилса), у шокда эди. Шунда Фузайл келиб қолдилар.

- Агар сен билан ўғлинг қамоқда бўлсаларинг, ўғлингни озод қилишса, суюнасанми? – дедилар.
- Суюнаман.
- Бил, ўғлинг сендан олдин дунё қамоғидан қутулди.
- Энди қалбим таскин топди, – деб киши анча юпанади.

"Айрилиқ, Жудолик, Йўқотиш" деб номланган бу узун қисмни энг ёмон АЙРИЛИҚ баёни ила якунлаймиз. Дунёдаги ҳар қандай айрилиқ ва йўқотишнинг эвази бор. Бола йўқотган яна бола кўриши мумкин. Мабода кўрмаса, йўқотганини охиратда топади. Пул йўқотган ишлаб, яна пулдор бўлиши ҳеч гап эмас. Лекин биз айтмоқчи бўлган бойликни йўқотган одам ҳеч қачон уни тополмайди. Эваз, бадал деган нарса йўқ.

Бу – ўлар пайтда иймондан айрилиш. Иймондан айрилган ҳамма нарсадан айрилади. Қадимдан улуғларни қўрқитган даҳшатли жудолик ҳам шу. Кейинги сахифада ўрин олган шоҳ байтларни тааммул билан ўқиб, чукур фикр юритинг...

Энг ёмон айрилиқ, үта мудхиш, бадали йўқ жудолик

*Ё Rab, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлуб мундин жудо, Сен бўлмазил андин жудо.*

*Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, Сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.*

*Нақди жон чиққанда иймон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма иймондин жудо.*

*Хонумондин ойириб, қилғанда зиндан ичра ҳибс
Қилма лутфинг мен алохону аломондин¹ жудо.*

*Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимга раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.*

*Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлгуси кофир мусулмондин жудо.*

*Элга маҳлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.*

*Жаннат истаб айлаганларни ибодат қилмазил
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.*

*Барчадин айру Навоийга қилиб васлинг насиб,
Қилмазил, ё Rab, ани мундин, муни андин жудо.*

**Хазойин ул-маоний
БАДОЕЬ УЛ-ВАСАТ дан.**

¹ Алохону аламон – Таланганд, хонавайрон; уй-жойсиз. Яъни мени хонумондан – оила аъзоларимдан, хонадонимдан, бор бисотимдан айириб, зинданга, яъни қабрга қамаб қўйган чоғингда Ўз лутфингни менингдек уйсиздан жудо қилма, демокдалар.

ҒАМ ЕМА – СИҚИЛМА

*Ғам ема, сиқилма, ўксима асло,
Ўксисига арзимас бу қари дунё.*

*Қатра ёшинг қиммат унинг дуридан,
Ёши тўкиб айрилма кўзнинг нуридан.*

*Дунё – сайёд,¹ тилло – музоқ, гофил – ов,
Билиб бўлмас, кимлар дўсту кимлар ёв.*

*Пойингга тушса гар мугомбир сайёд,
Албатта тумади, бефойда фарёд.*

*Яхииси йўлама унга кўп яқин,
Яқинин айлайди забун ё жунун.*

*Алдама, алданма, тушма, туширма,
Эрта-кеч дунёдан жўшиб гапирма.*

*Донолар сўзидан тердим марварид,
Ғамгин учун қулай муносиб маврид.*

Ж.

¹ Сайёд – Овчи, тутувчи.

Донишмандлар дейди: Дунёning аввали-ю охир бир лаҳза гам чекишига, бир дам сиқилишига арзимайди.

Бўлар-бўлмасга сиқиладиган диндошим!

Бўлар-бўлмасга тутмақадиган замондошим!

Жизибийрон, дили хуфтон, қизиққон бебошим!

Тагсиз пуч гап-сўздан таъсиранувчи шошқалогим!

Арзимаган нарсаларга хархаша қилувчи сұхбатдошим!

Асаби таранг, қўрс, аразчи, паришинхотир тенгдошим!

Бир пулга қиммат мато деб хуноби ошган миллатдошим!

Ўткинчи дунёни талашиб хешидан юз ўгирган қариндошим!

Ҳамнафас дўстим, жондан азиз, қимматбаҳо юракдошим!

Асрлар оша сенга етиб келган ушбу пурҳикмат сўзда фикр юритиб, унинг мағзини чақишига уриниб кўр.

Дунёning аввали-ю охир бир лаҳза гам чекишига, бир дам сиқилишига арзимайди.

Одам алайҳиссалом давридан то тонгла Қиёмат қадар умр кўрган кекса дунёning бари сенинг бир лаҳза сиқилишингга арзимайди. Зеро сен қирол, дунё сенинг хизматингга яралмиш қарол. Агар тупроққа қоришиб кетадиган молга ҳирс қўйсанг, бойликка ҳаддан ортиқ ўч бўлсанг, иш тескарилашиб, дунё қиролга сен эса қаролга айланасан. Дунёга бўлган муҳаббат меъёридан ошиб кетса, у қўлдан қўлга ўтиб юрувчи маъшуқага сен эса бевафо ёрга етолмас парвонага айланасан. Ана шунда юрак сал нарсага сиқиладиган одат чиқаради. Ўйнаб турувчи нарх-наво юрагингни ўйнатиб ташлайди. Таги йўқ пуч хабар юракни эзиб, руҳий азоблар беради. Салга аччиғи чиқадиган ёмон дардга мубтало бўласан. Худ-бехудга хуноб бўлиб, бекордан бекорга асабларинг таранглашиб, бехудага хафа бўласан. Шундай қилиб сен ўзингга ўзинг юрак касалини орттирасан. Эшикнинг ғичир-ғичири замбаракнинг ўқидек эшитилиб, қалбга ботади, юрак уришини тезлаштиради.

Бир икки марта юрагинг тепиб, касал хуруж қилади. Қалб заифлашиб ғамга дош бериш хусусиятини йўқотади. Сал нарсага чапингни чанглайсан. Гоҳида нохуш хабар юрак фаолиятини тўхтатиб қўяди. Ток ургандек ерга йиқиласан. Юрак массажидан хабардор шахс тепангда туриб юракни массаж қилса, ўзингга келасан. Яъни сени бир киши қаттиқ, текис ерга ётқизиб, ўзи ўнг томонингга ўтириб, кафтини кафтига қўйиб, бор кучи билан аямай, қўлни узмай юракни эзса, юрагингга қон келиб, секин ростлашади. Юракда қон оқими яхшиланиб, унинг фаолияти тикланганда кўкрак қафасини босаётган қўл бутунлай сендан кўтарилади. Сен нима бўлаётганидан бехабар хушсиз ҳолингдан аста уйғонасан. Массаж қиладиган топилмаса, қайта ўрнингдан туришинг душвор.

Шундан кейин юрагинг пуфакка ўхшаб қолади. Ҳар нарса тикандек санчилади. Гапни кўтаролмай тезда ёрилади. Юраги ёрилган одам нима бўлишини ўзинг биласан. Ҳа, тўғри топдинг, юраги ёрилган одам ўлади. Юрак яна бир бор "приступ" берса, битта одам эмас, жумла жаҳон йиғилиб сени массаж қилган тақдирда ҳам оёққа турмайсан. Дунё эса сендан кейин яшаб, бошқаларни ишва билан ўз домига тортаверади.

Сен дунё учун эмас, дунё сен учун яралган. Соғлигинг ўз қўлингда. Бас шундай экан, дунё учун сиқилмоқ на даркор?!

Кул, табассум қил, яира. Оч бўлсанг ҳам тўқдай тур, йўқсил бўлсанг ҳам бордай юр. Бунга қандай эришилади?

Баданга хуш ёқадиган зилол сувга юз-қўлингни ювиб, таҳорат ол. Қиблага юзланиб намоз ўқи. Ўқиётган ҳар бир оят ва дуолар маъносини билишга ҳаракат қил. Аллоҳ ҳузурида турганингни ҳар бир аъзоингга, хусусан дилингга эслат. Қиёматда барча инсоният Аллоҳ ҳузурида туришини эслат. У Кун даҳшатини эслаган одам бу кундаги даҳшатдан чўчимайди. У Кун мусибатини ўйлаган бу куннинг мусибатига чўқмайди... Жойнамоз устудаги бу қисқа тафаккур сени ғамдан қутқаради. Шунда ағёр бармоқ тишлайди, аброр қувониб хушлайди. Соғлик ёнга қолади. Дорининг пулига нон еб, қорнинг тўяди...

"Мусулмонларнинг топган гапи шу: "дунё учун ғам ема, сиқилма. Дунё сиқилишингга арзимайди". Ахир ҳаёт ташвишлариға сиқилмай бўладими", дейдиганлар йўқ эмас. Тўгри, беташвиш бош йўқ. Лекин ташвишга таслим бўлиш ҳам ақлдан эмас. Нафақат мусулмонлар, балки бошқа дин донолари, ўзга миллат муллолари ҳам айни шу гапни айтиб, ўз қавмини кўзга кўринмас хатардан огоҳ этган. Масалан, рус шоири М.Ю.Лермонтов 1830 йилда ёзган эди:

Ғусса солса кўнглингга соя
Табассум қил, қув ғамни нари.
Осма қовоқ, чекма азият,
Унут бўлар пайт келиб бари.
Ёш қизларнинг алдоқлари-ю
Топталган шаън туйғулари ҳам,
Дилгирликнинг маҳзун онлари
Арзирмикин чекмофингга ғам?

Фаниматдир бебақо умр,
Балолардан ўзингни асра;
Севинч болин ютоқиб симир,
Ўзи кириб келади ҳасрат.
Одамлардан ўғирмагил юз,
Ўзгаларга ўргатма ақл;
Ахтармасанг йўқ фазилатин
Бир кун севиб қолмофинг ҳақдир.

Не кўйларга солса ҳам юрак,
Яша юрак амрига қараб.
Ҳислар мавжин бўлганда керак,
Тийиб қўйиш нима деган гап...
Бахтсиздир, ким тақдирида бор
Орзуларин кечириб бир-бир,
Бахт туйғусин йўқотиб охир
Бўлар экан бахтга сазовор.¹

¹ Саъдулла Ҳаким таржимаси. Ўз. АС. 13.10.1989.

Энди диндош донишларимиз ўгитига қайтсак бўлаверади.

Дунёning аввали-ю охиро бир лаҳза гам чекишингга, бир дам сиқилишингга арзимайди.

Дунёning аввали-ю охиригача йиғилган бойликлар қанча бўлиши мумкин? Аниқ сонни чиқариб берадиган математик борми? Аслида, бундай ҳисоб-китобнинг имкони борми?..

Назаримда, алгебрага асос солган буюк математик, астроном ва географ олим Муҳаммад ал-Хоразмий ҳам, асrimiz мўъжизаси компьютер ҳам унинг аниқ миқдорини чиқариб беришдан ожиз. Кунда миллионлаб пулни санаб қўлдан ўткизадиган ойликхўр мискин кассир, оламаро тижорат юришини енгиллаштираётган сарроф, банк соҳиби миллиардер банкир ва барча математиклар бир жойга тўпланиб бу масалани ечамиз дейишсада, ҳамма уринишлари натижасиз якун топиши аниқ. Саҳродағи қумни санаб бўлмаганидек, дунё яратилгандан бошлаб Қиёматгача жамланган мол-дунёни санаб бўлмайди. Хомчўт қилишнинг иложи йўқ. Сони бор саноғи йўқ деб айни шуни айтсалар керак.

Лекин бошқа бир кўмакчи йўл бор. Катта сарватга эга айрим бадавлат шахслар ҳаёти билан қисқа танишиш имконсиз бу хаёлий нарсани бироз тасаввурга келтиришга ҳамда донишмандларнинг ***дунёning аввали-ю охиро бир лаҳза гам ейшига, бир дам сиқилишига арзимайди,*** деган ҳикматларини англаб этишда кўмаклашади.

Нажднинг фақирона хонадонида туғилган Сулаймон номли бола 10 ёшидан ҳаммоллик қила бошлайди. Таълим олиш пайтида тирикчилик ғамини жуда эрта зиммасига юклаган бу ўспирин ҳаммоллик асносида ҳовли юриб ўчоқ остида йиғилиб қолган кулларни идишга солиб, саҳрога ташийди. Керосин сотади. Юк ташийди. Уй тозалайди...

Изланувчан бола савдо-сотиқни бошлайди. Акаси билан шерикликка дўкон очади. Сармоя орттиради. Мустақил ишга

ўтиб, катта тижорат майдонига тушади. Товуқ фермасига асос солади. У имкониятларни кўра олар ва ундан тўғри фойдаланар эди. Бир неча йиллар мобайнида тижорат юргизиб, "миллионер" деган ном чиқаради. Шундан сўнг пул хамиртуруш солинган хамир каби кўпайиб, миллиардер бўлиб кетади.

У ҳозир Саудиядаги энг катта банкнинг асосчиси. Чет элда ерлари ва боғлари бор. Мамлакатда уни танимаган одам йўқ. "Рожиҳий" деган номни билмаган киши йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, унинг иқтисодий ривожланишига кундалик беш вақт намози, рўзаси ва бошқа ибодатлари халал бергани йўқ. "Закот билан молимни сақлаганман", дейди сарватдор Сулаймон Рожиҳий.

Ҳаммол бола ҳозир анча қариб қолган. Керосин сотмайди. Керосин билан ёнадиган жинчироқларга аллақачон қирғин келган. Зеро унинг диёрида электр чироклари порлаб турибди, ҳатто овлоқ жойларда ҳам чироқ чараклайди.

Эшитишимча, мўйсафид ҳамма мол-мулкини ўғил-қизлар ва набиралар ўртасида тақсимлаб бериб, ўзи охират сафарига астойдил тадорик кўраётган эмиш. Доно тадбиркор, хушёр ишбилармон шундай бўлади: дунё билан охиратни бирга обод этади. Оқибатга – якуний натижага катта эътибор қаратади.

Зоҳид эса дунёни бутунлай тарқ этиб, охиратга юз тутади.



Арабистонлик бошқа бир сарватдор кексайган чоғида судхўрликдан тавба қиласи. Чинакам тавба тил учиди уч марта "тавба қилдим, тавба қилдим" дейиш билан ҳосил бўлмайди. Шариат қоидасига биноан ҳалол сармоя олиб қолиниб, рибодан келган фойдадан воз кечилади. Тавба томон одим отган судхўр буни билгач, ортга қайтадими ёки олдинга юрадими? Бу кўпчиликни ўйлатиб қўяди. Ҳамманинг нигоҳи унда.

Ароқдан қайтишни истаган киши қўлидаги қадаҳни тўкиб, уйидаги шишани синдириса, ана шунда тавбаси чин бўлур. Айримлар "шуниси тугаса, кейин ташлайман" деб охирги қултумгача ичиб, шишани ялаб кўяди... Кейин унга тавба насиб этадими, йўқми, Худо билади. Шиша бошқа, миллион бошқа. Боланинг сутдан чиқиши қийин бўлганидек чолнинг судхўрликдан чиқиши ҳам қийин. Қани, бу чол нима қиларкин.

Қария тавбасида содик эди. Ҳалоллик қонунига қарши чиқмай, "4 минг риёл билан иш бошлаганман, ҳозир у мол 40 миллиард риёлга етган. Бунинг баридан воз кечдим", дейди.

Лекин фарзандлар ота тутумига рози бўлмайди. Турли қинғир йўллар билан отани мол тасарруфидан четлатишади.



Микрософт ширкатининг мудири Билл Гейтсга муҳбир савол беради:

- Банкдаги ҳисобингизда қанча пул бор?
- Саволдан олдингисими ё саволдан кейингисими? – деб саволга савол билан жавоб беради мудир.

Бу билан ҳар лаҳзада унинг мол-мулки ўсаётганини билдириб қўймоқчи.



Жаҳондаги миллионеру миллиардерлар рўйхати бугунги кунда кўпчиликка аён. Мен уларни келтирмай, Қуръон хабар берган давлатманд бир бой ҳақида сўзламоқчиман.

У Мусо алайҳиссалом амакиларининг ўғли Қорундир.

﴿إِنَّ قَفْرُونَ كَانُوكَ مِنْ قَوْمٍ مُّوسَى فَبَغَى عَلَيْهِمْ وَاءِيَّنَةً مِّنَ الْكُنُزِ مَا إِنَّ مَفَاتِحَهُ لَشَنُوا بِالْعُصْبَةِ أُولَئِ﴾
﴿الْقَوْمَةُ إِذْ قَالَ لَهُ قَوْمُهُ لَا تَقْرَجْ ﴿لَا يُحِبُّ الْفَرِحَينَ﴾

Албатта Қорун Мусо қавмидан эди. Бас у (қавмдошларини назарга илмай) уларга тажсовуз қилди. Биз унга шу қадар хазина берган эдикки, унинг калитларини кўтариши кучли бир жамоатга ҳам оғирлик қиласарди. Ўшанда қавми унга: (Ўзингдан кетиб бу қадар) хурсанд бўлмагин. Албатта Аллоҳ ноўрин қувонганларни суймас"... деганди.

Калитнинг кўплиги мол-дунёниг кўплигига ишора.

Ҳақиқатда у жамғарган олтинлар саноғини олиш мушкул экан. У бу сарватга қандай эришганлиги ҳақида кўп ривоятлар бор. Шулардан бирида келишича, у кимёгар бўлган. Оддий металларни олтин, кумушга айлантира оларди. Ҳаром пул инсон ахлоқига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Қоруннинг қаллоблик билан жамғарган дунёси уни иймондан тўсади, ахлоқини бузади. Мусо алайҳиссаломга нубувват келганда у мутакаббирнинг муносабати кескин ўзгаради. Ўз қариндошига кин сақлаб, адоват йўлига ўтади.

Бир куни қавмининг олдига безаниб чиқди. Дунё ишқи дилини банд этганларнинг бари: "Қанийди, биз ҳам Қорундек бой-бадавлат бўлсак", деб орзу қилишди. Бутун вужуди кибрга айланган Қорун уларга мақтаниб: "Бу бойликларнинг барини ақлим билан, каллам билан топганман", деб мақтанди.

Аллоҳ таоло одамлар кўз ўнгига уни, ҳовли-жойини ва мол-мулкини ерга ем қиласди. Бирдан ер ёрилиб, Қорунни борбуди билан ўз домига тортади. Кечагина унга ҳавас кўзи билан боқаётган ҳавасмандлар: "Вой ", деб юборади. Кўзлари очилиб: "Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишининг ризқини кенг қилиб, хоҳлаган бандасининг ризқини танг қилас экан", дейишади.



Ҳар бир даврнинг ўз сарватдорлари, бадавлат кишилари бўлади. Бир неча йил олдин вафот этган таҳт валиаҳди шахзода уч триллион миқдорда мол қолдирибди...

Ушбуларни келтиришдан мақсад юқорида зикри ўтган барча давлатмандларнинг мол-дунёси илкингда туриб, сўнг қушдек учиб кетган тақдирда ҳам ўксима, "*дунёning аввали-ю охирин бир дам ғам чекишингга, бир дам сиқилишингга арзимайди*" деган ҳақиқатни эслатиш эди.

Сен ҳар қандай дунёдан қимматсан. Сен ҳар қанча бойликдан баландсан. Молни топса бўлади, сени топиб бўлмайди. Шундай экан ғам ема. Кўзни катта очиб орқа-олдингга назар сол. Кўплар кўрмаган ҳақиқатларни кўрасан яққол.

Ҳаётда факир ўтгин демайман. Мени тўғри тушун. Ишла, савдо-сотиқ билан шуғуллан. Лекин охират эвазига бойишни ғоя қилиб олма. Тақдирда битилган бўлса, киши бойийди, битилмаган бўлса, унинг қўлига Қорун хазинасини тутқизиб қўйилса ҳам факир ўтади, дарё лабида чанқаб ўлади, дон экиб нонга зориқади, бўзчи белбоғига ёлчимайди, кулол – мўндиға.

Факирлик тузалмайдиган дарди бедаво эмас. Ризқ тақсимловчига боғланиб ҳаракат қилсанг, бу муаммо ҳал бўлади.

Ҳазрати Али ؏: "Камбағаллик эркак киши бўлганида, ўзим у билан курашиб, ўлдирав эдим", деган эдилар.

"Камбағаллик, жонга тегдинг, тур йўқол!"
Деган билан барҳам топмас оғир ҳол.
Ўқув, меҳнат, бардош, луқмайи ҳалол
Муродга еткарап, бундан ибрат ол.

Юкорига эмас, пастга назар сол,
Мақсадинг бўлмасин фақат йиғмоқ мол.
Пул ишқи дилингни гар қилса ишғол,
Бошда тожинг билан бўласан қарол.

Ж.

Бундан бир неча йил мұқаддам америкалик үигит роса иш қидиради. Лекин иш тополмайды. Охире Микрософт ширкатаға фаррошлиққа ҳужжат топширади.

- Ҳужжатларингизни бизда қолдириб кетаверинг. Электрон почтангизни берсангиз, биз үзимиз сизни чақирамиз, – дейди.
- Менда электрон почта ийк. Ҳатто компьютерим ийк.
- Үндаи бұлса, сиздайларга бизда иш ийк.
- Ахир, жаноб, фаррошлиққа компьютернинг нима алоқаси бор?..
- Иш ийк дедим, бу ердан чиқынг, гап тамом, вассалом.

Тарвузи құлтигидан тушган үигит оёгини базур судраб ширкат дарвозасидан чиқиб кетади. Қүнтағида 10 доллардан бошқа пули ийк. Топған-тутғани шу – 10 доллар, холос.

Үигит бозорга бориб шу пулга помидор хариd қиласы. Қип-қизил тарсилаб турған помирдорни бозордан узокда яшовчи одамлар уйига олиб бориб сотади. Ҳар кунги иши шу – яхии-яхии помидорларни таңлаб, одамларнинг уйига олиб бориб беради. Бу күпчилікка маъқул тушиди. Ҳатто одамлар бунга ўрганиб ҳам қолишиди. 10 доллар 20 доллар бўлади. 20 доллар 30, 40 долларга кўпаяди. Маблағ аравачага етганда үигит битта янги аравача сотиб олади. Ҳеч қанча ўтмай енгил машина олади. Харидор кўпайган сайин мол кўпайиб, дастмоя ортади. Охире катта юк машинаси сотиб олади.

Шу кунларда үигит Кўшима штатлардаги сабзовот савдо-сини ўз қўлига олган катта миллионер. Катта ширкатнинг мудири. Кўлида одамлар ишлайди, қанча-қанча юк машинаси тинмай хизматда.

Бир куни мудир иш юзасидан бошқа бир фирмага боради. Мудирни таниған фирмада ходимлари уни яхши қаршилашади.

- Кўнглингизни тўқ қилинг, жаноб. Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади, – дейди компьютерга бир нарсалар ёзиб ўтирган үигит.

- *Миннатдорман.*
- *Илтимос, бизга электрон почтангизни қолдириб кетсангиз. Иш битган заҳоти сизга мактуб йўллаймиз.*
- *Менда электрон почта йўқ.*
- *Во ажаб! Электрон почтангиз бўлмай туриб шунчалик миллионер бўлиб кетдингизми? Агар электрон почтангиз бўлганида ким бўлар эдингиз-у...*
- *Агар электрон почтам бўлганида Микрософтда фарроши бўлиб ишлаб юрадим, – деб чиқиб кетади.*

Йигитлар унинг орқасидан ҳайрат ва ҳавас билан қараб қолишади.



Кундалик озуқаси хурмодан иборат бўлган саҳобалар, ўша хурмо ҳам камайиб охирни биттани иккига бўлиб еган улуғ асҳоблар вақт ўтиши билан катта мол-дунёга эга бўлишган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дейди:

Шундай кунларни кўрдимки, Оиша розияллоҳу анҳо уйлари билан минбар ўртасида хушимдан кетардим. Баъзилар мени бу ҳолда кўриб, "жин теккан" деб ўйларди. Бошимни кўтариб, "сен ўйлаган нарса эмас, очлик мени йиқитди", дер эдим.

Бухорий Саҳиҳи.

Инсон очлик боис хушидан кетиши учун, тутқаноқ тутган акашак одамдек ерга йиқилиб, ўзини билмай қолиши учун неча кун овқатланмаслиги керак? Бир кунми, ўн кунми?

Бир кун оч қолган киши ерга қуламайди. Икки, уч кун туз тотмаса ҳам йиқилиши мумкин эмас. Тўғри, заифлашади, оёқ итоат қилмай юргиси келмайди, лекин шундай бўлишига қарамай ерга гурсиллаб тушмайди. Ҳатто ўн кечаю ўн кундуз ҳеч нима емаган кишиларда ҳам бу ҳолат рўй бермаса керак. Чунки очлик билан ўзини ўзи даволаш услубида "ўн кунгача таом емай режим қилиш" деган муолажа услуби бор экан.

Демак инсон ўн кун очликка базўр чидаши мумкин. Назаримда ўн кундан кейин акашак бўлиб қолса керак.

Шундай оғир кунларни бошидан кечирган Абу Хурайра сабр-бардош билан бойиб кетдилар. Шаҳарга ҳоким бўлдилар. Баъзи факирларни ҳовли-жой билан таъминладилар.



Тупроққа қоришиб кетадиган заволга маҳкум дунё учун оҳ-фарёд уриб йиғлаётган акалар,

Озгина етишмовчиликка чидолмаётган укалар, ўйинчоқдек ҳақир дунё учун уввос солиш ярамайди. Унинг ўрнига Хўжангизга мурожаат қиласангиз, ҳожатингизни чиқаради, мушкулингизни осон қилади, сўраганингизни беради...

Бир ўйлаб кўринг, агар ўғлингиз ўйинчоғи бузилганда йиғласа ёки кўчадаги ўйиндан хафа бўлиб келса, "ўғлим, бу – ўйинчоқ! Ўйинчоқ учун хафа бўлиш, сиқилиш, йиғлаш дуруст эмас. Бу – ўйин, ақлли бола ўйин деб куйинмайди", дейсиз. Худди шу каби Аллоҳ бу дунёни ўйин-кулги деб атади.

﴿وَمَا هَذِهِ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا لَهُوَ وَلَعِبٌ وَإِنَّ الدَّارَ الْآخِرَةَ لَهُمْ أَنْحَى الْحَيَاةَ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾

﴿*Бу дунё ўйин-кулгу, холос. Агар билсаларинг, охират диёридаги ҳаётгина ҳақиқий ҳаётдир!*﴾

Анкабут 64-оят.



Турмуш ташвишлари тез қаритиб қўйган оғам! Қирчилла-ма ёшингда қариб қолибсан. Ким сен бу аҳволга солди? Нега ҳолинг бу қадар забун? Рўзформи? Қўрқувми? Ё бошқа нарсами? Бош оғриқни кўтариш учунгина яратилмаган. Сен нуқул қўл-оёғингни ишлатасан, бошни эса чанглайсан. Бошни ҳам ишга солиб кўр, шунда, қўл-оёқ ва бутун тананг роҳатланади.



Имтиҳондан ўтолмай азоб-алам алангасида күяётган укажон! Бу қадар ўзни қийнаш ярамайди. Ўқишида ўз ўрнингни топмасанг бошқа ишда муносиб ўрнингни топарсан. Ўксима, ўкинма... Сени ҳаракатдан тўсадиган ҳар бир ғамни ортга отиб олдинга интил.



"Қизимга айланган келиним, эrim суйди деб суюнма, койиди деб койинма", дея насиҳат қилган экан қайнона ўз келинига. Бу гапнинг тагида ҳаётий ҳақиқат яширинганди.

Суюнма, яъни талтайиб кетма. Койинма, яъни куйиб ёнма, қаттиқ хафа бўлма, ғам-алам чекма, демоқчи.

"Эrim урмайди дема, болам сиймайди дема", дейди ўзбеклар. Сен қандай бўлсанг эринг ҳам шундай бўлади. Фақат олийжаноб эркакларгина хотинига қўл қўтармайди. Хатони кечиради. Фақат олий тарбия топган хотинларгина эрига гап қайтармайди. Хотин тилини тийса, эр қўлини тияди. У тилни ўқласа, бу қўлни муштлайди.



Эшигини совчилар қоқмаётган афифа. Ғам ема, койинма! Тунда туриб, ҳаммани жуфти билан яратган ёлғиз Аллоҳга дуо қил. Беш маҳал намозингда, қиёмуллайлда, тонги, тунги зикрларингда ўзингга муносиб жуфт сўра. Бу айб эмас. Уят ҳам эмас. Ҳамма айб, уят кўчага безаниб чиқиб, ишва, нозу карашма билан ёшу қарини ўзига қаратишдадир. Биламан, сен ундей қилмайсан, ҳатто ичингда "Илоҳо, менга солиҳ жуфт насиб этгин" дегани ҳам уяласан. Уят – иймон аломати. Лекин бу борада уялмай, меҳрибон Парвардигорингга арзи ҳол эт. Ёлғиз ўтма. Ҳозир билинмайди. Кексайганингда билинади. У пайтда ўғил-қизлар, набиралар даврасида ўтиришдан кўра яхшироқ баҳт бўлмайди.

Абу Умар Сулаймон ал-Ашқарнинг китобида ўқиб эдим, чет эллик профессор аёл шундай деган экан:

Мен зиёли аёлман. Турли дипломларим бор. Катта илмий унвонларга эгаман. Халқаро илмий анжуманларда иштирок этганман. Қанча-қанча шогирд чиқардим. Илм-фан билан машгул бўлғаним учун давлат менга хизматкорлар ажратган. Ҳамма сафарларим университет ҳисобидан амалга ошиди. Ер юзида мен бормаган қитъа қолмади.

Мана ҳозир пенсиядаман. Ёлгизман. Аёл сифатида менга берилган олтин имкониятни қўлдан бой берганимдан минг афсусдаман. Шунча ном, шунча обрӯ, шунча мол ўрнига бир дона фарзанд кўрганим мен учун афзал экан...

Арабистонда бир ижтимоий мудҳиш камчилик бор. Буни уларнинг ўз олимлари ва зиёлилари тан олади ва танқид қиласди. У аянчли ижтимоий ҳодиса қизларни ўқитиш ёки бошқа сабаб билан турмушга чиқишини кечиктиришdir. Баъзи жоҳил оталар қизининг катта маошидан айрилиб қолишдан қўрқиб, келган совчиларни эшик тагидан ҳайдар экан. Ота ҳеч қаерда ишламайдиган бекорчи чилимхўр чол. Қизнинг маоши юқори. Топганининг кўпини отанинг қўлига топширади. Агар эрга тегиб кетса, қария мўмай даромаддан айрилади. Шунинг учун ким унинг қизига оғиз очса, рад жавобини беради. Қиз бечора эса менга совчи келмаяпти деб ич-ичидан эзилиб юраверади. "Эрга тегаман" дегани ҳаё йўл қўймайди. Борабора совчилар улар эшигидан узилади.

Шундай оталардан бири тунда таҳорат олгани чиқади. Қизининг хонаси ёнидан ўтаётганда қари қизнинг жойнамоз устида йиғлаб ўтирганига кўзи тушади. Қиз мунгли овозда йиғлаб дуо қиласди: "Илоҳо, отам мени жуфти ҳалолдан маҳрум этгани каби уни ҳам Сен Ўз жамолингдан маҳрум эт", яъни жаннатга киргизма, дерди.

Отанинг вазифаси қизини эрдан тўсиш эмас, аксинча омонатни тезроқ ўз эгасига топширишдир. Совчи келмаса, ўзи юриб куёв изласин. Омонатдан барвақт қутилсин.

Умар ибн Хаттоб ﷺ қизлари Ҳафсанинг эри Хунайс ибн Ҳузофа вафот этади. Аёл иддаси тугагандан сўнг дада қизига жуфт қидиради. Умарнинг ўzlари Абу Бакр ёнига келиб карималарини таклиф этадилар. Абу Бакр ﷺ индамай рад берадилар. Сўнг Усмонга ﷺ арз этадилар. Усмон "олмайман" деб очиғини айтадилар. Қизига ачинган ота Росулуллоҳга ﷺ оғир ҳолидан шикоят қиласди. "Қизингга Усмондан кўра афзалроқ киши уйланади, Усмон қизингдан кўра афзалига уйланади", дедилар. Ҳафса розияллоҳу анҳо мўминлар онаси бўлиш баҳтига ноил бўлдилар.



Фарзанд кўриш умидидаги болажон бефарзандлар. Ҳар кимга синов ҳар хил келади. Синовингиз шу экан, ундан йиқилмай ўтишга урининг. Раббоний ҳикматга кўра фарзанд сиздан кечикаётгандир, ноумид бўлманг. Билинг бу синов бир сизга хос эмас. Иброҳим Халилуллоҳ ﷺ кексайганда фарзанд кўрган. Абдуллоҳ ибн Муборак умуман бефарзанд ўтган...

Мединицина фанлар доктори дейди: "Шифо учун доридармондан ташқари унумилган бошқа сабаблар мавжуд. У кўп истигфор ва садақадир. Бир ошнам узоқ вақт фарзанд кўрмади. Ичмаган дорисию бормаган табиби қолмади. Лекин бари бефойда кетди. Орадан неча йил ўтгач, аёл шифохона ёнида ўтирган тиланчи кампирга садақа беради. Кампир катта миқдордаги пулни кўриб, аёл орқасидан самимий дуо қилиб қолади. Ошнамнинг аёли шу кеча ҳомила бўлади..."

Ҳамма бир кунда 100 та, 200 та истигфор айтса, сиз 1000 та, 2000 та истигфор айтинг. Сабабларни ушлайверинг, ноумид бўлманг. Раббингиз дуони мустажоб қилувчи Зотдир.



Бемористондаги bemor биродар, бетоб бўлдим деб бўзла-
ма. Ичингни тирнаб бир дардни икки қилма. Худо суйган
бандасига бало беради.

Дунёда факат бир тоифа инсонларгина касал бўлмайди,
дард кўрмайди, холос.¹ Кимнингки жаҳаннамга тушиши
муқаррар бўлса, улар ғолибо касал бўлмас экан. Бошқалар эса
бир кун касал, бир кун соғ. Қишининг ўз касали, ёзнинг ўз
касали бор. Ёшлиқда келадиган касаллик бор, кексаликда
келадигани бор. 40 ёш билан 50 ёш орасида келадиган дард
бор, 60 билан 70 орасида йўқлайдигани бор. Касаллик ҳам
кейин-кейин ўртоқдек тез-тез ташриф буярур экан. Шунинг
учун ўзини олдирмайдиган кишилардан бирига касаллик
келса, "келинг, дўстим, марҳамат", деб ўзини олдирмас экан.
Бошқаларга ҳазиллашиб: "касаллик менинг ўртоқларим, тез-
тез йўқлаб туришади", дер экан.



Улуғлардан биридан сўрашибди:

- Сиз бу ютуқларга қандай эришгансиз?
- Ҳеч кимга суюнмаганман, бирордан ёрдам кутмаганман.

Бу дегани "одамлар билан алоқангни уз, ўз юмишингни
факат ўзинг бажар" дегани эмас. Кўпчилик билан кўп ишлар-
ни амалга ошириш мумкин. Дўст-ёр, қавм-қариндош ва бошқа
яхши инсонлар билан ҳамкорлик, елкадошлиқ яхши хислат.
Лекин таниш-билишга жуда қаттиқ ишониб, бутунлай уларга
суюниш яхши хислат эмас. "Сувга суюнма, ёвга сифинма"
деган мақол беҳикмат айтилмаган. Баъзилар сувга эмас, сояга

¹ Ибн Ражаб келтирган ҳадисда: Бир киши жанобимиздан "иситма нима?" деб
сўрайди. "Жаҳаннамий кишини кўришни истаганлар шунга боқсин", деган
эканлар.

сүяниб юрибди. "Акахонимиз бор", "Ишончли танишимиз бор", деб Аллоҳга бўлган таваккални таниш-билишга ўтказиб юборган. Бошқа бир мақолда: "Эчкининг таёқ егиси келса, чўпоннинг таёғига суюнади", дейилади. Ҳақиқатда, баъзилар таниш орттириш керак, бу дунёда таниш-билишсиз иш битмайди, деган ғалат тушунчада дуч келган шахсга ўзини яқин тутади. Эгрими-тўғрими, солиҳми-толиҳми, яхшими-ёмонми фарқи йўқ. Ҳатто йиртқичдан кўра ёвузроқ махлуқни таниш тутиб, охири таёқ ейди. Чет элда бир нодон "бу ўргатилган ювош шер", деб қафасга киради, "ювош шер" уни бир пасда қиймалаб ташлайди. Ўргатилган тақдирда ҳам эҳтиёт яхши. "Ишонган тоғда кийик ётмас" деган мақол жуда қадим мақол. Бошқа бир мақолда: "Эгилган таёққа суюнма, сени ҳам эгади", дейилган. Тааммул қиласа арзирли дониш гап. Одамларнинг қийшиғига таянсанг, сен ҳам ноилож қийшаясан. Тўғрига таянсанг, бешак сен ҳам тўғриланасан. Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.



"Гап билгунча иш бил"ми ёки "Иш билгунча гап бил"ми, қайси бир ибора тўғри?

Бу хусусда "Тил тойиса, тузалмас" рисоласида батафсил сўзланган, бу ўринда қисқа қилиб айтсак, иш ўрнида иш билган яхши, гап ўрнида гап билган яхши. Баъзи муаммоларни гап билан ҳал қилиб бўлмайди, бундай пайтда иш даркор. Баъзи бир ўринларда иш эмас, гап бакор. Сувдаги одамни қутқариш учун сўзга уста эмас, сузишга уста бўлиш керак. Суддаги одамни қутқариш учун сузишни эмас, сўзлашни билиш керак. Яъни чўкаётган киши учун моҳир сузувчи аскатади, қамалаётган киши учун сўзамол оқловчи аскатади. Бир пайт келадики, унда иш ҳам, гап ҳам иш бермайди. Фақат бир нарса фойда беради, аскатади. Уни "Тил тойиса, тузалмас"да ўқийсиз, инша Аллоҳ.

Хитой халқ ҳикматли ҳикояларида ёзилишича:

Подиоҳ йўлнинг ўртасига катта харсангтош қўйишга буюрибди. Бир ходимни йўл бўйидаги дараҳт ёнида қолдирив:

- *Йўловчиларнинг сўзига қулоқ сол, – дебди.*
- *Ҳўп бўлади, ҳазрати олийлари, – дебди ходим.*

Ҳеч қанча вақт ўтмай йўлдан бир бадавлат одам ўтиб қолибди. "Бу нимаси?! Масъуллар қаёққа қарайпти?! Мен буни тегишили жойларга етказаман. Юқорига шикоят қиламан!" деб, тошнинг ёнидан базур ўтиб кетибди.

Кейин оддий қурувчи келибди. Харсангни кўриб у ҳам бояги бадавлат киши айтган сўзларни қайтарибди. Лекин унга ўхшаб овозини баланд кўтармабди. Чунки унинг жамиятдаги ўрни аввалги кишиники нисбатан анча қўйироқ экан-да.

Сўнг ота-она ҳисобига яшовчи учта ўспирин ҳовлиқиб келиб қолади. Улар тошни кўриб роса кулишаади. Ўз мамлакатларини қолоқликда айблашаади. Тошни қўйган кишини аҳмоқ, анқов, нодон, қолоқ, деб ҳақоратлашаади.

Орадан икки кун ўтибди. Иккинчи кун деганда бир оддий дехқоннинг шу томонга йўли тушибди. Йўлдаги харсангни кўриб, ҳеч нима демай дарҳол енг шимариб, уни йўл четидан олиб ташлашига киришибди. Тош анча катта ва оғир эди. Дехқон ўзига ўхшаган одамларни чақириб биргаликда тошни йўлдан четлатишибди. Тилни эмас, қўлни ишга солишибди.

Тошни жилдирганларида остидан сандиқ чиқиб қолади. Сандиқни очишиса, ичи тўла олтин, кумуш экан. Ҳазина тепасида мактуб ётарди. Мактубни очиб ўқишиди. Унда шундай ёзувлар бор эди: "Ушибу тилло ва кумушлар тошни йўлдан олиб ташлаган кишиларга мамлакат подиоҳидан ҳадя".



Иш юришмаса, буламиқ дандон синдирап,¹ дейилганидай, баъзиларнинг иши бир орқага кетса, ҳаммаси бирваракайига орқага кетади. Шунда муаммони ҳал қилиш ўрнига айбдор қидириб, вақтни зое кетказади. "Фалончининг кўзи теккан", "Фалончининг суки кирган", "Бунга фалончи айбдор", "Бу фалончининг хатоси сабабли рўй берди", деб муаммони ўзгалар елкасига юклайди ва шахсий муаммоларини кимдир ҳал қилиб беришини кутиб ўтиради. Кимдир кимдандир шикоят қилади. Кимдир кимнидир айблайди. Осон ҳал бўладиган муаммо ҳажмини катталаштириб, масалани анча қийин ва чигал қилиб юборади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳамма мусибат ҳам бало эмас. Ҳамма нуқсон зарар эмас. Хитой зарбулмасалида келади:

Хитойлик аёлнинг иккита кўзаси бор экан. Бири бутун, бири ёриқ. Аёл ҳар куни уйига шу иккита кўзада сув ташийди. Бутун кўзада сув тўла келса, ёриқ кўзада ярим келар экан. Бир куни ёриқ кўза тилга кириб, аёлга узрини айтибди:

– Ёриқлигим боис мен сенга яхши хизмат қилолмадим.

– Нега ундаи дейсан? Сув ташийдиган йўлимиздаги гулларни кўрганмисан? Йўлнинг бир томони гулзор, иккинчи томон бўм-бўш. Сен икки йилдан бери шу гулларни сугорасан. Шеригинг томонда эса бир дона ўт ҳам йўқ. Сени ямаши осон эди, лекин жўрттага ямамай, бироз дарз пайдо бўлгач, йўлга уруғ сепиб қўйдим ва ёрдамингда гулларни сугоридим, – дебди.

Танангда нуқсон пайдо бўлса, ҳаётингда камчилик рўй берса, текис кетаётган силлиқ ишинг бирдан орқага кетса, дарров сиқилиб, ичингни еб, касалликка чалиниб, кўргилик устига яна янги кўргиликни орттирганин. Ҳар бир нарсанинг ортида ҳикмат бор. Сен бор имкониятингни ишга солиб муаммони ҳал қилишга ҳаракат қил. Заардан фойда олишга, нақзиённи манфаатга айлантиришга ҳаракат қил. Кўзаси дарз

¹ Мақол. **Буламиқ** – Аталасимон овқат. **Дандон** – Тиш.

кетган аёлдан ибрат ол. Аёлнинг бир кўзаси ёрилганда, "вой фалончининг кўзи тегди" демади, "брак бўлди, энди ишга ярамайди" деб ахлатга ташлаб юбормади. Балки ёриқ кўзадан гулчелак ўрнида фойдаланиб, гулзор, чаманзор барпо этди.

Агар буни эртак деб унчалик қаноатланмасанг, ғаройиб оламнинг ҳақиқатларига қара. Ногиронлар яратган ажойиботларга назар сол. Бир оёғи йўқ ногиронлар қўлтиқтаёқда футбол ўйнайпти. Икки қўлу икки оёғи йўқ мажруҳлар сувда сузяпти. Умуман ишга яроқсиз инвалидлар спортнинг турли соҳаларида ўтказилган мусобақаларда иштирок этаяпти. Яқинда ўтган "Паралимпийские игры" Ногиронлар олимпиадасида инсон боласи нималарга қодир экани янада яққол намоён бўлди.

Холик жалла жалолуху инсон ичига ирода номли қувват бекитган, миясига тафаккур деган маърифат жойлаган, дилига ҳиммат: ғайрат-шижоатни эккан. Агар инсон бу ботиний имтиёзлардан оқилона фойдаланса, уларни тўғри ишга солса, кўп ажойиботларни яратади. Заарни фойдага айлантиради...

Сарахсий амир истагига қарши фатво берганлари учун Ўзган шаҳридаги зинданга ташланадилар. Халойиққа манфаати тегаётган хур олим учун бундан ортиқ кўргилик йўқ эди. Бу, олим учун ҳам, шогирдолари учун ҳам ва замондошлиари учун ҳам бир нав зиён. Зеро улар маҳбус олимдан фойдалана олмайдилар. Зоҳиран заарли кўринган бу ҳодиса келаҗак авлод учун фойда келтирди. Имом Сарахсий зинданда туриб ҳанафий мазҳабга асосланган 30 жилдли катта ҳажсми "Мабсум" китобини ёздилар. Аниқроғи шогирдоларга ёддан имло қилиб турдилар, талабалар домладан эшиятганини қаламга олди. Шундай қилиб зарар фойда келтирди.



Имкониятлар чекланган зах зиндонда биргина "Мабсүт" таълиф этилмаган. Узок-яқин тарихни синчиклаб ўрганилса, ёғдусиз ерда дунёга келган нур сочувчи китобларни кўплаб топиш мумкин. Қани энди, шу ишга енг шимарарадиган мутахассис зухур этиб, тарих давомида диний ва дунёвий соҳада ёзилган асарларни жамлаб, ўқувчларига тақдим этса. Китоб шинавандаларига бандиҳонани ижодхонага айлантира олган қаламкашлар хақида маълумот бериб, замондошимиз кутубхонасини бойишига ўз ҳиссасини қўшса, деб умид қиласиз.

Айтишларича, шўролар даврида М.Исмоилий "Фарғона тонг отгунча" китобини айни шу ерда ёзган экан.



Дуоси мустажоб Увайсул Қорний номли тобеин баданларида оқ доғлар (нес) бор эди. Дуо қилган эдилар дарҳол шифо тондилар. Лекин қоринда тангача оқ доғ қолади.

- *Дуо қилсангиз, шунчасига шифо берган Аллоҳ қолганигаям шифо беради, – дейшиди.*
- *Майли, тураверсин. Шуни кўриб Раббимни эслаб тураман, – дебдилар.*

Ҳақиқатда касаллик Аллоҳни эслатади. Умрида Худо демаган одам ҳам касал бўлганда Худони эслаб қолади. Бу эса банда учун энг катта ютуқ.



Ҳасадчининг тилидан дили оғриган маъюс. Битта гапга бошингни чанглаб ўтирасанми?! "Шунча гапни тахлаб ташлади, мен эса гапга нўноқлигим боис унга рад беролмадим" деб куюнма. Сукут мағлубият эмас. Нодон билан тенглашиш фазилат эмас. Фозил ўз фазлини, оқил ўз қадрини билсин. Тенг тенги билан... "Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс".

Набий соллаллоҳу алаиҳи васаллам ҳузурларида бир киши Абу Бакрни ҳақорат қиласади. Абу Бакр розияллоҳу анҳу одоб сақлаб ҳеч нима демадилар. Пайғамбар алаиҳиссалом Абу Бакр тутимидан ажабланиб қулиб қўйдилар. Раддия олмаган киши яна авжига чиқиб, бўлмагур сўзларни айти бошлади. Бу гал Абу Бакр чидолмай унга раддия бердилар. Росуллоро ғазабланган ҳолда ўринларидан туриб чиқиб кетдилар.

- Ё Росуллоро, бояги киши мени ҳақорат қилганда мажлисда ўтиргингиз, менга қулиб қарадингиз. Мен унга рад берганимда ғазабланиб чиқиб кетдингиз?..
- Сиз сокитлигингизда бир Малак унга рад бергаётган эди. Ўзингиз рад беришини бошлагандага шайтон етиб келди. Шайтон бор жойда ўтиргим келмади, – деб, Абу Бакр қорқали бутун умматга ушибу ҳикматни баён этдилар:

يَا أَبَا بَكْرٍ ثَلَاثَ كُلُّهُنَّ حَقٌّ: مَا مِنْ عَبْدٍ ظُلِمَ بِمَظْلَمَةٍ فَيُغَضِّبُهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ، إِلَّا أَعْزَّ اللَّهُ بِهَا نَصْرَهُ، وَمَا فَتَحَ رَجُلٌ بَابَ عَطَيَّةٍ، إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ بِهَا كُثْرَةً، وَمَا فَتَحَ رَجُلٌ بَابَ مَسَالَةٍ، إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ بِهَا كُثْرَةً، إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ بِهَا قِلَّةً

Эй Абу Бакр, учта нарсанинг бари ҳақдир:

- 1- Бирор бир бандада қандайдир зулм билан жабрланиб, Аллоҳ азза ва жалла учун ундан кўз юмса, албатта Аллоҳ шу боис уни нусрати билан ализу мукаррам қиласади.
- 2- Қайси бир киши қавм-қариндошлар (ёки умум мусулмонлар орасида) алоқани тикилаш истагида совга эшигини очса, албатта Аллоҳ шу боис молини кўпайтиради.
- 3- Қайси бир киши мол кўпайтиши мақсадида тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ азза ва жалла шу боис унинг молини камайтираверади.

Ином Аҳмад Муснади.

Ҳақоратчилар, тұхматчилар, ҳасадчилар Пайғамбаримиз  давларида ҳам, сақобалар даврида ҳам, тобеинлар даврида ҳам топилған. Улуғларнинг нодонларга нисбатан мавқеи сизу биз учун ўrnак. Улуғ тобеиндан ўrnак олсангиз ҳасадчининг ҳанграши сизга сира таъсир ўтказмайди.

Аҳнаф ибн Қайсга бир беадаб бўлмагур гапларни гапира бошлайди. Ўзини кўкка кўтариб олимни ерга уради. Турли айбларни ўйлаб топиб унинг юзига солади. Ҳақорат қиласиди. Аҳнаф унга рад бермай худди ҳикоя тинглаётган кишиидек унинг сўзини жисм тинглайди. Киши охиро чарчаб сўздан тўхтайди. Гап тўқийдиган ускунаси шалтаги чиқиб, бошқа гап тополмай қолади. Шундан сўнг Аҳнаф ўз йўлларида давом этадилар, у ўз йўлига равона бўлади.

Рад жавобини олмаган жоҳил чаён чаққандек чириллаб ииғлайди. "Тинчликми?" деб сўрашганда, "Мени суҳбатга лойиқ деб топмади. Мени назарга илмади. Агар ундаи деса, бундай дейман, бундай деса, ундаи дейман, деб ичимда анча гап-сўзни тайёрлаб қўйган эдим. Ўзимниям, сўзимниям бир пақирга қиммат билиб, лом-мим демади-я. Ҳамма гапим ичимда қолиб кетди-я", дейди янада хуноби ошиб.

Демак, сукут заифлик эмас. Жим туриш қўрқоқлик эмас. Раддия бермаслик нўноқлик аломати эмас. Аксинча сукут олийжаноблар хислати, буюк шахсларга хос фазилатdir.

Киши агар бозорда кўкатфуруш билан талашса, чойхонада ошналар билан олишса, ишхонада ҳамкаслар билан тортишса, кўчада дуч келган билан ўчакишса, катта билан айтишса, кичик билан урушса, тенгхўр билан ёқалашса, уйда хотинга зўрлик қиласа, ҳаммага ваъда бериб ваъдасида турмаса, у бебурд чин маънодаги одам эмас, иккита кичик қавсга қамалган "одам" бўлиб, асли жойи ҳайвонот боғидаги қафасдир.



Қўрқув қалбини қамраган қайғули қардош. Бу дарднинг асорати ёмон, оқибати хатарли.

Биринчидан у кишини ночор қилиб қўяди. Ишдан, ўсишдан тўсади; эзгу амаллар йўлига тўғаноқ бўлади. Иккинчидан, ботирни юрагини олиб қўйиб, абгор қилади. Чумчук пир этса, юраги шир этадиган қўрқоққа айланиб қолади. Қўрқоқ кўланкасидан ҳуркийди, соясидан чўчийди. Арқонни илон дейди. Кўзига ҳамма нарса қўш кўринади. Қўрқув ундан ишончни тортиб олади, тандаги қувватни зуликдай сўради. Ҳеч кимга ишонмайди, ҳаммадан ҳадиксирайди. Қоронғи узлат ғорига бекиниб, аста-секин ёввойилашади. Шоир айтганидек: "Кўрқоқ ўлмасдан бурун ўлади, ўликдан нима кутиб бўлади".

Лекин у бедаво дард эмас. Муолажа билан барҳам топади. Аввало қўрқув омилини билиш керак. Кимдир ўнгига қўрқса, кимдир тушида қўрқади. Баъзиларники фантастик қўрқув – ҳар хил хаёлларга берилавериб васвос бўлиб қолган. Баъзилар қўрқинчли кино кўриш ёки шундай асар ўқиш натижасида юрагини олдириб қўйган.

Баъзиларнинг қўрқуви реал қўрқув. Хадигига жон бор. Хафв-хатар хаёлий эмас, ҳақиқий. Кимгадир зўравон таҳдид солади, кимдир қароқчидан қўрқади, кимлардир ситамкор султон салтанатида таҳликали кунларни бошидан кечиради.

Кимнингдир қўрқуви ҳақиқат билан хаёл ўртасида. Изтиробли иқтисод, раққосадай ўйновчи нарх-наво уни чўчитиб қўйган. Томдан тараша тушгандай тўсатдан ташланадиган фақирлик кўпнинг юрагига ғулғула солган. "Беъмани хаёлга берилма", дейишга иккиланасиз. Зоро кеча бадавлат юрган кишининг эртасига беамал фақирга айланиши ҳаётый факт.

*Кишим йўқ, давлатим йўқ, камбагалман,
Яроғ йўқ, мансабим йўқ, беамалман.*

Ҳабибий.

"Очарчилик"ни кўрган бир кампир омон-омон замонда ҳам қоп-қоп қаттиқ нон йиғиб қўярди. Буни ўзим кўрганман.

Бошқа бир аёл эса сабзавот ва мева-чева пўчоқларини ҳеч кимга бермай уйида қуритиб, қоқи қилиб қўяр экан. Бунинг сабабини сўралганда, "кейинчалик қўй сотиб олсак, керак бўлади", деб жавоб берган. Буни бирордан эшитганман.

Яна бир хавф борки уни қайси қўрқув турига киритишни билмайсан киши. Хаёлий десанг, хаёл эмас, ҳақиқат десанг ҳақиқат эмас. Масалан, у ҳадикчи одамларга яқинлашишдан қўрқади. Доим ўзини панага олади. Ҳамма ағёрни ғаним, дўст-ёрни нодон деб билади. Бирорга бир нарса айтгани чўчийди. Ҳеч кимга эл бўлмайди, қайишмайди. Буни ваҳм дейишга асос йўқ, зеро унинг нодон дўсти унга бир неча бор панд берган. Ҳақиқат дейишга ҳам асос йўқ. Зеро Қуръон "ёмон гумон"дан қайтарган. Ҳар қандай қўрқув каби бу қўрқувнинг ҳам шахс ва жамиятга зарари катта.

"Ўғри дўқиси билан қўрқитар, ёмон аёл – йигиси билан" дейилганидек, бу ерда оғзаки ё ёзма равища қўрқитиш, дўқ-пўписа, таҳдид, "ундай қивораман, бундай қивораман", деган чўчиши бор. Бу ҳам на хаёл ва на ҳақ бўлган муҳмал қўрқувлардан. "Куруқ пўписа, қўрқма!", десангиз, пўписа ҳақ бўлиб чиқсачи? Бирорнинг умрига зомин бўлиб қоласиз. Ҳавода қолган юзаки дағдағаларни эсласангиз, яна фикр ўзгаради.

Демак қўрқув омиллари бир хил эмас, ҳар хил экан. Муолажа ташхисга қараб бўлади. Мен бу ўринда умумий қўрқувга қарши учта шаръий дорини эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Биринчиси: "Ҳар бир нарса Аллоҳдан" деган қатъий эътиқод. Иккинчиси: Аллоҳга таваккал; Унга ишларни топшириш, Унга суяниш.

﴿ قُلْ لَنْ يُصِيبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَى اللَّهِ فَلَيَسْتَوْكِلُ الْمُؤْمِنُونَ ﴾

﴿ Айтинг: "Аллоҳ биз учун ёзган нарсагина бизга етади. У бизнинг Мавломиздир. Мўминлар фақат Аллоҳга таваккал қилишисин!" ﴾

Тавба 51-оят.

"Қазои қадарнинг яхши ва ёмони Аллоҳдан" деган эътиқод банда қалбига хотиржамлик бағишлиайди. Тақдирга иймон Иймон руқнларидан бири эканлигининг сири ҳам шунда.

Учинчи дори – дуо. Росулуллоҳ ﷺ бу борада маҳсус дуоларни амалий равишда ўргатганлар.

Ибн Умар رض дейди: Набий ﷺ ҳар куни тонгда ва тунда ушбу дуони канда қилмай доим ўқир эдилар.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْغَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْغَافِيَةَ فِي دِينِي وَدُنْيَايَ وَأَهْلِيِّ، وَمَالِيِّ، اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَاتِيِّ،
وَآمِنْ رُوْعَاتِيِّ، اللَّهُمَّ احْفَظْنِي مِنْ يَنْيَدِيَّ، وَمِنْ خَلْفِيَّ، وَعَنْ يَمِينِيَّ، وَعَنْ شِمَائِلِيَّ، وَمِنْ فُوقِيَّ، وَأَعُوذُ بِعَظَمَتِكَ أَنْ أُعَذَّلَ مِنْ تَحْتِيَّ.

1- Ё Аллоҳ, мен Сендан дунё ва охиратда афву оғият – соғлик-саломатлик сўрайман.

Ё Аллоҳ, мен Сендан дину дунёйимда, аҳлимда ва молимда афву оғият сўрайман.

Ё Аллоҳ, авратимни сатр эт, қўрқувдан омонлик бер – хотиржам қил.

Ё Аллоҳ, олдимдан, ортимдан, ўнгу сўлимдан ва тепамдан Ўзинг мени ҳифзу ҳимоянгда асра. Буюклигинг ила оёгим остидан ҳалокатга учрашимдан паноҳ тилайман.¹

Абу Довуд ва Ибн Можа Сунанларидан.

¹ Дуонинг арабчасини ёдлаш афзал.

Афв – Гуноҳларни маҳв этиш, кечириш. **Оғият** – Соғлик-саломатлик.

Дунёдаги оғият – Ҳаётга зарар етказадиган ҳамма бало-офтлардан саломатлик.

Охиратдаги оғият – Охиратдаги азоб-укубатдан саломат қолиш.

Диндаги оғият – Динни булғайдиган барча хурофотдан саклаш.

Аҳли аёл ва молдаги оғият – Уларга етадиган зарар ва бало-офтларни дафъ этишингни, уларни Ўзинг мудофаа қилишингни тилайман, демакдир.

Авратимни сатр эт – Ҳаётлигимда ва вафотимдан сўнг уят жойимга бироннинг кўзи тушишидан Ўзинг асра. Гуноҳларимни ошкор этма.

Қўрқувимдан омонлик бер – Қўрқувга сабаб бўлмиш барча қўрқинчли ҳолатдан, қўрқинчли манзарадан омон қил – хавфу хатардан тинч-омон қил.

Оёқ остидан ҳалокатга дучор бўлиш – Ер ютишидан, зилзиладан паноҳ сўраш, деб изоҳлайди баъзи олимлар.

عن خولة بنت حكيم السلمية : سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول من نزل منزلة ثم قال

أعوذ بكلمات الله التامات من شر ما خلق لم يضره شيء حتى يرتحل من منزلته ذلك

2- *Хавла бинт Ҳаким Суламийя¹ дейди: Мен Росууллоҳ соллаллоҳу алаихи вассалламнинг "Кимки бирор манзилга тушиб, сўнг "аузу бикалиматил лаҳит-таммати² мин шарри ма холақ" деса, шу ўриндан туриб кетгунга қадар ҳеч нарса унга зарар қилмайди", деганларини эшиштганман.*

Муслим Саҳиҳи.

Бир киши Набийга ﷺ келиб чаён чақиб олганидан шикоят қилди. Шунда жанобимиз ﷺ: "Кеч кирган маҳал "аузу бикалиматил лаҳит-таммати мин шарри ма холақ" деганингда ҳеч нарса сенга зарар етказа олмасди" дедилар.

Муслим Саҳиҳи.

Бошқа ривоятларда кечаси уч марта "аузу бикалиматил лаҳит-таммати мин шарри ма холақ" деб дуо қилиш хусусида ҳадис келган.

Дуонинг маъноси: "Аллоҳнинг мукаммал қалималари ила яратганларининг ёмонлигидан паноҳ тилайман", демакдир.

Яъни Аллоҳ яратган барча маҳлукотларнинг ёмонлигидан Аллоҳнинг ўзига илтижо қилинняпти. Айтишадики, чўпоннинг ити сенга вовилласа, ит билан олишмай, чўпоннинг ўзига мурожаат қил. Чўпон итини тийиб олади. Сен бемалол йўлдан ўтиб оласан. Шунингдек, Холиқ маҳлукотларидан бири сенга таҳдид солса, уларни яратган Зотнинг Ўзига мурожаат қил, Ўзидан паноҳ тила, омон қоласан, дейилмокда.

¹ Хавла бинт Ҳаким Суламийя розияллоҳу анҳо ҳижратдан олдин Росууллоҳга ﷺ байъат қилган саҳобия аёл. Усмон ибн Мазъуннинг рафиқаси. Хадижа онамиз розияллоҳу анҳо вафот этганларидан кейин жанобимизга "уйланмайсизми?" деб илк бор бу борада сўз очган аёл. "Кимга уйланаман?" деб сўраганларида, баъзи аёлларнинг исмини айтган.

² Остида чизифи бор ҳарфни бир оз чўзиб талаффуз этилади.

3- Бисмиллахил лазий ла язурру маа исмиҳи шайъун фил арзи ва ла фиссамаи, ва ҳувас самиъун алийм дуосидир. Уни тонг отгач ва тун киргач уч мартадан ўқилади.

Тонгдан мурод бомдод билан ишроқ орасидаги вақт, тундан мурод аср билан шомгача бўлган вақт.

Абон ибн Усмон раҳматуллоҳи алаиҳ Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қиласиди. Усмон ибн Аффон дейди: Мен Росулуллоҳнинг ﷺ шундай деганларини эшиитдим: "Кимки (кеч кирган пайтда) уч марта "Бисмиллахил лазий ла язурру маа исмиҳи шайъун фил арзи ва ла фиссамаи, ва ҳувас самиъун алийм" деса, тонг отгунча унга ногаҳоний бало келмайди. Кимки тонг отганда уч марта шу дуони ўқиса, кеч киргунча унга тўсатдан бало келмайди".

Ҳадис ровийларидан Абон фалаҷ бўлиб қолади. Унинг зиёратига келганлардан бири Абонга узоқ термилади. Гўё унинг забони ҳоли "**сен ногаҳоний бало** келмаслиги ҳақида ҳадис ривоят қилдинг, ўзинг эса фалаҷдек балога гирифтор бўлибсанку?" – дер эди. Буни англаган Абон: "Нега мунча узоқ термилиб қолдинг? Аллоҳга онтким, мен Усмон ибн Аффонга тұхмат қилиб ёлғон гапирғаним йўқ. Усмон ҳам Росулуллоҳга ёлғон тўқигани йўқ. Менинг касалимга келсак, бир куни қаттиқ газабланиб, бу дуони кечаси ўқишни унутган эдим, шу куни касалликка чалиндим".

Абу Довуд Сунани.

4-Хар куни икки маҳал (тонгда ва тунда) етти марта ушбу дуони ўқилади: حَسْبِيَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوْكِيدُ وَهُوَ بِالْعَرْشِ الْعَظِيمِ

Ҳасбияллоҳу ла илаҳа илла ҳува, алаиҳи таваккалту ва ҳува роббул арийм.

Маъноси: Аллоҳнинг Ўзи менга кифоя. Ундан бошқа ҳақ маъбуд йўқ. Унинг Ўзига таваккал қилдим. У буюк Ари соҳибидир.

Ибн Аббос ﷺ дейди:

"Иброҳим алаиҳиссаломни оловга отган пайтлари айтган охирги сўзи "Ҳасбияллоҳу ва неъмал вакил – Аллоҳнинг Ўзименга етарли, У нақадар яшии вакилдир" деган сўз бўлган".

Бошқа ривоятда Абдуллоҳ ибн Аббос ﷺ дейди:

"Ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакил" сўзини Иброҳим алаиҳиссаломни ўтга улоқтиришигандага айтган. Мұҳаммад соллаллоҳу алаиҳи васаллам эса баъзилар у кишини қўрқитиб: "Одамлар сизларга қарши қўшин жамляяпти" деган пайтда: "Ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакил" деганлар.

Хар икки ривоят Саҳихи Бухорийдан.

5- Набий ﷺ хар куни кечаси ётиш олдидан асосан Аллоҳнинг мадҳидан сўнгра иккита матлабдан иборат мана бу муборак дуони ўқир эдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ كَانَ يَقُولُ إِذَا أَوَى إِلَى فِرَاسَةٍ: اللَّهُمَّ رَبَّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبَّ الْأَرْضِ، وَرَبَّ
الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، رَبَّنَا وَرَبَّ كُلِّ شَيْءٍ، فَالِّقْ الْحَبَّ وَالنَّوْيَ، وَمَنْزِلُ التُّورَةِ وَالْإِنْجِيلِ، وَالْفُرْقَانَ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ كُلِّ شَيْءٍ أَنْتَ آخِذُ
بِنَاصِيَتِهِ. اللَّهُمَّ أَنْتَ الْأَوَّلُ فَلَيْسَ قَبْلَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الْآخِرُ فَلَيْسَ بَعْدَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الظَّاهِرُ فَلَيْسَ فَوْقَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الْبَاطِنُ
فَلَيْسَ دُونَكَ شَيْءٌ، اقْضِ عَنَّا الدَّيْنَ وَأَغْنِنَا مِنَ الْفَقْرِ.

Абу Хурайра رض хабар беради: Набий ﷺ тўшакка ётишдан олдин ушибуни ўқир эдилар: "Етти осмон эгаси, замин соҳиби, буюк Ариш молики, Роббимиз ва барча маҳлуқот Робби, уруғ ва данакни ёриб ундан мева ундирувчи Зот, Таврот, Инжил ва Фурқонни индирган Аллоҳ, Сен манглайини тутган барча маҳлуқотларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.

Ё Аллоҳ, Сен Аввалсан, Сендан олдин ҳеч нарса йўқ. Ўзинг охирсан, Сендан сўнг ҳеч нарса йўқ. Ўзинг Зоҳир юқорингда ҳеч шай йўқ, Ўзинг Ботинсан Сендан ўзга яқинроқ йўқ. Биздан қарзни ўтагин, фақирликдан сақлаб бойитгин".

Муслим Саҳихи.

6- Кўркув, даҳшат ва ваҳшат* исканжасига тушган киши ушбуни ўқийди.

عَنْ عُمَرِ بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَعْلَمُهُمْ مِنَ الْفَرَغِ كَلَمَاتٍ "أَعُوذُ بِكَلَمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَعِقَابِهِ وَشَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونَ".

Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қила-ди:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алаихи вассаллам саҳобаларга қўр-кувда ўқиладиган "Аузу би калиматиллаҳит тামмати мин газабиҳи ва иқобиҳи ва шарри ибадиҳи ва мин ҳамазатиши шайатиин ва ай яхзурун" калимотларини ўргатар эдилар.

Абу Довуд ва Термизий Сунанлари.

Маъноси: Аллоҳнинг тўла-тўкис бенуқсан калимотлари билан Ўзининг газабидан, уқубатидан, бандаларининг шарридан, шайтонларнинг вассасасидан ва уларнинг менга яқин йўлашидан паноҳ тилайман.

Бу дуо – событ ва сахиҳ. Лекин унинг остида келган "асар событ эмас" дейди соҳа мутахассислари. Асарда келган қисса шундан иборат."Амр ибн Шуайб бу дуони барча фарзандига ўргатар ва ўқишга буюрар эди. Тили чиқмаган боласига эса ушбу дуони қоғозга ёзиб, бўйнига илиб қўярди".

Туморнинг жоиз эмаслигига Ислом пешволари иттифоқ қилишган. Аммо ёш болага оят ё Аллоҳнинг исми ёки мазкур дуога ўхшаш дуони ёзиб осиб қўйишда хилоф бор. Жумхур буни ман қилган. Унинг ўрнига Мухаммад ﷺ набирасига ўқиган истиоза дуосини ўқиш афзал. Набий ﷺ икки набираларига "Уийзукума би калиматиллаҳит тামмати мин кулли шайтонин ва ҳаммати ва мин кулли айнин ламмати" паноҳ дуосини ўқиб, сўнгра "Бобонгиз Иброҳим Исмоил билан Исҳоққа шундай дуо қиласи эди", дедилар. "Аллоҳнинг мукаммал калимотлари билан ҳар бир шайтондан, заарли ҳашаротдан ва ёмон кўздан сизларга паноҳ тилайман". Бухорий Саҳиҳи.

* **Ваҳшат** – Кишини даҳшатга соладиган аянчли аҳвол, қўркувга солувчи ҳолат.

7- Ёмон туш кўрган киши нима қилиши керак?

Уч марта чап томонига туфлайди. Сўнг шайтоннинг ва шу тушнинг шарридан паноҳ тилайди. Мисол: "*Аузу биллаҳи мин шаррии шайтон ва мин шарри ҳазиҳир руъя*" ёки бошқа лафзлар билан паноҳ сўрайди.

Истаса икки ракаат намоз ўқийди...

"Бир куни жуда оғир ахволда қолдим. Қийинчилик кетидан қийинчилик, оғирлик ортидан оғирлик, руҳий азоб, ғам-ғусса, қўйингки, бир тил билан айтиш осон бўлмаган ҳолатга тушгандим. Унинг барча тафсилотлари билан танишириб, таъбингизни хира қилмокчи эмасман. Шуни билиш кифояки, у мудҳиш ҳодиса хаётимни бутунлай издан чиқариб юбориши аниқ эди. Тамом, дедим. Энди, бундан буёғига қийинчиликда, тутқунликда, азоб-уқубатда ҳаёт кечираман, умримнинг туни кирибди, қуёшим сўлиб, зимистонда кун кўраман, деб турган эдим, бирдан қувонч қуёши барқ уриб, қайғуларим муздек эриб кетди. Ҳамма руҳий изтироблар бирдан барҳам топди. Ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетдим. Билсам, буларнинг бари туш экан. Мен буни уйғониб билдим. Агар шу алпозда узоқ ухлаганимда, бу қийинчиликлар мени яна не кўйларга солмас эди-я", деб ҳикоя қилади бир солиҳ киши. "Тўғрисини айтаман, ўша ёмон туш кўрган кечам овқатни тўйиб еб, таҳорат олмай, дастурхондан тўғри кўрпага кўчган эдим. Ёмон туш танбаллигим, дангасалигимга жазо ўлароқ келган бало деб хулоса қилдим", деб қўшимча қилиб қўйди у.

Дунё тушдек нарса. Уйғонсанг қайғунг қувончга айланади. Ётаверсанг қўрқинчли тушлар гирдобида ёнаверасан.

*Эй Навоий, умр ўтуб ҳам маству ҳам уйқудасен,
Ҳеч билмонким сени уйғон дейин, ёхуд ойил.¹*



¹ **Ойилмоқ, айилмоқ** – Хушёрланмоқ, хушга келмоқ, ўзига келмоқ, тузалмоқ.

8-Бирор шаҳар ёки қишлоққа киришда бу дуо ўқилади:

Аллоҳумма, роббус самаватис сабъ ва ма азлална, ва роббул арозийнас сабъ ва ма ақлална, ва роббуши шайатийни ва ма азлална, ва роббур рияҳи ва ма зарайна, асъалука хойра ҳазиҳил қоряти ва хайра аҳлиҳа ва хойра ма фийҳа, ва аузубика мин шарриҳа ва шарри аҳлиҳа ва шарри ма фийҳа.

Етти қат осмон ва уларга соя соган мавжудот Рабби, етти қат ер ва у кўтариб турган мавжудот Рабби, шайтонлар ва улар йўлдан оздирғанларни тарбия қилувчи, шамол ва у учирган нарсаларни соҳиби ё Аллоҳ! Мен Сендан ушибу қишилоқнинг, унинг аҳолисининг ва ундағи нарсаларнинг яхшисини сўрайман. У қишилоқ, унинг аҳолиси ва ундағи ёмонликлардан паноҳ тилайман.

Ҳоким ва Сунний ривояти.

9-Душманга нисбатан ушбуни ўқилади:

а) *Аллоҳумма, инна најъалку фий нуҳуриҳим ва наузубика мин шуруриҳим.*

Ё Аллоҳ, уларнинг кўксига албатта биз Сени қўйгаймиз, Сендан уларнинг ёмонликларидан паноҳ тилагаймиз.

б) *Аллоҳумма, анта азудий, ва анта насирий, бика ажсулу ва бика асулу ва бика уқотил.*

Ё Аллоҳ, Сен меннинг мададкоримсан, Ўзинг носиримсан. Мададинг ила жавлон ураман, мададинг ила савлат тўкиб курашаман.

в) *Ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакил. Аллоҳ бизга кифоя, У нақадар яхии вакилдир.*

Танбеҳ: "Аллоҳумма"нинг асли "**Я Аллоҳ**"дир. Мим ҳазф қилинган нидо ҳарфидан эваз. "Я" араб тилида нидо ва истиғосани ифодалайди. Шунга асосланиб "**Аллоухумма**"ни ўзбекчада "**Эй Аллоҳ**" дегандан кўра "**Ё Аллоҳ**" дейиши асл маънога яқин келади. Турк мумтоз адабиётида киши ўзига ё ўзгага хитоб қилмоқчи бўлса, "Эй кўнгил", "Эй фалончи" деб "эй" ундов сўзи билан мурожаат қилган. Аллоҳга мурожаат қилинганда "**Ё Аллоҳ**" "**Ё Раб**" дейилган. Зоро "**Ё**" ҳарфи билан нидо ва истиғоса – ёрдам сўраш маънолари биргаликда ифодаланади. Аллоҳга мурожаатда "эй"ни ишлатмаган маъқул.

10- Султон ситамидан қўрққан киши ушбуни ўқисин:

Ибн Аббос رض дейдилар: "Агар ёвуз султон олдига келсанг, у сенга тажовуз қилишидан қўрқсанг, *Аллоҳу акбар, Аллоҳу аъаззу мин холқиҳи жамийъа, Аллоҳу аъаззу мимма ахофу ва аҳзар. Аузу биллаҳил-лазий ла илаҳа илла ҳув мумсикус самаватис сабъ ай яқаъна алал арзи илла биизниҳи мин шарри абди-ка* (қўрқаётган кишисининг исмини айтади) *ва жунудиҳи ва атбааъиҳи ва ашияъиҳи минал жинни вал инс. Аллоҳумма, кун лий жарон мин шарриҳим, жалла санаука ва азза жарука ва табарокас-мука ва ла илаҳа гойрука*", деб уч марта айтгин.

Маъноси: *Аллоҳ буюкдур, Аллоҳ барча маҳлукотидан қудратли зот. У мен қўрқаётган ва хавфсираётган кимсалардан қудратлироқ. Етти осмонни ер устига қулашидан тутиб турувчи – магар Унинг изни ила қулаши мумкин – якка ёлғиз Аллоҳдан фалончи банданг (қўрқаётган кишисининг исмини айтади) ва унинг инсу жиндан иборат қўшинлари, эргашувчилари ва гумашталарининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўраб илтижсо қилурман.*

Ё *Аллоҳ, менга уларнинг шарридан ҳомий бўл, мадҳинг улугвор, ҳимоянгдаги киши мардонавор, исминг муборак, Сендан ўзга чин маъбуд йўқ.*

Бухорийнинг "Адабул Муфрад"идан.

Омир ҳикоя қиласи: Мен Зиёд ибн Абу Суфён¹ билан ўтирган эдим. (Зиёд мухолифларидан) бир кишини кўтариб келишиди. У аянчли ахволда эди. "Аниқ ўлдиради", деб ўйладик. Ҳеч ким Зиёднинг бу кишини ўлдиришида шак-шубҳа қилмасди.² Киши лаблари билан бир нима деб пичирлаганини

¹ Ҳижратнинг биринчи йили туғилган. Абу Бакр رض даврида Исломни қабул қилган. Тобеинлар даврида шаҳар волийси бўлган. Қаттиқўллик билан танилган.

² قَالَ أَبُو الشَّعْبَاءِ: كَانَ زَيَادُ أَفْتَكَ مِنَ الْحَجَاجِ لِمَنْ يُخَالِفُهُوَا. Абу Шаъсо дейди: "Зиёд мухолифларга нисбатан Ҳажжождан кўра қонхўрроқ эди".

кўрдим. Нима деганини англамадим. Ғазабнок Зиёд уни ўлдирмай озод этиб юборди. Бу ҳолатдан ҳамма ҳайрон. Ташқарига чиққандан сўнг баъзи иштирокчилар ундан сўрашди:

- Сени Зиёд ҳузурига олиб келишганда бошингни танагдан жудо қилишларида шубҳамиз йўқ эди. Лабингни қимирлатиб бир нарсалар деган эдинг сени чиқариб юборди. Нима деб пичирладинг?
- Ё Аллоҳ, Иброҳимнинг Роббиси, (Исмоил), Исҳақ ва Ёқубнинг Роббиси, Жиброил,¹ Мекоил ва Исрофилларнинг Роббиси, Таврот, Инжил, Забур ва Куръони азиймни нозил қилган Зот, Ўзинг мендан Зиёднинг ёмонлигини даф этгин, Ўзинг мудофаа қил, деган дуони ўқидим.

Алқама ибн Марсад дейди: "Шаъбий ўзининг хос одамларига "Аллоҳумма, Илаҳа Жибрила ва Мийкайла ва Исрофийла ва Илаҳа Иброҳийма ва Исмайила ва Исҳақа аъфиний вала тусаллитанна аҳадан мин холқика алайя бишайъин ла тоқата лий биҳи" – "Аллоҳим, Жибрил, Мийкаил, Исрофилнинг Илоҳи ҳамда Иброҳим, Исмайл, Исҳақнинг Илоҳи тоқатим кўтаролмайдиган нарсада бирор бандангни менинг устимга султон қилиб қўймагин", деган дуони ўргатар эди.

Айтишларича, бир мазлумни амирнинг олдига олиб боришганда ушбу дуони ўқиган экан, Аллоҳнинг изни билан у амир ёнидан саломат чиқади.

Анас ибн Моликнинг  соҳиби Абу Мижлаз дейди:

"Кимки амир зулмидан қўрқкан пайтда, "Розийту биллаҳи робба, ва бил Ислами дийна, ва би Мухаммадин набийя ва бил Қуръани ҳакаман ва имама" деса, Аллоҳ унга нажот беради".

Ушбулар Ибн Аби Шайбанинг Мусаннафидан олинди.



¹ Жаброил алайхиссалом исмларининг талаффузи беш хил тарзда келган.

Неъмат түядек нарса экан, боғлаб қўймасанг ё қочиб кетади, ё ўтлаб кетади. Неъматни боғлаб қўядиган арқон – шукур. Тилни шикоятга эмас, шукурга ўргатилса, неъматлар жойидан жилмайди.

Неъматнинг завол топишидан қўрқиш ақлли инсонлар хусусияти. Нодон бундан мосуво. У боши тошга текканда уйғонади. Аммо оқил мудом хушёр ва бедор. Неъматнинг қўлдан кетиш сабабларидан четланади. Хатарнок йўллардан имкон қадар узоқлашади. Илоҳга илтижо билан омон қолади.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо дейди: *Росулуллоҳ соллаллоҳу алаихи васаллам дуоларидан бири ушбу дуо эди: "Аллоҳумма, инний аузу бика мин завали неъматик ва таҳаввули аъфиятик ва фужсаати ниқматик ва жамиийи сохотик".*

Ё Аллоҳ, неъматингни завол топишидан, оғиятингни ўзгаришидан, (бурилиб кетишидан) кутимаган оғатингдан ва барча газабингдан паноҳ тилаб, илтижо қилурман.

Муслим Саҳиҳи.

Ишларнинг оқибати, ҳар қандай амалнинг якуни кўпчилик дилига хавф соган яширин қўрқувдир. Зеро иш натижа билан билинади. Натижагагина баҳо қўйилади. Боши яхши, охири ёмон иш кишини кувонтирмайди.

Бу борада пайғамбаримиздан ﷺ ушбу дуо ворид бўлган:¹ *Аллоҳумма, аҳсин ақибатана фил умури куллиҳа, ва ажирна мин хизийд дуня ва азабил охира. Ё Аллоҳ, ҳамма ишларимизнинг оқибатини гўзал қилгин. Дунёдаги шармандаликдан, охиратдаги азобингдан Ўзинг асра.*

Имоми Аҳмад Муснади.



¹ Ушбулар пайғамбар ﷺ ўргатган дуолардан қисқа намуна эди. Пайғамбаримиз ﷺ дуолари Куръон оятлари каби ўрганилмоғи керак. Бу борадаги маҳсус дуо ва зикр китобини топиш ҳар бир оқилнинг вазифаси.

Мисли кўрилмаган тараққиёт авж олган асримизда касаллик турлари ҳам тараққиётдан ортда қолмай ўсиб бормоқда. Юқумли касалликлар қўрқинчли босқич томон илдамляяпти. Инфекцион касалликлар асосан соғ кишининг bemor билан мулоқотда бўлиши натижасида тарқалади. Шунинг учун вабо, ўлат, чин чечак каби хавфли касал билан оғриган bemorлар соғлардан ажратилади. Шундай касалликлар ҳақида ўқидимики, мутахассисларнинг айтишича, у ҳаво орқали юқар экан. Соғлом киши bemor билан мулоқотда бўлмаган тақдирда ҳам бозорда, автобусда бирга бўлса, шунинг ўзи етарли. Бу бешак киши кўнглини ғаш қилиб, қалбига қўркув соладиган аянчли ҳолат. Ота-она ўзидан, ёш фарзандлари тақдиридан чўчийди. Лекин қўрқишга ҳожат йўқ. Диллар табиби ﷺ "لَا عَدُوٰي" деганлар. Яъни "юқумли касалликлар ўз ўзидан таъсир ўтказмайди". Шунинг билан биргаликда касалликни олдини олишга ундан-гантар. Турли чора-тадбирлар ҳақида йўлланма берганлар. Уни азиз ўқувчи طبّ النبی номли китобларда ўқиши мумкин. Мен шу чора тадбирлардан мавзумизга оид касалликка қарши эм ўрнидаги иккита дуони келтириш билан кифояланаман.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қиласи:

Набий соллаллоҳу алаиҳи васаллам: "Аллоҳумма инний аузу бика минал бараси, валжунуни, валжузам, ва мин саййъил асқом", дер эдилар.

"Ё Аллоҳ, оқ доғ (пес касаллигидан), ақлдан озишдан, мохов касалидан ва барча ёмон дарди бедаволардан мен Сенга илтижсо қилиб, паноҳ тилайман".

Абу Довуд Сунани.

Росулуллоҳ  марҳамат қилиб дедилар: "*Мубталони – дардманни кўрган киши "Алҳамду лиллаҳил-лаий ғағаний мимма ибталақа бихи ва фаззоланий ала касирин мимма холақаҳу тафзийла – Сени гирифтор этган балодан мени*

саломат сақлаган ва Ўз яратган махлукотларининг кўпидан мени ортиқ қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин" деса, у балодан оғиятда бўлур".

Термизий Сунани.

Хатарнок ҳолатлардан бири: кўз тегишидан хавфсираш, сеҳрдан хавотир, кексайганда ёмон қаришдан қўрқиш. Буларнинг бари инсониятга таҳдид солаётган таҳликали ҳодисадир. Улуғ динимизда унинг муолажаси баён этилган. Китоб катта-ишидан чўчиб, уларга тўхтамадим. Махсус китобларга мурожаат қилинса, у муаммоларнинг ҳар бирига ечим топилади.



Ғамнинг салбий таъсирларидан бири, у инсон қалбига қўркув солади. Ундан хотиржамликни тортиб олади. Хафв ва қайғу ҳаёт мазасини кетказади. Хафв қанча кам бўлса, роҳат шунча кўп бўлади. Хавф кучайган сари маза-матра камайиб бораверади. Бири кам дунёда юз фоиз роҳатланган, тўлиқ маза топган одамнинг топилиши душвор, тўла-тўқис лаззатга эришиш амри маҳол. Зеро жамиятнинг "алиф"идан "ё"сигача қандайдир хавф-хатарда яшайди. Туркона мазмундор ибора билан айтганда, "шоҳу гадо"нинг ўзига яраша қўрқсан ва хавфсираган нарсаси бор. Бири тўрvasининг тўлмай қолишидан қўркса, бири таҳтининг тортиб олинишидан қўрқади. Бу иккиси орасидаги турли табақаларнинг ҳам турли-туман ташвишлари, анвои хил аламлари талай. Демак номукаммал жойда мукаммал роҳат топилмайди. Бундай мукаммаллик жаннат хусусиятларидан. Ҳақ таоло жаннат ахли тўла-тўқис лаззат олиши учун хавф билан қайғуни жаннат остонасига яқин йўлатмайди. ﴿وَلَا خُوفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

﴿ Уларга ҳеч қандаи хавф-хатар иўқ! Улар ҳаргиз ғамгин бўлмаслар. ﴾

Бақара 277-оят.

Шунинг учун рисоланинг ҒАМ ЕМА – СИҚИЛМА номли қисмида қўлдан келганча ғамни ғорат қилишга уриндик. Бу билан ғамгиндан ғамни аритишга ўз ҳиссамизни қўшдик деб ўйлайман. Ғами ариган инсондан хавф-хатар, қўрқув арийди. Қўрқуви камайган одамнинг ҳузур-ҳаловати ортиб боради. Шунинг учун донишмандлар: "*Дунёning аввали-ю охири бирлаҳза ғам чекишига, бир дам сиқилишига арзимайди*" дедилар.

Жон агар ҳамсухбати тандур, жаҳонда ғам ема,
Бул азиз меҳмон боринда ғуссаи олам ема.

Бир қаричлик йўлга кирсанг, қўйма бейўлдош қадам,
Бир майиз оллингда ҳозир бўлса, беҳамдам ема,

Икки кунлик лаззати дунёйи бепоён учун
Фикр этиб ғам тульмасини, эй бани Одам, ема,

Тангдаст ўлдум деб, Оллоёр, кўб фикр этмағил,
Юз надомат бирла оламдин кетарсан, ғам ема.

Сўфи Оллоёр.

Энди, бу қисмни бир буюк ғам баёни билан якунласак.



Ташнанинг ғами сув, очнинг ғами нон, уйсизнинг ғами уй...
Бу ғамлар кетса, бошқаси эшик қоқади. Ғамсиз кун деярли йўқ.

Ғам ғамни туғса, ғам кетидан ғам келса, билингки, бир буюк ғам бор, унинг олдида дунёning барча ғам-гуссалари арзимас ғамчага айланади.

Ғамнинг ҳамма тури инсонни руҳий азоблайди, қалбини тирнайди, илло у ғам одамга роҳат бағишлиайди.

Ха, дунёда қувонч бағишловчи қайғу ҳам бор.

У соғлом кишининг куч-қувватини ошириб, эзуликка ундаиди, инсонни ўстиради.

Касалванднинг жонига оро кириб, малҳам, дори-дармон бўлади, тезда оёққа турғизади.

Хастадилни яйратади, ашкини артади, нашот баҳш этади.

У инсондаги гўзал одоб, тўғрисўзлик, одамийлик, ваъдага вафо, меҳмоннавозлик каби фазилатларни кучайтиради, агар ундаиди фазилат бўлмаса, пайдо қиласди.

Қўни-қўшничиликни мустаҳкамлайди, ака-укалар орасидаги адоватни кетказади, меҳр-муруватни оширади.

Дўконда сотилмайдиган одамийлик ва одампарварлик каби олий хислатларни пайдо қиласди.

Фоҳишабозлик, лўттибозлик каби ахлоқсизликларга барҳам беради.

Савдогарни ҳаромдан жирканадиган, нарх-навога инсоғ билан ёндашадиган қилиб қўяди.

Мардумни муруватли, қозини адолатли, шоҳни раиятга раҳм-шафқатли бўлишига асосий омил бўлади.

Зулму ситам, қаҳру ғазаб, зўравонлик, бевафолик, бебурдлик томирини қуритади.

У Ғам яхшиликка ундаш, ёмонлиқдан қайтариш кучига эга. Фазилатга йўллаб, фазиҳатдан қайтаради.

У Ғам билан яшаган инсон бозорда ҳам худди масжидда юрган каби тавозуда юради, ҳалол-покиза бўлади.

Сеҳрли кучга эга у Ғам – Охират ғамидир.

Охират ғами буюк ғам, чинакам ғам. Унинг олдида бошқа ғамлар тилга олишга ярамайдиган арзимас ғамга айланади.

Охират ғамидан холи дил эгаси эзгуликдин холи шахсдир. Охират ғамидан мосуво жамият – хайриятдан узоқ жамиятдир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُؤْذِنُ جَارُهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصُمْتُ

Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса,
қўшинисига озор бермасин!

Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса,
мехмонини иззат-икром қилсин!

Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса,
яхии сўз сўзласин, ёхуд сукут сақласин.

Бухорий Саҳиҳи.

عَنْ أَبِي شُرِيعِ الْعَدَوِيِّ قَالَ سَمِعْتُ أَذْنَاءِي وَأَبْصَرْتُ عَيْنَاهِي حِينَ تَكَلَّمَ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فُلِيْكُرْمَ جَارُهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيُكْرِمْ ضَيْفَهُ جَائِرَتُهُ قَالَ وَمَا جَائِرَتُهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ يَوْمَ وَلَيْلَةَ الْضِيَافَةِ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ فَمَا كَانَ وَرَاءَ ذَلِكَ فَهُوَ صَدَقَةٌ عَلَيْهِ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصُمْتُ

Абу Шурайҳ ал-Адавий дейди: Мен Набий ﷺ сўзлаётган пайтларида ўзларини икки кўзим билан кўриб, сўзларини икки қўлогим билан эшиштганман. Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

– Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса,
қўшинисини ҳурмат қилсин, ким Аллоҳга ва охират кунига
иймон келтирган бўлса, меҳмонининг ҳурматини жойига қўй-
син, ҳаққини адo этсин!

– Ё Росулаллоҳ, меҳмоннинг ҳаққи нима? – деб сўраиди.

– Бир кечакундуз меҳмон қилишишинг. Меҳмондорчилик уч
кундир. Ундан ўтгани садақа.

Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса,
хайрли сўз сўзласин, ёхуд сукут сақласин.

Бухорий Саҳиҳи.

Рувайфеъ ибн Собит Росулуллоҳдан ﷺ ривоят қиласи:

"Кимки Аллоҳга ва охират қунига иймон келтирган бўлса, биронинг боласини ўзининг суви билан сугормасин".¹

Аҳмад ва Термизий ривояти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дейдилар:

Пайғамбарингиз соллаллоҳу алаиҳи васалламнинг шундай деяётганинни эшиитдим: "Ким кўп ғамларни битта ғамга – охират ғамига айлантиrsa, Аллоҳнинг ўзи унинг дунёвий ғамларига кифоя қиласи.

Кимники дунё борасидаги ғами тармоқ ёйиб кетса, Аллоҳ у (банданинг) дунёнинг қайси бир бурчагида ҳалок бўлиб кетишига парво қилмайди".

Ибн Можа Сунани.

Шоший Муснадида ҳам айни шу ҳадис келган.

مَنْ جَعَلَ الْهُمُومَ هَمًا وَاحِدًا هُمَّ سَائِرُ هُمُومِهِ، وَمَنْ تَشَعَّبَ بِهِ الْهُمُومُ فِي أَحْوَالِ الدُّنْيَا لَمْ يَبَلِّغْ اللَّهَ فِي أَيِّ أُودِيَّةٍ هَلَكَ

"Ким кўп ғамларни битта ғамга – охират ғамига айлантиrsa, Аллоҳнинг ўзи унинг бошқа ғамларига кифоя қиласи – (ёрдам беради).

Кимники дунёвий ғами тармоқ ёйса, Аллоҳ у (банданинг) дунёнинг қайси бир бурчагида ҳалок бўлиб кетишига эътибор қаратмайди – (ёрдам бермайди)".

Шоший² Муснади.

Исройлиётда келади:

Аллоҳ дунёга қаратма деди: "Эй дунё, Менга хизмат қилганга сен хизмат қил, сенга хизмат қилганларни ишилатиб ҳолдан тойдир".



¹ Ҳомиладор аёлга уйланмасликка киноя қилинмоқда. Эридан ажраган ҳомиладор аёл кўзи ёrimагунча турмушга чиқиши жоиз эмас.

² Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайҳ ибн Маъқал аш-Шоший Абу Саид. Шоший Тошкенга нисбат. Мовароуннаҳар муҳаддисларидан. II мужалладли ал-Муснадул Кабир муаллифи. Ҳижрий 335, мелодий 946 санада вафот этган.

Боядан бери "ғам ема" деганимиз, "бепарво бўл, хилватгоҳга кириб ёт, хўракхонадан ризқ сени ахтариб келади", дегани эмас. Бу нотўғри тушунча. Ўқинг, ўсинг, орқада қолмай, юксак чўққиларни забт этинг. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида – енгил саноату оғир саноатда илғор бўлинг. Тижоратда, табобатда боболарингиз каби пешқадамликни ўзгага берманг. Ер ободончилигида фаол иштирок этинг. Жамият ислоҳида актив қатнашинг. Иқтисодни мамлакатда садақа оладиган киши қолмайдиган юксак даражага кўтаришинг. Ҳаётни адолат, меҳр-оқибат, тартиб-интизом устига ўрнатинг.

الْمُؤْمِنُ الْقَوِيُّ خَيْرٌ وَأَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِ الْ ضَعِيفِ وَفِي كُلِّ خَيْرٍ

"Бақувват мўмин заиф мўъминдан кўра яхшиидир ва Аллоҳ наздида суюклидир. Ҳар иккисида ҳам хайрият бор",¹ деган ҳадис тадбиқи ўлароқ спортнинг жоиз турларида рекорд устига яна рекорд ўрнатинг. Жисмоний жиҳатдан ўсганингиз каби ақлий ва руҳоний жиҳатдан ҳам ўсинг, улгайнинг. Шунда, чинакам "соғ танда соғлом ақл"ли авлод юзага келади.

"لِيَبْسِينَغِيزْنِي يَاشِيلَانْگَ، إِذْ أَحَسَنُوا لِبَاسَكُمْ وَأَصْلَحُوا رِحَالَكُمْ

жабдуғингизни тузатинг (от-уловни созланг)"² мазмунидаги ҳадисга кўра, сифатли, чиройли кийим кийинг, турли маркали учқур, роҳатижон машиналар мининг.

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ كُلُّمَا فِي الْأَرْضِ حَلَّاً لَّا طَيْبًا﴾

"Эй инсонлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар" оятига асосланиб, ер юзидағи барча ҳалол-пок таомлардан тановул қилинг. Шинам уйда яшанг, узоқ умр кўринг, дард кўрманг, лекин буларни барини ФОЯ қилиб олманг. Беш кунлик дунё деб мангу жаннатдан айрилиб қолманг. Дунёга алданиб, ухрони қўлдан берманг. Пул топаман деб охиратни куйдирманг. Ўткинчи дунёning ўткинчи ташвишига ғам еманг, сиқилманг.

¹ Муслим Саҳихи.

² Ҳоким Мустадраки. *"Яшшиланг, созланг"*, яъни сифатини, ҳолатини юқори даражага кўтаришинг, демакдир.

Ҳофиз Шерозий дейдилар: Ғам ема!

Гум бўлиб кетган Юсуф Кањонга келгай, ғам ема,
Ғам уйи бир кун мунааввар онга келгай ғам ема.

Шод бўлгай бу кўнгул бир кун, кўнгулни бузмагил,
Юксалиб бошинг яна осмонга келгай ғам ема.

Гар бу гардун икки-уч кун биз учун эврулмади,
Бир куни бу дарду ғам яксонга келгай, ғам ема.

Келгай ул умринг баҳори, гул ёпингайсан яна,
Булбуло, боғу чаман туғёнга келгай, ғам ема.

Парда ичра бир нихон найранглар асрар ғайбким,
Сенгаму ё менгаму – қай жонга келгай, ғам ема.

Қасри бунёдингни, эй дил, гар фано сели йиқар,
Нух паноҳинг бўлса гар – тўфонга келгай, ғам ема.

Каъба шавқи бирла гар кечсанг биёбонларни зор,
Қанчалар хору тикан исёнга келгай, ғам ема.

Қисмат ўлмиш бизга ёр жабрию ағёр миннати,
Бу хабарлар бари бир Язданга келгай, ғам ема.

Кимки сарсон бўлдию, оламда бир дўст топмади,
Ул етишгай дўстга-ю жавлонга келгай, ғам ема.

Гарчи мақсад ноаёну йўл – хатар, манзил йирок,
Барча йўллар охири поёнга келгай, ғам ема.

Ҳофизо, бу факру хилват кечаларнинг қўйнида,
То тилинг айтар, дилинг Қуръонга келгай, ғам ема.

Саъдий Шерозий.

Шерни енган эрни ғам енгади

Шерни енган эрни енгар экан ғам,
Тиғ эмас, тил унинг бошин қилар хам.
Нонсизлик, сувсизлик қаддин буқолмас,
Чўқтирас яқинлар етказган алам.¹

Раҳмат кутганингдан ёғилса миннат,
Роҳатбахш оромгоҳ бахш этса заҳмат,
Ғаним-ла сирлашса энг яқин улфат,
Бундан ортиқ борми дунёда кулфат.

Боғингда унса гар гулсиз нақ тикан,²
Майсадан игнадай озор чекса тан,
Чумолидай юрса гар типратикан,
Қадаминг ўйлаб бос, соз сўйла, сухан.

Сен боққан палапон бўлганда бургут,
Кор қилмай қўйганда фарзандга ўгит,
Хассангдек ўзинг ҳам ёлғиз қолганда,
Ухрога иқбол эт, дунёни унут.

Шул оғир паллада ер устин эмас,
Кўпчилик остини қилади ҳавас.
Шоир фалсафаси демангиз буни,
Ҳаёт ҳақиқати, эмасдир абас.

Ж.

¹ Бир донишманд: "Душманимдан ўзим эҳтиётдаман, дўстдан ўзинг асра", деган экан. (Аслида "ҳамма ёмоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман" дейиш афзал). Нега энди айнан душман эмас, дўст шарридан паноҳ тиланяпти? Чунки ҳамма душмандан эҳтиёт бўлади, лекин дўстга ишониб қўяди. Душман кўп нарсани билмайди, дўстга кўп нарса аён. Аммо дўст душманга айланган куни ҳеч кимни аямайди. Дўстнинг душманга айланиш эҳтимоли ҳадисда келган.

أَحْبِبْ حَبِيبَكَ هُوَنَا مَا عَسَى أَنْ يَكُونَ بَعِيشَكَ يَوْمًا مَا ، وَأَبْغَضْ بَعِيشَكَ هُوَنَا مَا عَسَى أَنْ يَكُونَ حَبِيبَكَ يَوْمًا مَا

Айрим ҳофизлар бу ҳадисни "ҳазрати Али розияллоҳу анхуга мавқуф", дейдилар.

² Абу Зар ал-Гифорий ﷺ дейди: "Одамлар илгари тикани йўқ гул эди, ҳозир гули йўқ тиканга айланиб қолишибди".

Қандни қурт егандай, қалбни ғам ейди

Эй күнгил, на бўлди, хомуш, ғамгинсан,
Қад букик, юз маъюс, кўзларинг ўйчан.
Ёв қилдими банд ё дўст бердими панд,
Дардлашиб ёзилгин, кўз очиб завқлан.

Бир жонга бир жаҳон қайғу не учун?!
Қари дунё сени қилдими мафтун?
Қара, қайси султон, қайси зўравон
Мангу қолиб бўлди дунёга устун?..

Қайғурма ўтганга, сиқма ўзингни,
Бало-офатларга тиқма ўзингни,
Суюнма келганга, кетса куюнма,
Тубан, палид жойга суқма ўзингни.

Тоғдай ғамни муштдай юракка юклаб,
Йиллаб кўтаришин қиласан талаб.
Уни ҳам, ўзни ҳам қийнамай бир дам,
Улоқтирижарликка, қолмасин бир ғам.

Қандни қурт егандай, қалбни ғам ейди,
Дилларга тўр ташлаш душманнинг кайди.¹
Рухан таслим бўлган енгилар жисман,
Буни нозим эмас, Тарих, Халқ дейди.

Ж.



¹ Кайд – Макр, хийла.

CAËXATHOMA

*Гоҳ юриб, гоҳ юрмай қилгин саёҳат,
Саёҳатдан мақсад бўлсин маърифат.
Ҳар қадамда тергин сабоқ ва ибрат,
Сафар халтангга йиғ билим ва ҳикмат.*

*Ёбини тулпор деб чиқма сафарга,¹
Нодон билан юриб, қолма хатарга.
Зўрдан асло қўрқма, алданма зарга,
Улгайдинг, ибрат бўл, энди ёшларга.*

*Зўр ўтар, зар кетар, тожу тахт қулар,
Ўзни олдирмаган ҳамиша кулар.
Шошимасанг тегирмон навбати келар,
Сафарга чиқ, дўстим, ақлу ҳуши тўлар.*

Ж.

¹ **Ёби** – Юк ташувчи, насли паст, хашаки от.
Тулпор – Наслдор, чопкир, учкур от.

Сайру саёҳат ғамни аритадиган омиллардан.

Иш юришмай орқага кетса, юракни сиқадиган ҳар хил кўнгилсизликлар рўй берса, таъбни тирриқ қиласидиган гап-сўз дилни тирнаса, қоп-қоронғи уйга бекиниб, юракни ҳовучлаб ётманг. Номсиз туйгулар изтиробидан қийналиб, бир ғамни бир нечта ғамга айлантирманг. Нохуш сукунат пардасига чулғаниб, ўзингизни тириклиайн кафанга ўраманг. Ўткинчи ғамга тез таслим бўлиб, умрнинг доимий ўзанини буриб юборманг, осуда турмушни булғаманг, обод уйни вайрон айламанг. Бегуноҳ бола-чақага, аҳли аёлга заҳрингизни сочманг. Аксинча, шундай пайтда уларни олиб саёҳатга отланинг. Ташқарига сафар уюштириб, юрак чигалини ёзинг. Бир оз чалғинг. Рафиқангиз қўлидан капгирни олиб, ўзингиз ошга уннанг. Унга бир дона сабзи ҳам арчтируманг.

"Одамлар гапиради", дейсизми? Тўғри, кимдир: "ўзи иши юришмай ётибди-ю, яна ташқарига чиққанига ўлайми", "азадор одамнинг тиржайишини қаранг" дейиши мумкин. Лекин гап-сўздан чўчиманг, гапирса гапираверсин, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Хафачилик хасталикка айланмасдин илгари ғамни аритиш чора-тадбирини кўраверинг, шунда соғ юрак ёнга қолади. Мия чархланиб, янги фикрлар келади.

Сиз билган саёҳатдан бошқа яна чиқими кам маънавий, руҳий саёҳат турлари бор. Унда хаёл дулдулига миниб жаҳон кезасиз. Ҳақиқий саёҳатдаги каби кўнглингиз ёзилади. Шу маънода "**Ибратистонга саёҳат**" номли асарга қўл ургандим. У тўрт жиҳатга саёҳатдан иборат бўлиб, ғамгин дилни бир оз овутади, ғам-аламни енгиллатиб таскин беради, юпатади.

Ўзгалар саёҳатидан фойдаланиш руҳий саёҳат турларидан. Бу саёҳатда сиз уйингизда ўтириб сайр қиласиз. Мўъжизавий табиат манзарасини кўриб эмас, ўқиб баҳридилингиз очилади. Шунингдек, сиздан кўра анча аянчли ахволдаги ғамгинлар билан танишиб, ночорларнинг оғир турмушини кўриб билиб, ҳолингиз ғам чекишига арзимаслигини англаб етарсиз.

Шуни алоҳида эслаш ўринлики, жаноби Росулуллоҳга ﷺ Макка мушрикларининг қаршилиги, истехзо ва зўравонлиги кучайган оғир бир паллада Аллоҳ ўзининг маҳзун элчисини буюк саёҳатга олиб чиқсан. Масжидул Ҳаромдан Байтул Мақдисга сайр эттирган. Шу ерда мисли кўрилмаган ҳодиса рўй бериб, Набий ﷺ Меърожга кўтарилганлар.

Ғамгин Росулга ﷺ тасалли, овунч, юпанч ва даъватига куч-қувват бағищлаш каби етук мақсадда амалга оширилган илоҳий тадбир у зотга руҳий-маънавий мадад эди. Шуни унутмайликки, Аллоҳ мудом ўз Росулининг ﷺ сиқилмасликка чақириб келган.

﴿ فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ ﴾ *(Кўксингизда танглик бўлмасин...)**

Шунинг учун ҚАЙҒУДОШ қуидаги саёҳатномаларни эътиборингизга ҳавола этади. У саёҳатномалар аввало тарихдан сўзлайди. Диёrimiz чор Россияси исканжаси остида қолоқ, қашшоқ, тарқоқ яшаган аянчли даврдан ҳикоя қилади. Иккинчидан, Муқимий ва Завқий Саёҳатномаси бир оз ҳажвга мойил. Ажаб эмас, бир аср олдин ёзилган ҳажвий сатрлар таъби хира асрдошни сал кулдириб, кўнглини ёзса, ғамини енгиллатса. Ғамнокни кулдириш осон иш эмас.

Сарваримиз сафар хусусида¹ "Сафар азобдан бир бўлак" деган эдилар. Қироат орқали кечган сафар ҳам бир нав азоб. Сафарга кўп чиқиб юрган одам қийинчиликка кўнишиб қолади. Сафарга кам чиқса, ё умуман чиқмаган бўлса, биринчи сафар унинг учун анча оғир кечади. Шунингдек, кўп китоб ўқиб юрган одам учун том-том китоб ҳеч гап эмас. Кам китоб ўқиганга бир оз қийинчилик туғилиши одатий ҳол. Шу боис Мавломиздан ҳаммага сабр сўраб, сафардан яхши таассуротлар олишларини тилаб қоламан.



¹ Бухорий Сахихи. *Аъроф 2-оят.

Муқимий "Саёхатнома" сидан

Күкөндөн Шоҳимардонга

Фарёдким, гардуни дун
Айлар юрак-бағримни хун,
Кўрдики, бир аҳли фунун –
Чарх анга кажрафтор экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим,
Хоҳи яёв, бўлсин отим,
Гах сайр ҳам даркор экан.

Ўлтармага қилдим юриш,
Йўлдош эди бир читфуруш,
Етдим жадаллаб вақти туш,
Бирдам қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,
Жамъи ёпинган бошга тўн,
Боқсамки беш юзча хотун,
Воиз сўзин тинглор экан.

Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир Қўштегирмонлик киши,
Хўжа Исо бадкор экан.

Мағрур, хасису бешу кам,
Хар гапда юз ичгай қасам,
Тажжой олур моховданам
Хожи ўзи мурдор экан.

Дўрманчига кетдим ўтуб,
Ёқамни ҳар соат тутуб,
Ётдим ул оқшом ғам ютуб,
Дашти қароқчизор экан.

Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,
Бадкайфу очилмас кўзи,
Юқори бошидин тизи,
Эрмаклари кўкнор экан.

Сўрсам дедилар Бўрбалиқ
Бирмунча эчкилар ариқ,
Келса киши еяр тариқ,
Шому сахар тайёр экан.

Оқ ердин ўтдим, бойлари –
Олий иморат жойлари,
Мехмонсиз ўткай ойлари,
Келса бирор ночор экан.

Аммо назарда Рошидон
Фирдавс боғидин нишон,
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулду гулзор экан.

Маъюс бордим Зоҳидон,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами ичмай пиён,
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчок-мўрилар,
Таъбинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

Олтиарик курсин ўшал,
Селларда қолдим бир маҳал,
Бўлдим ивиб ёмғурда шал,
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбиху бўйнида ридо,
Чўқиб қочар зоғи ало,
Бир доғули айёр экан.

Хайру сахо важҳига кар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Келса гадой ногаҳ агар,
Бир нон чиқиши душвор экан.

Кўрдим чуқур Чимён эрур,
Ер остида зиндан эрур,
Душманлари меҳмон эрур,
Боғи унинг тутзор экан.

Водил мақоми дилфизо,
Кўчаларидир дилкушо,
Анҳорида оби сафо,
Себарга, обишор экан..



Құқондан Фарғонага

Чун шаҳрдин чиқдим Кудаш,
Кўнгил бўлуб маҳзуну ғаш,
Мажнунсифат, девонаваш,
Сер чашмаю кам чанг экан.

Яйфан агарчи хуш ҳаво,
Одамлари енгилнамо,
Бир-бирларила доимо,
Бўлар бўлмасга жанг экан.

Нурсух каби бир жой кам,
Тушмай ўтиб қилди алам,
Олма, анор ўрнига ҳам
Боғида току занг экан.

Кўп одамидин Бешарик
Боғларда экмишлар тариқ.
Етим ҳақи – гўшти балиқ,
Қилмишлари найранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,
Пурзўр кетмон урсалар.
Вақти намозга келсалар,
Масжид сорига ланг экан.

Рафқон ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан,
Салқин супа ҳой-ҳой экан,
Ким кўрса ҳангу манг экан.

Озодадин тўпори кўп,
Дукчисидин аттори кўп.
Чойхўридин кўкнори кўп,
Бир раста носу банг экан.

Айвончалар мисли катак,
Бир йўлки, одам сикқудак,
Чит бирла бир ерда алак,
Бозори тору танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дўкон,
Қилди ашула бир жувон,
Эшак деманг, ундин ёмон,
Ҳанграрда яхши ҳанг экан.

Қийғир кўтарган уч йигит,
Ухлатмадилар бир минит,
Ҳам бошда тонг отқунча ит,
Ғингшиб чиқиб, ванг-ванг экан.

Айлай саёҳат энди бас,
Конибодом қилмай ҳавас,
Ҳар ерда ётган хору хас,
Кўзга тикан якранг экан.



Күкөндән Исфарага

Афлок кажрафтор учун,
Хардам күнгил афгор учун,
Күқанд тангу тор учун,
Сахро чиқиш даркор экан.

Бордим шаҳардин Яккатут,
Баққоли дузди бадбурут,
Бир танга сотгай бир қурут,
Инсофи йўқ таррор экан.

Қишлоқ жувони йиғилишиб,
Иссифда ўйнашгай пишиб,
Ўтган тамошабин тушиб,
Сешанба кун бозор экан.

Мингбоши Эшдавлат акам,
Аммо қуруқ савлат акам,
Қилса чиқим гар бир дирам,
Уйқу қочиб, бедор экан.

Яйфан каби толзор кам,
Йўқ соясида зарра ғам,
Зебо санам, қоши қалам,
(Жонон)лари бисёр экан.

Дўмалари ҳам хўб бажо,
Волоснойи ухда буро,
Юрт ишларини доимо,
Хайриятин кўзлор экан.

Нурсух каби ҳам юрт йўқ,
Боғдору дехқон қорни тўқ,
Масжидлари ҳам кўп улук,
Турфа фараҳ осор экан.

Рафқонни бозор жойи танг,
Муллолари чаққон гаранг,
Омилари ҳам мулла ранг,
Кўйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп сотар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Берса гадога нон агар,
Минг йилда ҳам душвор экан.

Аммо Работи баччағар,
Йўқ ҳеч одамдан асар,
Бир подажойи.gov хар,
Чун оғули тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,
Бодом конига қараб,
Мирза Умарни сўрағлаб,
Ҳавлисида наjjор экан.

Бўлғай ўшал Бурҳон омон,
Яхши йигитдур бегумон,
Хурсанд қилди ногаҳон,
Мингбошиси Хол саркор экан.

Армонки күпрак юрмадим,
Бир-икки ҳафта турмадим,
Тикка Работни күрмадим,
Пур файз бузруквор экан.

Маъюс чиқдим Исфара,
Дил хаста, мажруху яра,
Иссиққа куйган қоп-қора,
Олти жихат күхсор экан.

Анҳору сою чўллари,
Ўйнаб келадур сувлари,
Ширинки зардолулари,
Қанду асал бекор экан.

Шерсиз эмасдур бешалар,
Бордур саховат пешалар,
Қилманг ёмон андешалар,
Яхшилари ҳам бор экан.

Қози жувонмарду накў,
Бориб келибон чоражў,
Ногах бўлиб дарду гулў,
Санчиқ тутиб bemор экан.

Хожи Зухур ҳам Ўрдада,
Сарҳавзлар, олий сада,
Борса агар бир ғамзада,
Жонигача эсор экан.

Бойваччасидур бадбуруш,
Түгри сўзи ачиф-туруш,
Сил, эски бачча, чойфуруш,
Хофиз Умар, Қаҳхор экан.

Бўлма ҳаловатга касал,
Оlamда йўқ бениш асал,
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурулғон дор экан.

Алҳамдуилилоҳ, бехатар,
Келдим Муқим айлаб сафар,
Музтар қолиб, кўрмай зарар,
Ҳақ бандасига ёр экан.



Исфара саёҳатидан

Шаҳр ичра тоқ тоқ ўлуб,
Дубора йўллар қок ўлуб,
Кўз Исфара муштоқ ўлуб,
Аввал чиқиш Яйфон экан.

Кун тобишида бу сафар,
Йўллар сақардан ҳам батар,
Тоғ ичра раҳзан баччағар,
Кўп элни қақшатгон экан.

Кетгунча йўллар хорлар,
Йўл захмидин озорлар,
Кўкка етар күхсорлар,
Ҳайҳот, хористон экан.

Қир пастида шўртанг ариғ,
Бир тўп йигит ўргай тариғ,
Тўнсиз, ялонғоч, хай дариф,
Бечора, оч дехқон экан.

Кам ғайри Қаҳҳору Умар,
Фарғонада ҳофиз дигар,
Билмас эканман бехабар,
Навмидлар хушхон экан.

Ўтган китобдору замон,
Хаттига ҳайрон инсу жон,
Чун даҳмаси гўё жинон,
Ўқишлиари Қуръон экан.

Чоркўга ҳам келдим етиб,
Отдин йиқилдим шилп этиб,
Бехуш ўзимдин кетиб,
Ман саҳт бедармон экан.

Чорқу ғузорин тор бил,
Атрофини кўхсор бил,
Панжшанба қун бозор бил,
Бир, икки, уч дўкон экан.

Бой мардикор маччойи,
Чунтоғ сомонлик лойи,
Бечорага нону чойи,
Тўн ўрнида ўтгон экан.

Аммо амин Абдурасул,¹
Ким борса хизматкор ул.
Яхши йигит, очиқ кўнгул,
Юрт устида турғон экан.

Муқимий.



¹ Бу исм (Абдурасул) шаръян жоиз эмас. Зеро маъноси: Росулнинг бандаси демакдир.

Завқий "Саёхатнома" сидан

Шоҳимардон хотираси

Бу равзага кимки келиб,
Бир кечаси меҳмон экан.
Умрида бир кўрган киши
Ўлганда беармон экан.

Икки тарафдин сой денг,
Кўм-кўк мусаффо чой денг,
Хар дам ичиб ҳой-ҳой денг,
Оби ҳаёт жон экан.

Осмонга қўйган нардбон,¹
Чиқсанг тамошо бир жаҳон,
Наҳри улуғ, ҳар сўй равон,
Кўрмакка кўз ҳайрон экан.

Келдик етиб моҳи ражаб,
Ҳар ким кўрар айлар ажаб,
На порс кўрган, на араб,
Бир жаннати ризвон экан.

Болода танг-танг кўчалар,
Тургайки, шайху хўжалар,
Келса товуқ ҳам жўжалар,
Ёзмокда дастурхон экан.

¹ Нарвон.

Бадшаклу бадхў, баднамо,
Ботинда кийна, фисқ, риё,
Ким учраса шилқим гадо,
Суллоҳ, озори жон экан.

Сахни ажойиб хушҳаво,
Ҳам руҳпарвар, жон физо,
Хушбў кўринган ҳар гиёҳ,
Жамбил билан райҳон экан.

Бўлса керак бу тоғлар,
Кам-кам чиройли боғлар,
Ҳеч кимса кўрмас доғлар,
Кўнгли аро қолган экан.

Завқий келиб кўп турмади,
Турса рафиқлар қўймади,
Оё насиба бўлмади,
Эҳроми Учкўрғон экан.

Завқий.



*Эй, сониъи ҳикматнамо, кулл ақл күнхинг билмамиши,
Юз ажз бу қосир тилим ҳамдингә гүё ўлмамиши,
Ҳар лаҳза минг неъмат кўруб, бир бор шукринг қилмамиши,
Қустантана этган назар, ҳеч шаҳр кўзга илмамиши,
Турк ичра бордир бир масал: "Ҳар кимса нозир ўлмамиши,
Истанбули ким кўрмамиши – гүё жаҳона келмамиши.*

*Қадр ила гардундин буюк Султон афандим давлати,
Кўз кўрмаганни кўрди кўз шаъни, шукуҳи шавкати,
Абра чиқиб сомии каманд абру саҳоби ҳиммати,
Ҳай-ҳай, рафеъ ул-мулк ўлуб, ўлмиш бу янглиғ рифаъти,
Турк ичра бордир бир масал: "Ҳар кимса нозир ўлмамиши,
Истанбули ким кўрмамиши – гүё жаҳона келмамиши.*

*Қайсар фалакфарсорлари солмиши самоя нардбон,
Маъвоси юлдуз устина, бўлмиш малоик посбон,
Фармондехи рўйи замин тахти хилофатда экон,
Ё Раб, бу шаҳанишоҳимиз қил мулки миллатда амон,
Турк ичра бордир бир масал: "Ҳар кимса нозир ўлмамиши,
Истанбули ким кўрмамиши – гүё жаҳона келмамиши.*

*Ул хусрави Жамииджоҳ кўргузди авжи салтанат,
Шоҳона волий бандага, амвожи баҳри маъдалат,
Лутфи раоё аҳлига, инъоми жуди марҳамат,
Фикри ривожи дин учун, арбоби илми маслаҳат,
Турк ичра бордир бир масал: "Ҳар кимса нозир ўлмамиши,
Истанбули ким кўрмамиши – гүё жаҳона келмамиши.*

*Шавкат билан султонимиз келди Бешиктош устина,
Иzzат била наълайнини шаҳлар қўюб бош устина,
Ҳам қурратул-айни жаҳон-шаҳзодалар қош устина,
Давлат аноси шаън ила бир шиша избош устина,
Турк ичра бордир бир масал: "Ҳар кимса нозир ўлмамиши,
Истанбули ким кўрмамиши – гүё жаҳона келмамиши.*

Завқий "Ажаб замона"

САЁХАТИ ФУРҚАТ

Аҳбоблар, дил боғламанг, дунё деган бекор экан,
Бордур хаёли хўблар, ё суда нақш изҳор экан.

Бу даҳри дундур бебақо, одамлари дур бевафо,
Қилсанг вафо, айлар жафо, чун чарх кажрафтор экан.

Қилманг жаҳонга эътимод, айларга баҳтингиз зиёд,
Даврон элиндек бадиҳод, афсунгару ғаддор экан.

Неким деди бир содае, андуҳдан озодае,
Доим фараҳ омодае: ғофилга рашки бор экан.

Солди балолар бошқа, қилмай назар бардошқа,
Қўйдирса бош ҳар тошқа, бермоқ иши озор экан.

Бир кун ажаб ғамнок ўлуб, ғамдин бағирлар чок ўлуб,
Икки кўзим намнок ўлуб, боқсам ёшим хунбор экан.

Токим бўлиб хуни жигар, қилмоқчи бўлдим бир сафар,
Элдин қилиб қатъи назар, кетмоқ дедим даркор экан.

Ўзни сафарга шайладим, маҳкам белимни бойладим,
Охир азимат айладим, икки рафиқ тайёр экан.

Пешинда келдук Бешариф, одамлари очу ариғ,
Монанди қатъо ранг сариф, мажмуи ит ғаддор экан.

Андин ўтиб келдик Фарар, гўёки оламни ютар,
Дам олмоғинг андин батар – бори шағал девор экан.

Андин бўлубон даргузар, келдук Шаҳид отлиқ мазор,
Анда тушуб олдук қарор, маҳрамға уч тош бор экан.

Ҳамроҳни(нг) сўзиға унаб, бир кечаси анда тунаб,
Маҳрам сари қолдук жўнаб, йўл беадад ночор экан.

Маҳрамға келдук вақти туш, бўлмас дедук тушмай ўтуш,
Хўб бир пиёла чой ютуш, дўконлари бисёр экан.

Қашшоқ ҳам бир бойи йўқ, ўлтиргали ҳам жойи йўқ,
Фиттидин ўзга чойи йўқ, халқи ҳама афгор экан.

Гўшт-ёғга дастурхони йўқ, чой бор, емоққа нони йўқ,
Тобмоқни ҳеч имкони йўқ, турфа маҳов бозор экан.

Андин Қарокчиқум келиб, бир ерга тушдук пўш қилиб,
Чун тушмадук жойин билиб, ўлгунча тангу тор экан.

Об Хидрдин турди шамол, мардум деди: юрмоқ маҳол,
Сизларга бергай кўп малол, андин бари хушёр экан.

Аннак шамол олди қарор, кетдук жўнаб чун Исфисор,
Бир ошино бўлди дучор, бир неча анга ёр экан.

Тушмай ўтуб келдук Хўжанд, озода, шахри дилписанд,
Ҳеч топмасун, ё Раб, газанд, хўб шахри файзосор экан.

Шайх Муслиҳиддин номлик, аҳли мазор, илҳомлик,
Юрт ахлиға икромлик, хушфайзлик анвор экан.

Анда ўқуб пешин намоз, кўп айладук арзи ниёз,
Юз шукр бўлдук сарафroz, инъоми бемиқдор экан.

Одамлари серорият, қилмиш иши нафсоният,
Бир парча йўқ ҳаққоният, беҳад хусуматдор экан.

Кўпдур ямон, яххиси оз, лекин ўшал ҳам баччабоз,
Кўбини қилдим имтиёз, хўб аҳмақу мурдор экан.

Қилдим саёҳат ҳар сари, қолмай ани баҳру бари,
Бир милча дарёдин нари, пасту баланд кўҳсор экан.

Алқисса ҳам андин ўтуб, Тошканд сари қолдук юруб,
Аҳбоб қолди термулуб, сидқ ила дўсту ёр экан.

Иссиғда кўб тортиб алам, йўқ оғзимизда зарра нам,
Бир ерга тушдук ложарам, йўлда киши ночор экан.

Чой ичдигу бўлдук равон, бор деди Янтоғлик дегон,
Кўрдум келибки шул замон, бир чўли янтоқзор экан.

Келдук, деди: Мирза работ, тунда бўлинглар эҳтиёт,
Кетмоқ қўпуб танҳо жихот, мардумлари айёр экан.

Ул кеча ётдук тўлғаниб, хору хашокка булғониб,
Вақти сахарда уйғониб, юрдук дами рафтор экан.

Моҳак деган бир паст сарой, Чўнгтепа бир вайронা жой,
Дарё тўсуб, ўлгунча лой, тушдук: таомил бор экан.

Олти қозоқ ғавғо қилиб, бир қўйчиға даъво қилиб,
Жангү жадал барпо қилиб, мингбоши серозор экан.

Мингбоши қилди карру фар, бор сен нари деб, баччағар,
Сулҳ айлади олти фахир, бу, деб, сулукка кор экан.

Моҳёнасини кечтилар, ул халфа ҳам чой ичтилар,
Миллатчиликка чечтилар, деб: шунчага иқрор экан.

Саъй ила айлаб эҳтимом, яъни жадал бирла тамом,
Тўйтепа келдук вақти шом, қишлоғи ноҳамвор экан.

Ҳар қишлоққа от бургали, бўлмайди танҳо юргали,
Рой айламас ўлтургали халқи ҳама жаррор экан.

Зўрға ўтуб бўлдук равон, қирғизлар от юклар экон,
Бор дедилар Оҳангарон, келсак тошибду шўр экан.

Писканд ниҳоят хушлиқо, хўб соя-салқин, дилкушо,
Боғи Эрамдек жонфизо, сероб, серанхор экан.

Андин Чуқурбекат сари, келдук деди: Пискат сари,
Хўб жойи бошавкат сари, тушдук, фараҳ осор экан.

Ҳамроҳимизни нечаси: ётсак, деди, шу кечаси,
Бор деб беш-олти бачаси, бориси ширникор экан.

Манхусда қолдим бормадим, онларни ҳам қайтармадим,
Молдек кетар, бошқармадим, кўб аҳмоку мурдор экан.

Хуфтонда қайтиб келдилар, диққатлигимни билдилар,
Беҳад тавозеъ қилдилар, десунки, ширникор экан.

Ман ётдум асло сўзламай, бегоналардек ўзламай,
Турди алар ҳам кўзламай, бу, деб, заҳарлик мор экан.

Касбу ҳунарлардин рамуз, ўртаға охир тушти сўз,
Иккиси эркан муздадўз, анинг бири аттор экан.

Боғига бордук шоми кеч, ўлтургали йўқ жой ҳеч,
Ҳам сол тагингга тўнни еч, болишлари дастор экан.

Уч қори, уч зебо писар, сахро сари сайри сафар,
Сойидин ўтдук дар гўзар, олти занак сўйлар экан.

Ушбу равища қон ютуб, ножинс бирла тонг отуб,
Қўйлук сари келдук ўтуб, Чилчиқ тажовузкор экан.

Бир чап тиши тушган жувон, номин дедилар Зухрахон,
Феъли совуқ, хулқи ямон, анга бири хуштор экан.

Ўзимни лоҳаз кўрсатуб, дикқат бўлуб эрдим ётуб,
Ҳийла қилиб, хуррак отуб, то демасин бедор экан.

Тур ошга, деб уйғоттилар, тортиб қўлим тебраттилар,
Йўқ дедим, ош еб ёттилар, ўртада ош ҳам бор экан.

Дохил ўлубон Тошканд, кўрдумки бир шаҳри баланд,
Одамларидур нўшханд,¹ ўзбаки хушгуфтор экан.

Фурқат, сухан қилма дароз, золим фалак найранжбоз,
Ҳарчанд қилсанг шиква оз, афсунгару ғаддор экан.²

Зокирjon Фурқат.



¹ Одамлари нўшханд... – Одамлари ширин кулар экан.

² Ўз. АС. 1990 йил, 14 декабрь. Ушбу манбада айтилишича, Фурқатнинг Саёҳати Истанбулгача давом этган.

كان و أخواتها

**КАНА ЁКИ КОНА ВА УНИНГ
ФЕЛЬДОШЛАРИ**

*Қизиқ, "Қайғудош"да "Кона" не қилар?
"Инна", "Зонна" дардга бўлурми малҳам?
Шошимасдан қунт билан ўқиган билар,
Уққандан кетади анча-мунча ғам.*

*Аё, дўстлар, азиз хешилар, ошнолар,
Мақсудим ғамингиз аритмоқ эрур.
Сўзимни қувватлар бағри сафолар,
Истагим дилизга киритмоқ суур.*

*Шодмонман агар сиз бўлсангиз шодмон,
"Кемага тушганнинг жони бир" дерлар,
Сиз омон бўлсангиз мен бўлгум омон,
Ўзини ўйламас чинакам эрлар.*

Ж.

Араб тилида – *كَانْ وَأَخْوَاتِهَا* – *Kana* феъли ва унинг феълдошлари, – *إِنْ أَنْ وَأَخْوَاتِهَا* – *Zonna* ва феълдошлари, – *Инна, Анна* феълсимон ҳарфлар ва унинг ҳарфдошлари деган боблар бор.

Наҳв қоидалари қайғуга чўмган ғамгинга дори эмас, ғирт бошоғриқ-ку, деган гумон сиз донишлар хаёлига келмайди деб ўйлайман. Маълумки, ғам-қайғу азобида қийналаётган кишининг бошқа нарса билан чалғиши ғамни аритадиган муҳим воситалардан. Устозлардан бири: "Таълим-тарбия хўп яхши нарса-да. Инсон кундалик ҳаётда ҳар хил одамларга дуч келиб, диққатни оширадиган нохуш хабарларни эшитиб, турли манзараларга кўзи тушиб, албатта юраги сиқилади. Талабалар даврасига киргач, буларнинг ҳаммасини унутади. Зеро бир талаба тил қоидалари ҳақида сўраса, бошқаси ўзга бир фандан сўрайди. Бири Сийра, бири Тафсир, бири Тарих китобини кўтариб келиб, кўча, бозор, рўзғор... юклаган ғам юкини елкангиздан олгандек бўлади", деган эди.

Шунга кўра, **Қайғудош** ғамгинларни чалғитиши учун ўз сахифасида тил қоидаларига ўрин ажратди. Биз бунда мазкур феъл, ҳарф ва унинг феълдошлари ҳақида батафсил сўзлаш ниятида эмасмиз. Калима маънолари, эъроби, амал қилиш шартлари ва унинг барча икир-чикирига тўхтамай, рисола мавзусига узоқ-яқиндан алоқаси бор айрим оятларни келтирамиз. Оятни тафаккур қилиш билан ғам сувга тушган туз каби эриб кетади. Шайхулислом: "Куръонни тадаббур қилиб, янги маъно олмаган кунимни зое кетди деб биламан", деган экан.

*Ки ҳар ишники қилди одамзот,
Тафаккур бирла билди одамзот.*

Навоий.

Шояд тафаккур ўз имкониятларини ишга солмай ғамга асир тушган ғамзадаги ботинидаги яширин имкониятлар ва қобилиятларни очиб бериб, уни тутқунликдан озод этса.

Биринчи оят. Аллоҳ Қуръонинг бир неча оятида дунёни кезишга, Ерда сайру саёҳат этишга унданб шундай дейди:

﴿ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِكُمْ سُنٌَّ فَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكَذِّبِينَ ﴾¹

﴿ Сизлардан илгари ҳам сунанлар² ўтган. Шундай экан, ер юзида сайр этиб, динни ёлғонга чиқарғанларнинг охир оқибатлари қандай бўлганига назар солиб қўйинглар. ﴾

Оли Имрон137-оят.

Бу оят маҳзун мўминлар ортиқча ғам чекмасликлари учун тасалли ва шунинг билан бирга зафардан мағуруланиб кетмасликлари учун танбеҳдир, дейди муфассирлар.

Бадрда ғалаба қозонган мусулмонларга Ухуднинг аввалида зафар ёр бўлади. Маълум сабабларга кўра нақд зафар мағлубиятга айланади. Шунда баъзилар тушкунликка тушиб, қайғуга чўмишди. Аллоҳ қайғуга чўмиш ўринсизлигининг ифодаси ўлароқ ҳамда тасалли тарзида "**Сизлардан илгари ҳам сунанлар ўтган**" оятини индирди.

¹ "Оқиба" "Кана"нинг исми. Кан "Кайфа" унинг хабари. "Оқиба" марфуъ. Раф аломати калима охиридаги "зоҳир замма". Кан Феъл мозий ноқис, у ва унинг феълдошлари "афъол ноқиса" деб аталади. Мубтадо ва хабарга кириб аввалгисини ўзига исмга айлантириб раф қилади, кейингисини хабарга айлантириб, насб қилади. Кан гоҳида "ҳосил бўлди", "рўй берди" деган маъноларни ифодалаб тўлиқ феъл бўлиб келади. Киф "фатҳа"га мабний бўлиб, насб ўрнидадир. "Кайфа" истифҳом маъносида ҳам келади, исми шарт бўлиб ҳам келади. Иккинчисига мисол: "كيف تذهب أذهب". Истифҳомия – сўроқ тарзида келганда нафй ва инкор маъносини ифодалайди. Масалан: ﴿ كَيْفَ تَكُفُّرُونَ بِاللَّهِ ﴾ ﴿ Аллоҳга қандай коғир бўлурсиз?! ﴾

Бақара 28-оят. Бу ўриндаги "кайфа" "Қандай яшайсизлар?" деган маълумот олиш учун сўралган савол каби эмас, балки боя айтилганидек нафй ва инкор маъносида. Мисол, отанинг: "мен қандай қилиб ўз мажбуриятимни бажармайман?!" деган сўзига ўхшашдир. Аслида бу мавзуга кирмаймиз дейилган эди, лекин талабаларга масъулиятни эслатиш учун фақат биринчи оятнинг мавзуга оид ўрнини енгил эъробладик. Эъроб оятни тўғри тушунишда ва тўғри таржима қилишда асосий омилдир.

² Сунан – "Сунна"нинг кўплик сийфаси. Ўзгармас илохий йўл – қонун-қоида маъносини ифодалайди.

Оят мазмуни: ҳар нарса Илоҳ чизган йўл асосида кетади – ҳар бир нарсанинг сабаби бўлади. Кимки ғалаба йўлидан юрса, ғалабага эришади, кимки мағлубият йўлидан юрса, мағлубиятга учрайди. Қисқа қилиб айтганда "Ҳар ким экканини ўради". "Арпа эккан арпа олар, бўғдой эккан – бўғдой". Бу йўл – событ қонун, ҳеч қачон ҳеч ким учун ўзгартирилмайди. Илло Илоҳ истаги билан мўъжиза содир бўлиб ўзгармаса, тонгла Қиёмат қадар зинҳор-базинҳор қилт этмай шундоғича қолади.

"Арпа эккан арпа олар, бўғдой эккан бўғдой олар" мақолининг келиб чиқиши билан боғлиқ ҳодиса бор, дейди мақол шарҳловчи олимлар. "Ҳикматнома" муаллифларига кўра, XIII асрда Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий ўзининг "Қиссаи Рабғузий" асарида, XVI асрда Абдулваҳҳобхўжа ўғли Пошохожа ўзининг "Мифтоҳул адл" асарида мазкур мақолга сабаб бўлмиш ҳодисани келтирган.

"Луқмон Ҳаким аввал бир қул эрди. Хожаси бир кун айди: ё Луқмон, фалон ерга бориб, арпа эккил, фалон ерга бориб, бўғдой эккил, деди, эрса Луқмон бориб арпа эккил деган ерга бўғдой экти, бўғдой эккил деган ерга арпа экти.

Қачонким экин тамом бўлди, эрса, Луқмоннинг хожаси келди, кўрдиким, арпа ерида бўғдой экилмиш ва бўғдой ерида арпа экилмиш. Хожаси айди: нечук мундоқ қилдинг? Луқмон айди: мен гумон қилдимким, арпа еринда бўғдой битар ва бўғдой еринда арпа битар, деб андоқ қилиб эрдим.

Тақи Луқмон айди: эй хожса, нечукким ёзук¹ ўрнида савоб битар, савоб ўрнида ёзук битар? Туну кун зулм қилурсан, тақи Қиёматда савоб умид этарсан. Хожаси бу сўзни эшигитти, эрса бир оҳ урди, жамиъ этган гуноҳларидин тавба ва истиғфор қилди ва ҳам Луқмонни озод қилди. эмди билмоқ керакким, ҳар ким бу дунёда не экса, они ўрап".

¹ Ёзук, ёзув – Гуноҳ, айб; айборлик.

Оятдаги "сайр"дан мурод маърифат ҳосил қилиш, деб таъкидлайди муфассирлар. Агар бир киши саёҳатга чиқиб, жазоланган қавмлар ерига борса-ю, маърифат ҳосил қилмай, ибрат олмай, музей айлангандай қуруқ қайтса, у маърифат ҳосил қилмабди. Сафарга чиқмай, агарчи уйида ўтириб маърифат ҳосил қилган киши ушбу оятни амалга оширибди.

Исёнкор қавмлар албатта жазоланган. Бунга тарих тайёр гувоҳ, ҳозиримиз тирик шоҳид. Фақат ибрат кўзини катта очиб, теваракка қарашни билиш керак, холос. Илоҳий уқубатни бугунги кунда енгилроқ қилиб "Табиий офат" дейишмоқда. Майли, қандай ном билан аташса атайверишин, лекин шуни унутмасинларким, тавба қилинмаса, уқубатнинг қолгани Охиратда давом этади.

Юқоридаги оятни таъкидовчи бошқа оят келган:

﴿أَوْلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَيْبَةُ الَّذِينَ كَانُوا مِنْ قَبْلِهِمْ كَانُوا هُمْ أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَإِثْرًا فِي الْأَرْضِ فَأَخْذَهُمُ اللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ وَمَا كَانَ لَهُمْ مِنْ أَنَّ اللَّهَ مِنْ وَاقِعٍ﴾

﴿Ахир ер юзини кезиб, ўзларидан олдин ўтган кимсаларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?! Аввалгилар улардан кўра куч-қувватда, ердаги осоробидаларда зўрроқ эди-ку. Гуноҳлари боис Аллоҳ уларни тутди – таг-томирлари билан сугуриб ташлаб, ҳалок этди. Уларни Аллоҳнинг азобидан қутқарувчи бирор кимса бўлмади.﴾

Фоғир 21-оят.

Оли Имрон сурасининг 137-оятидаги ҳамда мазкур оятдаги фармон мусулмонларга хос эмас, мусулмону кофирни ўз ичига олади. Мусулмон иймонини зиёда қилиш учун сайр этиб маърифат ҳосил қилса, кофир иймонга етишиш учун сайр этади. Аммо навбатдаги оят фақат мусулмон учун лойик бўлиб, қолганларни ўз ичига олмайди. Зоро унда улуғ учрашув хусусида гап кетади.

Иккинчи, учинчи оятлар.

﴿ مَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ اللَّهِ فَإِنَّ أَجَلَ اللَّهِ لَآتٍ بُولْيَاشِدَانْ عُمِيدَوْرْ بُولْسَا، أَلْلُوكْ بَلْغِلَاجَانْ مُودَدَاتْ أَلْبَاتْتَا كَلُورْ. ﴾

Анкабут 5-оят.

﴿ فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلَيَعْمَلْ عَمَلاً صَالِحًا وَلَا يُشْرِكُ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴾

﴿ Кимки Роббисига йўлиқишидан умидвор экан, бас, яхши амаллар қилсин ва Парвардигорининг ибодатида Унга биронтани шерик қилмасин. ﴾

Кахф 110-оят.

Саҳихда келади: "Ким Аллоҳ учрашувини суйса, Аллоҳ ҳам унинг учрашувини суяди. Ким Аллоҳ учрашувини ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам унинг учрашувини ёмон кўради".

"Мўминга ўлим келса, Аллоҳнинг ундан розилиги ва каромати; саховати ҳақда хушхабар берилади. Шунда банда учун бундан кўра севимли нарса бўлмай, Аллоҳ учрашувини суяди, Аллоҳ ҳам унинг учрашувини суяди. Кофирга ўлим келса, унга Аллоҳнинг азоб-уқубатидан "хушхабар" берилади. Кофир учун бундан кўра ёқимсиз нарса бўлмайди"...

Бир маънодаги шу икки оят ва бир ҳадис 14 асрдан буён курраи заминда хайрият қопқаларини очиб, шарорат қопини беркитиб келмоқда, яхшилик ёйилишига, ёмонликнинг олди олинишига асосий сабаб бўлиб хизмат қилмоқда.

Қандай?

Учрашувга тайёргарлик учрашиладиган томоннинг қадр-қиймати, дилдаги ўрни, муҳаббати ва мансабига анча боғлиқ. Масалан, отанинг мактаб муаллими билан учрашуви енгил. Аммо директор билан учрашиш сал оғирроқ. Бу учрашувга завқ билан эмас, кўпчилик мажбуран ҳадиксираб боради.

Ўн йил, балким йигирма йил ота-онаси билан кўришмаган мусофири фарзанднинг ота-она билан учрашуви қандай кеч-

ди деб ўйлайсиз? Бешак ҳар икки томон учрашув учун катта тайёргарлик кўриши аниқ, натижада бу учрашув тўй-тантанага айланиб кетади.

Раиятпарвар раҳбар билан учрашув байрамона тус олади. Ҳамма ясаниб, сайлга чиқади. Косиб ҳунармандлар, дўкондор тожирлар ишини йиғиштириб, ўз ғамхўр посбонини кўришга, унинг сўзини тинглашга ошиқади. У раиятга рўшнолик тақдим этса, улар унга сидқ-вафо, гўзал дуо тақдим этадилар.

Аллоҳ билан банда учрашувига ҳам ҳар икки томон тайёргарлик кўради. Банда тинмай амали солиҳни кўпайтиради. Тантанали кечага йўл олган киши кийимиға гард юқтирумаганидек, тантанавор учрашувга йўл олган киши ҳам амалига гард юқтирумайди. Аллоҳ эса у бандаси учун кунда жаннатини безайди. Домлалардан эшитган эдим, улуғ Жаброил жаннатга киришга Аллоҳдан изн сўраган экан. Изн берилгач, жаннатда узоқ учибди. "Ниҳоясига етдимми?" деб сўраганда: "Абу Бакрга берилган жойнинг ярмиға етганинг йўқ", дейилади.

Буюк учрашувга ошиққан кас факт яхшиликка қўл уради. Мабодо бандачилик боис ёмонликка аралашиб қолса, дарҳол Ҳаққа қайтиб, тавба-тазарру қиласи. Ёмонликни яхшилик или ювади. Мисли қўрилмаган учрашувга ҳозирлик кўриш баҳонасида одамлар орасида ибодат, саховат, муруват, жасорат каби эзгу амалларда мусобақалар вужудга келади. Учрашув кўйида қанча-қанча девон тўлади, қанча-қанча китоб ёзилади.

Улуг учрашувга тайёр бандани кеманинг денгизда тебраниши, уchoқнинг самода силкиниши зарра чўчитмайди. Чунки у доим У билан учрашиш пайида. Шунинг учун қачон, қаерда бўлса яхши амалларни кўпайтиради. Банда биладики, ҳеч ким Аллоҳнинг рўбарўсига ясаниб боролмайди. Бунинг имкони йўқ. Ҳатто оддий кийимини ҳам ечиб, оқ латтада жўнатилиди. Олиб кетиладиган нарса факт амали солиҳ, холос. Шубоис юқоридаги икки оят ва ҳадис эзгулик дарвозасига очқич, шарорат – ярамаслик эшигига қулф бўлиб келмоқда, дейилди.

Тўртинчи оят.

﴿ فَلَوْلَا أَنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُسَيْحِينَ لَلَّذِي بِطْنَهُ إِلَى يَوْمٍ يُبَعَثُونَ ﴾ ۱۴۳

﴿ Агар у тасбех айтувчилардан бўлмагандан эди, то қайта тириладиган кунларига қадар унинг қорнида қолиб кетарди. ﴾

Соффот 143-144-оят.

Бу оят Юнус алайҳиссалом шаънларида нозил бўлган. Тўлиқ исмлари Юнус ибн Матто. Ибронийда Юнон ибн Омитай дейилади.¹ Найнаво ахлига жўнатилган Бани Исроил пайғамбари.

Юнус алайҳиссалом хусусида кўп оялар инган, балки бутун бошли сура у зот номлари билан аталган. Ўн биринчи жуз (пора)даги ўнинчи сура "Юнус" деб номланган.

Маълумки, Юнус алайҳиссалом саркаш қавмни яқинлашашётган азобдан огоҳ этадилар. Сўз таъсир қилмагач, улардан ғазабланиб, Аллоҳнинг изнисиз қавмни ташлаб кетадилар. Бу ердан буткул узоклашиш қасдида кема томон жадаллайдилар. Кема тирбанд эди. Бу ҳақда Қуръон шундай хабар беради:

﴿ إِذْ أَبَقَ إِلَى الْفُلُكِ الْمَسْحُونِ ﴾ ۱۴۰ **Тирбанд кема томон қочди.**

Соффот 140-оят.

Денгиз кўксини ёриб сузаётган кема дабдурустдан хунар кўрсатиб, ҳаммани қўрқитади. Одамлар ва юк билан тўлган кема чўкиш арафасида эди. Чўкаётган кемани қутқариш учун ўша давр одатига биноан ўртада қуръа ташлаб, кемадаги ортиқча одамларни сувга улоқтирилар экан. Қуръа Юнусга тушади. Эмишки, уч марта қуръа ташланган, ҳар учаласида қуръа унга чиқади. "Қисматдан қочиб қутилиш қийин" дейилганидек, Юнус пайғамбар сувга улоқтирилади.

¹ Ибн Ошурнинг التحرير و التویر тафсиридан.

Юнусни наҳанг ютиб юборади. "У наҳангни каттароқ хут ютади", дейди баъзи ривоятлар. Денгиз қаърида, наҳанг қорнида қолган Зуннун:¹ "Хеч ким ибодат қилмаган жойда мен ибодат қиласман", деб саждага бош қўяди. Шунда турли товушлар эшитилади. "Илоҳо, бу қандай товуш?" деб сўраганларида, "Денгиз ахли бизга тасбех айтмокда", деган жавоб келади. Шунда хатоларини тан олиб шундай деган эканлар:

﴿فَكَادَىٰ فِي الظُّلْمِتِ أَن لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَنَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ ﴾ فَأَسْتَجَبْنَا
لَهُ وَبَحْتَنَاهُ مِنَ الْغَمِّ وَكَذَلِكَ نُثْبِتُ الْمُؤْمِنِينَ ﴾

﴿Зимзиё зулмат қаърида: "Ла илаха илла Анта Субҳанака инний кунту миназ-золимиин – "Сендан ўзга сигинишга лойиқ чин маъбуд йўқ. Пок Парвардигоро, ҳақиқатда мен ўз жонимга жабр қилдим", деб нидо айлади. Биз унинг дуосини мустажоб этдик ва уни ғам-гуссадан қутқардик. Шунингдек, мўминларга ҳам најсом берурмиз. ﴾

Анбиё 87-88-оятлар.

Куръон ҳикоя қилган бу ҳодиса мелоддан анча олдин, Исо алайҳиссалом дунёга келмасидан бир неча юз йиллар илгари рўй берган. Пайғамбар саргузаштини Куръон охирги умматга сўзлаб бермокда. Бу мусулмонларга оддий тарихий маълумот эмас, балки ибратга кон ҳаётий сабоқдир. Келинглар, биргаликда ўша ибратларнинг айрими билан танишиб чиқайлик.

1- Хато, шошма-шошарлик банданинг ажралмас сифати. Бу иллатдан холи бандани топиш душвор. Ўзингиз ўқиб гувоҳ бўлганингиздек, Юнус алайҳиссалом билмасдан хатога тушиб қолдилар.

¹ Зуннун – ذوا النون – Хут соҳиби деган маънони ифодалайди. Хут, наҳанг демакдир. Аллоҳ Юнус алайҳиссаломни Куръонда "وَذَا النُّون" "Зуннун" деб атади. Бошка бир оятда: "كَصَاحِبِ الْحُوتِ" "Соҳиби ҳут" деб номлади.

2- Жиноят жазосиз қолмайды. ﴿مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ﴾

﴿Кимки ёмонлик қилса, унга кўра жазоланади.﴾

Нисо 123-оят.

Гоҳида жазо кечикиши мумкин ёки бутунлай кечирилиши мумкин. Баъзиларники охиратга олиб қўйилади. Буниси – энг ёмони. Гоҳида Раб таоло фазл марҳамат қилиб саййиотларни ҳасанотга айлантириб беради. Буниси – энг яхиси. Лекин шарти бор. У шартни Аллоҳ баён қилиб дейди:

﴿إِلَّا مَنْ تَابَ وَأَمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدَّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَتِهِمْ﴾

﴿...Илло ким тавба қилса, иймон келтирса ва яхии ишларни амалга оширса, ана уларнинг саййиотларини Аллоҳ ҳасанотга алмаштириб беради.﴾

Фурқон 70-оят.

Учта шарт: 1-Ҳар қандай ёмонликни бутунлай ташлаб, астойдил тавба қилиш. 2-Чинакам иймон. 3-Хаёти давомида амали солиҳларни бажариш.

3-Тасбех айтиш нажоткор амаллардан. Ҳақ таоло: "Агар у тасбех айтувчилардан бўлмаганда, то қайта тириладиган кунларига қадар унинг қорнида қолиб кетарди", деди.

Росуллоро марҳамат қилдилар: "Аллоҳ учун энг суюкли калом – Субҳаналлоҳи ва бихамдихҳодир".

Муслим, Термизий, Насойй ривояти.

Мусъаб ибн Саъд отасидан ривоят қиласи: Биз Набий ﷺ ёнларида эдик. "Қайси бирингиз ҳар куни мингта ҳасанот жамлай олади?" дедилар. "Биз қандай қилиб мингта ҳасанотни касб этишимиз мумкин?" деб сўради сұхбатдошлардан бири. "Юз марта тасбех айтса, унга мингта ҳасанот ёзилади, мингта хатоси ўчирилади", деб жавоб бердилар.

Муслим, Термизий, Насойй ривояти.

4- Яхшилик ҳеч қачон унutilмайди. Ҳадиси шарифда келади: "عَرَفَ إِلَى اللَّهِ فِي الرَّحْمَاءِ يُعْرَفُ فِي الشَّدَّةِ" "Фарованликда Аллоҳни тани – эсла, қийинчиликда Уҳам сени танийди – эслайди".

Имом Аҳмад ривояти.

Ҳадисга кўра, ким яхши ҳаёт кечираётган пайтда Аллоҳни эсидан чиқармай, доим ибодатида қоим бўлса, унинг бошига қийинчилик тушганда Аллоҳ у бандасини эслаб ёрдам беради.

Иброҳим Адҳам кемада кетаётганларида денгиз қутириб, кемани ўйната бошлайди. Бўрон, ёмғир, тоғдай қад кўтарган тўлқин кема аҳлини ваҳимага солади. Ҳамма Аллоҳга ёлвориб дуо қилишга тушади. Ёшу қари бирдай йиғларди. Одамлар шовқин-сўрони денгиз пишқириғи билан қовушиб кетган. Ҳамма изтиробда. Иброҳим Адҳам эса хотиржам. Шунда кемадагилардан бири: "сиз ҳам дуо қилсангиз-чи" дейди. "Илоҳо, қудратингни кўрсатдинг, энди раҳматингни кўрсат", деб оҳиста дуо қиладилар. Бирдан бўрон тиниб, тўлқинлар таскин топиб, кема аҳли бир киши боис омон қолади.

5- "*Ла илаҳа илла Анта, Субҳанака, инний кунту миназзолимиин*" калимаси нажоткор калима. У Ҳақ таоло уқтирганидек кишини ғам-ғуссадан қутқаради. Мазкур нажотбахш дуо Зуннунга ёки бошқа Анбиёларга хос эмас, балки барча мўминлар учун шомилдир.

"Биз унинг дуосини мустажоб этдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик. Шунингдек, мўминларга ҳам нажот берурмиз".

Бу қисқа дуо уч қисмдан иборат:

- 1- Тавҳид – Ла илаҳа илла Анта.
- 2- Тасбех – Субҳанака.
- 3- Тавба – Инний кунту миназ-золимиин.

Ҳар уч калима Аллоҳ суйган муборак ва муқаддас калима бўлиб, мўминга икки дунёда манфаат етказади.

Бешинчи оят.

﴿ إِنَّ هَذَا كَانَ لِكُمْ جَزَاءٌ وَكَانَ سَعْيُكُمْ مَشْكُورًا ﴾

﴿ Албатта бу сизлар учун мукофот бўлди. Ва сизларнинг саъй-ҳаракатингиз (илоҳий) ташаккурга сазовор бўлди. ﴾

Инсон 22-оят.

"Албатта бу" дан мурод нима?

"Сизлар учун"даги мукофот совриндорлари ким?

"Сизлар" дейилганда кимлар назарда тутиляпти? Биронта диний оқим ё гуруҳми? Ё барча мусулмонларми? Ё жамийки инсониятми?

"Бу" дан мурод жаннат ва ундаги ноз-неъматлардир.

"Сизлар учун", бу зотларнинг кимлигини Аллоҳ "Инсон" деб аталмиш мазкур суранинг аввалида баён этган:

﴿ إِنَّ الْأَبْرَارَ ﴾ ﴿ Албатта аброрлар ﴾

Демак, хаёти дунёдаги саъй-ҳаракати илоҳий ташаккурга, раббоний тақдирга лойик бўлиб, жаннат билан мукофотланган кишилар Аброрлардир.

Аброрлар ким?

Аброр ابرار арабча калима бўлиб, ўз сўзининг кўплек сийфасидир. Эзгу ишларни амалга оширувчи, эзгу ниятли солих кишилар деган маънони ифодалайди. Зоҳири билан ботини бир хил беғараз самимий эркак-аёллар. Хайрли ишларга шошувчи, тоат-ибодатда биринчи мўминлар. Жамиятдаги покдомон илғорлар. Уларнинг илоҳий шукрга лойик саъй-ҳаракатини Аллоҳ шу сурада санаб ўтган:

- 1- Дунёда ўз зиммаларига олган назрга вафо қиласидилар.
- 2- Шарорати ёйилган Қиёмат кунидан қўрқадилар.

3- Ўзлари суйган тотли таомни мискин, етим ва асирга едирадилар.

Мискин ва етимга ҳамма ҳам таом тутади. Аммо жангда қўлга тушган асирга тотли таом тақдим этиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кундузи ғаним бўлиб, кечаси асирга тушган кишанбанд ёв дастурхонини суюкли таом билан безаш фақат ва фақат Аброрларнинг олийжаноб хислатидир.

4- Ҳар бир амалларини холис Аллоҳ учун бажарадилар.

﴿ إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ اللَّهِ لَا تُرِيدُ مِنْكُمْ جُزَاءً وَلَا شُكُورًا ﴾ *Сизларни ёлгиз Аллоҳ-нинг Юзи учун таомлантирамиз. Сизлардан бирон мукофот ва миннатдорчилик истамаймиз.* ﴿

5- Уларнинг яна бир хислати – сабр-бардош, қаноат.

﴿ وَجَرَّنَهُمْ بِمَا صَبَرُوا ﴾ *Сабрлари сабабли...* ﴿

Инсон 12-оят.

Аброрларга мукофот тарзида берилган жаннат ва ундаги ноз-неъматларнинг айримини Аллоҳ шу сурада зикр қилган:

1- ﴿ فَوَقَهُمُ اللَّهُ شَرًّا ذَلِكَ الْيَوْمُ وَلَقَّهُمْ نَصْرَةً وَسُرُورًا ﴾ *Аллоҳ уларни ўша Куннинг ёмонлигидан сақлаб, уларнинг чехраларига жилва-нур, дилларига суурур баҳи этди.* ﴿

Фаровонлик уларнинг ташқи кўринишида акс этади – чехралари очиқ, нурафшон, диллари хандон.

2- ﴿ وَجَرَّنَهُمْ بِمَا صَبَرُوا جَنَّةً وَحَرِيرًا ﴾ *Уларнинг сабрлари сабабли жаннат ва ипак либос билан мукофотлади.* ﴿

Яшаш жойлари, доимий масканлар энг қимматбаҳо, йўқ-йўқ, умуман бебаҳо жаннат, кийим-кечак энг тоза, энг мулойим газмол.

3- ﴿ مُتَّكِّفِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرْضِ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمْهَرِيرًا ﴾ *Улар жаннатда сўриларга суюниб ўтирурлар. У ерда офтобни ҳам, замҳарир (қаҳратон қиши)ни ҳам кўрмайдилар.* ﴿

Ўтиар жой гилам тўшалган чорпоялар. Ўтириш ҳайъати шоҳона. Қисилиб эмас, ястаниб ўтирадилар.

Об-ҳавога таъриф йўқ – мўътадил. На қуёш қаҳрини сочади ва на қаҳратон қиш қўрқита олади.

4- ﴿ وَدَانِيَّةٌ عَلَيْهِمْ ظُلْمٌ هَا وَذَلِكَ قُطْفُهَا نَذْلِيلًا ﴾ **Жаннат уларга яқиндан соя солиб турди, унинг меваларини узиш жуда енгиллаширилган.** ﴿

Мевани сотиб олишмайди, ҳузурбахш соя-салқинда териб ейишади. Узиш, териш эса жуда қулай. Шох-шабба қўлни тирнаб кетмайди, танани қонатмайди.

5- ﴿ وَيُطَافُ عَلَيْهِمْ بَأْنَيْتَهُ وَأَكُوَّبَ كَانَتْ قَوَارِيرًا ﴾ 15 **Уларга кумуш идишлар ва кумушдан ясалган биллур шиша қадаҳлар айлантирилади. Уни (шаробни соқийлар ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша) белгилаб қўйишган.** ﴿

Суранинг 21-оятига қадар "Аброрлар"нинг жаннатдаги ҳоллари илоҳий сатрларда тажалло этади. Мужримлар юзида қўрқув ва ҳузн акс этиб турган бир пайтда Аброрлар чехраси-хурсандчилик акс этади. Исёнкорлар қайнок қора мумдан кийим кийим юрган мудҳиш бир пайтда Аброрлар юмшоқ ипакдан кийим киядилар. Осий иссиқда куйиб-пишиб турган соатда Аброр на қуёшни ва на қишини кўради. Фосиқ бир қултум сувга муҳтож бўлган маҳалда Аброр кумуш идишда, биллур шишада шароб ичиб ўтиради. Кимдир дўзахнинг тор ўтхонасида ёнса, Аброр жаннат чорпоясида ястаниб ўтиради.

22-оятда бу иззат-икромларнинг бош омили баён этилади.

﴿ إِنَّ هَذَا كَانَ لَكُمْ جَزَاءٌ وَكَانَ سَعْيُكُمْ مَشْكُورًا ﴾ **Албатта бу сизлар учун мукофот бўлди. Ва сизларнинг саъи-ҳаракатингиз (илоҳий) ташаккурга сазовор бўлди.** ﴿

Дунёда ҳар кимнинг ўз суйган унвони ва номи бўлади. Масалан, илм-фан оламига қадам қўйган толиби илм доктор, профессор, академик деган номларга хуштор.

Ҳарбий соҳада киши солдат ё сержант бўлиб ўтишни истамайди. Офицерлар составига интилади. Кичик лейтенант, лейтенант, катта лейтенант, капитан, майор, подполковник, полковник, генерал, генерал-лейтенант, генерал-майор, генерал-полковник, маршал ва энг олий қўмондонлик унвони генералиссимус деган турли унвонларга зобитлар орзуманд.

Иқтисод оламида миллионер, мультимиллионер, миллиардер, деган атамаларга ҳамма иштиёқманд.

Буларнинг бари дунё ярашиғи. Биз буни қораламаймиз. Майли, инсон ўзи эгаллаган соҳада олий чўққиларни забт этсин. Лекин шуни унутмаслик керакки, бу номлар ва унвонлар хаётга сўнгги нуқта қўйилганда ҳеч қандай қадр-қийматга эга бўлмай қолади. Мундир ўрнини кафан эгаллаганда инфляцияга учрайди. Қадр-қийматини йўқотади. Худди Ленин сурати акс этган совет рубли қадр-қийматини йўқотгани каби.

Ўтган кунлардаги юқори даражали унвонлар қаёққа кетди?! Ҳамманинг ҳавасини келтирган ному унвонлар қани?!

Ҳаммаси ном-нишонсиз йўқолиб кетди. Аммо Аллоҳ мадҳ этган "Аброрлик" мартабаси, "Аброр" атамаси улуғ ном ва улуғ унвон эди ва энг қадрли атама, энг олий мартаба бўлиб қолаверади. Киёматда фақат шунинг ўзи асқатади.

Дунёда ҳар бир инсон профессор, академик, генерал, миллионер, миллиардер бўлиши амри маҳол. Мингтадан биттаси профессор, мингтадан биттаси миллионер бўлса ҳам катта гап. Лекин ҳар бир инсоннинг Аброр бўлиши мумкин ва осон.

Имкониятни қўлдан бой бермай Аброрликка шошинг. Бу интилиш сизнинг дунёвий юмушларингизга халал бермайди. Аброр миллионер, Аброр генерал, Аброр академик деган номларни жамлаш ўз қўлингизда...

Олтинчи оят.

﴿ وَمَا خَلَقْنَا السَّمَاءَ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا بَطِلًا ذَلِكَ طَنِّ الَّذِينَ كَفَرُوا فَوْلُجْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مِنَ النَّارِ ﴾

﴿ Осмону ер ва улар ўртасидаги борлиқни бехуда яратган эмасмиз. Ушбу (шубҳа) кофирларнинг (асоссиз) гумонидир. Жаҳаннам ўтидан кофирлар ҳолигавой! ﴾

Сод 27-оят.

Ер – биз яшаётган планета.

Осмон – Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турган чексиз фазо.

Одатга хилоф ўлароқ бу ўринда муфассирлар сўзини эмас, фалакшунослар сўзини нақл қиласиз. 1992 йил нашр этилган 11 синф Астрономия (Фалакиёт) китобининг 6-бетида келади:

Сиз энди Ернинг табиий йўлдоши – Ойнинг бизга энг яқин бўлган осмон жисми эканини, бизнинг планетамизни бошқа катта ва кичик планеталар билан бирга Күёш системаси таркибига киришини ҳамда ҳамма планеталарнинг Күёш астрофида айланишини биласиз. Күёш ўз навбатида, осмонда кўринадиган ҳамма юлдузлар сингари, бизнинг юлдуз системамиз – Галактика таркибига киради. Галактиканинг катталиги шундай улканки, ҳамто 300 000 км/с тезлик билан тарқаладиган ёруғлик ҳам унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасигача бўлган масофани юз минг (100 000) йилда босиб ўтади. Коинотда бундай галактикалар жуда кўп, аммо улар ниҳоятда узоқда бўлиб, биз оддий кўз билан улардан атиги биттасини – Андромеда туманлигини кўрамиз, холос.¹

﴿ وَمَا قَدَرُوا اللَّهَ حَقًّا قَدْرُهِ وَالْأَرْضُ جَمِيعًا قَبْضَتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَالسَّمَوَاتُ مَطْوَيَتُ بِيَمِينِهِ ﴾

﴿ Аллоҳни ҳақиқий равишда қадрламадилар! Бутун Ер Қиёмат куни Унинг қабзасида бўлур. Осмонлар эса Унинг қўлида ўралиб тургай. ﴾ Зумар 67-оят.

Бу сўз махлукот гапирилиб, Холиқ тилга олинмайдиган даврда ёзилган. Туз ичиб, тузликқа тупуриш одатга айланган, яралмишлар ўз Яратувчисини инкор этган нонкўрлик даврида айтилган.

Меъреж соҳиби  Аллоҳ Курсийси ва Аршининг буюклиги хусусида сўзлаганларида: "*Етти қат осмон Курсийнинг олдида сахрота ташланган ҳалақа* (узук) *каби бўлиб қолади. Аршининг Курсийдан ортиқлиги ушибу сахронинг узукдан ортиқлиги кабидир*", дедилар.

Ибн Ҳиббон Саҳихи Арноут таҳқики остида.

Малоикалар билан билвосита алоқа қилган бани башар саййиди  шундай марҳамат қилган эдилар:

"Менга Аршини кўтариб турган Аллоҳ малоикаларидан бир малак ҳақида сўзлашга изн берилди. Унинг солинчаги¹ билан елкаси оралигидаги масофа 700 йиллик йўл экан".

Абу Довуд Сунани.

Инсоф билан айтинг, ақл бовар қилмас бепоён коинот, ундаги махлукотлар бехуда яралиши мумкинми?!

Ер юзидаги тоғлар, боғлар, сахролар, биёбонлар, денгиз, анҳор, сойлар бекордан-бекорга барпо этилиши мумкинми?!

Эркак билан аёлнинг ўлик суви ўз ўзидан инсонга – тирик жонзотга айланиши мумкинми?!

Бир қават уйни бехуда қурилмайди-ю етти қат осмонни бехуда кўтариладими?!

Инсон токайгача саркашлиқ қилади?! Тобакай майшат, ўйин-кулгуга берилиб, ғафлатда ухлайди?!

Ўжарликни ташлаб ақл билан иш юритмайдими?

Охиратни ўйлайдиган фурсат келмадими?!



¹ Солинчак – Қулоқнинг пастки юмшоқ қисми.

﴿ فَسَيِّدْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرُهُ لِنَّهُ كَانَ تَوَابًا ﴾

﴿ Раббинг ҳамди ила тасбех айтиб, Ундан магфират сўра! ﴾

Зеро У тавбаларни қабул қилувчиидир. ﴿ ﴾

Ҳақ таоло Рисолат аввалида "أَقْرَأَ" "Ўқи!" оятини индириб ўқишига буюрган эди. Кейин ﴿ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

﴿ Айт, билганлар билан билмаганлар баробар бўлурми?! ﴾ деган маънодаги ояллар билан ўқишига тарғиб қилиб турди.

﴿ وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَأَخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبِيِّنَاتُ ﴾

﴿ Аниқ ҳужжатлар келгандан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалардек бўлмангиз! ﴾ деб фирмабозлик, гурухбозлик, арзимаган нарса устида масалахонлик қилиб, бир-бири билан талашиб-тортишиш каби ёмон иллатлардан қайтарди. Ахли китоблар ихтилофи илм келгандан кейин бошланганини эслатди. Тафриқанинг баъзи омилларига ишора қилди.

﴿ وَمَا أَخْتَلَفَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ ﴾

﴿ Ахли китобларга илм келгандан кейингина ўзаро ҳикадоват; ҳасад боис ихтилоф қилишиди. ﴾

﴿ يَأَيُّهَا الْمُؤْمِنُوْفُ فَإِنِّي زُورٌ ﴾ ﴿ Эй бурканиб олган зот, ўрнингдан тур, (одамларни) огоҳлантири! ﴾ ﴿ وَإِنِّي رَعَشِيرٌ أَلَا قَرِيبٌ ﴾

﴿ Яқин қариндошларингни огоҳ эт! ﴾ деган ояллар билан қариндошларни ва барча инсониятни динга чорлашга буюрди. Нубуватнинг 4-5-йиллари ﴿ فَأَصْدَعْ بِمَا تُؤْمِنُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴾ ﴿ Буюрилган ишингни оишкор эт! Мушриклардан юз ўгир! ﴾ деди.

Шу тариқа Аллоҳ таоло ўз элчисига илохий кўрсатма ва фармойишлар бериб борди. Набий ﷺ шу кўрсатмалар асосида иш юритиб, душмандан дўст, ёмондан яхши, омидан олим, мушриқдан муваҳҳид чиқардилар. Жирканч жамиятни намунали жамиятга айлантиридилар. Дин душманлари Холид ибн Валид, Амр ибн Ос ва бошқа мушрик ғанимлар диннинг ҳимоячиларига айланди. Набийни ﷺ юргидан қувиб чиқарган Макка, бошпана берган Мадина ахли ва бутун Араб жазираси ёппасига динга кира бошлади. Шунда Аллоҳ сўнгги амрини индиради:

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرٌ مِّنَ اللَّهِ وَالْفَتْحُ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا﴾
﴿فَسَيَّعَ حَمْدُ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرُ لِإِنَّمَّا كَانَ تَوَابًا﴾

﴿Қачон Аллоҳнинг нусрати келса, ва одамларни тўп-тўп бўлиб Аллоҳ динига кираётганини кўрсанг, дарҳол Раббинг ҳамди ила тасбех айтиб, Ундан магфират тила! Зеро У тавбаларни қабул қилувчиdir.﴾

Наср сураси.

Мусулмонлар ҳам шу гўзал таълимот асосида иш юритиб, суюкли пайғамбарлари изидан оғмай равон юрсалар, талашиб эмас, келишиб иш қилишса, етти иқлим ахли ҳақ динга селдек оқиб киради. Келишиб иш қилиш билан душман дўстга айланади, талашиб билан дўст душманга айланади, айланди ҳам.

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса, оз.

Э. Воҳидов.

Билмини кўрсатиб кўйиш мақсадидами ё бошқа ғараздами арзимаган масалаларда оғиз тўлдириб гапириш, катта-катта муаммоларни ҳатлаб ўтиб майда нарсаларга берилиш қадр-донлар орасига совуқлик солади. Одамларни диндан безитади. Шон-шарафни топтайди, шавкатни кетказади. Бу аянчли ҳол рафиқни куйдириб, рақибни суюнтиради.

Тилни ғийбат, бирони ёмон отликқа чиқариш билан эмас, тасбех, тамҳид ва истиғфор билан банд этиш зафар келтиради.

"Қана ва унинг феълдошлари" дан олинган хулоса:

Умр бўйи қоп, халта кўтариб ўтган ғамгин оғам,

Бўйи кетмон дастасига етмасдан олдин қўлига кетмон ушлаб, уни ҳануз қўлидан қўймаган қайғули қардошим,

Ғариф ўлкаларда қор кураётган, кичкина чўлтоқ супурги билан катта кўчаларни супураётган аламзада акам, укам,

Илгари пулни қўлда санаб, ҳозир калькуляторга суюниб қолган маъюс мунисим.

Ғамлардан қутилиш йўли кўп. Шулардан бири: илм билан шуғулланишидир. Бир дамга қўлингдаги нарсаларни ерга қўйиб, ўрнига китоб, дафтар, қалам олиб кўр. Фойдасини кейин биласан, ё дарҳол сезасан. Талабалар каби –
– کان و أخواتها

Қана ва унинг феълдошлари, – ظن و أخواتها – *Зонна* ва унинг феълдошлари, – إن و آن و أخواتها – *Инна, Anna* ва унинг ҳарфдошлари деб нахв-сарф қоидаларини ўрган. Бу билим сенга Парвардигор Китобини тўғри ўқишида ва тўғри тушунишида катта ёрдам беради. Шунингдек ўзлигингни англашда, саодат йўлини аниқ ва тиник кўра билишида кўзойнак бўлади.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг соҳиби Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний: "30 минг пулим бор эди, шунинг 15 мингини Қуръон, Тафсир, Фиқҳ, Ҳадис ва бошқа илмларни ўрганиш учун сарф этдим. Қолган 15 мингни нахв-сарф – тил қоидаларини ўрганишга сарфлаганман", деган экан.

Илм – ғам кушандаси, қувонч жарчиси. Илм – яёв қолган миллат учун тойчоқ. Илм – ёлғиз қолган ғариф учун овунчоқ. Овунчоғинг оромгоҳга айланади. Балким бир куни сени олий мақомларга кўтаради.

Оч овқат танламагани каби, илм ҳам ёш танламайди.

"Қаридим" деб қўрқманг, "ёш ўтти" деб важ қидирманг.
 "Энди ўқиб нима бўлардик" деб текис йўлда қоқилманг. Ахир
 қариганда ўқишни бошлаганлар қанча. Кексайганда олим
 бўлганлар қанча. Аллоҳнинг даргоҳига оми бўлиб боргандан
 кўра олим бўлиб бориш яхшироқ.

800 йил муқаддам ўтган кекса олим дейди:

"Мана мен ҳозир 80 ёшга чиқдим. Илмга бўлган муҳаббатим, таҳсилга нисбатан иштиёқим 20 ёшли йигитникидан кам эмас".

Илмнинг ўзига яраша лаззати бор. Китоб, дафтар, қалам
 кўтариб илмий даврага боришининг ўзгача ҳаловати бор... Бу
 ҳаловат бошқа ерда топилмайди.

Муқаййид дейди:

*"Совет даври эди. Мен артелда ишлардим. Ёши катта
 бригадирни ижтимоий гам-андуҳ эзиб қўйганди. Кўпчилик
 қатори у ҳам менда ўқий бошлади. Ҳар куни дарс олади.
 Кейинроқ билишимча, у одам гамни унугтиб, китобга кириб
 кетган экан. Ҳатто кампири: "Эримга бир нарса бўғамми,
 билмийман, ярим кечаси турволиб, қанақадир китобти очиб
 "ар", "ир", "ур" – ار – اور – اور – اور – اور – اور – اور
 деб чиқади, нималарнидир ёзади",
 деган эди.*

*Ҳозир ҳар иккалалари ҳам оламдан ўтган. Умид этаманки, отахоннинг кексайганда қўлига китоб олиб, илм сари босгани
 ҳар бир қадами унга фойдаси тегаётгандир".*



ҚАЙГУДОШ МЕҲМОНХОНАСИ

*Меҳмон келса кетар дилдаги андух,
Ҳамдаму ҳаммашраб¹ оромбахш гурух.
Байтул ҳазан² тездә байтун нашотга³
Айланиб, шод бўлур жасад билан рух.*

*Меҳмондўстлик бизга ота меросдур,
Аҳли иймон эплар зўр ихтисосдур.
Емай едиради, ичмай ичтирад,
Бундаги шиори фақат ихлосдур.*

*Меҳмон бўл, мезбон бўл, аригай ғаминг,
Дўст-ёр билан қурур кўздаги наминг.
Ёлғиз қолсанг ортар ғам-гусса, қайгу,
Кўпчиликла битар ҳар қандай каминг.*

*Юраги тор зиқна меҳмонни суймас,
Меҳмон бўлур, мезбон бўлмайди нокас.
Кенгнинг тор уйи ҳам меҳмон учун кенг,
Хотам бўл, ғаниминг қилажак ҳавас.*

*Баъзилар ёввойи – одамни суймас,
Баъзи бир ёронлар одамга тўймас.
Ёввойи бўлмагин ёлғиз қолурсан,
Одамлар уйга ҳам, дилга ҳам қўймас.*

Ж.

¹ Ҳаммашраб – Табиати, феъл-атвори бир хил киши.

² Байтул ҳазан, байтул аҳzon – Ғам-қайғу уйи.

³ Байтун нашот – Шодлик уйи.

Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937)

ҚАЙҒУДОШ меҳмони

Одамзод яратган асарлар инсон умри каби қисқа ё узун, овози каби баланд ё паст бўлар экан. Баъзи одамларнинг умри узоқ, баъзисиники калта. Баъзиларнинг саси ёнидаги кишига зўрға эшитилса, баъзиларнинг овози узоққа етади, тоғ-тошлар орасида гуриллаб, акс садо билан ёйилади.

Асарлар ҳам шундай, бири бир ёшга тўлмай оламдан ўтса, бошқаси етилганда ерга киради, яна бири Нуҳдек умр кўради. Туғуруқхонадан тўғри тупроққа кўчган гўдаклар қанча...

1990 йилда дунёга келган "Ленин барҳаёт", "Муқаннани кўрдим тушимда" каби шеърлар ҳаял ўтмай овози бўғиқ, умри қисқа асарлар дахмасига дафн этилади.

Ленин барҳаёт

Бола шууримга синган ишончим:
"Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!"
Дил мискин дамларда ёлғиз юпанчим:
"Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!"
Кийшиқ, букри шохлар этилиб барҳам,
Хаётнинг чинори тус олса кўркам,
Шукrona тарзида такрорлагум бот:
"Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!"
Тетапоя юрган гўдакни кўрсам,
Ардоқлаб дегайман: қўрқмай беписанд.
Ҳар бир қадамингни тетик, бардам от!
"Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!"
Улғайиб улуғ зот бўлурсан магар,
Хушомадгўй зотлар пайғамбар атар.
Сен-чи ҳақиқатни ёд қил умрбод:
"Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!"

Муқаннани кўрдим тушимда

Ажаб, Муқаннани кўрдим тушимда,
Туармиш қўлида қилич, дарғазаб!
Олис-олисларга кўз тикиб зимдан
Ўзи ўзигами қотар эмиш гап:

"Наҳот ёғий устун келди, маҳв бўлдик?
Энди мардлар юрти қул бўлар наҳот?!
Наҳот яксон бўлдик, тутдек тўкилдик,
Топилмасми қилич кўтаргудек зот?!"

Кимнинг жони ширин – қулликка маҳкум,
Сен, қилич сермашдан толмагил, қўлим!
Жавоб бер: Атрофда кимлар бор, ҳой ким?
Ғофил қолма, йўл ол, жангоҳга элим!"

Ҳар иккала шеър **Шарқ юлдузининг** 1990 йил апрель сонида олам юзини кўрди. Кўп ўтмай оламдан ўтди. Кўз очиб кўргани журналнинг ўша сарғиш саҳифаси бўлди, холос. Чунки 1991 йилдан тарих чархпалаги тез айланиб кетди. Замон, инсон ва онг ўзгариб, ишларнинг миси чиқди. Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилади дейилганидек, байтдаги "қаҳрамон"ларнинг асл башараси очилиб қолди. Бири – худоликни даъво қилган сеҳргар, иккинчиси – Худони инкор этган ситамгар экан.

Халқ қаҳрамони деб куйланган Муқанна худоликни даъво қилган, халқни алдаб хўрлаган фирибгар шахс эди. Оммани ўз ибодатига чақирган. Асли исми Ато. Муқанна лақаби, ниқоб (маска) кийган деган маънони ифодалайди. Юзи бадбашара ва ўта қўрқинчли бўлгани боис тиллодан ниқоб ясатиб, юзини бекитиб юрган. Сеҳр-жоду билан шуғулланган. Қамалда заҳар ичиб, жонига қасд қилган. У ҳакда муаррих Ибн Асирнинг سیر اعلام النبلاء الکامل فی التاریخ китоби 6/51-52, Заҳабийнинг энцик-

лопедияси 7/306, Ибн Касирнинг البداية والنهاية тарихий йирик асарида 10/145-146 тўлиқ маълумот берилган.

Ленин таърифга муҳтож эмас. Ким эди, кимга айланди, бунинг бари бугун деярли барчага маълум. Youtube тармоғига араб ҳарфида Ленин деб ёзсангиз, унинг ўлимдан олдинги аравада ўтирган суратини кўрасиз. Мавзолей бағридаги шакл анча ишлов берилган, одам башарисага келтирилган сурат эканига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Сеҳргару ситамгар ириди, ғайри-инсоний мафкура чириди. Маддоҳлар ҳам бирин-кетин ёлғиз юпанчиққа етиб олишди. Ҳаёт эса давом этмоқда...

*Ҳақларига оз эди ҳар қанча чакки сўз десанг,
То қиёмат кам агар ҳар қанча даином айласанг.*

Муқимий.

Шундай қилиб 1990 йилда туғилган байт 1991 йил кузида одамлар тилидан ва дилидан ўчиб, адамга юз тутади.

Баъзи муаллифлар кўтарган мавзу фақат ўз замонасига хос бўлгани учун ёзган асарлари ўша даврдан бир қадам нарига ҳатлаб ўтолмайди. Жа борса мутахассислар томонидан ўрганилиб, бир сидра кўз югиририлиши мумкин.

Аммо Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, ҳазрат Навоий, Бобур, Фурқат ва бошқа мумтоз адабиётимиз дарғаларининг асарлари хануз ўз қадр-қийматини йўқотгани йўқ. Улар бир аср учун эмас, кўплаб асрлар учун пешона тери тўкканлари қўлдан қўлга ўтиб ўқилаётган китобларидан яққол билиниб туради. Гўёки улар қўлдаги довод-қалам билан энг баланд тоғ чўққисига чиқиб, келажакни ўша баландликдан кузатишган. Соғдил, хушёр мўмингагина тортиқ этилажак фаросат кўзгуси билан келажакка назар солишган. Уларнинг сўзларини ўқиб, ўзларини кўргандек бўламиз.

*Ҳар вақтке кўргасен менинг сўзимни
Сўзимни ўқиб англагайсен ўзимни.*

Эргаш Жуманбулбул ўғлиниң айрим байтларини ўқиб, у ҳам улуғлар билан бирга ўша баланд чўққига чиққан деган хуносага келасиз. Зеро у нафақат равон тил, меҳрибон дил, ўткир қаламга эга, балки бақувват юракка эга шоир экан. Ахир баланд тоқ чўққисига чиқишининг ўзи бўладими. Баъзиларга деразани ланг очиб: "кўрганингни қаламга ол" дейилса, шуни ҳам уддаламайди. Баъзилар мозийдан туриб мустақбал суратини чиза олади. Эргаш Жуманбулбул ўғли ана шу ноёб қобилият соҳиби эди. Унинг байтларини ўқиган ғамгин мозий, ҳозир, мустақбалга боқа олади ва бироз енгил тортади. Мағзини чаққан ғамзада маза топади. Рухан тетиклашади.

Ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битирибди дейилганидай, узоқ ўйлаб ўтирмай, Яратганга таваккал қилиб, дарҳол жасур достончини *Қайғудошга* меҳмондорчилликка чақирдик. Мўмин ўзига суйган нарсани ўзгага суюиши иймон юклаган мажбурият. Шунга кўра, ҳеч иккиланмай булбулнаво суханварнинг ўзим суйган дурдона сўзларини сизларга илиндим.

Эргаш Жуманбулбул ўғли меҳмондур,
Дилтанг ғамбодага жонкуяр ғамхўр.
ҚАЙҒУДОШ иккиси сўздан териб дур,
Ҳар қандай ғамгинни қиласи масур.

Бил, меҳмон отангдан улуг дейдилар,
Пойига қўш қўллаб сочгин кумуш, зар.
Қўй сўймай жонни сўй, талаб қиласа гар,
Гул ўчоқ остида ёнсин дил-жигар.

Эй Иброҳим ўғли, камёбдур мардлар,
Дилафгор серобу ноёб диловар.
Топсанг ер айланиб юракдош дилбар,
Изин кўзингга сурт, кўз бўлур анвар.

Ж.

Энди Эргаш Жуманбулбул ўғлиниң маънавий меросига марҳамат қилиб, дидли шоирнинг нафосат олами билан танишайлик, биргаликда ғамгинлар кўнглини хушлайлик.

Айланиб

Умр ҳам ўтиб борадир,
замондин замон айланиб,
Кундан-кунга еру
осмон ёмондин ёмон айланиб,
Бирлар яшар ҳаром олиш,
чин туриб ёлғон айланиб,
Бир Худодан қўрққан зотлар
ҳамиша Қуръон айланиб,
Ажал келса фарёд қилма,
танга кирмас жон айланиб,
Ким ўлимдан қутулмишdir
тахти Сулаймон айланиб,
Аркони давлат яшарлар
қон қусиб ҳоқон айланиб,
Элнимас аркни қўриқлар
тунқатор қўргон айланиб,
Ўрда атрофи хатарли,
юрибди шайтон айланиб,
Туман-туман озурда жон
қон қусиб ҳам қон айланиб,
Бу манзилга қайтиб келмас
ўлтирган мезбон айланиб,
Бир кунини кўрар энди
жонажон Турон айланиб,
Юрар терма, достонларим
бу ёруғ жаҳон айланиб,
Байту бандим қадрин топгай
Лаъли Бадахшон айланиб.



Йўлинг энди айри бўлса, йиғла, ёлғиз бошман, деб,
Оёқ остида топталган кераксиз бир тошман, деб,
Гал-тўпидан айрилиб домга тушган қушман, деб,
Хор-зорликда сўқир бўлган қўздан оққан ёшман, деб.

Энди йиғла, ёвлар тугил ўзлигимга ётман, деб,
На учиб, на қўнолмасман – беҳол, беқанотман, деб,
Тарки жамоат кимсаман – беномус, безотман, деб,
Иссифи йўқ, совуғи йўқ, учиб бўлган ўтман деб.

Йиғла-йиғла, топганда ўз қилмишимдан топдим, деб,
Шукрона нелигин билмай нолишимдан топдим, деб,
Ҳаром йўлга юриб қадам олишимдан топдим, деб,
Илонни ўз тўшагимдан, болишимдан топдим, деб.

Йиғла оломон олдида, мен биродаркушман, деб,
Қўнган ерим харобатдир, итолғи бойқушман, деб,
Падаркушдан ҳеч фарқим йўқ кўзи қонталашман, деб,
Энди инсон қавми эрмас, итга қабрдошман, деб.

Йиғлангиз, бу қилмишимдан келар олармишман, деб,
То ўла-ўлгунча қора ерга қайғудошман, деб,
Тўнғиз мисол ҳаром қўпган жирканарлик лошман,¹ деб,
Бош олиб кетмасам бўлмас хайр энди, Алдошмон, деб.



¹ **Лош, лоша** – Ўлган нарсанинг жасади; ўлимтиқ.

Ўлук жиссими кўрган тоза қонлиғ доғлар бирла,
Қаро қилғон согиной зоглар гавгоси **лошимни**.

Навоий «**Фавоидул кибар**».

Ҳолинда

Не гуноҳим бор, билолмам,
мен бугун хазон ҳолинда,
Инсон қавмининг қадри ҳам
тупроқдин арzon ҳолинда,
Эртамиз ҳам белгилидур –
орзулар армон ҳолинда,
Феълимиз – авторимиздин
ер-осмон қирон ҳолинда,
Тоғлар бошида қор турмас сор,
марол сарсон ҳолинда,
Тахт томондин келган борлик
ваъдалар ёлғон ҳолинда,
Чор ҳукумат маъмурларин
босган ери қон ҳолинда,
Тоғу тошни қопламишdir
ёввойи ҳайвон ҳолинда,
Энди насаб наслимиз ҳам,
ҳойнаҳой, қурбон ҳолинда,
Кўҳна бу Турон ахлининг
бағри хун, гирён ҳолинда,
Ризқу рўзимизга шерик,
ошимиз ёвғон ҳолинда,
Энди зинҳор бўла билмас
ноз-неъмат дархон¹ ҳолинда,
Эл-улусни қилғай улар
оқибат урён² ҳолинда,

¹ **Дархон, тархон** – Асли мўғилча калима бўлиб, темирчи; озод киши деган маъноларни ифодалар экан. **Дархон этмоқ** – Муайян иш, мансаб ёки жисмоний меҳнатдан озод қилмоқ; бўшатмоқ.

² **Урён** – Ялонғоч.

Бора-бора барчамизки,
адашган карвон ҳолинда,
Бу не қисматким менингдек
булбул безабон ҳолинда,
Кўрсам армоним қолмасди
бу юртни туғён ҳолинда,
Бу қаро кунларни, алҳол,
ёруғ бир замон ҳолинда,
Ўз туғи, туғдори бирла
мустақил макон ҳолинда.



Айланур

Бошга қаро кун тушган дам кўзда селоб ёш айланур,
Йўл бошловчининг нопок бўлса аро йўлда бош айланур,
Тарки жамоат бўлсанг гар бош устина тош айланур,
Тил топишсанг ғаним бирла ғам-ғусса тутош айланур.

Яхшиликни дарёга қил, ризқиу рўзинг бут бўлур,
Йўқсиллар кўнглин ололсанг босган қадаминг қут бўлур,
Тўда олиб, олдирмас аслинда хоназот бўлур,
Омадинг келса тенгрангда юрак-бағри тош айланур.

Элига суянган эрнинг ғоз бўлмас юрган йўлида,
Алпонман деган зотларнинг бири ўнг, бири сўлида,
От суриб майдонга тушса, қўрғону қалъа қўлида,
Атрофида айрилма қош, сирдош, асрдош айланур.

Зар турганда ўз оридан, ўз норидан кечар зотнинг,
Бирда гулдан-гулга қўниб гулзоридан кечар зотнинг,
Рўзгоридан тўзим кетса, асроридан кечар зотнинг,
Бошида қий-чув аrimай ер-осмон нохуш айланур.

Уй айланиб яшар нокас, мард йигит майдон айланиб,
Кузан овул атрофида, шер, қоплон ўрмон айланиб,
Сарварлар қайтмас сўзидан кетса-да замон айланиб,
Боши узра кўланкасиз ой бирла қуёш айланур.



Йўлбарс яшар тоғ айланиб,
армуғоқ сайҳон айланур,
Корсак зоти мудом қақшаб,
қорақуш жайрон айланур,
Итолғи ўлжа ғамида,
кирпилар илон айланур,
Шўрлик бойқуш тунни қўмсаб,
сувсар маймунжон айланур,
Паймонаси тўлай деган
силовсин қопқон айланур,
Оқтомоклар паноҳ излаб,
латчалар осмон айланур,
Сиртлон зоти сир бермасдан
корли Туркистон айланур,
Илвирслар бирда-бирда
туёқли ҳайвон айланур,
Кунқарғалар қунда хароб,
қобонлар хирмон айланур,
Бўрсиқнинг ўйи пайкалда,
кундуз Зарафшон айланур.¹



¹ Шарқ юлдузи. 1990 йил. 7 сон. Нашрга Тўра Сулаймон тайёрларган.

Азал котиблари ёзган...

"Эргаш Жуманбулбул эл кезади" тизмаларидан¹

Эргаш бобо бир тенгқури билан Челак бозорига кета туриб (камбағалга күчган эрмак, дегандай), фащдин, арқдин, тарқдин, ҳабашдин, бебошдин гаплаша кетибдилар. Сўз келиб-келиб Жўшнинг юзбошисига келиб тўхтаганда суханворнинг сафардоши дебди.

- Эргаш, арз ҳам, фарз ҳам, қиёматлик қарз ҳам, ҳақ ҳам, қалби қуроқ ҳам қолмади. Барини бирма-бир тилга олиб ўтдик. Энди осмондан келмай ерга тушсак. Бўладиган гаплардан гаплашсак.
- Яна қандай гапдан?
- Қандай гап бўлар эди. Қишлоғимизнинг жузбошиси жемаган тезак...қолмади. Ўзингам эшитган бўлсанг керак. Ҳамма орқаворотдан гапиришга гапиради-ю, сен-менга келганда у итминан майдонга тушиб беллашадиган эр-азаматдинг ўзи жўқ.
- Шунга нима қилиш керак дейсан?
- Шуни мен сеннан сўраб жатипбон-да.
- Ҳадиси шарифни ўқигон бўлсанг бундайчақа зинокорларни тошбўрон қилиб ўлдириш керак.
- Ким тошбўрон қиласи у энағарди?
- Сенга ўхшағанлар.
- Фатвони ким беради?
- Қози. Қози бўлмаса, муфти.
- Қозининг ўзи жузбошининг қози-қартасини жеб турған бўлса-чи?
- Даъвогаринг қози бўлса, дардингни Оллоҳга айт, демоқчи-сан шекилли?
- Шундай.
- Тағи нима дийсан?

¹ Ўз.АС.1991 йил, 22 май. Тўра Сулаймон.

- Нима дер эдим. Шойирлар шоҳдан улуғ деб эшитганим бор. Ким айтади сени шойир деб. Боз устига булбулдинг боласи деб. Биргина Жўш эмас, бутун нуроталиклардинг кўзга тутган шойирисан. Қишлоғимизнинг одамлари номидан ё қозига, ё ўша муфтисига шу гапди етказиб бир жузбошининг бошига етиш қўлингдан келмаса нима қилиб журубсан бош кўтариб.

Гаплари шу ерга келганда суханвор сал мулзам бўлгандай, кўра-била туриб сувга ановидақанги... қилгандай бўлиб деди:

- Тўғри гапирасан. Бироқ ҳамма замонларда сўз ўрнига бўз берган устиворлик қила келган. Жон дўстим мол устиворлик қила келган. Қолаверса, жузбошимизнинг мингбошиминан божа эканлигини билмайсанми?
- Биламан.
- Билсанг, яна не дейсан? Қолаверса, мингбошининг думи хон саройига бориб туташади. Қарғанинг кўзини эса чўқимайди. Шуниям билмайсанми? Сенинг отингни ким қўйғон ўзи Бекназар – бек назар қилган деб?
- Эргаш дийман?
- Нима дийсан?
- Ўша tuyни тукимишан жутиб жубарадиган нафсиғор қозига ҳам, истаса ҳалолди ҳаром деб, ҳаромди ҳалол деб фатво беришдан қайтмайдиган муфтига ҳам бориб арз қилиб ўтирмасдан, қишлоқ аҳли бир бўлиб – бир жағадан бош чиғориб ўша иймонсиз жузбошини тошбўрон қилса бўлмайми?
- Бўлмайди-да. Конун йўл қўймайди. Унингсиз ҳам, ким қилмағай – топмағай, ё бўлмасам, ал қасосул минал ҳақ, деган гаплар ҳам бор. Кўрасан, бу жузбошининг вақти келиб итдай хор бўлиб ўлишини. Ахир, бизнинг борлик ишимизда кўриб кузатиб тургувчимиз, хайрли иш қилганларни мукофотлаб, ҳаромолиш журганларни жазолагувчимиз бор.

Икки жўра – Бекназар оға билан оқин гап билан бўлиб Челак бозорига қандай етиб қолганликларини билмай қолишибди. Бу кишилар бозор оралаганларида бозорнинг авжи қизиган кези экан. Жондин бўлак ҳамма нарса бор. Боз устига сотувчидаги инсоф бор, оловчида ризолик. (Хозиргига ўхшаб сотувчи нарсасининг устига катта холасининг нархини қўйиб сотмас, оловчининг эса дили оғримас экан. Харидор бозор ораласа худди мозор бошига боргандай ранжимас экан...)

Филжумла, икковлари ҳам оладиган нарсаларини олиб, хуржин-кулоқлари тўлиб-тошиб уйларига қайтишибди.

- Эргаш дийман, – дебди Бекназар оға достоннавозликда донг қозонган жўрасига.
- Нима дийсан?
- Бояги гапимиз чала қолди.
- Қандай гап?
- Анови номард туврисидаги гап.
- У ҳақда бор гапди гапириб бўлдик, шекилли.
- Жўқ.
- Нима жўқ?
- Шойир шойирлигини, кўнчи кўнчилигини (Бекназар оғанинг касби кўнчилик экан), энчи энчилиги, эмчи эмчилигини қилиши керак. Ўша айтган гапларимиздан байтга солиб айттолмайсанма?
- Айтаман.
- Айт бўлмаса.

Шундан сўнг оқин бир муддат жим қолиб, тин олиб, айтар сўзларини бир қолипга солиб, йўл-йўлакай шу тизмаларни айта келган экан:

Азал бошдин бўла келмиш йўқсилдин бор устивор,
Ҳақдин ноҳақ, покдин нопок, шайхдин беор устивор,
Хокисор ақли расодин мушриқ, мурдор устивор,
Бирда-бирда тожу тахтдин бир афсунгар устивор.

Мехр оқибат, ҳамиятни бир оқёлдин¹ кутмагил,
Ичи қародин қаро лек тили болдин кутмагил,
Гар қокилсанг ҳимоятни қадди долдин кутмагил,
Қаро йўлли аргумоқдин хачир ё хар устивор.

Бу замонда эшак отдин ўзмишдир деб ўксима,
Туркий халқлар бирлашмасдан тўзмишдир деб ўксима,
Ўз эркидин энди умид узмишдир деб ўксима,
Айтмишларким, тарқоқ элда бўлғай бадкор устивор.

Минг ҳаловат бир аламга арзимас асли, дерлар,
Бузилган қўрғон қайтадин бўлмас оросли, дерлар,
Шер тулкиман тил топишса... бузилгай насли, дерлар,
Шайтон оғдирган уламо, бекдин ағёр устивор.

Келмагай қайтиб кишига йигитлик қайта бошдин,
Кутмагил имдод, иноят худбин бир қариндошдин,
Айб ўзингдин ўтиб сўнгра айрилсанг бовурдошдин,
Султон бўлсанг ҳамки энди сендин пойкор устивор.

Ҳалол ошга теват² теккан – бузилган бир ўлка бу,
Одамлари ўз элида ўзи асир ўлка бу,
Эрлари қул, хотунлари тирик есир ўлка бу,
Энди ернинг юзасидин очик мозор устивор.

Фоний дунё қалқиб турган кема соган ўхшайдир,
Бирда умри тугаб бўлган мажнун толга ўхшайдир,
Бирда соҳибжамол қизга, бир... аёлга ўхшайдир,
Баҳс босган элда бўлолмас моядин нор устивор.

¹ "Жўқ" ловчилар ёмон қайтган имонсиз, инсофсиз қарияни оқжол (қобон) га менгизлайдилар. (Изоҳ Тўра Сулаймондан). **Қобон** – Ёввойи чўчқа, тўнғиз. Бу изоҳ биздан.

² **Теват** – Ит (шева).

Алҳол, бир эл йиғлагунча бир бейимон йиғласин,
Юзбошига ўхшаганлар қон қусиб, қон йиғласин,
Яхши етиб муродига, густоҳ-ёмон йиғласин,
Барча бирдай йиғлаб турган ерда хунхор устивор.

Тангри бу эл, бу улусни талофатдин сақласин,
Ичиб тўймас, ялаб тўймас, очофатдин сақласин,
Касри бирмас минга урар касофатдин сақласин,
Маккор шоҳдин эл ичинда юрган сардор устивор.

Бирни бирдин устивор, деб осий бўлдим шекилли,
Бирни нодон, нафсиғор, деб осий бўлдим шекилли,
У ночор, бу зўравор, деб осий бўлдим шекилли,
Ўн саккиз минг оламда бир Парвардигор устивор.

Эргаш боболар қишлоққа яқинлашишлари билан қулоқларига:
"Отам-ў-отам-ў".
"Оғам-ў-оғам-ў".
"Жигарим-жигарим".

"Энди қайдин топаман-топаман, эгнима қора ёпаман-ёпаман..."
"Борарда оти жўрғалиб-жўрғалиб, келарда қони шўрғалиб-шўрғалиб..." – деган нохуш овозлар чалинибди. Ҳайрон бўлишибди.
Қишлоққа кириб келишлари билан бир отлик кўчама-кўча юриб:

- Юзбошиникига пешинда савоб жанозага-а!.. – деб барчани бошларига мусибат тушган хонадонга чорлаб юрган экан.
- Нима бўлибди, нима қилибди?! – деган саволга барча шундай жавобни олибди:
- Шу ўтган саҳар кайф бўлиб Тоғатўпи қишлоғидан келажатган кезларида жузбошимизни кимдир чавағлаб, қора қонга белаб кетибди.

Ҳадемай, қишлоқ ахли, узоқ-яқиндаги қавм-қариндошлар, таниш-билишлар йиғилибди. Майитга тегишли борлиқ расм-

русумлар тугаб, гал жаноза ўқишига келганды мулламан, уламоман деганлар ўртасида тортишув бошланибди. Бирлари, маст ҳолда ўлган, ўлдирилган кишига жаноза ўқиши шариатта шак келтириш билан баробар, десалар. Бирлари, муслим ахлини жанозасиз күмиш Исломда йўқ гап, дебдилар. Ҳатто бирлари шахидга чиқазсалар, бирлари шаҳиди аълога чиқазибдилар. Ахийри жаноза ўқишини лозим топишиб, қора ўтовига қўйиб келибдилар.

Жанозадан қайтаётиб Бекназар оға назаркарда оқинга дебди:

- Эргаш, сендан қўрқулик.
- Нега ундаи дийсан? Денинг совми ўзи?
- Бозордан келажатиб қиган нафасинг...
- **Ундаи деб ўзингни осий қима. Ҳар кимнинг қайси куни, қандай тугилиб, қачон, қай йўсинда ўлиши азал котиблари томонидан пешонасига битилган бўлади.**

Тўра СУЛАЙМОН
1991 йил. 22 май.



Кимнингдир ўлимин кутиб яшайсан,
Кимларнидир тезроқ туғилсин дейсан.
Қуруқ орзу билан нажот излайсан,
Шул боис ғам ейсан, нуқул панд ейсан.

Маъдумми қўл-оёқ, йўқми бош, юрак,
Мосувоми сендан кўпда бор билак.
Мудом тўшак узра тилайсан тилак,
Шул боис ғам ейсан, панд ейсан бешак.

Чора излаб топиш дононинг иши,
Гоҳо доно бўлиш керак ҳар киши.
Дангаса дардининг давоси дудмол,
Санчилар юракка хиёнат ниши.

Ж.

Турк назмининг султони Мир Алишер лутф айлаб ҚАЙҒУДОШ кулбасига қадам ранжида этдилар

*Келинг, эй султоним, назми равоним,
Йўлизга пойандоз руҳи равоним.
Тили чучук жаёжси шинавандангиз:
Сизга фидо бўлсин, – дейди – бу жоним.*

Ж.

Мехмоннинг ташрифи уйга файз бағишлайди. Хурсанд инсонни янада хурсанд қилиб, ғамгиннинг ғамини аритади. Буни билган меҳмоннавоз элимиз меҳмонини ўтқизгани жой тополмай қолади. Хонадондаги каттаю кичик бирдай суюниб, бирдай хизмат қилишади. Чаққон қизлар кечагина йиғилган кўрпачаларни тахмондан тушириб, уйни қайта тузашади. Катта ўғил бозорга чопади. Кичиги ток қайчини олиб, токка чиқади. Пазанда бека қозон осади. Уй эгаси меҳмонларни дарвоза ташида ихлос ва самимият билан кулиб қаршилайди.

Ким нима деса десин-у, лекин меҳмоннинг соясига кўрпача соладиган бизнинг одамлардек меҳмоннавоз эл жаҳонда йўқ. Шунга кўра меҳмондўст элга меҳмондорчиликдан дарс бериш бекор. Лекин ҚАЙҒУДОШ мезбони сифатида қолган мезбонларни – қалбини қайғу қамраган қайғудошларни меҳмондан унумли фойдаланишга чақираман. Ҳазрати Али رض – *Гўзал истиқбол даҳоликдир*, деган эканлар.

Даҳо (зийрак, ақлли) киши меҳмонни хушчақчақ кутиб олиш, унга хизмат кўрсатиш баробарида, агар меҳмон зиёли, маърифатли, олим тоифадан бўлса, унинг илмидан фойдаланади, кекса бўлса, тажрибасидан истифода олади.

Биз чорлаган меҳмонлар ҳар жиҳатдан фойда олинадиган зотлар. Улар зиёфатга муҳтож эмас. Уларга кўрпача солиш, суюқ-қуюққа уннаш шарт эмас. Фақатгина улар мозийдан жўнатган совға-саломларни очиб ўқилса, шунинг ўзи кифоя.

*Марҳабо, азизлар, хуши келибсизлар,
Үйимиз – уйингиз, қалб тўри сизга.
Қадамингиз қутлуғ, ўзингиз улуғ,
Мунтазирмиз доим таширифингизга.*

Ж.

"Мехмон" деб атаганимиз бу улуғ зотлар аслида дилрабо юртнинг мезбони. Элига холис хизмат кўрсатган ўғлони. Диёрини дунёга танитган қаҳрамони. Миллат кўрки ва жамоли, таъбир жоиз бўлса, бебаҳо бойлиги – туганмас моли. Улар баҳтиёр юртга мезбон, аммо ҚАЙҒУДОШ байтул аҳзонига меҳмон. Дарғаларимиз ўзларининг дилафзо асарлари билан дилгирлар кўнглини кўтарадилар, қулф қалбини очадилар, ғазналарини сочиб, ғамзадалар ғамини аритадилар, деган умиддаман.

Маънавият моидасига¹ тортилган тансиқ ва танқис тортиқ
ҲАЙРАТУЛ АБРОР достонидир.

Ҳайратул аббор ХАМСАни очиб берувчи биринчи достон. Навоий (1441-1501) ХАМСАни 1483 йилда бошлаб, 1485 йилда тамомига етказганлар. Икки йил деганда *шуҳрати олам ичра пайдо бўлган, олам аҳлини ўзига шайдо қилган*² ажойиб асар дунёга келади. Қизиғи шундаки, 42 ёшли шоир ва бош вазир ўз зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиш; давлат ишини бажариш баробарида турк шеъриятида қўл урилмаган улкан ишга енг шимаради. "Йўқ эди бош қошиғали фурсатим" дейдилар. Демак шахсий манфаатни – тан оромини унугланлар. Ҳатто тунлар бедор бўлиб, ижодий иш учун уйқудан воз кечганлар, тундан унумли фойдаланганлар. "Ки айлаб яrim тунлар уйқу ҳаром" деган сўзларидан шуни англаш мумкин.

¹ **Моида** – Дастурхон. **Ҳикмат моидаси** – Ҳикматли сўзлар тўплами.

² Навоий дуо қилиб:

Шуҳратин олам ичра пайдо қил;
Олам аҳлин аларға шайдо қил! –
деган эканлар.

"Бошқа ишлар халақит бермаганида уни 6 ойда ёзиши ҳам мүмкінлигіга, аслида ҳам бу беш достонни ёзишга кетған муддат "йиғиштирса" 6 ойдан ошмаяжагига ишаро қилади:

*Бу меңнатлар ичра чекиб сұзға тил,
Замондин каму беш үтуб икки йил,*

*Чекиб хома бу нома иттомиға,
Етургайсен оғозин анжомиға,*

*Ки аҳли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа,*

Йиғиштирса бўлмас бори олти ой...

Бу – инсон ақл-заковати ва талантининг буюк тантанаси, мислсиз ютуқларидан бири эди. Бу хил воқеа жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам содир бўлган¹", дейди навоийшунослар.

Буни вақтга берилган барака, илмий барака ва шунинг билан биргаликда ризқи рўзга – иқтисодга берилган барака самараси деб изоҳласак айни ҳақиқат бўлур. Буни яна ҳам яхшироқ англашни истасангиз, қадимгиларга ўхшаб довотга сиёҳ солинг ва қамиш қалам олиб, ушбу тўрт мисрани ёзиб кўринг. Шу тўрт қаторни ёзгунча қўлингиз неча маротаба довотга бориб келишини сананг. Ушбуни ёзишга қанча вақт кетганини ҳисобланг. Кейин бутун бошли "Хамса"ни шу тўрт мисрага кетған вақтга қиёслаб, умумий натижани ҳосил қилишга урининг. Кўчириш бошқа, ижод бошқа, буни ҳам ёдда туting. Қоралама, оқлама деган нарсаларни унутманг.

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм,
Риштага чекти неча дурри ятим.*

*Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.*

¹ "Хамса"нинг 1986 йилдаги нашр муқаддимасидан. Муқаддим А. Ҳайитметов.

Мен "Хамса" билан ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимда танишганман. Қуйидаги мисраларни адабиёт ўқитувчисининг оғзидан эшитиб ёдлаган эдик.

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжса урмоқ.
Керак шер олдида шер жсанги,
Шери бўлмаса бори паланги.**

Мактабни тамомлагандан кейин кичик ҳажмда алоҳида нашр этилган "Ҳайратул аброр" достонини ўзимча мутолаа қила бошладим. Ҳарбий хизматдан қайтгач,¹ шахримиздаги Навоий мухлисларидан бирига қатнаб, "Хамса"нинг араб алифбосида ёзилган нусхасидан бир оз ўқидим, кейин нима бўлди-ю ўқиш тўхтаб қолди. Алибек Рустамий ва бошқа навоийшуносларнинг шарҳ, изоҳлари билан озроқ танишман.

Буларни эслашдан мақсад мен ҳам ҳамма қатори Навоий асарларини таталаб ўқийдиган ўқувчилардан эканимни эслатиб қўйиш. Олимлардан бири: "Мен эзгулик турлари, фазилатли амаллар ҳақида ёзганимдан сўнг одамлар "бу кишининг эзгу амали кўп", деб ўйлашади. Шундан хижолат чекаман. Ҳолбуки, мен улар ўйлаганчалик эмасман", деган экан. Бошқа бир олим: "Илоҳо, мени одамлар ўйлагандан кўра яхшироқ қил, улар билмаган айбларимни афв айла", деганди.

Маълумингиз бўлсинким, агар Навоийдан иккита байтни изоҳлаган бўлсам, икки юзта байт изоҳидан ожизман. Билганимдан билмаганим кўп. Бу, минг афсуским, бир шахснинг мусибати эмас, кўпга келган тўй. Навоийдан мисол келтирганим учун, Навоийни бемалол тушунар экан, деган ўй ўқувчида пайдо бўлмасин деган хавфда ушбулар ёзилди.

¹ Шуни эслаш ўринлики, рус зобити, капитан рутбасидаги взвод командири мендан Навоий ва Бобур асарларини сўраган эди. Уйдагилар китобларни посылка қилиб, Москва облатининг Одинцовский районига жўнатишган. Ажнабийлар орасида Навоий ва Бобурни севиб ўқийдиганлар кўп.

* Паланг – Қоплон.

Энди мақсадга ўтайлик – Мехмон дастурхонини очайлик. Қўлимда "Хамса"нинг 1986 йилда чоп этилган нусхаси турибди. Биринчи достон "Ҳайратул аброр". У XII-бобдан бошланган. Қолган ўн битта боб йўқ. Асар муқаддимасидаги асосий боблар туширилган. Байт маъносини тузумлаштириш ёки бутунлай ташлаб юбориш "Хамса"га хос эмас, Навоийнинг бошқа асарларига ҳам шундай ёмон муносабатда бўлинган. Ҳеч йўқти "Ғар бўл, ўғри бўл – инсофли бўл" мақолига ёндашилмаган.

Достон учун чизилган қанотли ялонгоч шахс, сурнайчи, жангчи ва найзабознинг боши, чумоли, от калласи акс этган расм асар мазмунига мутлақо мос келмайди, унинг руҳига умуман ўтирумайди.

Биҳамдиллоҳким, 1989 йилда бу хато – илмий жиноят такрорланмай, асар тўлалигича, мукаммал ҳолда нашрдан чиқади ва ўқувчиларга бекаму кўст тақдим этилади.

Хўш, нега Навоий асарига гулқайчи ишлатилди?

Бу саволга 1989 йилда чоп этилган мукаммал асарни ўқисангиз жавоб топасиз.

"Ҳайратул аброр" бошқа асарлар каби бисмиллоҳ билан бошланган. Навоий бир неча сатрларда мусулмоннинг кундадлик ҳаётида неча бор такрорланадиган "Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм" зикрини шоирона услугуб билан шарҳлайдилар.

Кейинги боблар Ҳаққа ҳамду санога бағишлиланган. Навоий Аллоҳ мадҳида андалибга айланадилар. Мазкур бобда шоир ҳамма нарсани яратган Аллоҳнинг осмон ва қуёшдан тортиб ҳар бир заррани, бутун ўсимликлар ва ҳайвонот оламини, кишилик жамиятини, ҳар бир инсонни илми, меҳри қудрати билан бошқариб, ҳаракатга келтириб, бир-бирига боғлаб, қовуштириб туришини катта шавқ-завқ билан тасвирлайдилар. Аллоҳнинг шундай меҳрибончилиги учун оламдаги ҳамма нарса ҳар бир зарра Унга миннатдорчилик билдириб, шукр айтиб, Унга ҳамду сано ўқишини уқтирганлар.

Кейинги боблар Муножот ва Наътлар билан давом этади.

*Ҳамд ангаким вожиби бizzot эрур,
Ҳомид аниң зотига заррот эрур.*

*Ваҳдати зотига қуёшидек тонуқ,
Заррадин афзуну қуёшидин ёруқ.*

Учинчи боб "Аввалғи муножот" деб аталиб, бунда нозим Ҳақнинг авваллиги, Аллоҳдан илгари ҳеч нарса бўлмагани, Унинг яккаю ёлғизлиги, оламда ҳеч нарса, ҳеч кимса У билан тенглаша олмаслиги, ҳусн ва заковатда ягоналигини, ўз қудратини намойиш қилиш учун бу оламни яратганини Аллоҳга мурожаат шаклида ифодалайдилар.

Навоий оятлардан иқтибос келтириб,¹ Қиёмат манзарасини ўқувчи кўз ўнгida гавдалантирадилар.

*Зоҳир ўлур "буъсира мо фил-қубур",²
Жилва қилур "ҳуссила мо фис-судур".³*

*"Явмаизин мо халақаллоҳу фиҳ",⁴
"Явма яfirрул-маръу мин ахих".⁵*

*Не кун ўшул оҳу надомат куни,
Оҳу надомат не, қиёмат куни.*

¹ Назмда оятлардан иқтибос келтириш жоизми? Жумҳур уламолар "шаръий мақсадда, яхши ниятда иқтибос келтириш жоиз", дейишиган. Бу хусусда батафсил маълумот олишни истаганлар **الموسوعة الفقهية الكويتية** **Фикҳий энциклопедия-нинг اقتباس** калимасига мурожаат қилишлари мумкин.

² ﴿إِذَا بَعْثَرَ مَا فِي الْقُبُوْرِ﴾ "Кабр ичидагилар қайта тирилганда..." Одиёт 9-оят.

³ ﴿وَحُصِّلَ مَا فِي الصُّدُوْرِ﴾ "Va диллардаги сирлар ошкор қилинганда." Айни сурा.

⁴ Бунинг аслини тополмадим. М: "Аллоҳ шу кунда яратган махлуқотлар".

⁵ ﴿يَوْمَ يَغْرِيْ لَكُمْ مِّنْ أَخْيَهِ﴾ "У Кунда киши ўз оға-инисидан қочади..." Абаса 34-оят.

Маҳшардаги одамлар аҳволини шундай тасвирлайдилар:

*Аввалу охир эли зору асир,
Ҳар бир ўз аҳволига тортиб нафир.¹*

*Бу чекиб ўз дарди учунвой-вой,
Йиглаб ул ўз меҳнатига ҳой-ҳой.*

*Қайси физонким жазаи маҳшар ул,
Қайси йигиким фазаи акбар ул.*

*Номалар эл олдиға паррон бўлуб,²
Кўрмагидин эл юраги қон бўлуб,*

*Борчаси исён била бадхўйлуқ,
Бадхўйлуқ йўқки, сияҳ рўйлуқ.³*

*Қизга ано боқмай, ўгулга ато,
Борчасининг оғзида "Воҳасрато!"*

*Ҳар сори журм аҳли гуруҳо-гурӯҳ,
Юкланибон журмлари кўҳ-кўҳ.⁴*

*Ҳар бири бир ҳайати ҳойил била,⁵
Боғланиб ағлолу салосил била.⁶*

*Ҳам томуғ ўти солибон рустахез,⁷
Кўрмагидин эл сўнгаги рез-рез.⁸*

¹ **Нафир** – Нола, фарёд, йиги.

² **Паррон бўлмоқ** – Учмоқ.

³ **Рўй, рў** – Юз, бет. **Сияҳ рўйлик** – Юз қаролик.

⁴ **Гуруҳо-гурӯҳ** – Туда-туда. **Кўҳ-кўҳ** – Тоғ-тоғ.

⁵ **Ҳойил, ҳоил** – Тўсиқ, ғов.

⁶ **Ағлолу салосил** – Ғул (темир бўйинбоғ) ва занжирлар.

⁷ **Рустахез** – Ғавғо

⁸ **Рез-рез** – Майда-майда.

*Ҳам гули фирмавс бўлуб жилвагар,
Ҳасрати дўзах ўтидин ҳам батар.*

*Кун қизигидин қилибон мазз жўши,
Кўкка чекиб аҳли қиёмат хуруши.¹*

*Кўпрук ўлуб ўйлаки тори хаёл,
Лек хаёлеки ул ўлгай маҳол.*

*Кучланибон панжсау бозуий адл,
Асрабон ойини тарозуий адл.*

*Ҳокими одил бўлубон ҳукмрон,
"Дома лаҳул-мулк, ва лаҳул-ҳукму шон".*

Яъни, бу даҳшатли кунда адолатли ҳоким – Аллоҳ таоло ҳукмронлик қиласи, деб "мулк Унинг учун мудом давом этган ва ҳукм ва улуғ мартаба Уникидир" деб Ҳақ таолони мадҳ этмоқдалар.

*Авж тутуб шуълаи жабборлик,²
Мавж уруб лужжаси қаҳҳорлик.³*

*Ҳам мутафаккир бўлубон авлиё,
Ҳам мутаҳайир қолибон анбиё.*

Қиёмат қўрқинчи олдида авлиёларнинг боши қотади. Пайғамбарлар ҳайратда қолади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади.

¹ **Хуруш** – Кичқириш, ҳайқириш, шовқин, ғавғо.

² **Жабборлик** – Фазаб қилувчилик, қаҳр этувчилик.

³ **Лужжа** – Сувнинг чуқур жойи, денгиз-дарёнинг қаъри.

Қаҳҳорлик – Қаҳр қилувчилик.

*Гайри набийи арабий ул нафас,
Ким бўлубон халқ шафиию бас.*

Илло араблардан чиққан пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам халққа шафоатчи бўлурлар.

*Гоҳ Сирот устигача рўй уруб,
Лаҳзаи мезонга тақу пўй уруб.¹*

*Солибон оғзига бийик ҳиммати,
Замзамаи "уммати во уммати!".²*

Тўртинчи Муножотда Аллоҳнинг лутфу карами ҳакида тўлқинланиб ёзадилар.

*Эй караминг оллида кўҳи гуноҳ,
Элга учуб ўйлаки бир парри коҳ.*

*Нечаки жамъ ўлса сомон кўҳ-кўҳ,
Эл қошида анга не бўлгай шукӯҳ.*

*Жумла жаҳон аҳли хато қиласалар,
Журм билан нома қаро қиласалар,*

*Номани оқ айламак осон Санга,
Ким йўқ ўшул амрда нуқсон Санга.*

*Тунки тузуб шуъбада ҳангомасин,
Қилди қаро аҳли жаҳон номасин.*

*Лутф қуёшига чу бердинг зуҳур,
Меҳр ила қилдинг бори зулматни нур.*

¹ Таку пўй урмоқ – Елиб югурмоқ, чопмоқ.

² Замзама – Майин товуш билан айтилган товуш. Ҳамма "ўзим-ўзим" деган куни Набий ﷺ: "Умматим, умматим" дейди, демокдалар.

Муножот ниҳоясида Раб таолога Унинг гўзал исмларидан бири бўлмиш Раб оти бирла ёлвориб, дуо қиладилар.

*Ё Rab, урада караминг баҳри жўши,
Чексалар ул хайл физону хурӯши.*

*Гарчи гунаҳнинг ҳаду поёни йўқ,
Айламасанг раҳм ҳам имкони йўқ.*

*Чун чекибон лутф саропардасин,
Кечсанг алар кардау нокардасин.*

*Бўлса наво бирла бори муҳтарам,
Айлама маҳрум Навоийни ҳам.*

Охирги Муножотнинг охирги байтини айримларни ўйлантириб қўяди. Уларга "Навоий жаннатни истамас эканда" деган ўй келиши мумкин.

*Эрмас анга хур ила жаннат ҳавас,
Сен анга бўлғилки, анга ушибу бас.*

Навоий бу байтда жаннатдаги энг олий матлабни талаб қилмоқдалар. У олий матлаб, буюк истак – Илоҳ Жамолини кўришдир. Салафлардан бири: لا يطیب الْجنة إلّا بِرَویْتِك – Менга жаннат хуш бўлмас, илло Сени кўриш билан хуш бўлур" деган эди.

Шу тарзда тўртта Муножот тамомига етади.

Сўнгра диний-адабий анъанага кўра Росули Акрам ﷺ васфларига ўтадилар. Бешта Наътда Пайғамбар алайҳис-саломнинг ноёб хусусиятлари, бетакрор фазилатлари ва порлоқ сийратларидаги энг муҳим воқеаларни қаламга оладилар.

*Бўлди рисолат дурининг маҳзани,
Балки нубувват гулининг гулишани.*

*Бўлгач-ўқ ул дурға садаф парданўш,
Тушти жаҳон баҳрига жўшу хурўши.*

*Эмдики раф этти юзидин ниқоб,
Тугмади андоқ яна бир офтоб.*

Дунё Муҳаммад алайҳиссалом каби қуёшни кўрмади, ундаи зот туғилмади.

*Ғам тунини нур сиришт айлади,
Ер юзини боғи биҳишт айлади.*

У зот ўз рисолати билан ғам тунини нурафшон айлади, ер юзини жаннатмакон айлади.

Бешинчи Наът Меъроҷ қиссаси хусусида

Меъроҷ кечаси таърифидаким, ояти каримаи: "Субҳоналлаҳий асро" анга мусаддақидурур ва "би-абдиҳи лайлан минал-масжидил ҳароми илал-масжидил-ақсо" анинг субутига икки гувоҳи содик.

Худога ҳамду сано, Пайғамбарга наът ва саловотдан сўнг Хамсачилик пешволари Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва шунингдек ўзларининг устозлари ва дўстлари Абдурраҳмон Жомий мадҳига ўтадилар.

Шундан сўнг "Сўз таърифи билан" достоннинг сулбига; асосига кириб борилади.

Маълумки, "Ҳайратул аброр" диний, ахлоқий, тарбиявий, ҳикматга йўғирилган фалсафий асаддир. Асадга бир рав кўз югуртирган киши бунда шубҳа қилмайди.

Риёкорликни қоралашлари, холисликка, саховатга, қаноатга, вафога, ростликка чақириб, бу олийжаноб хислатларни алоҳида-алоҳида бобда ёритишлари ва Иймоннинг олти асосини 200 дан ортиқ мисраларда шоирона шарҳлашлари сўзимизга ёрқин далил бўла олади.

XXII АВВАЛГИ МАҚОЛАТ

Иймон шарҳидаким, "Ал-иймону аң туъмина биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва бил-явмил-охир и ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи".

*Эйки, санга айладим инсонни шарҳ,
Эмди эшиитким қиласай имонни шарҳ.*

*Олти дурур шаръда гүё адад,
Ҳар неки мўминга керак муътакад.*

*Айласа бу олти била ихтисор,
Олти жиҳатдин анга бўлгай хисор.*

XXVI "Учинчи мақолат"да султонларни адолатга ва яхшиликка ундейдилар.

Салотин бобидаким, "Инналлоҳа яъмуру бил-адли валиҳсон"¹ амри Ҳақ субҳонаҳу ва таоло хусравлиқ хўдин аларнинг хилофати бошига қўйдиким, адолатлари "айни" нинг чашмаи зулоли мулк бўстонин сероб қилгай, то бу бўстондин амният ва фарогат гуллари очилги ва алар зулм бөгида май ичиб гул сочарлар, балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар

Аввалги мисраларда "*може бошингда*", "*таҳт оёгинг*" остида деган маънолар билан султонларни мадҳ этадилар.

*Хутбаи жсоҳинг қадар инишо қилиб,
"Яъмуру бил-адл" ила тугро қилиб.*

Туғро – Герб, давлат нишонаси, подшоҳнинг ёрлиқ, фармон қарорлари ёзилган қоғознинг тепасига туширилган маҳсус безакли белги.

¹ Ушбу оят 1986 йил нашрида тушириб қолдирилган. ﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَأَنْهِيَنَّ عَنِ الْفَحْشَاءِ﴾
Маъноси: "*Албатта Аллоҳ адолат ва яхшиликка буюради*". Нахл 90-оят.

Куръон ояларидан иқтибос олинган байт билан уларни адолатга чақирадилар, масъулият оғирлигини эслатадилар. Хон билан халқ Ҳолиқ наздида тенг – баробар эканини уқтирадилар.

*Бил муниким, сен дөги бир бандасен,
Күпрагидин ожизу афгандасен.*

Кўпраги – Кўпроғи. **Афганда** – тубан, паст. (Н.А.Л.)

*Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилъат аларғау санга тийра хок.*

*Барча жавориҳ била аъзода тенг,
Сурати навъи-ю ҳаюлода тенг.*

Ҳаюло ھيولा – Ҳар бир нарсанинг асл модда ва моҳияти.

*Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқи хушу лутфи мақол ичра ҳам,*

*Ҳам равииши адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёу бори авсоф аро,*

*Шаръ тариқида ибодатда ҳам,
Ҳақ ийлида тақвою тоатда ҳам,*

*Сен тушиубон йўл наҳажидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.*

*Буки санга Тенгри бериб имтиёз,
Салтанат айжисида қилиб сарфароз,*

*Тахтни шахсингга макон айлади,
Мулк уза ҳукмунгни равон айлади,*

*Мунда дөги құдратин ифши қилиб,
Хикмат ила қатрани дарё қилиб,*

*Билдуруб әлга ҳақу барҳақлигин,
Англатибон қодири мутлақлигин,*

*Лек бу иқболнинг ўтрусида,
Бўйла бийик мартаба қаршузида,*

*Амр қилибдур неча хизмат санга,
Рўзи этибдур неча санъат санга:*

*Бирি Аниңг неъматига шукр эрур,
Кимсаки, шукр айласа кўпрак берур.*

*Шукр қилиб, айламасанг уштулум,
Деб ўзиким: "Паазиданнакум".*

Шоҳлик неъматига шукр қилиб, әлга уштулум: жабру жафо, зулму ситам қилмасанг, Аллоҳ неъматни яна зиёда қиласман, деди. "Паазиданнакум" – Навоий буни оятдан иқтиbos қилиб олганлар. Иброҳим сураси 7-оят келади:

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَيْنَ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَيْنَ كَفَرْتُمْ إِنَّ عَدَائِي لَشَدِيدٌ ﴿١﴾

﴿ Эсланг, Раббингиз очиқ билдириб айтганди: агар шукр қиласангиз, албатта сизларга неъматни зиёда қилурман, агар нонкўрлик қиласаларинг, албатта (кўрнамаклар учун) Менинг азобим жуда қаттиқдир. ﴾

*Сўнгра раиятни вадойиъ деди,
Хуррам ани билки, бу ғамни еди.*

Яъни, раиятни сенга омонат деб топширди. Омонат ғамини еган кишигина шод-хуррамдир. Бунинг мухолиф мафхуми: омонат ғамини емаган киши ҳаргиз шод бўлмайди.

*Гарчики, Ҳақ амри фаровон эрур,
Борчаси бир ёну бу бир ён эрур.*

*Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.*

Яъни, халқ – тўда, сен уларга чўпон (шубон). У – самара берувчи дарахт, сен эса унга боғбон.

Султонлар насиҳатидан фориғ бўлган насиҳатгўй вазир ва меҳрибон мураббий раиятга одамгарчиликдан сабоқ беришга ўтадилар. Нозим турфа қиссаларни маҳорат билан ҳикоя қилиб, одамзодни эзгуликка, тавозега, вафога чақирадилар.

Афсуски, 1986 йил нашрида кўп қиссалар достон юзини кўрмайди. Жумладан "**Ўн бешинчи мақолат**"даги LI боб, LIII боб, LV боблар бутунлай олиб ташланади.

LI бобда Бани Исройлдан бўлган бир майшатпарсат (ринд) салти-сувойнинг тавбаси ҳақида ҳикоя қилинган эди.

LIII боб мусулмонлар пешвоси, турк қавмининг ифтихори Абдуллоҳ ибн Муборак ҳақларида. Ўзбек ўқувчиси бу улуғ инсонни, шариат пешвоси, шеърият чавандози, саховатдорлар соврундори, паҳлавон, ботир юртдошини унчалик танимайди, балким бутунлай танимаслиги мумкин. Олимнинг ибрат ва намунага тўла ҳаёти доим ўзбеклардан тўсиб келинган.

LV боб Пайғамбарзода Зайнул-обидиннинг ибратомуз қиссалари ҳикоя қилинган.

Кейинги нашрда буларнинг бари бартараф этилган.

Ҳазрати Навоий гўзал яратилган инсонни улуғлайдилар.

*"Каррамно" келди маноқиб анга,
"Аҳсани тақвим" муносиб анга.*

"Одам фарзандини мукаррам айладик" ояти инсон учун фазилатдир. **"Инсонни гўзал суратда яратдик"** ояти унга муносибдир.

Инсонга бу ҳаёти дунёда қандай яшашни, ундан қандай фойдаланишни умр тақсими орқали ўргатадилар. Одамзодга одамийлик белгиларини аниқ чизиб берадилар. Инсонни ўз хилқатида тафаккур этишга ундоб, неъматларни ўйлашга, уларга шукр қилишга чақирадилар. Ҳамма, жумладан менинг ўзим ҳам нафас олиб чиқаришни битта неъмат деб билардим. Навоий эса нафас олишни бир неъмат, чиқаришни иккинчи неъмат деб уқтирадилар. Нафас олиш барҳаётликка далолат, нафас чиқариш ичкарида куч-қувват борлигига далолат деб тушунтирадилар.

*Борчани қўйдуқ муни ўқ айту бас,
Ким бу нафаским, сангадир ҳамнафас.*

*Кирмаги бир неъмат эрур мугтанам,
Ўйлаки кирмаклиги чиқмоғи ҳам.*

Нафаснинг ичингга кирмоғи ғанимат билинадиган неъмат. Ўйлаб кўр, нафаснинг чиқмоғи ҳам алоҳида неъмат.

*Бири эрур қути ҳаётинг сенинг,
Яна бири қуввати зотинг сенинг.*

Нафаснинг ичкарига кириши ҳаёт озукаси, чиқиши ичкарида қувват борлигининг нишонаси.

*Бу икки неъматки намудордорур,
Ҳар бирига шукр ери бордорур.*

Намудор – Кўриниб турган. Бу икки неъмат яққол кўриниб турган неъматлардандир (кўринмай ётган махфийси қанча). Ҳар бирига алоҳида шукр қилиш лозимдир.

42 ёшли шоир 70 ёшдан ошган қария ахволини қизик ташбих ва ажойиб сўз ўйини орқали ифодалайдилар.

*Қолмай оғиз дуржида дурри самин,
Тишлари "син", лек кашиш бирла син.*

*Оғиз ўлуб дурж, vale донасиз,
Тишлар ўлуб "син", vale дандонасиз,*

Оғиз ғаладонида ё жавонида *дурри самин* – қимматбаҳо *дур* (тиш) қолмади. Тишлар *س* ҳарфи каби, лекин чизиқлари олинган силлиқ *س* га ўхшашдир. Араб алфавитида "Син" "C" ҳарфи икки хил шаклда ёзилади. Шоир сўз ўйини орқали чол тишини иккинчи *س* га ташбех қилмоқдалар.

*Ҳам тиши тасбехида бир дона йўқ,
Ҳам оғиз эшигида дандона йўқ.*

*Орқа хати узра бўғунлар анга,
Ришиша занах¹ узра тугунлар анга.*

*Оқ туки аъзо аро юз соридин,
Ёд бериб борча кафан торидин.*

Бадандаги оқ тук, юз томондаги (сори – томон) оқ тук кафан ипларини эслатади.

*Боши қуийи маргни қилмоққа ёд,
Қадди нигун қилмоқ учун хайрбод.*

Марг – ўлим. Хайрбод – хайрлашиш. Бу оқ мўйлар ўлимни эслаши учун, эгилиб қолган қомат хайрлашиши учун фурсатдир.

¹ Занах – Бағбақа.

*Бир неча күн ҳам бу сифат жон чекиб,
Көн ютубу нолаи ҳирмон чекиб.*

*Токи ажал қосиди фармон чоги,
Тиндуруубон күнглини андин дөзи,*

*Оұки, бу базмга ҳар ким етиб,
Навбат ила бу қадаҳ ошом этиб.¹*

Жон талвасасини Ҳақ таоло "сакратул мавт – ўлим мастилиги" деб атаган. Навоий "бу қадаҳни ҳамма навбати билан ичади" демокдалар.

*Улки ичиб бу қадаҳи талх фом,²
Маст адам күйига айлаб хиром.*

*Маст хиром айлаб ўзин билмайин,
Борғонидин сұңг хабари келмайин.*

*Элни бу май айлади бир-бир адам.
Навбат әзур бизга дөзи дам-бадам.*

Элни бу май битта-битта йўқ айлади. Дам ўтмай навбат бизга ҳам келиб қолади.

*Оұки, умр ўтти жаҳолат била,
Қолдим ўлум вакти хижолат била,*

*Умр куни уйқуда қолдим тамом,
Эмдики уйғондим, ўлуб эрди шом.*

*Андақи қилмоқ керак иши, қилмадим,
Иши қила олмас кунини билмадим.*

¹ **Ошом этмоқ** – Ичмоқ.

² **Талх** – Аччик. **Фом** – 1. Ранг, тус. 2. Каби, сингари, -дек, -дай.

Шу ўринда "Бадиъа" ҳошиясиға ёзилган мавзуга оид ўринни кўчирмоқчиман.

Мир Алишер Навоийни кўпчилик шоир, мутафаккир, вазир, ҳоким сифатида танийди. Аммо у сиймонинг юрт ободончилигига амалий равишда қўшган улкан ҳиссасини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Шахсан ўзлари Жомеъ масжидлар, мадрасалар, работу вақфлар, хонақоҳ, шифохона, ҳаммол, ҳовуз, канал, кўприк, бекат, мусофирихона каби инишотлар қурдирганлари ҳамиша ҳам очиқ айтилмаган. Меъморчилик соҳасидаги ишлари аксариятга етказилмаган. Қадимда эса баъзилар Навоийни "Хурсонда Навоийдан кўра бинокорроқ одам йўқ эди" деб таърифлаган эди.

Муаррих Хондамир Навоий қурган иморатларнинг тафсилотини келтиради. Улар орасида 52 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммол ва бошқа бир қанча хайрли иморат, инишотлар бор. Хондамир ўзининг "Макорим ул-Ахлоқ" асарида работларни номма-ном санаб ўтган.

Инглиз олими Жон Спенсер Трименгэмнинг асарида "Навоий ҳаммаси бўлиб 90 та работ қурдирган", деб кўрсатилган. Навоий Астррабодда Жомеъ масжидини бунёд этади. Ҳиротдаги Жомеъ масжидини таъмирлаган. Агар ўша Жомеъ масжиди урушида омон қолган бўлса, 1991 йилгача Ҳирот шаҳрининг энг гўзал обидаларидан бири бўлиб сақланаётган эди.

Хондамир юқоридаги асарида Навоий Ҳирот ва бошқа шаҳарларда 12 та масжидни қайта тузаттиргани ҳақида хабар берган. 1476-1477 йилларда Марвда (ҳозирда Туркманистоннинг Мари шаҳри) "Хусравия" номли улкан мадраса қурдирган. Инжил канали деб юритилган канал бўйида "Ихлосия" мадрасасини бино эттирган. Мадраса яқинига "Шифоия" номли касалхона, "Сафоия" номли ҳаммол қурдирган.

Маълумотлар Ўз.А.С.1991 йил, 11 январда чоп этилган
"Навоий ва Меъморчилик" рисоласидан олинди.

Шунча хайрли ишларни амалга оширган ва катта илмий мерос қолдирган камтар инсон оҳ уриб:

*Оҳки, умр ўтти жаҳолат била,
Қолдим ўлум вақти хижсолат била,*

*Умр куни уйқуда қолдим тамом,
Эмдики уйғондим, ўлуб эрди шом.*

*Андақи қилмоқ керак иш, қилмадим,
Иш қила олмас кунини билмадим,*

демокдалар.

*Борди тириклик чоги буду набуд,
Ўзни ҳам ўлтурсам эмас эмди суд.*

*Иш қилур айёрнида гумраҳ бўлуб,
Иш чу иликдин бориб огаҳ бўлуб.*

*Вақт каму йўл узуну май ачиғ,
Асру қатиғ ҳол етибдур қотиғ.*

*Бўлмаса гар баҳииши раҳматфизой,
Вой, менинг ҳолима, минг қатлавой!*

Кўп раҳмат билан менга мурувват қилинмаса, ҳолимга минг қатлавой бўлади. Бу соф иймонли мўминнинг хавфи. Салафлар ўз амалларига эмас, илоҳий раҳматга суюнишган.

Навбатдаги байтларда Навоий инсон умрини бир неча даврга тақсимлайдилар. Ҳар бир даврнинг амалини, ҳолатини баён қиласидилар.

*Умр кунин қисмат этибтур қазо,
Ҳар чоги бир ишга қилур иқтизо.*

Умр кунларини қисмат – қазои қадар белгилаб қўйган. Унинг ҳар бир даври бир иш бажаришни тақозо қиласиди.

*Ўнгача ғафлат била побастлиқ,
Жаҳл йигирмагачау мастилик.*

Инсон ўн ёшгача ғафлатда ўтади. (Побасталик – Оёғи боғлилиқ, гирифторлик). Йигирмагача жаҳл мастилигига яшайди.

Инсон ўн ва йигирма ёшида билимдон бўлади. Кўп билимларни ўзлаштиради. Лекин тутимига қарасангиз, ёш болалиги билиниб туради.

Бу байтларни тўғри тушуниш учун бир кишининг ибратли сўзларини эслаб ўтсак. У дейди:

- 5 ёшимда отам мен учун энг афзал инсон эди.
- 7 ёшимда отамни ҳамма нарсани билувчи, ҳамма инсонларни танувчи билимдон деб билдим.
- 10 ёшимда отам мен учун аъло, лекин ғазаби тез шахс-дек туюлди.
- 12 ёшимда у ўта ҳассос, хиссиётга берилувчан эди.
- 16 ёшимда отамнинг асрдан ортда қолган, замон билан бирга одим отолмайдиган қолоқлигини англаб етдим. У фан-техникадаги янгиликларга эътиroz билдиrmасада, лекин "яхши томонидан ёмон томони кўпроқ" деб бизни жуда эҳтиёт қиласди. Телевизор оғусидан қўрқарди.
- 18 ёшимда отам гап тушунмайдиган қайсар киши бўлиб гавдаланди.
- 20 ёшимда отам билан тил топишиш қийинлашди. "Онам бечора шунча йилдан бери қайсар эр билан қандай яшаб келаяпти экан-а?" деб онамга ачиндим.
- 25 ёшимда қари отам кўп ишимга араласиб, "ундай қилма, бундай қил" деган гаплари кўпайди.
- 30 ёшда отамдан айрилдим. Ўз ўғлимни бошқариш мен учун жуда қийин кечди. Ахир мен унинг ёшида отамдан чўчиб, ёмон ишга қўл урмас, ёмон нарсага боқмас эдим. Болам эса мендан чўчимайди. Пулга ўч. Компьютерга ёпишиб олган. Дарси суст. Китоб ўқимайди. Ўйинқароқ.
- 40 ёшимда отамнинг бизга ўргатган ҳаётий қоидалари ва тартиб-интизомни эсладим. Мен ҳам болаларимни шу руҳда тарбиялашим керак эди. Лекин эплолмадим.
- 45 ёшимда отам бизни тарбиялаган услубдан ҳайратга тушдим. Отам тарбиясидан ёка ушладим. У гений экан.

- 50 ёшимда "отам қандай қилиб 10 та болани ўқимишли, намозхон, арок ичмайдиган, сигарет чекмайдиган қилиб тарбиялади, қандай қилиб қизларни ҳәли-иболи, орномусли қилиб ўстирган экан", деган савол олдида донг қотиб қолдим. Учта боламни эплаш мен учун тоғни елкада күтаришдан оғир эди. Айни шу ёшимда отамни қадрини билдим. Ундан маслаҳат олгим келди...
- 55 ёшимда отамнинг узоқни кўрувчи донишманд эканини англаб етдим. Донишмандимни соғиндим.
- 60 ёшимда отамнинг нуроний зот эканини ҳис этдим. У қўп нарсага улгурадар эди. Беш маҳал намозни масжидда ўқирди. Саҳарда масжид эшиги очилмай туриб, остоңда кутиб ўтиради. Рўзғорни буст-бутун қилиб қўяр эди. Таълим-тарбиямизга доим диққат эътибор қаратиб келган. Мен эса рўзғор деб гоҳида намоздан қолдим. Болалар тарбияси деб тирикчиликни ташлаб қўйдим.
- 5 ёшимда отам мен учун қандай афзал бўлса, 60 ёшимда ҳам энг афзал инсонга айланди. Ҳозир уни жуда-жуда қўмсайман. Қўлидан ўпиб, узр сўрагим келади...

*Ўттузу қирқ ичра эрур айшу ком,
Ваҳки, манга ул доги эрди ҳаром.*

Ўттиз, қирқ ёшда майшат роса чўққига чиқади. Лекин у давр ҳам менга ҳаром бўлди. Яъни иш кўплигидан айш-ишрат менга насиб этмади.

*Қилмади элликда тараққий киши,
Олтмишу борча таназзул иши.*

Эллик ёшда киши тараққий топмаса, олтмишда ҳамма иши таназзулга кетади.

*Етмииш аро вожиб эрур турмогинг,
Саксон аро фарздур ўлтурмогинг.*

Етмиш ёшда киши юриб, ўз юмушларига ўзи яраши вожиб. Саксонда оёқ заифлашиб, қомат мункайиб, ўтириб қолиш фарз бўлиб қолади.

*Тўқсон агар бўлди ииқилмоқ керак,
Юз аро жон таркини қилмоқ керак.*

Киши тўқсонга етдими, тамом, йиқилиши керак. Юзда ҳеч қаршилик кўрсатмай жонни таслим қиласверсин.

Агар бир киши 65 ёки 70 ёшида вафот этса, баъзилар: "бевақт ўлим фалончини орамиздан эрта олиб кетди", дейди. Назаримда, 63 ёшдан кейинги ўлимни "бевақт" деб аташ у қадар саҳих бўлмаса керак. 63 дан кейинги ҳар лаҳза илоҳий тортиқ. Аслида ҳаётнинг аввалидан охиригача Ҳақ тортиғи, лекин 63 га эсон-омон етиб келган отахонга умрнинг ҳар бир сонияси сафарга тадорик кўриш учун қулай фурсат.

*Умри табиий кишига бўлса ком,
Истар ўлуб, ҳар сори қилгай ҳиром.*

*Умри табиий дема, гар умри Нуҳ
Бор эса, тавфиқдин ўлмай футух.*

Агар инсон Нуҳ алайҳиссалом умрича салкам 1000 йил умр кўрсада, уни табиий умр дема, агар унга тавфиқ эшиги очилмаган бўлса. Тавфиқ – Тўғри йўлга бошловчи дин йўл-йўриклари, инсоф, диёнат, эътиқод. Агар унга шулар берилмаган бўлса, агарчи Нуҳдек узоқ умр кўрса ҳам уни яхши умр дема.

***Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
Умр неким, андин ўлум яхшироқ...***

Тавфиқсиз умрдан йироқ бўлиш яхши, ундаи ҳаётдан кўра ўлим яхшироқ.

Байтларни денгиз мавжидай тўлқинлаб ўқиётган ўқувчи шу ерга келганда таққа тўхтаб қолади. Унга нимадир етишма-ётгандай туюлади. Бу, асар нуқсонидан эмас, баттол қайчининг хиёнатидандир. Эски нусхада учта нуқтадан кейинги ўнта байт бутунлай олиб ташланган, шул боис ўқувчи тугалланмаган маъно қаршида донг қотиб қолади.

Нега у байтлар олиб ташланди? Унда советлар мафкура-сига таҳдид соладиган нима бор эди?

Савол жавоби ўзингизга ҳавола. Лекин мен сиз азизларга бошқа бир савол билан мурожаат қилмоқчиман.

Инсонни яратилишидан бўлган мақсад нима?

Нега инсон дунёга келади?

Ҳаётни қандай ўтказиш керак?

Ҳаёт ниҳоясига етгач, инсон қаерга кетади?

Ташланган байтларда шу саволларга жавоб берилган эди. Шунинг учун ўнта байт: йигирмата мисра аёвсиз қирқиб ташланади. Аждод мероси авлоддан шафқатсизларча тортиб олинади. Эзгулик йўлига тўсик қўйилади.

Қуйидаги байтларни шошмасдан, тааммул билан ўқинг.

*Умр эрур тақвою тоат учун,
Тенгри буюргонига итоат учун.*

Умр, – дейдилар Навоий, – тақво ва тоат учундир, Аллоҳ амрига бўйсуниш – итоат учундир.

Бу фоний дунёда умргузаронлик қилишдан асосий мақсад тақво ва тоатдир, Аллоҳ амрини амалга ошириш – итоатдир. Тоат-ибодат маъноси кўпчилик тушунчасидаги тор маънода эмас. Ибодат Аллоҳ суйган ишларни амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ қилиш – эзгулик, ҳайрият, эҳсон, адолат, эркинлик, яхши амалларга ўзаро ҳамкорлик, ёмонликнинг ҳамма турини тарқ этиш – қотиллик, ўғрилик, порахўрлик, зулм-ситам каби

қабиҳ амалларга қўл урмаслик, зинҳор-базинҳор яқин йўла-
маслиқдан иборатдир.

Ҳаётдан мақсад факат еб-ичиш, ухлаш каби ҳайвонлар
 билан муштарак ҳожатларни ўташдан иборат бўлса, назмда
 ҳайвон билан қофиядош инсон ҳаётда унга қисматдош бўлиб
 қолади-ку. Еб-ичиш – васила. Ғоя эмас. Агар васила ғояга
 айланса,

*"Каррамно" келди маноқиб анга,
 "Аҳсани тақвим" муносиб анга.*

Мукаррамлик, гўзал хилқат каби хусусиятлар ва фазилат-
 ларга ҳазрати инсон лойик бўлмай қолади.

Навоий умрнинг асосий мақсади тоату тақво яхшилик эка-
 нининг баёнидан сўнг йигитларни намозга чорлайдилар.

*Тоату тақво нечаким хушдуур,
 Лек йигитлик чоги дилкаш дуур.*

*Хуш кўрунур қилса йигит айшу ноз,
 Кўр не кўрунгай агар этса намоз.*

*Хоки палак айласа қад ҳам анга,
 Они рукуъ этса мусаллам анга,*

*Кимки йигитликда сарафроздур,
 Буки бошин ерга қўяр оздур.*

*Қорики заъф айлади бошин нигун,
 Туз қила олмас илик айлаб сутун.*

*Бошки тушар ер уза беихтиёр,
 Сажда қилурда анга не ихтиёр.*

*Қориқи қаддига хам ўлди вуқуъ,
Иш қила олғайму экин жуз рукуъ.*

*Тоат ани билки қилур навжувон.
Қилмаса нетгай қорийи нотавон.*

*Лек бу вобастаи тавфиқ эрур,
Кимгаки сарриштаи таҳқиқ эрур.*

Шу билан **Ўн еттинчи мақолат** LIV боб ниҳоясига етади. Ундан кейинги LV боб юқорида айтилганидек, 1986 йил нусхасидан олиб ташланган, у Пайғамбаримиз ﷺ сулоласидан бўлмиш Зайнул-обидийн ҳақида эди.

Навоий "Ҳайратул аброр"ни ибратли ҳикоя билан якунлайдилар. Хотима ўрнида келган бобдаги ҳикоянинг хулосаси шуки, бир қул подшоҳ базмида шилон¹ чоғи, шоҳнинг роса иштаҳаси очилган пайтда, қоқиниб кетиб, иссиқ овқатни шоҳ бошига тўкиб юборади. Зиёфатдагилар: "Шоҳ уни ўлдиради, унинг қилмишига бундан бошқа жазо лойиқ эмас", деб ўзларича ҳукм чиқарадилар. Шоҳ эса, жазо бериш ўрнига уни қулликдан озод этади. Вазир шоҳга: "Унинг гуноҳига қиличдан бошқаси муносиб эмас эди" дейди. Шоҳ ғазаб билан эмас, завқ билан марҳамат қиласиди:

*Шоҳ деди лутф била завқнок:
Ким ани худ хижлат этибдур ҳалок.*

*Кимса ўлукни яна ўлтурмади,
Тизи сиёсат бошига сурмади.*

*Ҳар киши халқ ичра гунаҳкорроқ.
Афву иноятга сазоворроқ.*

¹ Шилон – Подшоҳ зиёфати.

Уни хижолат ҳалок қилиб бўлди. Ўлганни қайта ўлдирилмайди. Сиёсат тифини унинг бошига тортилмайди. Эл ичида ким гуноҳкор бўлса, у афву иноятимизга сазовардир, дейди.

Ушбу ҳикоя сўнггида Роб бил оламийнга мурожаат қила-дилар. Оддий бир шоҳ шу қадар кечиримли бўлса, Сен биздек осийларни кечиришга ҳақлисан, гуноҳим ҳар қанча кўп бўлгани билан, шукрки менинг Сендек Илоҳим бор, деган мазмунда байтлар ёзадилар. Боб охирида асар номи Ҳайратул аброр эканини ва ёзилган санасини очиқлайдилар. Ҳижрий – 888 йил, мелодий 1483 йил.

LXIII

Ул қул ҳикоятиким, аёги тойилиб, аёғлуқ¹ ошини шоҳнинг боши косасига урди ва карамлиг шоҳ олида ўз ошин пишурди.²

*Бор эди бир хисрави соҳиб карам,
Ким карамидин эл эди муҳтарам.*

*Хизмат аро бор эди бир қул анга,
Пояи хизматда баковул анга.*

*Бир кун анинг базмида шилон чоғи,
Шоҳга ҳам иштаҳи ўлғон чоғи.*

*Накбат аёғига уруб тошни,
Шаҳ³ бошига тўқти исиг ошни.*

*Эл дедилар, ҳоли ани ўлтуурур,
Ким бу гуноҳига жазо ул дурур.*

¹ Аёқ, аёғ – Коса, пиёла, қадаҳ. Аёғлуқ ошини – Косадаги овқатни.

² Шунга ўхшаш ҳодиса амирул мўминийн Умар ибн Хаттоб билан рўй берган.

³ Ҳар иккала нусхада ҳам "о" билан эмас, "а" билан "шах" дейилган.

*Шоҳ боқиб кўрди чу ношод ани,
Лутф этибон айлади озод ани.*

*Деди вазир: Эй караминг бедариғ,
Йўқ эди шаънида анинг гайри тиғ.*

*Шоҳ деди лутф била завқнок:
Ким ани худ хижлат этибдур ҳалок.*

*Кимса ўлукни яна ўлтурмади,
Тиғи сиёсат бошига сурмади.*

*Ҳар киши ҳалқ ичра гунаҳкорроқ.
Ағву иноятга сазоворроқ.*

*Ё Раб, анингдек карам этгувчи шоҳ,
Юз минг эшигингда эрур хоки роҳ.*

*Ҳар неча кўп бўлса гуноҳим менинг,
Шукрки, бор сендек илоҳим менинг.*

*Хижлат ила қолмади худ жон манга,
Ери дурур айласанг эҳсон манга.*

*Гарчи эмон қобили лутфу карам,
Лек эмон бир йўли навмиð ҳам.*

*Мен киму баҳри карам этмак ҳавас,
Баҳр агар улдур манга бир қатра бас.*

*Шукрки, эҳсонинг ўлуб ёварим,
Топти ниҳоят варакин дафтарим.*

*Хайрати аброр кўруб зотини,
"Хайратул-аброр" дедим отини.*

*Нуктаи таърихики, аҳсан эди,
Секизу секиз юзу сексан эди.*

*Ким ўқуса, ё қилур эрса савод,
Руҳум агар қилса дуо бирла шод.*

*Тенгри ишин кому мурод айласун,
Руҳини жаннат аро шод айласун.*

Навоий ўкувчилардан дуо талаб қилмоқдалар. Кимки бу асаримни ўқиса, ёки ёзса, руҳимни дуо билан шод айласин. Ҳаққимга дуо қилғанларнинг орзу истаклариға бу дунёда Аллоҳ еткарсин, охиратда руҳларини жаннат билан шод этсин, демоқдалар.

Ҳар ишнинг аввали-ю охирида Аллоҳга шукр айтиш инъомни эътироф этган фозиллар шаъни. Навоий "Хамса" нинг илк достонини мувофақият билан тугаллар эканлар, сўнгги байтларни шукр билан безашга ўтадилар. Классик шоирлар анъанасига кўра май бу ерда истиорага олинади. Баъзилар ҳақиқий май ичиб, ўзидан кетганда, Навоий "шукр майини ичиб, ўзимдан кетай" дейдилар.

*Эмди, Навоий, майи шукrona ич,
Ҳар неча бўлса тўла паймона ич.*

Эй Навоий, шукрони майини ич, ҳар қанча бўлса қадаҳни тўлдириб ич. (Паймона – май пиёласи, қадаҳ.)

*Соқий, олиб кел тўла паймонае,
Йўқ, галат эттим, тўла хумхонае.*

Эй соқий, яъни косагул, тўла қадаҳни келтири, йўқ, адашдим, май тайёрланадиган хонанинг ўзини олиб кела қол.

*To ани кўп-кўп олибон сипқорай,
Кўп-кўп ичиб, бир дам ўзумдин бораи.*

Яъни, тўйиб-тўйиб шукр қилай, ўзимдан кетгунимча кўп-кўп шукр айтай.

Шукр зикр турларидан бири. Зикр ҳақда Росулуллоҳ:

أَكْرِبُوا ذِكْرَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَ حَتَّى يُقَالَ : إِنَّهُ مَجْنُونٌ – "To "мажнун" дейиладиган даражагача Аллоҳ азза ва жалланинг зикрини кўпайтиринглар", деганлар.

Иbn Сунний "Амалул явм ва лайла"

Тўрт нарса инсонга камолот тожини кийдиради. Уни улуғлик рутбасига кўтаради.

1-Шукр. 2-Зикр. 3-Сабр. 4-Фикр.¹

Навоий асарларида бу тўрт нарсага кўп дуч келасиз.

Шу билан "Ҳайратул аброр" достонига охирги нуқта қўйилиб, "Фарҳод ва Ширин" достони учун енг шимарилади. Қуrimаган қалам довод қаърига шўнғийди.



¹ Инсоний баркамоллик омили бўлмиш бу тўрт омилнинг ҳар бири алохида-алохида ёритилишга муҳтож муҳим мавзулардир.

Навбатдаги меҳмонимиз таниқли олим

Абу Райхон Беруний (973-1048)

Ўзбек замини унумдор. Ҳавоси тоза, манзараси дилдор. Сувлари афсонавор,¹ йўллари гулзор, шаҳар-қишлоқлари олмазору узумзор... Бир чўпни ерга суқиб, андак парвариш қилинса, эртасига шифил гуллайди, сўнг ғуж-ғуж мева тугади. Тупроққа қоришиб кетган уруғ ерни ёриб аста бош кўтаради. Ер остидан қочиб, устига интилган уруғ замин сатҳига чиққандан кейин тек турмай яна ҳам юқорироққа интилади. Бора-бора нимжон ниҳол илдиздан қуч олиб, қўкка бўй чўза бошлайди. Интилувчан уруғ маррага етгач, ҳосил беради. Ҳосилидан тоғдек хирмонлар бунёд этилади. Бундаги фазл фақат Аллоҳнинг Ўзига қайтади.

Ажиб хислатга эга заминнинг ахли ҳам ажиб фазилатларга эга – илмга чанқоқ, ҳақсевар, меҳнаткаш, ҳунарманд ва хирадманд... Диний, дунёвий соҳада забардаст олимлар, беназир алломалар етилиб чиқкан. Жаҳон тараққиётига салмоқли хисса қўшиш баробарида айrim соҳаларда устози аввал ва муассис бўлиб шухрат қозонган. Серфайз диёрнинг қадимда "Қиблатул уламо" деб аталиши бежиз эмас. Мўғул истилосига қадар ўлкага илм излаб четдан толиби илмлар оқиб келарди, худди бугунги кунда четга оқиб кетаётгани каби.²

¹ Шоҳимардон, Чимён ва шунга ўхшаш баъзи хушманзара жойларга бориб, оқар сувларни, табиий шаршараларни ўз кўзи билан кўрган баъзи араблар ичига сифмаган ҳайратини яшиrolмай: "Агар Аллоҳнинг фоний дунёси шундай гўзал бўлса, мангуда Жаннати қандай экан-а?" деган эди. Ҳатто америкалик сайёҳлар минтақанинг гўзал табиатидан таъсирланиб, "Жаннатмакон жой!" деган экан.

² Мўғуллар 1215 йили Пекинни ишғол этгач, 1217 йил Хуанхе дарёсининг шимолдаги ерларнинг ҳаммасини ўз тасарруфига олади.

Хоразмнинг машҳур фақиҳи, муфтий Шаҳобиддин Хивақий барча қўшин (400 минг аскар)ни Сирдарё бўйига тўплаб, узоқ йўл сафаридан толиқиб келаётган мўғулларни қарши олиш, душманга ҳали ўзини ўнглаб олмасидан олдин, бор куч билан катта жангда тўсатдан зарба бериш тўғрисида бирдан-бир тўғри

Тарихчи, сайёҳ Ибн Баттута,¹ файласуф, ижтимоий фанлар олими Ибн Холдун² ва булардан бошқа арабу ажам олимлари Хурросон ва Мовороуннахр ҳақида, хусусан Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Шош ва унинг аҳолиси ҳақида кўп ва хўп илиқ сўзларни ёзиб кетишган.

Ибн Холдун "Муқаддима"сида Ҳавонинг мўътадил ва гайримўътадил иқлиmlари ҳамда об-ҳавонинг инсон рангига, ҳаётига таъсири деган боб бор. Шунингдек, Об-ҳавонинг башиар ахлоқига таъсири деган боб бор. Совуқ ўлкада яшовчиларнинг ва иссик ўлкада яшовчиларнинг табиати, ахлоқодоби ва хусусиятлари ҳақида тўхтаган.

фикрни билдиради. Бирок Муҳаммад Хоразмшоҳга бу фикр маъқул келмайди. Чунки, у ўзининг олий лашкарбошиларидан бўлган қипчоқ лашкарбошиларга ишончсизлик билан қарап эди. Шунинг учун ҳам у катта қўшинни бир жойга тўплашдан ва улар фурсатдан фойдаланиб уни тахтдан ағдариб ташлашларидан хавфсирап эди.

1219 йилнинг кузида Чингизхон Хоразмшоҳ салтанатига қарши юриш бошлиди. Жами аскари 200 мингга яқин бўлган мўғулларга уйғур хони Идиқут ва Олмалиқ хукмдори Сифноқ тегинлар ҳам ўзларининг ҳарбий кучлари билан қўшилган экан.

1220 йил февралда Чингизхон Бухорога етиб боради. Мўғуллар Бухорони вайрон қилгандан кейин Самарқандга йўл олади. Чингизхон Бухородан ҳайдаб келтирган асиrlардан ташқари ўғиллари Чигатой ва Ўқтойларнинг Ўтрордан олиб келган бандиларини ҳам Самарқанд қамалига сафарбар этади.

Ўрта Осиё истилосидан кейин мўғуллар рус ва араб ерларига хужум бошлайди. Шу билан бу диёрларга келаётган талабалар сафари тақатақ тўхтайди.

¹ Ибн Баттута (1304-1377м) араб сайёхи ва тарихчиси. 1325 йилда дунёга саёҳатга чиқади, 1352 йили саёҳат ниҳоясига етади. 27 йил давом этган саёҳатда олим кўрган билганларини ёзиб бориб، تحفة النظار في غرائب الامصار وعجائب الاسفار

китобини таълиф этади. Заркалийнинг билдиришича, Ибн Баттута туркий ва форсий тилларни яхши билган.

² Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Холдун. Асли Ишбилиядан. Тарихчи, файласуф, ижтимоий фанлар олими. Тунисда 1332 йили таваллуд топиб, шу ерда ўсиб улғайган. 1406 йили вафот этган.

العبر وديوان المبتدأ والخبر في تاريخ العرب والعجم والبربر номли 7 томли китоби билан шухрат қозонган. Унинг биринчи томи ижтимоий фанларга бағишиланган.

Унинг фикрича, иқлиминг инсон ахлоқига ва онгиға таъсири катта экан. Мўътадил иқлими диёрда туғилиб, шу ерда ўсиб, улғайган болалар ўзга иқлимдагиларга нисбатан анча зийрак бўлади. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний шундай болалардан бири эди. عظماء في طفولتهم номли китобда Берунийнинг 14 ёшида рўй берган ажойиб ҳодиса хикоя қилинган. Қиссанинг хулосаси шундан иборатки, султон Маҳмуд Ғазнавий ўзи ҳукмронлик қилиб турган ерлар масоҳасини билишни истайди. Бунинг учун катта олимлар жалб этилади. Шулар қаторида 14 ёшли Беруний ҳам бор эди. Ёш олим Ғазна билан Шероз оралигини билиб беради.

- Ҳинд худудидан Форсгача бўлган мамлакатим масоҳасини билишнинг имкони борми? – сўрайди султон.
- Бутун ер юзининг масоҳасини билиш имкони бор, султоним, – дейди бола.

*Халқим тенгсиз фарзандлар бергансану дунёга
Зар қоғозга ишқибоз мурғдай устин ётгансан.
Сўнг юз йиллаб фаромуши кўзинг тикиб самога
Дафинаи ганжингни эслатишса топгансан.**

1993 йили газетада "Китоб ат-тасриф"нинг тафсири номи остида мақола берилган. Мақолада асосан Ибн Синодан 44 йил олдин ўтган Абул Қосим аз-Захравийнинг мазкур асари ҳақида гап кетади. Унда инглиз олими Монтгомер Уоттнинг 1976 йилда ёзган иқори берилган:

"Оврўпаликлар мусулмон маданиятидан, айниқса фалсафа ва табобат соҳасида, ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ. Кўпинча мусулмонлар маданиятининг ижсобий таъсири ва кўламини пасайтириши, ҳатто тамомман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатимиз уларнинг олдида қанчалик қарздор эканлигимизни тан олишга мажбур қиласди. Буни яшириши ёки тан олмаслик соҳта гуурурдан бошқа нарса эмас".

У. М. Уотт. Влияние Ислама на средневековую Европу. Москва 1976.

* Ўз. АС.1993 йил, 9 апрель.

Лахта қўрғошин

Берунийнинг "ЖАВОҲИР КИТОБИ" дан ҳикоятлар

Денгиз савдогарларидан бири шуни ҳикоя қилиб берди: одатда биз камбағал одамларнинг молларини таширдик, шу билан одамлар дуосини олардик. Кунлардан бир кун биз Убуллада Чинга жўнашга шайланаётган эдик, қўққисдан рўпарамга бир чол келиб тўхтади. У менга қараб, сенда ишим бор, олдин сендан бошқа бир кишига илтимос қилган эдим, лекин у мени алдади, шунинг учун сенинг олдингга келдим, шояд сен ўша мени алдаб кетган одам қилиғини қилмассан, деди.

- Нима ишинг бор?
- То илтимосимни бажаришга вაъда бермагуnungча айтмайман, – деди у.

Мен унинг илтимосини бажаришга ваъда бердим. Шунда у оғирлиги юз манича келадиган қўрғошин ёмбисини келтирди.

- Мен бу илтимосингни бажара олмайман, – дедим.

У эса хирайлик қилиб туриб олди:

- Сўз берган эдинг-ку, лабзинг қани?

Мен қаёққа борсам, хирайлик қилиб кетимдан қолмади, ҳолижонимга қўймади, ноилож уни олишга мажбур бўлдим. Кейин дафтарга унинг номи ва Басрадаги уйини ёзиб қўйдим. Кейин нима бўлди-ю, ўша ерга етганимизда, Худонинг қудрати денг, шундай бир бўрон турдики, нима бўлганини ҳам билолмай қолдик, жон сақлаймиз деб энка-тинкамиз чиқиб кетди. Манзилга етдик, ўзимиз билан олиб борган нарсаларимизни пулладик. Шунда қўққисдан бир киши келиб мендан қўрғошин сўради. Мен унга қараб:

- Мен ўзим билан ҳеч қандай қўрғошин олиб келганим йўқ,
- дедим.

Хизматкор ўша киши бериб юборган молни эслатди. Мен бўлсам унга:

- Мен буни сотолмайман, борди-ю сотсам, эгаси билан бўлган келишувимизга хилоф иш қилган бўламан, – дедим.

Лекин қўрғошин сўраб келган одам уни қўярда-қўймай бир юз ўттиз дийнорга сотиб олди. Мен қўрғошин эгасига Чиннинг ҳар хил ажойиб нарсаларидан олдим. Кейин биз орқамизга қайтиб, кетган жойимизга келдик. Лекин чолдан дарак бўлмади. Мен унинг уйини қидириб топиб, сўраган эдим, уни ўлган дейишиди. Шунда қўни-қўшниларидан:

- У кишидан ҳеч ким қолганми? – деб сўрадим.
- Унинг бир акасининг ўғли бўлгучи эди, – дейишиди улар, – уям қайси бир денгиз чеккасидаги юртда яшарди. Уйи бўлса қозининг ёрдамчиси қўлига вақф қилиб берилган.

Мен нима қилишимни билмай қолдим, кейин Убуллага қайтиб келдим. Ўша кишига деб олиб келган молларнинг ҳаммасини етти юз динорга сотдим.

Орадан бир неча вақт ўтгач, бир куни тўсатдан олдимга бир киши келди. У менга тикилиб туриб:

- Сиз фалон кишимисиз? – деди.
- Ҳа, – дедим. У бўлса менга:
- Ўтган йили Чинга бориб, ўша ёғда лахта қўрғошинни сен сотганмидинг? – деди.
- Ҳа, – дедим.
- Ўша қўрғошинингни мен сотиб олган эдим, – деди у. – Уни ишлатиш ниятида майдаламокчи бўлган эдим, ичи бўш экан, унда ўн икки минг динор пул бор экан. Сени қидириб ўша маблағни олиб келдим, марҳамат қилиб олсанг.

Мен у кишига:

- Оббо, тушмагур-эй, сен ташвиш ортиридинг-у, ахир у пуллар меники эмасди-ку, – дедим. Кейин бўлган воқеанинг ҳаммасини бошдан-оёқ гапириб бердим. У бўлса таажжубда қолиб кулди. Кейин менга:
- Ўша чолни танийсанми? – деб сўради.
- Йўқ, гапириб берганимдан бошқа ҳеч нарса билмайман, – дедим. У бўлса менга:

- Ўша киши менинг амаким бўлади, – деди, – унинг мендан бўлак меросхўри йўқ. Менга тихирлик қилавериб, бошимга не кунларни солмади, ҳатто шуни деб ўн етти йил олдин Басрадан қочиб кетдим. У олтинларни мендан яширмоқчи бўлган экан, Худойим изми билан амаким хоҳлаган иш бўлмади.

Мен унинг гапларини эшитдиму, қарияга тегишли бўлган ўша етти юз динор пулни унга бердим. Шу билан у Басрага жўнаб кетди. Ўша ерда у амакисининг уйини ўзига ватан қилиб олди ва пиру бадавлат бўлиб яшаб кетди.



Эй ғамгин! Агар Аллоҳ сенга бир неъматни битган бўлса, билиб қўй, уни ҳеч ким сендан тортиб ололмайди. Насиб қилса неъматнинг ўзи сени қидириб ўз оёги билан кириб келади. Кўнглингни хотиржсам қил. Мамнуният билан бамайлихотир яшайвер.

Лекин унумтма! Агар Аллоҳ сенга ўша неъматни ёзмаган бўлса, қўшин тортиб бориб уни олмоқчи бўлсанг ҳам ҳаргиз ололмайсан. Борига қаноат қил, берса ҳам, олса ҳам шукур қил.

Ҳақдорларни меросдан маҳрум қилиши гоҳида ёмон хотимага сабаб бўлади, яъни кишининг иймондан айрилишига олиб боради.

Ҳаётининг охирги лаҳзасида яшаётган инжик ҷол ўғилларига васият қилиб: "фалончи жанозамга келмасин (акасини назарда тутяпти), фалончи қариндошимиз остона ҳатлаб уйимизга кирмасин" дейди. Охирни шу кишига гўзал ўлим насиб қилмайди.

Дунё билан видолашаётган одам ухрони ўйлагани маъқул. Бу ёгини тирикларнинг ўзи келишиб ё талашиб бўлишиб олаверади. Нима ишинг бор, жанозага ким келади-ю, ким келмайди. Сен орқангни эмас, олдинингни ғамини еб, иймонни жонга ҳамроҳ қилиши йўлларини ўйламайсанми?!..



Олти қирралик қубба

(Плутарх) ўзининг "Китоб ал-ғазаб"ида айтишича, Румиянинг подшоҳи Аёрунга маҳорат билан ишланган, жудаям қимматбаҳо, олти қирралик қубба шаклли биллур совға қилибди. Чиндан ҳам биллур битта ягона парча бўлганми ёки бир-бирига бириктирилган бир неча парчалардан иборат бўлганми – буниси номаълум. Аммо Аёрун ўз биллури билан мақтаниб юрган. Бир гал у мажлисда ҳозир бўлган файласуфларга қараб:

- Хўш, бу нарса ҳақида нима дейсиз? – деб сўраб қолибди. Шунда бир файласуф Аёрунга қараб шундай дебди:
- Шу нарсани ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади. Агар бир фалокат юз бериб, уни йўқотиб қўйсанг, ўрнига худди шундайини топа олишингга ишонч йўқ, демак, унга заруратинг ҳам йўқ. Борди-ю бу нарса бир балога гирифторм бўлса, шуни ўйлаб мусибатга дучор бўласан.

Нима бўлиб-ю, ўша файласуф айтганидай бўлибди. Бир гал, бу ёз кезлари экан, Аёрун орол сайрига чиқибди. Шунда ўша биллур қуббани кеманинг ёнгинасида кетаётган қайиққа солиб олишган экан. Шунда қўққисдан шамол туриб бўрон бўлибди-ю, қайиқни тўнтариб ғарқ қилибди. Шу тариқа қайиқ билан қубба ҳам сувга чўкибди. Подшоҳ ғамга ботибди, кейин файласуфнинг гапи эсига тушиб, тасалли топибди. У шундай қилмагандага умри ғам-андухда қолган бўларкан.



Бир каттадан, бир кичикдан, дейшишади. Олим гоҳи шогирдга қулоқ солиши керак. Ота фарзандни тинглаши лозим. Эр хотин раъйини эшиитсин. Шоҳ раиятга қулоқ тутсин, у билан бамаслаҳат иш юритсин. Шунда ғам-қайгунинг олди олинади. Каттакатта ташвишларга барҳам берилиб, хавф-хатарга, нохушиликка йўл қўйилмайди. Ҳеч ким безовта бўлмайди, оҳ-фигон қилмайди. Руҳшунослар ишсиз қолиб, бошқа иш қидиришга мажбур бўлади.

Чол ва чумчук¹

Фойдали масаллардан бирида шундай дейилган: бир чол бир чумчук тутиб олибди. Шунда чумчук ҳалиги кишига:

- Мени нима қилмоқчисан? – дебди.
- Сўйиб емоқчиман.
- Мен билан тўймайсан, – дебди чумчук чолга қараб, – чунки мен ярим луқмадан ортмайман. Борди-ю қўйиб юборсанг, мен сенга учта ҳикматли сўз айтаман, сен унга амал қилисанг, катта фойда кўрасан.

Чумчук айтган фикр чолга маъқул тушибди, улар Тангри таолони гувоҳ келтириб келишишибди. Кейин ҳалиги чол:

- Қани ўша ҳикматли сўзларингни айт-чи? – дебди.

Чумчук чолга:

- 1-Ўтган ишга ҳеч қачон афсусланма.
- 2-Кўлга киритишинг мумкин бўлмаган ишга ҳаракат қилма.
- 3-Ақлинг бовар қилмайдиган ишга ҳеч қачон ишонма, – дебди.

Чол ўзича ўйлаб:

- Буни ейишдан кўра, айтганини қилсам яхшироқ эмасми? – дебди ва чумчуқни учириб юборибди. Чумчук учиб бориб деворга қўнибди.
- Агар ўз айтганингда қаттиқ туриб, мени сўйиб еганингда ичимда каптар тухумидай бир марварид чиқарди, – дебди чумчук чолга.

Чол чумчуқни қўйиб юборганига пушаймон қилибди. У чумчуқни қафасга қайтариб солмоқчи бўлиб, жон талвасасида:

- Кел, қайт жойингга, – дебди, – мен сен учун симсим-кунжут уруғини тозалаб, муздек сув ҳам тайёрлаб қўйибман.

Чумчук чолга қараб шундай дебди:

¹ Бу зарбулмасал Шарқда кенг тарқаган. Жалолиддин Румийда ҳам айни шу қиссани "Тутқин қушнинг ўгитлари" номи остида топасиз.

- Эй Одам боласи, сен мени сўёлмадинг, еёлмадинг, ҳатто мен айтган гапга амал қилолмадинг. Сен мени қўйиб юборганингга ачиняпсан. Энди ўз жойимга қайтармоқчи бўляпсан, лекин бу иш қўлингдан келмайди. Ундан кейин ўйлаб ҳам кўрмадинг, бутунлигимча капитар тухумидай келмайману, менинг жигилдоним қандай қилиб ўз гавдамдан катта нарсани сиғдира олади?

Чумчук шундай дебди-ю, чол билан хайрлашиб, учиб кетибди.

Шарқ юлдузи. 1988 йил.4 сон.



Зарбулмасал инсон тарбиясида муҳим қўлланмалардан. Шунинг учун Куръон ва ҳадис зарбулмасалга катта эътибор қаратган. Аммо муқаддас манбада зарбулмасал қилинган нотиқ ҳайвонлар ортида инсонлар яширинган эмас.

Чумчук кичкина маҳлук. Чол узоқ умр кўрган тажрибага бой инсон. Шундай бўлишига қарамай, ўзидан кичик маҳлук олдида мулзам бўлди. Ақл ёшда эмас бошда.

Катта кичикнинг гапини олишини ўрганиши керак. Бу ҳам бир санъат. Кўп келишимовчиликларнинг бирламчи сабаби катталар билан кичиклар, кексалар билан ёшлилар ўртасида пайдо бўладиган тушунмовчиликдир. У буни риоя қилмайди, бу уни тушунмайди. "Мен сендан кўра битта кўйлак ортиқ кийганман" тушунчаси каттада кибрни қўзгатиб, қанчаканча яшиликлар йўлига ғов бўлиб келмоқда.

Қўлидаги неъматни учириб юборган чол қиссаси илкидаги неъматини қочириб юборган элни эслатади ва хушёрликка ундейди.

Берунийдан келтирилган ушибу уч қиссада бундан бошқа жуда кўп фойдалар бор. Уни сиз азизлар битта-битта излаб топиб, бир жойга ёзиб қўйинглар. Кела жсак авлод сизнинг мутолаангиздан фойдалансин.

Яна бир муҳтарам меҳмонимиз бетакрор зот имом Бухорийдир

Бухорийнинг "ЖОМЕЪУС САҲИҲ КИТОБИ" дан ҳадислар

*Шамол, тин, бир озга меҳмон келадур,
Денгиз, тубингдан тез чиқар ноёб дур.
Бетакрор улуг зот ташриф буюрди,
Булбул, наво айлаб, қуллуқ қилиб тур.*

*Райҳон, бинафшалар, пойандоз ёзинг,
Табиат, ташлагин инжиқлик, нозинг.
Сукут сақлаб қулоқ тутинг имомга,
Қарға, чиқармагин бугун овозинг.*

*Қуёш, ердаги ўз аксингни кўриб,
Мақтансанг арзийди кўксингга уриб.
Тунда нуринг кетар, уники кетмас,
Мудом зиё сочур туну кун юриб.*

*Шаршара, шовқинсиз жимгина тингла,
Тоғу тоши, инсу жин, ҳикматни англа.
Лочин, пастга тушиб ўз насибанг ол,
Шоҳ-гадо, мажлисда одобинг ўнгла.*

*Бухорий Ҳазратдан  қилур ривоят,
Ҳар бир сўзи ҳикмат, ҳар бири ибрат.
Ўқиб амал қилсанг, қолмас дилингда
Ғам-андуҳ, қайғудек бирор иллат.*

Ж.

Саҳобалар ﷺ сўзларини етук одоб билан, жим ўтириб тинглар эдилар. Ровийлар бу илмий мажлис манзарасини тасвирлаб: – كَانَ عَلَى رُؤُسِهِمُ الطَّيْرُ – *Гүё бошларига қуш қўнгандек сокин ўтирап эдилар*, дейишади. (Хабар "Саҳих" да келган).

Шу боис қунтли шогирдлар улуғ муаллим оғзидан чиққан ҳар бир сўзни ёдлашлари осон кечган.

Ҳадисга оғиз жуфтлаган олим таҳорат олиб, тавозу билан ўтириб, сўнгра ҳадис айтарди. Тобеинлардан бири бетоб бўлиб ётган пайтда ундан бир ҳадис сўрашади. Олим ётган ўрнидан базўр қўзғалиб ўтириб олади. Сўнг сўралган ҳадисни айтади. Ётиб айтаверинг, дейишса, "ҳадис айтаману ётиб оламанми" дейди.

Абу Идрис Хавалоний

يَا عَبَادِي إِنِي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي وَجَعَلْتُهُ بِيْنَكُمْ مُحْرِماً فَلَا تَظْلِمُوا

"*Эй бандаларим! Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва сизлар орангизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирингизга зулм қилманг!..*" ҳадисини айтаётуб тиз чўкиб қолар эди.

И мом Бухорий ҳар бир ҳадисни "Саҳих"га ёзишдан олдин икки ракаат нафл намоз ўқир эдилар.

*Аллоҳ раҳмат қилсин ул нафис жонни,
Ҳадисга ишқибоз покдил жононни.
Онт ичиб айтаман, топмассан ҳаргиз
Ҳадисдек дармонни кезиб жаҳонни.*

Ж.



Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн И smoил ибн Иброҳим ал-Бухорий "Саҳиҳ" да дейдилар:

باب الدعاء عند الكرب .

عَنْ أَبْنَى عَبَّاسٍ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُ عِنْدَ الْكَرْبَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْعَظِيمُ الْحَلِيمُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَرَبُّ الْأَرْضِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمِ

Қайғуда үқиладиган дуо боби

Ибн Аббос رضي الله عنه ривоят қиладилар: Наби صلوات الله عليه қайғули дамда "Ла илаха иллаллоҳул азиймул ҳалийм, ла илаха иллаллоҳу роббул аришил азийм, ла илаха иллаллоҳу роббус-самавати ва роббул арзи ва роббул аришил карийм", деб дуо қиласы әдилар.

Маъноси: Азийм, Ҳалийм Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ чин маъбуд йүк.

Бекад буюк ари соҳиби Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йүк.

Осмонлар эгаси, ер эгаси ва улуғ ари соҳиби Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йүк.

Азийм – Ҳақ таолонинг сифатларидан бири. Одамзод идрок этишидан ожиз, инсон ақли бовар қилмас дараҗада Буюк, Юксак деган маънони ифодалайди.¹

Ҳалийм – Бу ҳам Парвардигори оламнинг олий сифати. Жазо беришга лойиқ бўла туриб, жазони кечиктирувчи, деган маънони ифодалайди.

Бекад буюк ари соҳиби Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йүк – Кейинги жумладаги "азийм" ҳамда "карыйм" калималари арининг сифати дейди олимлар. Шунинг учун жумхур уламолар ҳар икки калимани касра билан ўқиганлар. Баъзилар рафъ қилиб ўқиб, Аллоҳга сифат қилган.

Куийдаги ояtlар жумхур сўзини қувватлайди.

¹ Мишкотга қаранг.

﴿وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ ﴾ التوبه: ١٢٩ ﴿ قُلْ مَنْ رَبُّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ ﴾ المؤمنون: ٨٦
 ﴿ فَتَعَالَى اللَّهُ الْمَلِكُ الْحَقُّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمِ ﴾ المؤمنون: ١١٦

Қайғу дуосининг зоҳирида "ғамимни арит, қайғулардан қутқар, ёрдам бер", деган мазмундаги тилаклар йўқ. Асосан такрорланган сўзлар тавҳид калимаси: *Ла илаҳа иллаллоҳ* ва Аллоҳнинг айрим олий сифатлариdir.

Дуонинг мазмун жиҳатидан бир неча қисмга бўлиниши хусусида "*Эскирмас қўҳна мавзу*" рисоласида батафсилроқ тўхталинган. Бу ерда уни такрорлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Хуллас, бу дуо Арафа кунидаги дуо каби мадҳ, ҳамду санодан иборатdir. Бу ҳақда жанобимиз ﷺ:

"Энг яхши дуо Арафа кунидаги дуодир. Мен ва мендан олдин ўтган пайгамбарлар ўқиган энг яхши дуо – La ilaha illalлоҳу вахдаҳу ла шариқа лаҳ, лаҳул мулку валаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодир, дуосидир", дедилар.

Термизий Сунани.

Тавҳид калимаси ва мадҳиядан иборат жумлани Набий ﷺ дуо деб атадилар. Ҳолбуки бунда ҳам, қайғу дуосида ҳам "уни бер, буни бер, ундан асра, бундан асра" деган бирон бир талаб йўқ. Бу жумбоққа олимлар икки хил жавоб беришган.

1-Абу Авона "Мустахраж"ида "*Сўнгра дуо қилар эди*" дейилган. Яъни "ҳамду санодан иборат мазкур зикрни ўқиб бўлгач, ўз тилагини сўраб дуо қилар эди", дейилмоқда.

Бухорийнинг "Адабул муфрад"ида Абдуллоҳ ибн Ҳорис Ибн Аббосдан мазкур дуони эшитдим деб, охирида: "*Ё Аллоҳ, бу қайгуниң ёмонлигини мендан ўзинг арит*" лафзини қўшимча қиласди.

Аъмаш Иброҳимдан ривоят қилиб деди: "*Агар киши дуодан олдин санони тақдим этса, дуо ижобат бўлади. Санодан олдин дуо қилса, дуонинг мустажоб бўлиши умид этилади*".

Фатхул Борийдан.

2- Иккинчи жавоб. Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Марвазий дейди: Мен Суфён ибн Уйайнадан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Арафа кунидаги *Ла илаҳа иллаллоҳу вахдаҳу ла шариқа лаҳ...* ҳадиси ҳақида сўрадим. У шундай деб жавоб берди: "Бу – зикр, дуо эмас. Лекин ҳадиси кудсийда Аллоҳ азза ва жалла: "*Кимни Менинг зикрим сўрашдан машғул қилса, унга сўровчиларга берганимдан кўра афзалини бераман*" деган. Шоир Умайя ибн Абус Солт Абдуллоҳ ибн Жадъондан ҳожатини ўташини сўрамай, унинг саховатпешалигини, ҳаёсини мадҳ этиб шеър битганда Абдуллоҳ у сўрамасдан олдин ҳожатини ўтайди. Бу – маҳлуқ шаъни. Холик шаънида нима дейсан?!

Зуннуннинг ﷺ "Ла илаҳа илла анта, субҳанака инний кунту минazzолимиин" деган зикрини Набий ﷺ дуо деб атаганлар.

Бошига қайғу тушган киши ушбу дуонинг ўзини такрор ва такрор айтса, ёки ушбуни ҳамду сано ўрнида билиб, ортидан Аллоҳга арзи ҳолини айтса, тилакларини тиласа, биизниллоҳ ғами арийди, қайғуси қурийди. Аллоҳга боғланган киши кам бўлмайди, дуоси мустажоб бўлган нажот топмай қолмайди.

Иbn Абудунё الفرج بعْد الشَّدَّة китобида ёзади: *Валид ибн Абдул-малик Усмон ибн Ҳаййонга мактуб йўллайди. Мактубда "Ҳасан ибн Ҳасанни қўлга олиб, 100 дарра ур!" дейилган эди. Ҳасанни тутиб келишади. Али ибн Ҳусайн маҳбус ёнига келиб: "қайғудан қутулиш дуосини ўқинг", деб ҳазрати Али رضي الله عنه ривояти орқали келган дуони эслатади.¹ Ҳасан дуони ўқийди. Шаҳар волийси Усмон: "Назаримда, бу кишига тухмат қилинганга ўхшайди. Уни қўйиб юборинглар. Мен амирул мўминийга унинг бегуноҳ экани хусусида мактуб йўллайман", деб уни қўйиб юборди.*

Фатхул Борийдан.

¹ Али ривоятидаги ҳадис Насойида турли лафзлар билан келган. Жумладан: "Ла илаҳа иллаллоҳул кариймул азийм, субҳаналлоҳи, табарақаллоҳи роббул ариил азийм, валҳамду тиллаҳи роббил аламийн" дейилган.

بَاب التَّلْبِيَّةِ

حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ بُكَيْرٍ حَدَّثَنَا الْلَّيْثُ عَنْ عُقِيلٍ عَنْ أَبْنِ شَهَابٍ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا كَانَتْ إِذَا مَاتَ الْمَيْتُ مِنْ أَهْلِهَا فَاجْتَمَعَ لِذِلِكَ النِّسَاءُ ثُمَّ تَفَرَّقْنَ إِلَى أَهْلِهَا وَخَاصِّهَا أَمْرَتْ بِبُرْمَةِ مِنْ تَلْبِيَّةِ فَطُبِخَتْ ثُمَّ صُنِعَ ثُرِيدٌ فَصُبِّتُ التَّلْبِيَّةُ عَلَيْهَا ثُمَّ قَالَتْ كُلُّ مِنْهَا فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ التَّلْبِيَّةُ مُجْمَعَةٌ لِفَوَادِ الْمَرِيضِ تَذَهَّبُ بِعَضُّ الْحُزْنِ

Талбина боби

Урва¹ Набийнинг ﷺ рафиқалари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қиласиди. Агар унинг қариндошлиридан бири вафот этса, шу муносабат билан аёллар иигиларди. Бироздан сўнг ҳамма тарқаб, фақат яқинлар ва муайян, хос аёлларгина қоларди. Қозон талаб қилиб талбина пишириларди. Сўнг сарид тайёрланиб, устига талбинани қуйиларди. Оиша (аёлларни таомга ундаш): *Мана бундан енглар, мен Росуллорохнинг ﷺ: "Талбина касал қалбига роҳат башишлаб, қисман гам-қайгуни кетказади"* деганларини эшишганман, дердилар.

Талбина ва сарид (ٿرید) нима?

Мен мурожаат этган барча шарҳчилар, жумладан "Саҳих" нинг таниқли шориҳларидан Бадриддин Айний² ҳамда Ҳофиз

¹ Урва ибн Зубайр тобеинлардан. Асмо бинт Абу Бакрнинг ўғли. Шунинг учун Оиша онамиз ёнларига бемалол кириб чиқаверар эди. "Оиша онамизнинг ҳамма илмини олганман", дейишининг сири ҳам шунда. Мадинада Урванинг уйи ҳозиргача сакланиб қолган.

² Бадриддин Абу Мухаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний Мисрда яшаб ижод қилган ҳанафий мазҳаб олимларидан. Ҳижрий 855 йилда вафот этган. Турли мавзулардаги жуда қўп китоблар муаллифи. Бухорий Саҳихини ўз даврида 21 мужалладда шарҳлаб عَمَدة القَارِي فِي شَرْحِ الْجَامِعِ الصَّحِيفِ لِلْبَخَارِي номлаган. Ҳозир 25

ибн Ҳажар Асқалоний¹ талбина ҳақида шундай маълумот беришган: *Талбина ун ёки кепакдан тайёрланадиган суюқ таом бўлиб, баъзилар унга асал қўшилади дейди. Айримлар сут қўшилгани учун талбина (асли лабан – لَبَنْ) дейилган, дейишади. Абу Нуайм "Тиб"да: талбина уннинг ўзидан тайёрланади, деса, бошқалар, талбинага мой қўшилади, дейишган. Бир қавм: "талбина арпадан қилинади", деган.*

Хуллас, талбина ўзбек пазандалигида ун, арпа ё кепакдан тайёрланган аталага ўхшаш суюқ овқат экан. Балки бу таом

الهداية في شرح البناء بурхونиддин Марғилонийнинг жилдда нашр қилинган. عقد الجمان في تاريخ الزمان номли тарихий асари 25 жилдан иборат бўлган. Айримларнинг билдиришича, китоб аслида 60 жилд экан.

¹ Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний ҳижрий 773 санада таваллуд топиб, 852 санада вафот этган. Айнийга замондош ва ватандош. Қариндошлик жойла-ри ҳам бор дейишади. Ҳофиз ғоят улкан илмий мерос қолдирган. Ҳаддан ортиқ кўп турли мавзулардаги фойдали асарлари билан Ислом кутубхонасининг бойи-шига улкан ҳисса қўшган. У ўқиган китоблар номининг ўзи бир томли китоб бўлади. Ёзган китоблари ҳам шунга яқин. Уларнинг энг машҳури فتح الباري بشرح صحيح البخاري деб номланади. Китоб 17том, муқаддима билан 19 том.

Ҳар икки олимни Аллоҳ раҳмат қилсин. Бири фиқҳда ҳанафий мазҳабга мансуб, иккинчиси шофеий мазҳабга. Шундай бўлсада уларда ва уларга сафдош олимларда бирёқламликни топмайсиз. Шаръий илмларда пешво бўлганлари сингари, бошқа манфаатли илмларда ҳам забардаст олим бўлишган. Бунга улар қолдириб кетган бебаҳо илмий бойликлар ёрқин далил. Қуръон илмлари, Қироат, Тавҳид, Тафсир, Ҳадис, Фиқҳ, Фароиз, Тарих, Адабиёт, Аруз, Рақоик, Зикр ва Дуо, "улумул ола" деб аталмиш илм асослари ва ҳатто Табобатда ва бундан бошқа фанларда йирик асарлар таълиф қилишган. Қисқа умрдан унумли фойдаланиб, динга, умматга бекиёс хизмат кўрсатишган. Охирги икки аср аҳли бундайин денгизнамо олимлардан мосуво бўлди десам хато бўлмас. Зоро сал арабий саводи чиққан одам ўзини "олим" қолганларни жоҳил билиб, кўп нохушликларга сабаб бўлди. Ихтилофга ярамайдиган масалаларни кун тартиби-нинг энг аввалига қўйиб, уни бир умр кавлаб, чўзиб, миллатни ўстириш ўрнига аксинча чўкишига олиб борди.

Икки забардаст олимнинг ёшлиқда ўқиган китобининг сони кўплигидан ва каттайганида ўzlари таълиф қилган китобларнинг кўплигидан ҳамда шунча илм ва обрўга эга бўлишига қарамай ўзини тупроқдек билиб, камтар ўтган зотлар таржимаи ҳолидан ва охирги икки асрдаги аянчли ҳолатлардан таъсиrlаниб, ушбуларга тўхтадим... Аллоҳ ҳаммамизни ислоҳ қилсин.

тарихи ўша қадим замонларга бориб тақалар. Диёrimiz хадис пешволарини етиштирган баракотли дамларда имом Бухорий ҳадисига асосланиб, аталани ихтиро қилишгандир. Нон, сомса бетига седана сепиш ҳам олимлар ташаббуси дейишади-ку...

Талбинанинг суюкроғи ва иссиқ-иссиқ ичилгани фойдали.

Иbn Ҳажар Муваффикиддин Бағдодийдан накл қилади: "Талбинанинг фойдасини билмоқчи бўлсанг, арпа сувининг фойдасига қара, кепакнинг фойдаси янада кўпроқ".

Сарид асосан гўшт ва нондан пишириладиган қуюқ таом.

Оиша розияллоҳу анҳо бошига мусибат тушган азадор хонадонга бориб, талбина тайёрлатар эканлар. Ва уни ейишга ундан: *Мана бундан енглар, мен Росулulloҳнинг ﷺ: "Талбина қасал қалбига роҳат бағишилаб, ғам-қайғуни қисман кетказади" деганларини эшишганман*", дердилар.

Бошқа марфуъ ҳадисда: "هُوَ الْغَيْضُ النَّافِعُ "Еўқимсиз фойдали овқат" дейилган. Шунга кўра Оиша розияллоҳу анҳо баъзи азадор ва маъюсларга шу овқатни ейишга унрабгина қолмай, балки – "عَلَيْكُمْ بِالْغَيْضِ النَّافِعِ" – "Еўқимсиз фойдали таомдан енглар!" деб буюрар эдилар.

Демак қайғуни аритиш йўллари бир эмас, бир нечта экан. Шулардан биринчиси: Дуо. Бу – ҳар бир ишдаги асосий даво. Иккинчиси: Фойдали таом.

Озиқ-овқатнинг инсон соғлигига тутган роли катта. Тўғри ва сифатли овқатланиш қасалликнинг олдини олишда ҳамда барвақт қариб қолишдан сақланишда муҳим аҳамиятга эга. Росули Акрам ﷺ овқатланиш одобига, тартибиға, қайфиятига, миқдори, мижози, тури, нави ва сифатига қаттиқ эътибор қаратар эдилар. "Тиббун Набий" номли китобларга мурожаат қилинса, башарият муаллими ﷺ ўз нурафшон ҳаёти ва баракотли сўзи орқали таълим берган овқатланиш маданияти

барча маданиятлардан устун эканига гувоҳ бўлинади. زاد المعاد
нинг 4 жилди، الـآدـابـ الشـرـعـيـةـ нинг 3 жилди Набий ﷺ тиббиётлари
хусусида бўлиб, саломатлик сирларини очиб ташлаган.

Муҳаммад Раҳматуллоҳ ибн Халиурроҳман Кайравоний
ал-Ҳиндий ал-Ҳанафий ўзининг إظهار الحق номли китобида қуиди-
даги қиссани келтиради.

Насроний табиб Ҳусайн ибн Али Воқидийдан сўрайди:

- Нега сизларнинг китобингизда тиб ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Ахир илмлар икки қисм: илмул абдон ва илмул адён – баданга оид илм ва динга оид илм-ку.
- Аллоҳ тиб илмининг ҳаммасини яримта оятда баён қилган, – деб жавоб беради Ҳусайн.
- Қайси оят?
- ﴿ وَكُلُوا وَأَشْرُبُوا وَلَا تُسْرِفُوا ﴾ *Енглар, ичинглар, исроф қил-
манглар*¹ яъни, ҳалол, покиза таомлардан еб-ичинглар,
лекин ейши-ичишда ҳаддан ошиб кетманг, ҳожатдан
ортигидан четланинг, деган.²
- Пайғамбарингиздан бу борада бирон нарса келганми?
- "المعدة بيت الداء والحمية رأس كل دواء وأعط كل بدن ما عودته" *Ошқозон дард
даргоҳи, парҳез ҳар бир давонинг боши. Ҳар баданга
одатлантирган нарсангни бергин*³, деганлар.
- Исоф билан айтганда, Пайғамбарларинг Жолинюсга
ҳеч нима қолдирмабди.

¹ Аъроф 31-оят.

² Ҳалол ва покиза овқат ейишга буюрган оялар кўп, жумладан Бақара сураси 168 ва 172-оятлар. Тоҳо 81-оят, Мўминун 51-оят.

³ Буни хадис манбаларидан тополмадим. Айтишларича, бу сўз араб табиби Ҳорис ибн Калдага мансуб экан.

Термизий "Сунан"ларида келган: ﴿فَتَلَّتْ لِطَعَامِهِ وَتَلَّتْ لِشَرَابِهِ وَتَلَّتْ لِنَفْسِهِ﴾
"Қориннинг учдан бири таоми учун, учдан бир шароби, учдан бири нафаси учун" маъносидаги қисқа сахих хадис тиббиётнинг учдан бирини ўз ичига олган.

Набий ﷺ сахобалар билан бирга дастурхон атрофида ўтирган эдилар. Дастурхонга хурмо тортилди. Набий ﷺ ёнларида ўтирган Али ﷺ ҳамма қатори хурмога қўл чўзади. Шунда Набий ﷺ Али қўлидан тутиб: "Яқинда касалдан турдинг, буни емай тур", дедилар. Ҳаял ўтмай меҳмонларга енгилроқ таом тортилди. "Мана бу сен учун муносиб, ол, е", дедилар.

Дорисифат озуқаларга асабни тинчлантирувчи дориларни қиёслаш мумкин. Зеро Ҳабибимиз ﷺ: "**Даволанинглар! Аллоҳ дардни давоси билан туширган**", деб марҳамат қилганлар.

Ҳамма нарсага балогардон юрак. Ҳар қандай қайғу, ғамғуссанинг оғир юки биринчи юрак устига тушади. Шунинг учун уни бақувват қилиш йўлларини билиш матлуб. Тиббиёт мутахассислари бу борада жадвал тузган экан, мен шу жадвалдан мавзуга оид айрим жойини келтирмоқчиман.

- 1- Ҳар куни 56г бодом, 56 г ёнғоқ ейиш.
- 2- Мевалардан ўрик, қулупнай, гилос, шотут, қизил узум ва тарвуз каби мевалар.
- 3- Сабзавотлардан редиска, помидор ва турли кўкатлар.
- 4- Шуфон. (Ўзбек қомусида шуфонни сули деб таржима қилинган. Сули бизда ҳайвонларга ем ўлароқ берилади. Чет элда шуфонни одамлар саратон ва юрак касаллигига қарши парҳез таом сифатида истеъмол қилишади. Хорижнинг озиқ-овқат магазинлари ва супермаркетларида мавжуд).
- 5- Зайтун мойи. Кунда 2-3 қошиқ. Овқатга ёки салатга қўшиб истеъмол қилса ҳам бўлаверади.
- 6- Балиқнинг маҳсус тури. (Врач тайинлайди).
- 7- Кепакли нон.
- 8- Энг асосийси: Истиғфор – кўп истиғфор айтиш, тавбатазарру қилиш. У давони тезлатади, дардни кетказади.

Қайғудан қутулишнинг бошқа йўлларини мавриди келса, ўз ўрнида (иккинчи қисмда) айтиб ўтамиз.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг маййит хонадонига талбина тайёрлаш ҳадислари муносабати билан бир нарса ёдимга тушиб қолди. Ижозатларинг билан фойдадан холи бўлмагани учун унга ҳам бир тўхтаб ўтсак.

Агар бир киши вафот қилса, қўни-қўшни маййит аҳлига таом киргизади. Бу яхши одат. Балки айни суннат. Лекин айримлар овқатдан ирим қилиб, агар угра ё шунга ўхшаш лағмон каби чўзиладиган таом чиқарса, "бу хонадонда ўлик чўзилади" деб ўйлайди. Бу – хато. Агар яқин орада шу уйдан яна бир киши вафот этиб қолса борми, иримчининг жони кириб, бу нохуш ҳодисани ўз бузук эътиқодига далил қилиб кўрсатиб: "Ана, айтмаганмидим сизларга, угра чиқарганинг нияти бузук эди", дейди.

Ўйлаб кўринг!

Агар бир угра, лағмон ёки бошқа овқат билан душман қириб ташланса, одамлар қадимда қилич, найза, камон, ҳозирда турли қурол-аслаҳаларни ишлатмай қирқ қулоқлик қозонда угра ош пишириб, душманини роса тўйдирмасмиди? Бўкиб қолгунча лағмон ташиб, қон тўқмасдан мақсадига етмасмиди? Чўзилган лағмонни еган ғанимнинг азаси чўзилиб, лағмондан кейин бирин-кетин ер тишламасмиди?

Хурофот такрорланаверса, одатга айланади, одат табиатга айланади. Одат ва табиатга айланган хурофот бора-бора ҳақиқат мақомига чиқади. Сўқир қавм ичидан биронтасининг кўзи очилиб, қавм ҳақиқат деб эътиқод қилаётган хурофотни "бу – хурофот! Ҳақиқат эмас!" – деб юборса, тарки одат амри маҳол қонунига биноан унинг сўзи қабул қилинмайди, "неча йиллик одатга" хилоф чиққани учун унга ёмон отни чаплаб, ҳажр қилишади.



Субҳидам сабоқлари

(Хайвон ҳақида ҳикоя)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةَ الصُّبْحِ ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَقَالَ يَبْنَاهَا
رَجُلٌ يَسُوقُ بَقَرَةً إِذْ رَكَبَهَا فَضَرَبَهَا فَقَالَتْ إِنَّا لَمْ نُخْلُقْ لَهُذَا إِنَّمَا خُلِقْنَا لِلْحَرْثِ فَقَالَ النَّاسُ سُبْحَانَ اللَّهِ بَقْرَةٌ تَكَلُّمُ فَقَالَ
فَإِنِّي أَوْمَنُ بِهَذَا أَنَا وَأَبْوَبَكُرٌ وَعُمَرُ وَمَا هُمَا ثُمَّ . . .

Абу Хурайра розияллоху анху хабар беради: Ресулуллох соллаллоху алаихи васаллам бомдод намозини ўқидилар. Сүнг одамларга юзланиб шундай дедилар:

- Бир киши сигирни етаклаб кетаётиб, бирдан уни миниб олди. Ва урди. Сигир бошини буриб:¹ "Биз бунинг учун яратилганимиз йўқ. Ер ҳайдаш учун яратилганимиз", деди.
- Субҳаналлоҳ! Сигир ҳам гапирадими? – деб юборди одамлар таажжусбланиб.
- Албатта мен, Абу Бакр, Умар бунга иймон келтирамиз, – дедилар Ресулуллоҳ ﷺ. Ҳолбуки у ерда икковлари ҳозир эмас эдилар.



Бухорий ҳадисни Саҳиҳнинг тўрт жойида келтирганлар. Бу мазкур ҳадиснинг катта аҳамият касб этишига ва сигир қиссасидан олинадиган инсон ҳаётига тааллуқли фойда ва сабоқларнинг кўплигига далолат қиласди.

Энди ҳадис мазмунини англаб этишга ва сигир сўзининг мағзини чақишга уриниб кўрайлик. Гапни бир бошдан – ровий сўзидан бошласак.

¹ Саҳиҳнинг بوبیدا التَّقْتَةُ إِلَيْهِ دеган қўшимча бор. إِسْتِعْمَالُ الْبَقَرَةِ لِلْحَرَاثَةِ

Ровий дейди: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини ўқидилар. Сўнг одамларга юзландилар..."

Улуғ мураббий Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг одати шарифаларидан бири гоҳо бомдод намозидан сўнг саҳобаларга юзланиб: "Бу кеча ким қандай туш кўрди?" дер эдилар.¹ Туш таъбири воситасида уларни тарбиялаб, юксак одоб уруғларини покиза дилларга экардилар. Гоҳида енгил панд-насиҳат қилсалар, гоҳ-гоҳ ҳозир ўқиганимиздек, ажойиб қиссалардан сўзлардилар.

Сигир қиссасини нега айнан бомдод намозидан кейин ҳикоя қилдилар? Субҳидамда туш таъбир қилишларининг ҳикмати аниқ. Ҳамма уйқудан янги турган, туш ҳали ёддан кўтарилимаган, ўнгдаги воқеалар билан аралашиб кетмаган. Шунга қўра тонг туш таъбири учун жуда қулай фурсат. Аммо сигир қиссасичи? Унинг учун пешин муносиб эмасми? Аср, шомчи? Дарвоҷе, оқшом ёки хуфтон сұхбат учун энг муносиб пайтку. Ой ёғдусида, тун сукунатида, ҳавонинг тафти анчайин пасайган паллада, кеча шабадаси майин эсан онларда қисса айтиш ва қисса тинглаш мароқли эмасми?

Бунинг жавобини сигир сўзининг мағзини чаққанимиздан кейин ўз-ўзидан билиб оламиз. Энди доно мураббий сўзларига диққатимизни қаратайлик.

Жанобимиз дедилар: "Бир киши сигирни етаклаб кетаётib, бирдан уни миниб олди. Ва урди".

Росулуллоҳ ﷺ кўпинча ўтмишда ўтган тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилганлар. Қиссалар тўқима эмас. Бирор бир ҳикоя хаёл маҳсули эмас. Аксар қиссалари Баний Исройлдан. Сигирни миниб олган киши ҳам Бани Исройл қавмидан. У ўзининг сигирини етаклаб кетаётган пайтда толиққаниданми

¹ Саҳихда بَاب تَعْبِيرِ الرُّؤْيَا بَعْدَ صَلَةِ الصُّبُح سахихда Бомдод намозидан сўнг туш таъбир қилиши боби бор.

ё бошқа сабаб биланми сигир устига миниб олади. Афтидан, бунга норози бўлган сигир юриши секинлашади. Киши отни қамчилагандек, сигирни ҳам қамчилайди. Шунда мўъжиза содир бўлади. Гунг ҳайвон тилга киради. Бир оғиз сўз айтади, холос. Сўзлаган сўзи ҳеч қандай аҳамият касб қилмайдиган, қадр-қиймати йўқ беҳуда сўз эмас, кўпнинг кўзини очиб қўядиган қисқа қадрли сўз эди.

"Сигир бошини буриб: "Биз бунинг учун яралганимиз йўқ. Фақат ер ҳайдаш учун яралганимиз", деди".

"Сигир бошини бурди" – Бошини қуи эгиб эмас, эгаси томон қайрилиб, ситамкор юзига тик боқиб: *"Биз бунинг учун яралганимиз йўқ"*, деди.

"Биз" билан "мен" ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. "Мен" деганда киши кўпроқ ўзини ўйлади, "биз" деганда ғолибо ўзи билан бирга оммани назарда тутади. Бири ўзи учун жон куйдирса, бошқаси эл учун жон олиб, жон беради.

Сигир нафакат ўзини ўйлаб, балки ўз жинсдошларини ҳам назарда тутиб, жам сийғасида: – إِنَّا لَمْ نُخْلُقْ لَهُذَا إِنَّمَا خُلِقْنَا لِلْحَرْثِ "Биз бунинг учун яратилганимиз йўқ. Ер ҳайдаш учун яратилганимиз", деди.

Айни шу маънони қувватлайдиган ҳодиса Куръонда ҳикоя қилинган.

﴿ حَقٌّ إِذَا أَتَوْ عَلَى وَادِ الْنَّمْلِ قَالَتْ نَمْلَةٌ يَتَأْيِهَا النَّمْلُ أَدْخُلُوا مَسِكِنَكُمْ لَا يَحْطِمُنَّكُمْ سُلَيْمَانُ وَجْنُودُهُ ﴾

﴿ وَهُمْ لَا يَشْعُرونَ ﴾

﴿ (Сулаймон қўшини) чумолилар водийсига етган пайтида, бир чумоли: "Эй чумолилар! Уяларингизга киринглар! Тоинки Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари билмаган ҳолда сизларни янчиб кетмасин", деди. ﴾

Намл 18-оят.

Айтишларича, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ алайҳ 14 ёшларидаги ғәли даги "то"га асосланиб: "бу чумоли унса – урғочи" деган эканлар. ғәли араб тили қоидасига биноан ноаниқ формада. Демак мазкур чумолининг қайси табақаданлиги ноаниқ. Маълумки, чумолилар олами кўп жиҳатдан одамлар оламига яқин ҳайвондир.

Энди шулардан келиб чиқиб, оятни мана бундай тушунайлик. *Қандайдир ноаниқ чумоли аёл боши билан ўзини ҳалокатга солиб, ўз жинсдошлиари бошига келаётган хатардан уларни огоҳлантириди.* Ҳалокатга солиб деганимизнинг сабаби, чексиз қўшинни кўрган чумоли саросимага тушмай, дарҳол чумолиларга нидо қиласи. Ҳолбуки ўзи от туёқлари остида янчилиб кетиши мумкин эди. Ўзи биринчи қурбон бўлиши ҳеч гап эмас эди. Лекин бу хавфдан кўра каттароқ, оммавийроқ хавфни олдинга қўйиб, қочиш ўрнига тўхтаб, нидо қилди.

Чумоли Сулаймон пайғамбарга одоб сақлайди. Шунинг учун: "ўзлари билмаган ҳолда" деган қўшимчани илова қилиб қўяди.

Ушбудан уламолар истинбот олиб дейдилар: "Миллатига келаётган хатарни сезган ҳар бир шахс, хусусан масъуллар, олимлар, фозиллар, зиёлилар халқни у хатардан огоҳ этишлари лозим-лобуд".

"Биз бунинг учун яратилганимиз йўқ". Яъни миниш, урилиш учун эмас, бошқа вазифа учун дунёга келганмиз.

Бу, Росулуллоҳ ﷺ таълифлари эмас, зеро у зот ёзишни билмайдилар. Илҳом самараси эмас, зеро у зот шоир, адаб эмаслар. Уни бир жойда ўқиб ўрганмаганлар. Ота-боболардан эшитмаганлар. Бу – Илоҳий ваҳий асосида айтилган, ҳар бир сўзи ўз ўрнида ишлатилган ва ҳар бир калима чукур маънога эга воқеий ҳодисадир.

Сигир ноҳақликка қарши тилга кириб, ҳақни баён этди.

Сигир ўз ҳаққини билди ва талаб қилди

Сигир нима учун яралганини англааб етди. "Ер ҳайдаш учун яратилганмиз".

Одамзоднинг ҳаммаси ҳам нима учун дунёга келганини биладими? Ким, нима учун уларни яратганини англааб етганими?!

Қабоҳатнинг қоронғи, қинғир кўчасида дарбадар кезаётганлар хаёлига "Биз бунинг учун яратилганмиз йўқ" деган фикр келганмикин?!

"Сийловни сигир билмас" деган мақол, назаримда, унчалик ҳақиқатга тўғри келмаса керак. Ҳадисдаги мазкур қисса шу фикрга келишимга сабаб бўлди. Чет эл чорвадорларининг чорвага, хусусан сигирга нисбатан муомаласи буни тасдиклайди. Сийланган сигир тез семирар ва кўп сут берар экан. Сийланмагани – яхши қаралмагани охири тўла ем бўлса ҳам семириши қийинлашади. Сут бериш ҳам шунга яраша сифат ва сон жиҳатидан пасаяди.

Қирғизистонлик танишим ҳикоя қиласи: "Шахарда мол-қўй боқиши тақиқлангани учун ва қўшнилар ҳукуматга шикоят қилмасин деган мақсадда шаҳарлик аёл бир дона сигирини маълум вақтда тоғарага ёзилишга ўргатади. Аёл тоғара олиб келмагунча сигир ёзилмайди".

Инсону ҳайвонларга раҳмат этиб юборилган улуғ элчи ибратга кон бу қиссани одамларга етказиш учун жуда кулай фурSATни танладилар. Бомдод намозидан кейин масжид ахлининг деярли барчаси ўз ишига йўл олади. Ким тижорат, ким зироат, ким табобат соҳасида фаолият олиб боради. Кимдир дехқон, кимдир чорвадор, кимдир ҳунарманд, яна кимдир муаллим. Намозга йиғилган турли касб эгалари ўз иш ўринларига тарқамасдан олдин Набий ﷺ уларга кўрсатма бердилар. Сигир қиссаси орқали биринчидан, ҳаммага масъу-

лиятни эслатдилар. Гуё бу билан: сигирки ўз вазифасини билса, сиз ўз вазифангиз нимадан иборат эканини унутиб қўйманг, дейилмоқда.

Иккинчидан, зулмдан огоҳ этдилар. Одамга эмас, ҳатто ҳайвонга ҳам зулм қилишдан тийилиш заруратини ушбу қисса орқали тушунтирдилар.

Ўз ҳаққини танишни ўргатдилар. Молки ҳаққини таниса, ҳазрати инсон ўз ҳаққини билиши авлодир.

Молни пастга урмаслик ҳақидаги қисса орқали ҳеч бир инсонни пастга урмаслик заруратини эслатдилар. Одамлар менсимай "мол" дейдиган махлук ҳам Холик назарида экан. Демак ҳазрати инсонинг мансаби йўқлиги, фақирлиги ёки бошқа бир сабаб билан менсимасликнинг оқибати яхши эмас.

Сигирнинг одамдек сўзлаши ишониш қийин ҳодиса. Шунинг учун одамлар ҳайратланиб: "*Субҳаналлоҳ! Сигир ҳам гапирадими? – деб юборишиди*".

Росулуллоҳ ﷺ ушбу зарбулмасал ваҳий орқали келганига ишора қилиб: "*Албатта мен, Абу Бакр, Умар бунга иймон келтирамиз, – дедилар. Ҳолбуки у ерда икковлари ҳозир эмас эдилар.*

"Сигир", "Чумоли" ва шунга ўхшаш Қуръон ва ҳадисда зарбулмасал қилинмиш ҳайвонлар қиссаси одамзод ибрат ва сабоқ олиши учун ҳикоя қилинган. Тасалли, эрмак ёки куруқ маълумот учун эмас. Инсон имкон қадар бу қиссалардан ҳисса чиқармоғи керак. Мен қўлимдан келганини айтдим, айтилмагани қанча. Мабодо асримизда бирон бир сигир сўзласа, одамзод уни "гений.govvoc" деб Гиннеснинг рекордлар китобига киргизишни ўйлади. Лекин "govvoc нима деди-ю нега гапирди?" деган томонларга эътибор қаратадими, бу – ноаниқ. Табиатдаги ғароийб ҳодисалар беҳудага рўй бермайди. У билан ғофилга унугани эслатилади, жоҳилга билмагани ўргатилади, исёнкорни уқубатдан огоҳ этилади...

Дунёда молнинг сўзлашидан кўра ҳайратлироқ ҳодисалар мавжуд. Аслида буюк Яртувчи бу оламни сир-асрорга кўмиб ташлаган. Ер юзидаги сирлар ёхуд мўъжизотлар тупроқдек талай. Денгиз ва дарёдагиси сувдай сероб. Осмондагиси осмоннинг ўзи каби чексиз ва бепоён. Одам боласи алоҳида мўъжиза. Ҳайвонот алоҳида мўъжиза. Уларнинг ҳар бир аъзоси ўзи билан қанча сирни бекитиб ётибди. Чексиз Коинот қаърида заррага айланиб кетувчи улкан Еримизнинг устидан ақл бовар қилмас сир-асрорлар қуиб ташланган. Иймони бор киши шу сирлардан бирини билса, иймони янада зиёда бўлиб, Холиқининг қудратини ўз кўзи ва ақл кўзи билан кўради. Бейймонни бу оламшумул ҳодисалар қизиқтирумайди.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётимизда ҳам тасдиқлаш қийин воқеалар кўп экан. Шу муносабати билан ўша қизиқарли воқеаларга ҳам озроқ жой ажратсан. Буларни чақирилмаган меҳмонлар қаторига қўшамиз. Ахир ҳаётда шунақаси ҳам бўлади-ку.



Ровийларнинг ривоят қилишича, Аббосий халифалардан бири "Тасдиғи қийин қисса" бўйича қиссагўйлик мусобақаси эълон қиласи. Ғолибга катта мукофот белгилайди. Мусобақанинг оғир шартларидан бири подшоҳнинг ўзи у қиссани тасдиқламаслиги керак. Қиссагўйлар мукофот илинжида хаёл уммонининг туб-тубига шўнғишиади. Ажойиб, ғаройиб, ғайритабии ҳодисалар бирин-кетин юзага чиқади. Лекин ҳеч ким шоҳ ҳайратини оширолмайди. Ҳатто фантазияси энг кучли хаёлпараст қиссагўйлар ҳам мукофотга ноил бўлолмайди.

Шоҳ кўпни кўрган, кўп китоб ўқиган билимдон экан. Шу боис бирор бир қисса уни ўрнидан турғизиб: "Йўғе, бўлиши мумкин эмас. Буни тасдиқлаш душвор" дегиза олмади.

Бир пайт саройга 11-12 ёшли ўспирин кириб келади. Қисса айтишга изн олгач, қиссасини бошлайди.

Менинг қиссам ҳаётий қисса. Унинг бош қаҳрамони ҳазрати олийларининг ўзлари ва дадам. Мен у пайтда дунёга келмаган эдим. Дадам сизга жуда яқин киши бўлган. Касби кори чўпонлик. Олтин тўла катта хумни сизга топшириб, "менга бир нарса бўлса, фарзандларимга берасиз" деган экан. Ҳазрати олийлари, мен шу омонатни, ўз ҳаққимни олгани келдим. Боқувчимиз оламдан ўтганлар.

- Ёлғон! – дейди ғазабдан тутақкан шоҳ.
- Олампаноҳ, мен ёлғон гапириш ёшига етганим йўқ.
- Мен шоҳ бўла туриб бир чўпонни яқин тутишим тасдиқ қилиб бўлмас ҳол. Чўпонда шунча олтин бўлишини ҳам ақлли одам тасдиқламайди. Келиб-келиб мен ундан омонат оламанми?! Ким буни тасдиқлайди?!
- Гувоҳларим бор.
- Гувоҳларинг ўзингга ўхшаган тирмизакларми?
- Ҳа, менинг дўстларим.

Шоҳ бирдан қаҳқаҳа отиб, атрофдагиларга юзланади:

- Сизлар шунинг сўзини тасдиқлайсизми? Менинг чўпондан дўстим борлигига ишонасизми? Чўпонда катта хумда олтин бўлиши мумкинми? Эй сарой ахли, сиз бу ақл бовар қилмас уйдирмага нима дейсиз?
- Ишонмаймиз, тасдиқламаймиз, бўлиши мумкин эмас, – деган овозлар янграйди.
- Ана, кўрдингми, улар тасдиқламаса, мен қандай тасдиқламайман?
- Тасдиқламайсизми?
- Умуман тасдиқламайман.
- Унда олампаноҳ, "Тасдиғи қийин қисса" бўйича қисса-гўйлик мусобақасининг мукофотини менга топширинг ёки сўзимни тасдиқлаб, отамнинг омонатини қайтариб беринг.

Қисса моҳиятини англаб етган шоҳ мириқиб кулади. Танти тождор "тирмизакка" тан бериб, тилло тортиқ қилади; белгиланган мукофотни унга топширади.

XX-XXI аср авлоди бу қиссани тасдиқлайдими? Биз ҳам шу давр авлодимиз. Тасдиқ ва инкор орасида сарсонмиз. Бу қадар эркинликнинг тасаввуримизга сифиши осон эмас. Ўн бир ёшли боланинг саройга кириб келиши, шоҳ билан юзмажуз туриб сухбатлашиши ёш замондош учун, катталар учун ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳол. Балким ўша замондагилар учун оддий ҳолдир, қайдам?..



Хозирги кунда қаерга борсангиз, "Кириш", "Чиқиш", "Вход", "Выход", "Exit", "Entrance", "دخول", "خروج" деган ёзувга кўзингиз тушади. Шунга ўхшаш, дунёнинг ҳам кириш, чиқиш эшиклари бор. Дунёга келиб, бир йил яшаган ҳам, 100 йил яшаган ҳам шу эшикдан кириб, шу эшикдан чиқиб кетади. Туғуруқхона дунёнинг кириш эшиги бўлса, қабристон унинг чиқиш эшиги. Бу икки жойда бошқа ерларда бўлгани каби тасдиқлаш қийин ҳодисалар рўй бериб туради. "Танаси бир эгизак, қўлсиз туғилган бола", "гўридан тутун чиққан одам"-ларни назарда тутаётганим йўқ. Булар ўз йўлига. Мени бошқа нарса ўйлатиб қўйди. У – инсон қадр-қиймати, ҳурмат эътибори ва номусига оид тасдиқлаш қийин икки хил манзарадир.

Биринчи манзара: Мусулмон йигит ой-куни яқинлашиб қолган аёlinи хусусий туғуруқхонага олиб боради. Қабулхонада эр-хотинга бир нечта доя исмини кўрсатиб:

- Ушбу доялардан қайси бирини танлайсиз, – дейилди.
- Мен буларни танимайман, қўли енгил, зўр дояни ўзингиз танлаб берсангиз, яхши бўларди, – дейди йигит.

Ҳомиладор аёлни аравага ётқизиб, лифтда юқорига олиб чиқишиди. Эри ҳам у билан бирга. Аёлни тўлғоқ тута бошлади. Хозиргина табассум тортиқ қилиб ўтирган ойдек рафиқаси-

нинг чехраси ўзгара бошлади. Унинг юзи таниб бўлмас даҳшатли қиёфага кираётганди. Ўн тўрт кунлик ой бирдан тутилган ой тусини олса дeng. "Қизим, бардам бўлинг. "Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ", "Ла илаҳа илла анта, субҳанака инний кунту миназолимиин"ни айтинг. Холикқа боғланинг. "Аллоҳумма ла сахла илла ма жсаалтаху сахла" десангиз, Ўзи осон қилади", деди ёши каттароқ акушерка. У Аллоҳни эслатиб тураг, ўзи ҳам дуо қиларди. Доя билан иккинчи ёш акушерка парда ортида тайёргарлик кўрмоқда.

Туғишининг оғир дардини бошидан кечираётган келиннинг лаби базур дуо қиларди. Шунда, бирдан унинг кўзи қинидан чиққудай бўлиб шифтга тикилади. Аъзойи бадани қалтираб, қўли билан кўрпани ғижимлай бошлади. Лаб зикрдан тўхтади. "Ука, бу ердан тезроқ чиқинг", деди акушерка. Йигит чиқиб кетди. Ёш куёвнинг юраги така-пука. "Аллоҳ, осон қилгин, Ўзинг асрагин", пичирлаб илтижо қилади. Бир оздан сўнг ичкаридан бояги акушерка чиқиб: "Алҳамдулилаҳ, ўғил", деди. Йигит суюниб кетди. Уни ўғил ё қиз кўриши эмас, аёлининг соғлиги кўпроқ қизиқтиради. Расмиятчилик дегандай, қабулхонага тушиб, ушланиб қолди. Яrim соатдан сўнг яна юқорига кўтарилди. Гўдакни болалар врачи текшираётган экан. Рафиқаси жангоҳда ўлим чангалидан қутулган аскардай беҳол ётибди. Ёш ота янги меҳмон қулоғига аzon айта бошлади. "Яrim соат кечикдингиз. Биринчи бўлиб боланинг қулоғига Аллоҳ исми кириши керак эди", деб танбеҳ берди акушерка. Хатосини ҳис этган йигитнинг юзи қизариб, ерга қаради.

Иккинчи манзара.

Бу бошқа бир мамлакатда рўй берган.

Йигит ҳомиладор хотинини туғуруқхонага олиб келади. Тўрт қаватли бино эшигига яқин етишганда, эр: "қиз тұғсанг, уйға боришингни ўйлаб қўй", деб дўқ уради. Оёғини зўрға

босиб келаётган оғироёқ аёл аста пиллапоядан юқорига күтарилади. Түлғоқ кучайиб, инграй бошлади. Ингроқ аста-секин бақириққа айланди. Аёл бақириғининг, тинмай йиғлашининг сабабини билиш қийин. Ҳамма ҳомиладор аёлларга туғиши олдидан келадиган қаттиқ оғриқ, жисмоний азоб, дард, алам уни бўкиртияптими, ёки яна қиз туғиб қўйишдан бўлган қўрқув – руҳий оғриқ бўзлатяптими?.. "Ўлганнинг устига – тепган" дейилгандек, тик турган говвосга ўхшовчи акушерка-нинг беъмани сўзлари бечора аёлнинг қалбини яксон қилди.

– Намунча войвойлайсан?! Туққан битта санми?! Роддомни бошингга кўтариб додлайсан-а, – деди жеркиб.

– Опажон...

– Шу пайтгача маза қилдинг, энди буяғигаям чидайсан-да, хи-хи, – тилла тишларини кўрсатиб, уятсизларча хихилади.

– Опажон...

– Ҳа-а-а, нима дейсан?

– Тўлғоқ дарди эмас, эримнинг дўки кўзимни ёшлатди. Шу ерда ичимни бўшатмасам, бошқа ерда бўшата олмайман. Уйда йиғласам, "ниманг кам, бир нарса етишмаяптими, ҳамма нарса борку! Нега йиғлайсан?" деб ўдағайлайди. Ҳозир эшик олдида: "Яна қиз туғсанг, уйга қайтишингни ўйлаб қўй!" деб қўрқитди. Ота-онам ўтиб кетган, ақа-укам номуроса, борадиган жойим йўқ.

– Нечта қизинг бор?

– Учта.

– Войбўй, намунча кўп туғмасанг? Бу билан тўртинчиси... Ҳозирги кунда болани слишком кўпайтириш яхшимас, иккитаса етиб ортади. Эринг қаерда ишлайди?

– Россияга қатнайди.

– Топиши тузийми?

– Тузий, нолимаймиз, Худога шукур.

– Ҳмм... Қиз туғсанг, эпласа бўлади... Лекин буягини кўтара оласанми? – деди акушерка ва қўлини аёл томон чўзиб, учта бармоғини бир бирига ишқалаб қўйди.

Аёл яна войдодлашга тушди. Унинг дардига учинчи, тўртинчи дардлар қўшилган эди. Аввалги иккита ғамдан оғирроқ ғам – пул топиш ғами, пул топилган тақдирда, ўз боласини алмаштириш ғами уни ҳўнг-ҳўнг йиглатарди.

Йигит ташқарида сигарет чекиб, қўлидаги мобел телефонда алланималарни томоша қилиб ўтирибди. Оғзидан худди мўри каби бурқираб тутин чиқаёттир. Тор кофта, калта юбка кийиб ўтаётган қизларга ўлжасидан кўз узмаётган бўридек бошдан оёқ разм солиб чиқади. "Кетвортган" қизлар қатнови тўхтаса, яна телефонни чуқилайди. Кўраётган нарсаси қизикроқ шекилли, тинмай ҳириң-ҳириң кулади.

Бургутнинг онаси макён десалар,
Ишонма, агарчи минг ичса қасам.
Бургутвой макённи "онам" деса гар,
Ишонмай қаёққа борасан, укам.

Тулпорнинг дадаси эшак дейилса,
Хеч ким тасдиқ этмас, ишонмас асло.
Тулпор эшак каби палидлик қилса,
Ишонмай қаёққа борасан, доно.

Ж.



Ижобий ўзгаришлар олдида қанчалик ҳайратга тушсангиз, салбий ўзгаришлар олдида ундан кўра чуқурроқ ҳайрат қаърига чўкасиз. Ҳайрат тўлқини ҳар қандай инсонни довдиратиб кўяди. Жавобсиз саволлару ечимсиз жумбоклар қаршисида донг қотасиз. Шам: "Қуёш муаммосини мен ечаман", деб чиранса, қўли шол ногирон: "бепоён осмонни қучаман", деб кучанса, ҳайрат даҳшатга айланади.

Бир жиҳатдан янги тарих такрорланаётганга ўхшайди, бошқа бир жиҳатдан кўп нарса аввалгиларга ўхшамайди. Ҳар ер зеру забар, ҳар нарса дигар.

Чарх авзойи бу дам аввалгиларға ўхшамас,
Котибу давру рақам аввалгиларға ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларға ўхшамас,
Күнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларға ўхшамас.

Не учар юлдузлар ўтди чалғитиб элни жуда,
Неча авлод йўли-ю умидин айлаб беҳуда,
Давр мезони билан тортай бу кун ўзимни-да,
Не ситамким қилса раҳм махфий эрди зимнида,
Эмди қилса не ситам аввалгиларға ўхшамас.

Бул Жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир ҳужраким,
Воҳ, қуёш савдосиға шамлар нечук бўлди ҳаким,
Ишқ, бу — ўз умрим, анга нечук қасамлар ичмаким,
Демангиз Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,
Хўблиқда ул санам аввалгиларға ўхшамас.

Қай кишиким бир улуг ишга этибди жон нисор,
Шиддати пасту баланд келганда ҳам бўлмайди ор,
Эй фалак, ҳеч кимни этма бесамар йўлларда хор,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларға ўхшамас.

Она Шарқ тожин киюр, зулматда ушлатманг мени,
Бодайи ҳақ мастиман, ёлғонга уйғатманг мени,
Ўз хаёлимға қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени,
Ким бу расвойи дажам* аввалгиларға ўхшамас.

Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,
Айланур ойина бу, ҳеч битта иш топмас пана,
Нафс ипига боғлидур рух ипларин узган тана,
Кўйининг эхромидан кўнглимни ман этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалгиларға ўхшамас.

Сўқмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,
Ўз замонин рост этар қавми марддир асли ким,
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким,
Эй Навоий қилма Жамшиду Фариудун васфиким,
Шоҳ Ғозийга карам аввалгиларға ўхшамас.

Навоий ғазалига Омон Матчон мухаммаси.



Асримиздаги янгиликларни ўрта аср кишисининг тасдиқлаши қийин. Мабодо уларга ўша пайтда:" Келажакда одамзод осмонда парвоз этади, бир ойлик масофани бир соатда босиб ўтади, ғарблик билан шарқлик ўз уйида ўтириб гаплашади, дунёнинг бу чеккасидан туриб, нариги чеккасига мактуб йўлласанг, мактуб бир лаҳзада этади" дейилса, улар буни тасдиқлашдан кўра тасдиқламаслиги аниқроқ. Ким ёқасини ушласа, ким "ақлдан оздингми?" дегандек кўрсатгич бармоғини чаккасига қўйиб айлантиради. Ким очиқчасига инкор этади.

Улар тасдиқлайдими, йўқми, ишонадими, ишонмайдими, лекин инсониятнинг мисли кўрилмаган тараққиётга эришгани – факт. Инкор тараққиётга заар етказолмайди.

Охиратдаги ақл бовар қилмас ҳодисаларга нисбатан одамларнинг мавқеи ҳам худди ўрта аср кишисининг телефон, машина, самолёт деган янгиликларга бўлган мавқеи кабидир. Кимдир тасдиқлайди, кимдир инкор этади. Кимдир тасдиқланган одамларни қолоқликда айблайди. Озор берган қанча, масхара қилган қанча, бепарво нодонлар қанча...

Улар тасдиқлайдими, йўқми, ишонадими, ишонмайдими, охиратда рўй берадиган воқеалар ҳақ. Борганда ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қиласди. Лекин унда кеч бўлади. Чунки бу ишончнинг у кунда заррача нафи тегмайди.

* **Дажам** – Эзилган, ғамгин.

Шунга кўра, бу қисмни тасдиғи қийин бир ҳодиса билан якунламоқчиман. Уни тасдиқлаш, ишониш баъзилар учун оғир. Ҳаттоқи ҳодисанинг бевосита иштирокчиси, қисса қаҳрамонининг ўзи ҳам уни тасдиқламайди.

Абд ибн Ҳумайд Муснадида келади: Набий соллаллоҳ алайҳи васаллам хабар бериб дедилар:

Дунёда энг қаттиқ машаққат чеккан жаннати кишини олиб келинади. "Уни жаннатга бир бор ботириб олинглар", дейди Аллоҳ. Уни бир бор жаннатга олиб кириб чиқшишади.

- Эй одам фарзанди, ҳаётингда ҳеч қийинчилик, фақирлик ёки ўзинг ёмон кўрадиган кўнгилсизликни кўрганмисан? – дейди Аллоҳ.
- Йўқ, кўрмаганман, – дейди банда.

Сўнг дунёда фаровон яшаган сернеъмат дўзахини олиб келинади. "Дўзахга бир ботириб олинглар", дейди Аллоҳ. Бир бор дўзахга кириб чиққан кишига Аллоҳ дейди:

- Эй одам фарзанди, умринг давомида ҳеч яхшилик кўрганмисан?
- Иззатингга қасамки, умримда ҳеч қачон, ҳеч қандай яхшилик кўрмаганман, – дейди.

عبد بن حميد في مسنده ج / ص ٣٩١ حديث رقم: ١٣١٣

Ажойиб машҳад. Умр бўйи қийинчиликда яшаган киши жаннатга атиги бир марта бош суқиб, ҳамма қийинчиликни унутса-я. У қандай киши бўлиши мумкин? Келинглар, ўзимизча уларнинг ҳар иккисини тасаввур қилиб кўрайлик.

Дунё алғов-далғов бўлиб ётган нотинч маҳалда фақир киши ўғил кўради. Оилада яна бир нонхўр кўпаяди. Қувонч қайғу билан бирга йигит уйига кириб келади. Очарчилик илдиз отган. Қаллоблик авж олган. Қуш билан инсон ушоқни талашадиган замон. Бир сўм топиш учун ўнта ёлғон ишлатиш керак. Ўша ёлғоннинг чинлигини исботлаш учун яна юзта

ёлғон түқиши керак. Бола шу мудхиши даврда дунёга келади. Ота эса охиратга йўл олади. Нимжон етим камқон, камсут она билан қолади. Болаликда болалардай ўйнолмайди. Қўл-оёғи ишга яраган кундан бошлаб меҳнат қиласи. Пешонасига факирлик ёзилган экан, топгани кунига етмай ўтди. Умринг тез ўтишини қаранг, бир кун тўқ, икки кун оч ҳолда етмиш ёшга етиб қолибди. Вафот этганда уйида кафанлик топилмади. Яхшилардан бири дарҳол ҳамма ҳаражатларни кўтарди.

"Марҳум қандай киши эди?" деди маҳалла оқсоқоли. Ҳамма бор овози билан: "солих киши эди", дейди. Ҳақиқатда у солих, мўмин-қобил, яхши инсон эди. Умрида намозини канда қилмади, бироннинг молига, нонига кўз олайтируди. Кўчадаги хотин-қизга қарамади. Рамазон келса, рўза тутди, битта ноннинг ярмини садақа қилди. Ҳаж, умра орзусида ўтди. Дилида эса доим "пулим бўлса, фақирни шод қилардим" деган ният. Лекин қўли ортиқча пул кўрмади. Шу киши жаннатга бир бор кириб чиққач, дунёдаги ҳамма қийинчиликни унутар экан. Эслашга ҳаракат қилиб, эслолмас экан.

Иккинчи киши қасрда туғилиб, қасрда яшайди. Туғилган заҳоти банкда унинг номига ҳисоб рақами очилади. Тўйиб эмади, тўйиб ейди. Қийинчилик нималигини билмай фориғул-бол яшайди. Ошиғи олчи, дўпписи яримта, итининг туваги тиллодан. Ҳаёти ўйин-кулгу, майшатдан иборат. Истаги – муҳайё. Ҳаш-паш дегунча бой бола бой отага айланиб, етмишни уриб қўяди. Лекин дин, иймон ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган.

Дунёда билган бор-йўқ илми – дунё, топгани – дунё. Кўз қувончиғи, суюнган тоғи фақат – дунё. Ҳозир ўша дунё ундан юз ўгирияпти. Қасрдан қабрга кўчяпти. У ёққа олиб кетадиган ҳеч вақо йўқ. На иймон бор, на эҳсон, на намоз... Қоп-қоп зулм, арава-арава ёлғон билан охиратга йўл оляяпти...

Чол устидаги қимматбаҳо либосни ечиб, кафанлашди.

"Мархұм қандай одам әди?" дейди оқсоқол одатта биноан. Битта-яримта киши паст овозда "яхши киши әди" дейди. Қолғанлар жим. Ҳатто сайроқи қушлар ҳам бугун бир кор ҳол бўлишини олдиндан сезгандек, қабристонни тарк этган.

Шу киши ҳамма қатори охирги манзилига ёлғиз ўзи етиб келади. Шунда "бир бор дўзахга ботириб олинглар" дейилади. Дўзахни зиёрат қилган қария 70 йил кечган totli онларни, айш-ишрат, миллион, миллиардни бир лаҳзада унутади.

- Умрингда ҳеч яхшилик кўрганмисан? – дейди Аллоҳ.
- Йўқ, кўрган эмасман, – деб қасам ичади.



Аё ғамгин, аё маҳзун, ғам ема, яхши-ёмон кунларнинг ҳаммаси бир куни унум бўлади. Зеҳнингдан ўчиб кетади. "Мухтожман" деб ўкинма, мухтожнинг ҳам тожи бор. Уни бугун бўлмаса эртага кўрасан, суюнасан. Ғаминг ариб, соғ-омон, беками-кўст яшаган чоғингда ҳам Аллоҳга мухтожлигинги унумта... Унга мухтожлик билан фахрлан.

Илоҳо, бизга дунё ва охиратда яхшилик бер. Ҳаммамизни, хусусан шу асар учун вақт ажратиб, уни ўқиб чиққанларни икки дунё саодатига етказ. Ғамларини арит, қайгуларини қурит, қувонч устига қувонч баҳи эт. Кўзларини ёшлиатма, ўзларини зориқтирма. Дилдаги эзгу истакларини рӯёбга ошир. Касалларга шифо бер, дардмандларга – оғият. Сендан ўзга илоҳни билмаймиз, борини тан олмаймиз, Сендан ўзгага илтижо қилмаймиз. Ягона мултажомиз Ўзингсан.

Бекиёс якка Зотингда, мислсиз олий сифотингда ҳеч ким Сенга тенг бўлмаганидек, саховатда ҳам ҳеч ким Сен билан тенглашолмайди. Сўрамасимииздан олдин берасан, сўрасак, қўлимизни қуруқ қайтаришдан уяласан...



Мулоҳаза: "Китобда шеърий парчалар кўпайиб кетган" деган эътиroz туғилиши табиий. Шундай эътиroz ёки "асарда байтни кўпайтирмаслик афзал" лигига доир маслаҳатга, очиғи, танқидга бошқа рисоламизда қисқа тушунтириш берилган. У рисола мухтарам ўқувчи қўлига етиб борса, фикрим билан танишар. Шунга қарамай, яна изоҳ бериб айтаманки: бу асар мавзуси ғамгин, азадор, қайғули кишиларнинг ғам-қайғусини аритишдан иборат. Байтлар эса ғамни аритишда кўмак берувчи омиллардан. Бу, биринчидан, сарваримизнинг ﷺ муаттар – хушбўй ҳаётларига разм солинса, башарият муаллими ва у зот атрофидаги улуғ саҳобаларнинг порлок ҳаёт сахифасида руҳиятни кўтарадиган, кишига куч-куват бағишловчи байтларни кўплаб топиш мумкин. Мисол тариқасида уларнинг айримидан намуна келтириб ўтсак.

Масжид қуриш асносида Набийнинг ﷺ ўзлари саҳобалар билан бирга ғишт кўтариб қуийдаги байтларни ўқирдилар:

هَذَا الْحِمَالُ لَا حِمَالٌ خَيْرٌ هَذَا أَبْرَئَنَا وَأَطْهَرَ

Ва яна ушбу байтларни ўқиганлар:

فَارْحَمْ الْأَنْصَارَ وَالْمُهَاجِرَةَ اللَّهُمَّ إِنَّ الْأَجْرَ أَجْرُ الْآخِرَةِ

Бошқа ривоятда саҳобалар қуийдаги байтларни хиргойи қилишса, жанобимиз уларга жўр бўлардилар:¹

فَاغْفِرْ لِلْأَنْصَارِ وَالْمُهَاجِرَةَ اللَّهُمَّ لَا خَيْرَ إِلَّا خَيْرُ الْآخِرَةِ

Онҳазратнинг ﷺ ғайратлари ва абётларидан таъсирланган саҳобалар янада кўтаринки руҳда ишни давом эттирадилар. Улардан бири дейди:²

لَذِكْرِ مِنَ الْعَمَلِ الْمُضَلِّلِ لَئِنْ قَدَّنَا وَالنَّبِيُّ يَعْمَلُ

¹ Ушбу байтлар Бухорий Саҳиҳида келган.

² Муборакфурийнинг Рحیق المختوم китобидан.

Хазрати Али رضي الله عنه ушбу байтларни ўқирдилар:¹

لَا يَسْتَوِي مِنْ يَعْمَرُ الْمَسَاجِدَ
يَدْأَبُ فِيهَا قَائِمًا وَقَائِدًا

Абу Бакр Сиддиқни رضي الله عنه Мадинаға келған илк кунларида қаттиқ иситма олиб, безгак тутади. Шунда ушбуларни айтар әдилар:

كُلُّ امْرٍ مُصَبِّحٌ فِي أَهْلِهِ
وَالْمَوْتُ أَدْنَى مِنْ شِرَارِكَ نَعْلِهِ

Билол Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه билан бирга тоби қочган мұхожирлардан. Касал ариб ўзларига келғанда Билол ушбу байтларни баланд овозда тараннум этардилар:²

أَلَيْتَ شِعْرِي هَلْ أَبَيْنَ لَيْلَةً
بِوَادٍ وَحَوْلِي إِذْخُرٍ وَجَلِيلٍ
وَهَلْ أَرْدَنْ يَوْمًا مِيَاهَ مَجَنَّةً
وَهَلْ يَدْوَنْ لِي شَامَةً وَطَفِيلٍ

Саҳихи Бухорийда ушбу ривоят келған:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَصْدَقُ كِلْمَةٍ فَالْمَحَاجَةُ كِلْمَةٌ لَبِيدٍ :
"اَلَا كُلُّ شَيْءٍ مَا خَلَقَ اللَّهُ بِأَطْلَلُ" وَكَادَ أَمِيَّةُ بْنُ أَبِي الصَّلَتِ أَنْ يُسْلِمَ

Хандақ қазиш чоғида саййидул башар ўзлари қавм билан бирга чуқур қазиб, тупроқ таширдилар. Баъзи ривоятларда сахобалар күтара олмаган оғир тошларни ўзлари парчалаб, ушбуларни тараннум этганлар:

عَنِ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ الْخُندَقِ وَهُوَ يُنْقَلُ التُّرَابَ حَتَّى وَارَى التُّرَابَ شَعَرَ
صَدَرَهُ وَكَانَ رَجُلًا كَثِيرًا الشَّعَرَ وَهُوَ يَرْجُزُ بَرَجَزًا عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَوَاحَةَ

¹ Махдий Ризқуллох . السيرة النبوية . اسليدا ҳар икки байтни Ибн Ҳажар да келтирған.

² Абу Бакр ва Билол қиссалари ва шеърлар "Саҳих"дан олинди.

اللَّهُمَّ لَوْلَا أَنْتَ مَا اهْتَدِيَنَا
 وَلَا تَصْدِقْنَا وَلَا صَلَّيْنَا
 فَانْزَلْنَا سَكِينَةً عَلَيْنَا
 وَبَثَتْ الْأَقْدَامَ إِنْ لَاقِيْنَا
 إِنَّ الْأَعْدَاءَ قَدْ بَغَوْا عَلَيْنَا
 إِذَا أَرَادُوا فِتْنَةً أَبْيَنَا
 (يرفع بها صوته)

Ровийлар: "Росулуллоҳ ﷺ иртижоз қилар эдилар" деган иборани ишлатишган. Иртижоз раЖаздан. Ражаз аruz шеър тизимидағи баҳрлардан бири. Яна бир маъноси: хиргойи қилмоқдир.

Пайғамбаримиз ﷺ вафотларида Фотима розияллоҳу анҳо ўқиган марсияси 161-бетда ўтди.



Шеър нафақат илҳом ҳосиласи, балки у қайғу ва қувонч ҳосиласи ҳамдир. Ёшлигимизда "Менинг икки онам бор" деган шеърни ўқиган эдик. Худди шунга ўхшаш шеърнинг ҳам икки онаси бор. Бири, илҳом, иккинчиси, ўша илҳомни қўзғатадиган қувонч ё қайғу. Қайғу туққан шеър бошқаларига нисбатан таъсирлироқ ва таъмлироқ бўлади.

Шунга кўра, ҳар замонда шеърият бўстонида бир оз нафасни ростлаб, сўнг шоҳ йўлда юришни маъқул кўрдик.

Шу билан "Қайғудош" нинг биринчи қисмига якун ясасак ҳам бўлаверади. Китобнинг ҳажми мени кўп ўйлантирган ва иккилантирган муаммолардан бири. Бир сафар "катта ҳажмли китоб ўқувчини безиллатиб қўймасмикин?", деган истиҳолага борсам, бир сафар "ҳажмига қараб ҳуркийдиганлар орамизда йўқ!" деган қатъий қарорга келаман. Шундай бўлишига қарамай "асалнинг ҳам ози ширин" дейилган принципга амал ўлароқ меъёрни сақлаб, асарни иккига бўлиб тақдим этишни маъқул кўрилди. Кўп бўлса, узр сўраймиз, озига қарздормиз.

Кейинги қисмда ғам-ғуссанинг бошқа сабаблари: шарафли ғам, ортиқча ғам, тубан ғамлар ва унинг муолажаси ҳақида сўз кетади. Иккинчи қисм "Ҳаёт ҳангомалари" деб атаганимиз қайғуни аритувчи енгил омил билан, яъни латифалар билан якун топган. Яхши кунларда янги рисола орқали учрашишни Аллоҳ насиб этсин. Амалларимизни даргоҳида қабул қиласин.

Бу дунёning кувончи кам,
Дарду ғами — зиёда,
Аммо ғамдан қочмоқнинг ҳам
Тадбири кўп дунёда.

Кимнинг дилдош бор улфати,
Дардин унга тўқади.
Ёлғизларнинг бор кулфати
Дил тубига чўқади.

Ким нажотни сокин туннинг
Уйқусидан сўрайди.
Ким ғамини никотиннинг —
Тутунига ўрайди.

Дил заҳмига малҳам топар
Ким ҳабиб, ким табибдан.
Ким қочмоқقا айлар сафар
Ғам аталган ракибдан.

Гар буларнинг йўқ имкони,
Сўнгги чора этмоқ бор.
Кулфат тўла бу дунёни
Шартта ташлаб кетмоқ бор.

Лек оламда бир дард борки,
Унга сира нажот йўқ.
Бу азобга ким дучорки,
Унга кун йўқ, ҳаёт йўқ.

Бу машаққат ичган билан
Дил тубига чўкмайди.
Уни ҳеч ким юрагидан
Ҳеч кимсага тўкмайди.

Халос этмас битта арқон,
Нуқта қўймас битта ўқ.
Чидамоққа йўқдир имкон,
Қочмоққа ҳам чора йўқ.

У жон билан кетса дилдан,
Сукут қолса юракда,
Одамзоднинг руҳи билан
Яшайберар фалакда.

Бу – шоирнинг дилин эзган
Истибоднинг дардидир.
Юракдан қон бўлиб сизган
Истеъдоднинг дардидир.

Тўлғорида бу аламнинг
Танҳо ингроқ – хониш бор.
Абадият Жаҳаннамнинг
Оташида ёниш бор.

Э. Воҳидов.



Қўлимдан келсайди

Қўлимдан келсайди, ҳамманинг бир-бир
Қайғусин аритиб, қувонч берардим.
Очиғин айтаман ичда тутмай сир,
Ғам сўзин Қомусга қамаб қўярдим.

Димиқиб ётарди китоб қаърида,
"Ҳаё", "Уят", "Номус" сўzlари каби.
Неча йилдан бери Қомус бағрида,
Ётибди-ку улар очилмай лаби.

Китобдан чиқолмай сўлди ёш "ҳаё",
Нур кўрмай у ерда кўр бўлди "уят",
"Ғам"ни ҳам шу кўйга солсалар, гўё
Беташвиш яшарди "беғам" жамият.

Кўчада ғам излаб топмасди ҳеч ким,
Бозорда, дўконда, ҳар ерда касод.
Уйда ҳар нарса бор фақат қайғу кам,
Хатто ғамдан холи корхона, завод.

Маҳкамага асло йўламас ғамгин,
Бир дона хастадил кўрмасди табиб.
Дорихона ҳамда қозихонадин,
Одамлар кетарди юзини буриб.

Чунки ғам-андух йўқ, бирор дардманд йўқ,
Мазлум даъвогар йўқ, ҳамма тўқ, тўкин.
Милтиқлар занглаған, занглағандир ўқ,
Хунхор, хунборлар йўқ, "ғам" маҳбус бу кун.

Кундуз чироқ ёқиб топмайсиз ўксик,
Қадамда дуч келар яхшилик сизга.
Тунда ёлғиз кезиб олмайсиз ҳадик,
Хеч қачон тушмайди ҳеч ким изизга.

Хамма кулар эмиш, йиғлаган йўқмиш,
Қовоғи солиқ йўқ, чеҳралар очиқ.
Йўқдир таъна, пичинг, маломат, миш-миш,
"Фами" тутқун юртда қувончлар ортиқ.

Начора, бу ишнинг йўқдир иложи,
Қувончдек қайғу ҳам керак одамга.
Йўқса талтаймасму хилқат гултожи,
Тун ҳам кундуз каби зарур оламга.

Ушбулар дилдаги орзу-истагим,
Ушалса юракда қолмасди армон.
Ушалмаса, билинг, шудир тилагим –
Бир сафда чопайлик эзгулик томон.

Мустаҳкам баҳт уйин бирга қурайлик,
Бirimiz duradgor, birimiz meymor.
Катта-кичик қувнаб, даврон сурайлик,
Birgaliqda ҳар иш топади барор.¹

Жалол, орзуларинг баланд осмонда,
Қўлласин Қодиринг, Ўзи мададкор.
Сендек ният бўлса ҳар бир инсонда,
Қолмасди жаҳонда биронта афгор.



¹ Барор – Ривож, илгарилаш.

اللهم لك الحمد ولك الشكر ولك الثناء الحسن لما وفقتني ويسرت لي إتمام هذه الرسالة .

اللهم لك الحمد بكل نعمة أنعمت علي في قديم أو سر أو علانية أو خاصة أو عامة أو شاهد أو غائب ولك الحمد بكل كلمة وبكل حرف من هذه الرسالة ومن جميع الرسائل التي أنعمت علي تأليفها وتحسينها حمدا كثيرا طيبا مباركا فيه ملء السماوات وملء الأرض وملء ما بينهما .

إلهي ما كان فيها من صواب فمنك وحدك لا شريك لك وما كان من خطاء فمني ومن الشيطان . يا من سترت الزلات غفرت السيئات اغفر لي ذنبي كله دقه وجله أوله وأخره علانيته وسره فإنه لا يغفر الذنوب إلا أنت . إلهي إنني أعلم أن لي ربا يغفر الذنوب جميما ولا يبالي .
يا رب ارحم عباداً غرهم طول إمفالك أطمعهم كثرة أفضالك وذلوا لعزك وجلالك و مدوا أكفهم لطلب نوالك ،
ولولا هدaitك لم يصلو إلى ذلك .

اللهم انفع بهذه الرسالة كاتبها وقارئها وناشرها ومن نظر إليها . اللهم اهد بها العباد وأصلاح بها البلاد فإنك جواد
كريم مجتب الدعوات ، واسع العطاء ، ذو الفضل العظيم ، حبيبي كريم . إلهي ما أكرمك وما أجودك . . .
اللهم إننا نسألك موجبات رحمتك وعزيزات مغفرتك ونسألك العنمية من كل برو والسلامة من كل إثم .
اللهم إننا نسألك الفوز بالجنة والنجاة من النار .

اللهم لا تدع لنا ذنبا إلا غفرته ولا هما إلا فرجته ولا مرض إلا شفيته ولا بلاء إلا عافيته ولا حاجة من حوائج الدنيا إلا
قضيتها

وآخر دعوانا أأن الحمد لله رب العالمين وصلى الله وسلم على نبينا محمد المبعوث رحمة للعالمين



МУНДАРИЖА

ДЕБОЧА	4
ДЕМИШ ХОН.....	20
ОҲКИМ, ҲОЛИМНИ СЎРМАС ОШНОЛАРДАН БИРИ	31
ҒАМ-ҚАЙҒУ ТУРЛАРИ.....	37
«САБАБСИЗ» СИҚИЛГАНЛАР	47
ҲАЁТДА ШУНАҚАСИЯМ БЎЛАР ЭКАН	68
БУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛИБ ТУРАДИ	73
ҲАЗИЙНИЙ МУХАММАСИ.....	79
АЙРИЛИК, ЖУДОЛИК, ЙЎҚОТИШ	81
ҚОЛМАС.....	92
СОФИНДИМ	158
КЎНГУЛ ДОҒ ЎЛДИ	159
ТОПГАНДА АЙРИЛИШ	162
ЭНГ ЁМОН АЙРИЛИҚ	174
ҒАМ ЕМА – СИҚИЛМА	175
САЁҲАТНОМА	221
МУҚИМИЙ "САЁҲАТНОМА"СИ	225
ЗАВҚИЙ "САЁҲАТНОМА"СИ	237
САЁҲАТИ ФУРҚАТ	240
КАНА ВА УНИНГ ФЕЉЛДОШЛАРИ	245
ҚАЙҒУДОШ МЕҲМОНХОНАСИ	267
ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ	269
АЙЛАНИБ.....	273
ҲОЛИНДА	275

АЙЛАНУР	277
АЗАЛ КОТИБЛАРИ ЁЗГАН	279
МИР АЛИШЕР ҚАЙҒУДОШ МЕҲМОНИ	285
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ	315
ЛАХТА ҚЎРГОШИН	318
ОЛТИ ҚИРРАЛИК ҚУББА.....	321
ЧОЛ ВА ЧУМЧУҚ	322
ИМОМ БУХОРИЙ ҚАЙҒУДОШ МЕҲМОНИ	324
ҚАЙҒУДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО	326
ТАЛБИНА	329
СУБҲИДАМ САБОҚЛАРИ	335
ҚўЛИМДАН КЕЛСАЙДИ.....	357